

ОМОН МУХТОР

АФЛОТУН



• РОМАН
• КИССАЛАР
• ХИКОЯЛАР




ТОШКЕНТ "МАЪНАВИЯТ" 1998

Омон Мухтор — ўз овозига, ўз услубига эга истеъдодли ижодкор. Хусусан, унинг кейинги йилларда яратаётган асарларида янги имкониятлар, янги йўллар ахтараётгани қувончли ҳолдир. Езувчи тасвирларда, характерлар моҳиятини очиб беришда тажрибалар қилишдан чўчимайди, жаҳон адабиётининг бой услубий анъаналарини дадиллик билан миллий материалга сингдира олади.

Ушбу китобга ижодкорнинг «Афлотун» номли янги романи билан бирга «Болаликка саёҳат», «Осмон узоқ, ер қаттиқ», «Вазифа» каби қиссалари ва айрим ҳикоялари ҳам киритилди.

Мусаввир: Баҳодир Жалолов



М 93

Мухтор, Омон.

Афлотун: Роман, қиссалар, ҳикоялар. — Т.: «Маънавият», 1998. — 192 б.

Уз2

4702620204 — 19 25 — 98
М 25(04) — 98

© «Маънавият», 1998

АФЛОТУН

(роман)

— Бу ердан шаҳарга қанча вақтда етиб бориш мумкин?! — деб сўради Суқротдан бир йўловчи.

— Кетавер, — деди Суқрот.

— Мен йўлни сўраяпман!

— Сен қандай юришингни кўрмасдан, буни айтиш қийин, — деди Суқрот.

(Эски нақл)

АРАФА

(Суқрот)

• (Муқаддима ўрнида)

Милоддан олдинги 399 йил. Зиндон.

СУҚРОТ. Сен товуклар қўндоқдан тушмай, нима қилиб юрибсан, Критон?! Ёки вақт эрта эмасми?!

КРИТОН. Жуда эрта.

СУҚРОТ. Ҳозир қайси палла?!

КРИТОН. Қун энди ёришяпти.

СУҚРОТ. Бу, қўриқчи сени қандай ичкарига қўйганига тушунмаяпман.

КРИТОН. У мени яхши билади, Суқрот, чунки мен бу ерга бот-бот келиб тураман. Бунинг устига, мен уни ҳар ҳолда, рози ҳам қилдим.

СУҚРОТ. Сен янги келдингми ёки анча бўлдимиз?

КРИТОН. Анча бўлди.

СУҚРОТ. Менинг ёнимда хаёл суриб ўтирмай, нега мени дарҳол уйғотмадинг?!

КРИТОН. Тангрининг ўзи асрасин, Суқрот! Мен ўзим, бутун бахтиқаролик етмагандек, сенга уйқудан ҳам қолишни раво кўрмайман. Ана, келиб, сенинг ширин ухлаётганингни кўриб, ажабланиб, майли, ором олсин, деган ўй билан, атайин сени уйғотмай турган эдим. Албатта, мен олдин ҳам, йиллар давомида, сенинг хатти-

ҳаракатингга қараб, ажабланганман; лекин бу кун, бошга кулфат тушганида, сенинг босиқ, сабр-қаноатли ҳолатингни кузатиб, ҳар қачонгидан минг чандон ажабланмоқдаман.

СУҚРОТ (у 71 ёшда эди). Менинг ёшимда, ўлар эканман, деб тоқатсизланиб-типирчилаш ахир, кулгили, ярашмайди, Критон. Буни қоли бало, дейдилар. Чидайсан.

КРИТОН. Бундай пайт, қари бўлса ҳамки, умри поёнига етганлигини унутиб, тақдирга тан бермай, ўзини йўқотиб қўядиган, типирчилайдиган одам дунёда оз эмас, Суқрот! Сен уларга ўхшамайсан.

СУҚРОТ. Буниси тўғри. Хўш, сен каллаи саҳарлаб нега келдинг?!

КРИТОН. Мен нохуш хабар олиб келдим, Суқрот. Қўриб турибманки, шахсан сен учун эмас, кўпроқ биз, мен ва мендек барча сенинг яқинларинг учун нохуш, оғир, чидаб бўлмайдиган даражада кўнгилсиз бир хабар билан келдим.

СУҚРОТ. У нима хабар экан?! Делосдан қайтиб келганидан кейин мен ўлишим муқаррар бўлган кема етиб келдимиз?! (Муқаддас бу кема келмагунича, Афинада қатл маросимлари тўхтатилган эди. Суқрот ўз ўлимини 30 кундан буён кутмоқда эди).

КРИТОН. Кема-ку, ҳали келгани йўқ, лекин йўлда, Сунияда кемадан тушиб қолган кишиларнинг шаҳодат беришларича ва менинг тахминим бўйича, бугун келиши керак. Нима қилганда ҳам, бугун кема келадиган бўляпти ва сен, Суқрот, эртага ҳаёт билан видолашишинг мумкин.

СУҚРОТ. Тангрининг ҳукми ҳукм, Критон. Унинг даргоҳи кенг! Фақат, мен кема бугун албатта келади, деб ўйламайман.

КРИТОН. Сен буни қаёқдан биласан?

СУҚРОТ. Мен сенга айтаман. Демак, кема келган куннинг эртаси мени қатл этишади.

КРИТОН. Бунга масъул кишиларнинг айтишларига қараганда, ҳарқалай, шунга қарор қилинган.

СУҚРОТ. Лекин менинг ўйлашимча, бугун эмас, кема эртага келади. Мен буни бежиз айтмаяпман. Сен мени умуман, дарров уйғотмаганинг яхши бўлди, зероки, ўзим уйғонишимдан жилла бурун туш кўраётган эдим.

КРИТОН. Қандай туш экан?!

СУҚРОТ. Тушимда оқ кийган ниҳоятда кўркем,

улуғвор бир аёл менинг ёнимга келди. У менга, Суқрот, учинчи кун сенинг жанозанг ўқилади, деди.

КРИТОН. Қизиқ туш кўрибсан, Суқрот!

СУҚРОТ. Ҳаммаси худди ўнгдагидек, Критон.

КРИТОН. Шуниси даҳшат. Лекин мен, суюкли Суқрот, келишдан мақсадим бошқа. Сен менинг сўзимга кир, озод бўлишдан бўйин бурма. Ахир, сен ўлимга юз тутсанг, мен шўриш, маломатларга қолишимни ўйла! Ҳеч қачон, ҳеч қандай қиёси топилмайдиган яқин дўстимни йўқотиб қўйишим — бир томон; бизнинг муносабатимизни яхши билмаган кўп кишилар наздида, мен қўлидан келган ҳолда, гўёки сени қутқармаган, ҳатто ўз нақдинасини бу йўлда сарфлашни истамаган бир шахс бўлиб чиқаман. Бизни, дўстларига нисбатан пулни ортиқ кўради, деб айблаб, таъна тоши отишларидан ёмон нима бор?! Ахир, кўпчилик бизнинг уринишларимизга қарамай, сен ўзинг бу ердан қимир этмаганинга ишонмайди.

СУҚРОТ. Кўпчиликнинг гапига қараб, ташвишланиш шарт эканми, азизим Критон?! Биз ҳисоблашадиган фикрли, заковатли одамлар ҳам борки, улар бўлган воқеани бўлган ҳолатида тушуниб олаверадилар...

* * *

Критон шу кун, Афинани тарк этишига ёрдам беришини айтиб, Суқротга илтижолар қилди.

Аммо Суқрот, сенинг ҳақиқатинг менинг ҳақиқатимдан кучлироқ эканлигини исботла, кейин, майли, деди.

Критон исботлай олмади.

У Суқротнинг ҳамюрти — Алопекадан; унинг ҳам ёши 70 га бориб қолган эди. Лекин бу одам, дўстликдан ташқари, Суқротнинг мурид-мухлиси ва шогирдларидан бири эди.

Критон, Суқротнинг иши Афина судида кўрилаётганида, ўғли Критобул, дўст-биродарлари Афлотун ва Аполлодор билан биргаликда жарима тўлашга бел боғлаган эди. Суқротни қатл этишлари аниқ бўлгач, мана, энди уни Афинадан узоқроқ бир ерга қочириш пайига тушган эди!

Питфалик фожей шепарлар ёзадиган ёш шоир Мелет (унинг отаси ҳам шоир, Мелет эди!) Суқротнинг устидан судга арз қилади ва бу файласуфнинг осийлигига кафилман, деб қасам ичади. Афина марказидаги майдонда жойлашган Халқ мажлиси биносида ўтган судда боёнлардан, тери ошлайдиган устахоналар хўжайини Анит

ва нотиқ Ликон ҳам Мелетга қўшилиб, қораловчи бўлишади... Олдинлар ҳам Суқротни айблаган, унга ғайрлик-ғараз билан қараганлар учраб турарди! Суқрот ер остидаги нарсалар-у, коинот жумбоқлари билан шуғулланиб (жодугарлик ва мунажжимлик қилиб) ер ва осмон ишларига аралашади, деган фикр ҳукм суларди. (Аслида, Суқрот табиёт фалсафаси ва коинотшуносликдан анча илгарилаб кетган эди!) Бу гаплар бекордан чиққан эмасди. Худо Суқротга туш таъбири, ғайбдан хабар (ички бир овоз), Еру Осмон ҳикматини берган. (Суқротни инсон кимлиги ва унинг тафаккури қизиқтирар эди, холос!) Ҳозирги қораловчи (Анит, Мелет ва Ликон)лар эса Суқротга бундай айб қўйишади:

а) бошқаларга ўхшамаган ўз қараишлари билан ёшлар, уларнинг тарбияси, фикрини бузмақда; ва б) ҳамма (бутун Афина, балки Юнонистон) сифинган худолардан юз буриб, янги илоҳа изламоқда, худосизлик қилмоқда.

Қораловчилар асосан, Суқротни давлат, дин, оила ҳаёти борасидаги муқим эътиқодларнинг душмани, деб билишар эди.

Исботланган, аниқ айбнинг ўзи йўқ эди.

Суд жараёнида Суқрот уч қатла сўз олган эди.

У айтган эди:

«ёшлар фикрини мен эмас, балки сизлар бузаётгандирсизлар?! Бунини билиб бўладими?!»

У яна айтган эди:

«мен илоҳа излаётган бўлсам, худосизлик қилган бўлманми?!»

Яна бундай:

«сизлар менга эмас, ўз-ўзларингга зиён етказмоқдасизлар. Менга Мелетдан ҳам, Анитдан ҳам зиён тегмайди, улар бунга қодир эмас. Чунки дунёда ёмоннинг яхшига зиён етказа олишига мен ҳеч қачон ишонмайман!»

Судда овоз бериш ҳуқуқига эга 501 киши қатнашган, булардан 220 киши Суқротни ғимоя қилган, 281 киши (оломон — оломон экан-да! Анитнинг ўз одамлари, тарафдорлари кўплиги қораловчиларга қўл келиб) Суқротга қарши овоз берган эди. Мелет ўлим жазосини таклиф этган; Суқрот энди ўлим шаклини (ўзи-ўзига қандай ўлимни маъқул кўришини) танлаши керак эди. (Суддан кейин Аполлодор: *«Менга сенинг ҳақ бўлатуриб, ўлимга бораётганинг айниқса, алам қилмоқда, Суқрот!»* — деган эди. Бунга жавобан, Суқрот: *«Мен ноҳақ*

бўлиб, ўлдирилсам яхшироқмиди?! — деб кулимсираган эди. У яна: «Мен шусиз ҳам бир оёғи гўрда турган одамман; ўлим менга жазо бўлолмайди!» — деган эди).

Критоннинг маслаҳатига кириб, Суқрот Афина (Юнонистон)дан чиқиб кетиши мумкин эди! Агар жазм этса (ўзи-ўзини бадарға қилса), бу йўлда (шухратли, обрўли одам эканлигидан) ҳеч кимнинг унга халал бергани қурби ҳам етмас эди! Яшаб юраверарди! Лекин Суқрот буни ўзига муносиб кўрмаган эди.

1. Файласуфлар Анаксагор ва Протагор, адиблар Софокл ва Еврипид, ҳайкалтарош Фидий, меъмор Каллистрат, ҳаким Гиппократлар Суқротнинг сафдошлари эди. Унинг умри шу даврада ўтган эди! Унга мамлакатдан қочиш — ўзини айбдор деб билиш, чекиниш, ўз эътиқодига хиёнат қилиш бўлиб туюлар эди.

2. Суқрот Критон ҳамда Эскин (деган нотик) билан болаликдан қадрдон эди. (Кейинчалик шулар иккиси унинг жасадини ҳам қабрга қўйишган эди!) Булар билан у гимназияда бирга ўқиган, ҳарбий хизматни бирга ўтаган эди. Ўша ўқиш, аскарлик пайтларида Суқрот Ватанга, халққа садоқат, қонунга итоаткорлик руҳини қони-жонига сингдирган эди. Фуқаро қонунга рия қилиши шарт, деб биларди. (У ҳатто, судда: «Менинг болаларим ҳам қонунни бузмасликлари керак!» — деган эди).

3. Суқрот ўз Ватанидан бошқа жойда яшашини тасаввур ҳам қилолмас эди. У ўз уйи, оиласи (хотини Ксантиппа ва уч ўғли), дўстлари, шогирдларига қаттиқ кўнгил боғлаган эди.

4. Умуман, Суқрот ҳар қандай ҳолатда сабр-бардошли (қаноатли) киши эди. (У: «Ҳузур-ҳаловатнинг қули бўлиб қолган киши танасини ҳам, руҳиятини ҳам мажруҳ қилиб қўяди!» — деган эди. Яна бундай деган эди: «Оз нарсага қаноат қилган одам донишманддир. Негаки, бу қаноат унинг маънавий бой эканлигини кўрсатади!») Шундай киши бўлганидан, Суқрот қисматдан қочиб қутулолмайсан, деб ўз умрида бошга тушганини кўз кўришига ўрганган, буни ақидага айлантириб юборган эди...

Мана, Суқрот 30 кундан буён зиндонда ётиб, Делосдан кема келишини — ўз ўлимини кутаётган эди.

Сукротнинг (фақат Критон ва Эскин эмас) дустлари, шогирдлари кўп, Ксенофонт, Симмий, Кебет, Антифон, Никострат, Парал (ва бошқалар) шулар жумласидан эди.

Афлотун ҳам Сукротнинг шогирди эди.

Бу аслида, икки хил одам, икки олам!

Сукрот камбағал оилада (Софроникс исмли оддий тош йўнувчи хонадониди) дунёга келган. У (оз-моз мактаб кўргани-ю, фуқаролик бурчини бажариб, уч марта ҳарбий юришларда қатнашганини айтмаганда) чуқур билим эгалламаган, тирикчиликни ўтказиш учун аниқ бир касб-корга ҳам ўрганмаган эди. Унинг бунга имкони бўлмаган! Сукротнинг афти-ангорида ҳам, юриш-туришида ҳам салобат-улуғворликдан нишон йўқ эди. У — тепакал, миқти, пешонаси дўнг, бурни катта, лаблари дўрдоқ, кўзлари кесак терган — анчайин бадбашара ва бесўнақай киши. (Шу боисдан, Сукрот: *«Гўзаллик — ҳукмронлиги тез ўтиб кетадиган қироличадир!»* — деган бўлса керак.) У кўча-майдонда, бозорларда қишин-ёзин ялангоёқ, кифтига ташлаб олган матога ўраниб, турқи-тароватидан қулларни эслатган алфозда юрар эди. (*«Кийинишда олифталikka бормай, нафис юришга ҳаракат қилинг. Камтарлик — кўрк, исрофгарчилик эса ўзига бино қўйиш белгисидир!»*)

Афлотун аксинча (зодагон Аристоннинг ўғли) тўқтўкин оилада туғилиб ўсган. (Унинг аجدодларидан бир томири шоҳ Кодрга, иккинчи томири машҳур қонунчи Солонга бориб тақалар эди.) Ёши йигирмага яқинлашганида, у ўз давридаги ҳар жиҳатдан баркамол инсонга айланади. От чоптириш, беллашувда тенгдошларидан ҳеч ким унга бас келолмайди. Кураш мусобақаларида биринчи ўринни эгаллаганди. Хушқомат, кўкси қалқон, елкалари кенг эди (унинг асл исми Аристокл бўлиб, кейинчалик кенглик — платос деган маънода Платон, Афлотун номини олган). У — шоир (эпик, лирик, драматик), мусиқачи ва мусаввир эди. Фалсафа уни ҳаммадан кўп қизиқтирарди. Гераклит ва Пифагор, Парменид ва Демокрит таълимотларини биларди.

Афлотун шогирд тутинганида, Сукротнинг ёши олтимишдан ошган эди. У бир пайтлар Аспазия деган қизни яхши кўрган; лекин бу қизнинг муҳаббатига эришолмаган. Мирто деган қизга уйланади; бир гал сафардан

(ҳали сафарларда юрадиган пайти эди) қайтганида, хотини сувга ғарқ бўлгани устидан чиқади. Кейинги хотини (Қсантиппага кечроқ уйланган) ундан ёши кичик; бу аёлдан туғилган икки ўғли ҳам нисбатан ёш эди. Суқрот қашшоқ яшаган ва ҳамон қашшоқ ҳаёт кечирмоқда. Унинг асосий машғулоти кўча-кўйда одамларга савол бериб, жавоб олиш (ёки уларнинг саволларига жавоб бериш), одамлар билан суҳбатлашишдан иборат эди. («Ўзини доно деб билган айрим кимсаларнинг жоҳил ва нодон эканликларини фош этганим учун — одамлар мен билан мусоҳабани соғинадилар».) Одамлар орасида гарчи «энг ақлли, энг доно киши» деб ном олган бўлса-да, у ўзини фавқулодда ақл эгаси, деб билмас, мен барча нарсадан хабардорман, деб даъво ҳам қилмасди! Аксинча, ҳатто: «Менинг донишмандлигим менда ҳеч қандай доноликнинг йўқлигидир!» — дер эди. (Лекин Суқротнинг суҳбатида бўлганлар кўпинча: «У мени сеҳрлаб, шундай кўйга солдики, минбаъд то ҳозир яшаганимдек аҳволда яшай олмаслигимни ҳис этдим!» — дейишарди). Унинг учун суҳбат (баҳс) нинг ўзи муҳим эди! («Худонинг Ўзи мени шу ҳолатимда яратиб, куни бўйи, тинмай, ҳар жойда сизлардан ҳар бирингизни ғафлатдан уйғотиш, дунёдан воқиф этиш, тергаш ва покликка чорлаш учун — бу шаҳарга юборган!») Суқрот — ундан-да олдинроқ ўтган Шарқ файласуфи Конфуций (ёки номи эскидан келган ўзимизнинг Хўжа Насриддинни эслайсизми!) сингари — ОЛАМ ва ОДАМ ҳақида ўйламай ЯШОЛМАЙДИГАН халқнинг содда бир вакили эди! У одамларга баъзан тагдор саволлар ташлаб, киноя, кулги билан сўзлаб, уларни саросимага солса ҳамки, асосан, мулойим, хушфёъл, дарвешсифат, ҳар бир сўзи самимий, кўнгли очиқ, камтарин инсон эди! Суқрот (яна Конфуций сингари) бирон асар (китоб) ёзмаган. У, инсон хотираси ҳар қандай ёзувдан кам эмас, деб тушунар эди.

Бутун Юнонистонда ҳаёт таълимоти бўйича мактаби, файласуфлигидан кўпроқ ҒАРОЙИБ ИНСОН эканлиги билан шуҳрат қозонган Суқрот ёш Афлотуннинг ҳаётига сел бўлиб киради; унинг осмонида юлдуз бўлиб порлайди! Ҳаётга (дарёлар шовуллашидан қушлар сайроғига-ча) қаттиқ меҳр қўйган ва ҳаётдан доим баҳрамандлик туйган, жисман ва руҳан кучли, ўз қиладиган ишини аниқ билган-режали («Ишни яхши бошласанг, ярмини бажардим, деявер!»; «Арзимаган ва бефойда нарсаларга керагидан ортиқ вақт сарфлаш нодонлик!»), келиш-

ган-кибор Афлотун, ўзига ҳеч жиҳатдан ўхшамаган Суқротга мангу банди-асир бўлиб қолади! Суқротни учратиб, Афлотунга шу пайтгача ҳаёти, бор илми, машғулотини йўққа чиққандек туюлган эди... Суқрот ҳам шогирдлари ичида Афлотун алоҳида ўрин тутилини сезади! Афлотунни учратишдан олдин у туш кўрган; тушида гўзал бир оққуш унинг кўксига келиб қўнган, сўнг ажиб нафма билан юксак фазоларга парвоз этган эди. Ва Афлотун рўпара келганида, Суқрот: «Мана, менинг оққушим!» — деб нидо қилган эди...

* * *

Суқротнинг паймонаси тўлганида, Афлотуннинг унга шогирд тутинганига тахминан саккиз йилча бўлган эди.

Бошқа шогирдлар қатори Афлотун ҳам оғир кунда пири-устозига ёрдам қўлини чўзишга уринди. Бироқ...

Афлотун суд жараёнида қатнашиб, Суқротни ҳимоя қиладиган нутқлар сўзлагани йўқ! Айниқса...

Суқрот (ниҳоят, Делосдан кема келиб, зиндонда ётган Суқрот) шогирдлари даврасида ўзига жазо танлаб заҳар ютганида, — шу сўнгги нафасда Афлотун хайрлашиш учун унинг ёнига ҳам бормади! Уйда «касал» бўлиб, ётиб олди.

Бу етмагандек...

Уша кунлари —

Суқротнинг кўксидан учган оққуш Афинадан аллақаяёқларга чиқиб кетди.

Уни олдинда катта бир ҳаёт йўли кутмоқда эди!

ОДАМЛАР ВА СОЯЛАР

(Рухсора)

(Биринчи қисм)

1

Усмон Рухсорани кўрмаганига кўп бўлди.

Минг йил...

Ҳар куни хаёлида шу ашула:

Бугун келасизми, ё

Кутайинми эртага?!

Индингами?! Ундан сўнг?!

*Бу ҳафта келмайсизми?!
Келмайсизми ўн беш кун?!
Бир ойма?! Ундан кўпроқ?!*

Баъзан эса бундай:

*Юрагимни бир ўт тафталаб,
Мен унгами, ўзимни тутдим?!
Сизни интиқ кутдим. Ҳафталаб.
Ойлаб кутдим.
Йилма-йил кутдим.*

Яна баъзан бундай:

*Сиз — ҳам мағрур, ҳам эркин, —
Аммо ажиб ҳаёли.
Ҳар қадамда юз эркин,
Лекин ўйиндан холи.*

*Менинг умримда мангу —
Энди қолган шу ҳолат.
Олис йўлларнинг чанги —
Наҳот бўлса, адолат?!*

У Рухсорани қаттиқ соғинган! —
кўргиси келмоқда эди.

* * *

Ахийри, Рухсорани кўргани
Усмон ўзи йўлга чиққан эди.

*(Чу, тулпорим, ёллари олтин,
• Чу, қайдасан, бахтли манзилим?!)*

Бу одамлар йўлда унга келиб қўшилишдими ёки буларга у қўшилиб олдимиз?! — яхши тушунолмади. Афтидан, ҳозир бунинг аҳамияти йўқ эди.

Отлиқлар, туя минганлар, ҳатто ҳачир минганлар бор. Пиёдалар кўпроқ. Аҳён-аҳён битта-яримта арава ҳам учрар эди. Усмонга ўхшаб, барча кўтарилаётган тонгги қуёшга қараб секин судралиб боришар эди. Бутун бир карвон!

Чексиз саҳрода қум тепалардаги саксовул, юлғун, юзган, ковгар, ялпи қизариб ётган тикан буталарини оралаганча, одамлар сувсираб, ҳол-мадори қуриб, қудуқ томон вазмин сурилишмоқда эди.

Усмон хаёлга ботган (хаёлида Рухсора!) Лекин у ҳам чанқаб, оғзидан нафас ўрнида олов чиқмоқда эди.

(Улар сув ташвишини қилиб, кейин яна ўз йўлидан кетишни мўлжаллаганми?! — шунга ўхшар эди! Хўп, воқеанинг давомини эшитинг.)

Ниҳоят...

қудуқ бошига

етиб келишди.

Бир тўп киши энгашиб, қудуқ ичига қарашди.

Усмон ҳам қаради.

Баъзан қудуқлар ичида ой бўлади, деб эшитган эди.

Бу қудуқнинг ҳам тубида нимадир ялтирарди!

Бироқ одамларга ой эмас, сув керак эди!

Пастга челақ туширишди. Челақ тарақлаб, қуруқ чиқди.

Яна туширишди. Яна, қуруқ!

Паришонланиб, одам тушириб кўришга қарор қилишди.

Бир одамни белидан арқон боғлаб, узатишди.

Қудуқдан бу одамнинг жасади чиқди. Унинг боши кесилган эди!

Иккинчи одамнинг белига арқон боғлашди.

Бунинг ҳам жасади чиқди. Қиличми, ханжар билан тилкалаб ташланган эди!

Учинчи одам журъатланиб, тушди.

Яна жасад. Бунисининг кўксида қўрғошин!

Энди қудуққа тушгани ҳеч кимнинг юраги дов бермай қўйди.

Усмон, одамларга сув олиб чиқсам, уларни шу балоқазодан қутқарсам, ўшанда албатта, мурод-мақсадимга етаман, менга Рухсорани кўриш насиб этади, деб ўйлади. Бунга ўзича ишонди.

— Мен тушаман, — деди одамларга Усмон. — Аммо мени оёғим билан эмас, бошим билан туширинглар!

— Нега бош билан?! — сўрашди одамлар.

— Бошим билан шўнғимоқчиман! — деди Усмон ҳазиллашиб. Кейин, тушунтирди. — Бош билан тушмаса, оёқ остини кўриб бўлмайди. Мен бошни ишлатмоқчиман!

Усмоннинг белига одамлар арқон боғлаб, уни тушира бошлашди.

У энг аввал, қудуқнинг тепадан туюлганидан кўра анча чуқур эканлигини сизди. Қарасанг, кўзинг тинади. Тубсиз ўпқон! Тушиш, тушавериш керак. Қизиқ жойи, етти қулоч арқон ҳам чўзилиб, етмиш қулочли бўлиб қолгандек.

Шундан сўнг:

қудуқ деворларидан негадир овоз чиқиб, унга таниш, қачонлардир ўқиб-унутиб юборган бир шеър унинг қулоқларида акс садо бера бошлади.

*Кунлар худди жанубга тўп-тўп
Учган қушлар! Кетдилар ўтиб...*

Усмон ажабланиб, яна бироз пастга тушган эди, туб-тубданми, аллақадан ҳазин қироат товуши эшитила бошлади:

*Аъзу биллаҳи минаш-шайтонир рожийм,
Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.
Алҳамду лиллаҳи Роббил олабийн
Ар-роҳманир роҳийм
Молики явмиддин...*

У лаҳза ичида болалик пайти Бухорода отаси етаклаб борган —

*гоҳ Қулижон рехтагар,
гоҳ Остон мисгар,
гоҳ Қори Абдурахим —*

уйида тўпланган ажиб давраларни эслади.
Бу давраларда бухоролик уламолар

*Маснавийхон,
Сулаймон хўжа,
Тўрон махсум,
Ғуломжон мутавалли,
Мулло Шокир,
Қори Исмат,
Қори Ҳомид,
Қори Қўзойнак —*

илму ҳунар эгалари:

*Сафо хўжа,
Усто Амин,
Усто Очил,
Рўзи бобо,
Шакар бобо —*

қатнашиб, шомдан то саҳар суҳбат қуришар,
қироатхонлик қилишар эди.

Усмон худди шу лаҳза ичида сергакланиб,
эътибор берди:

юқоридан оймикан, деб ўйлаган, қудуқ тубида ял-
тираб ётган — гул солинган каттакон
мис лаган экан!

Усмонлар уйида бир пайтлар шундай лаганлар бўлар
эди.

Унинг отасини, таниган-билганлар баъзан Саидхўжа,
Саиджон мисгар, лекин кўпинча Ака Саид, дейишар эди.

Усмон мана, энди пайқади:

лаган атрофида барваста, кўзлари катта-катта бир
неча киши қўр тўкиб ўтиришар эди!

Усмон яна уч-тўрт газ пастга тушгач, хаёлида Бухо-
родаги давра ҳали жонланиб турганидан, —

қудуқ тубида ўтирганларга мўмин тикилганича:

— Ассалому алайкум, қадрдонлар! — деди овози дў-
риллаб.

Мис лаганни қуршаганлар саломга алик олишди. Ке-
йин:

— Сен бу ёққа нега бош билан тушдинг?! — деб қи-
зиқсинишди.

Усмон ўзини йўқотмади. Дарҳол гап топиб берди:

— Оёқ билан тушсам, сизларга нисбатан одобсиз-
лик бўлар эди!

Унинг жавоби афтидан, қудуқдагиларга маъқул кел-
ди. Улар арқонни бўшатиб, уни лаган устига ўтқазишди.

Шу пайт ўтирганлардан бири, бехосдан қўлида кў-
ринган — сувми, шарбатми, шаробми?! — лим-лим ко-
сани Усмонга узатди:

— Ич!

Усмоннинг ҳамон ичи ёнаётган эди.

Бироқ у бошини чайқади:

— Мендан кўра... тепада болалар бор. Кексалар!
Ҳаққим йўқ.

— Бу одамлар барчаси ташналик азобини чекишга
маҳкум! Қанча дарёлар, денгизларни қуритганлар. Пар-
рандаю даррандаларни қирганлар. Ер юзи хароб, тубан...
Сен уларга ачинма!

— Сизлар шунинг учун тушганларни ўлдирдинглар-
ми?!

— Улар ўзларини ўзлари ҳалок қилдилар!
Орага вазмин сукунат чўкди.

Усмон шу палла

қизиқ бир ҳолатни туйди.

Қарвондагилар катта-кичик, ҳамма унга — худди ўзига ўхшаш туюлди! Тўғрироғи, назарида бутун бир қарвон эмас, яланг саҳрода бўлган — ЁЛҒИЗ у эди! Яна, тўғрироғи, унинг ШАХСАН ЎЗИ гўёки — ҳам тепада, ҳам пастда! — ИККИга бўлинган эди. Икки жойда тургандек эди.

Ҳозир қачонлардир отасидан эшитган бир воқеа Усмоннинг ёдига тушди. Ёдига тушди, деб ҳам бўлмайди! Қандай рўй берган бўлса — шундай, рўй бераётган ҳолатда — Усмоннинг кўзлари ўнгида жонланди.

* * *

...Хона энсиз эди. Тўққиз болорли, лекин долон — йўлакни эслатар эди.

Ака Саид остона ҳатлагани заҳоти, пойгакда ўтирган икки йигит дик этиб ўринларидан туриб, уни қўлтигидан тутишди. Ўртароқда ўтирмоқчи эди, қўймай юқорига бошлашди.

У дераза ёнидан жой олиб, фотиҳага қўл очди. Юзига қўл тортгач, хонада ўтирганлар билан сўрашмоқчи бўлиб, у ён-бу ёнга қаради. Сўнг, рўпарасига тикилганича, қотиб қолди.

Бошқалар ҳам нафас ютиб, шу томонга юз буришгандек эди.

Аввалига, Ака Саид, орқа деворда ойна бор эканми, деб ўйлади. Бироқ деворга чўгдек гилам осилган; гилам пастида — у томонда ҳам, — меҳмонга, ошга келганлар тизилиб ўтиришар эди!

Ҳеч қандай ойна йўқ эди!

Ака Саиднинг нақ рўпарасида эса, унга ўхшаш бир одам!!!

Одамга одам ўхшайди, албатта.

Аммо рўпарадаги киши ойнадаги аксдан фарқ қилмас эди!

Ака Саид сингари (унинг ҳам) соқоли оппоқ, икки юзи қип-қизил, кўзларида қорадан кўпроқ мовий бир ўт чақнар, қошлари қуюқ, ёши тўқсон атрофида, лекин елкаларини тик тутиб ўтирар эди!

Афти-ангоридан ташқари, рўпарадаги киши ҳам — йўл-йўл одми яқтак кийган, бошига рангсиз фўта ўраган эди!

Бир сўз билан, Ака Саиднинг рўпарасига —

Иккинчи Ака Саид ундан олдинроқ
келиб ўтиргандек эди.

(Одамга одам ўхшайди. Бу даражада бўлмаса ҳамки, даврадами, куча-кўйдами, масалан, бозор ёки ҳаммомдами, баъзан ўзингизга монанд кишиларни учратасиз! Аммо Худо иккита бандани ҳеч қачон бир хилда яратмаган. Ҳатто эгизакларнинг ўзларига хос жиҳатлари бўлади! Фақат, Намруд, Фиръавнлар барча одамларни бирдек қиёфага солишни исташган... Бундай паллада инсон беихтиёр ноқулайлик сезади. Қисинади. Паришонланади. Ака Саид ҳам шундай ҳолатга тушган эди!)

Бир пиёла чой ичиб, бир бурда нон едими?! Хонада бўлганлар уни-ю, унга ўхшаган кишини ҳамон кузатиш-яптими?! — Ака Саид билмас эди. Қачон ош тортиб, қачон лаган (бухороча, табақ)ларни йиғиштиришди?! — бунга ҳам у аҳамият беролмади.

Меҳмонлар гурр этиб ўринларидан туришаётганида, ўзига келди.

Яна, икки йигит, қўлтиғидан тутиб, уни долон — йўлакни эслатган хонадан ташқарига чиқариб қўйишди.

Кучада Ака Саид кўзи билан

одамлар орасидан

бояғи одамни қидирди.

Лекин, ажабки,

Энди бир эмас,

бир неча киши —

унга ўхшаётгандек

эди...

* * *

— Ҳаққим йўқ! Мен барибир, одамларга ачинаман, — деди Усмон бу гал қатъий, қудуқ тубида ўтирганлардан бири узатган чинни косани қайтариб.

— Сен Рауфни изла. Шунда сув йўли очилади! — дейишди мис лаган атрофидагилар, муроса қилгандек оҳангда.

Усмон бу гапга тушунмай,

у ёқ-бу ёққа аланглаётган эди...

қудуқнинг бир четида

очилган қопқага

кўзи тушди.

У ўрнидан туриб, индамай,

қопқадан ичкарига йўналди.

Рауф ким?! Қайси Рауф?!

Усмон нега бу одамни излаши керак?!

Қаердан, қандай излайди?!

(Ахир, у Рухсорани излаши керак эди-ку!)

Хўп, сув йўли нима учун шунда очилар экан?! Рауф-нинг қудуққа бирон дахли борми?!

Қудуқдагилардан буларни сўрамоқчи эди! — аммо ботинмадими?!

Бунинг устига...

У беихтиёр

отаси учун (демакки, ўзи учун ҳам).

азиз бир инсонни эслаган эди.

Мис логанни қуршаган барваста, кўзлари катта-катта кишиларнинг мақсадига тушунмаган бўлса-да, улар худди шу Рауфни, пир ва пешводек одамни кўзда тутишаётганини кўнглида ҳис этди. Қолганини суриштириш аини пайтда, ортиқча эди!

Ана, қопқадан ичкарига кириб, Усмон тор, узун бир кўчани кўрди.

Тўғрига қараб кетаётиб, у нечундир ўз қони-жонида Пири Зиндоний билан юзлашгани бораётган Мирзо Улуғбек сингари ҳолатни туйди! Рауф ҳақида отаси (Ака Саид)дан эшитган ҳикоятлар унинг хаёлини банд эта бошлади...

* * *

— Тур, кал, ётаверасанми, ҳаммомга қачон борасан?! Рауфнинг уйига Файзулла Хўжа кўпинча ярим кечаларда бостириб келиб, унга шундай тегишар эди.

(Катта Тўнтариш — инқилоб рўй берган, дунёнинг авра-астари ағдарилган, ҳаёт қонларга беланган эди!)

Аслида, Файзулла Хўжадан Рауф ўн ёш катта эди.

Лекин Файзулла Хўжа (кичик жуссали, тоза-озода ва хушрўйгина йигит) ёшлик йилларидан АРБОБ, РАҲ-БАР, БОШ эди. Ўзидан катта кишиларга ҳам қаттиқ-қаттиқ гашириб, тенг-тўшдек муносабатда бўлишга одатланган эди. Бундан ташқари, Рауф билан унинг қачонлардир тамал тоши қўйилган дўстлиги бузилмаганди. От тепкисини от кўтаради. Рауфга у бирдек ҳазиллашаверар эди. Умуман, Файзулла Хўжа катта-кичик дўстлари орасида Рауфни ўзича яхши кўрар эди.

Рауф — кал эмасди. Унинг тақир манглайи ялтирар,

аммо бошининг орқа томонида сочи мўл, узун, елкаларига тушиб турар эди. Ҳаммом борасида... у баъзан аҳволи қандайлигини ўйлашга ҳам эринган, бепарво, дарвешсифат киши эди. Кимдир «ҳаммом» деса, «ие, ие» деб жаҳли чиқар эди. Рауф роҳиблар киядиган ридодек чакмонга бурқаниб, белини эски бир латтами, ип биланми боғлаб юрар эди.

Файзулла Ҳўжани у ҳам яхши кўрар эди, Лекин унга йилдан-йилга оралари узоқлашиб, икки ўртада жарлик пайдо бўлгандек туюлар эди. Рауфнинг назарида, Файзулла Марк Брут қаршисидаги Юлий Цезар эди; ёшликдаги (халқ эрки, манфаати тўғрисидаги) қасамлар, интилишларга (чекинибми, ўзгарибми) хиёнат қилгандек эди. («Балки, адашган, алдангандир? Суюниб-эркаланиб юрибди-ку, келажакимиз порлоқ, деб!» — қабилидаги азобли ўйларга ҳам борарди Рауф.) У Файзуллага бу борада сўзлашнинг фойдаси йўқлиги (ва энди Катта Тўнтаришдан кейин яна бир тўнтаришнинг иложи ҳам йўқлиги)ни ҳис этиб, эзилар эди.

Рауф — замонни тебратган киши (АРБОБ, РАҲБАР, БОШ) эмас, қатордаги фуқаро! Шунга қарамасдан, Файзулла Ҳўжадан каттароқ ШАХС, Чинакам ФАЙЛАСУФ эди! Дунёда НИМАЛАР бўлгани-ю, НИМАЛАР бўлаётганини яхши билар эди!

У ўтмишми, ўзи кўриб турган замонми?! — ҲАҚҚОНИЙ баҳо беришга одатланган эди.

Маърифат бобида Рауф (ғурур ва изтироб билан) — шундай деб ёзган эди:

«Шарқ адабиётининг ҳашаматли, рангли бир тарихи бор. Бу дабдабали тарихнинг олдидан ўтганда, бу кунги Оврупо адабиёти ҳам шапкасини олиб, салом бериб ўтадир. Шунга ўзини мажбур кўрадир...»

Ениб-битаёзган чироқ энг сўнг давомда ялт этиб бирдан кўтариладир-да, ўчиб қоладир! Бизнинг тил ва адабиётимиз ҳам, Умархон даврида ялт этиб кўтарилгач, ўчиб қолди. Умархон даври адабиясидан кейин, адабиётимизнинг жанозаси ўқилғоч, тилимиз ғариб қолди...»

У айниқса, сўнгги асрда (қурбонлар-қонлар, исёнлар-бўронларга қарамай) олдингидан баттар, кундан-кунга тасқара ва энг муҳими, йўлни йўқотиб (Худо кечирсин, подага ўхшаб) ўзни ҳар ён ташлаган намойишда юрибмиз, деб ўйлар; ўзи РЎПАРА КЕЛГАН (кўриб турган) замондан кўнглида қаттиқ норозилик сезар эди! («Бундай инқилобни биз истамаган эдик!»)

Рауф ошкор

шундай деб ҳам ёзган эди:

«Шўроларни Туркистондан қувмоқ Ер юзини ўз қора қанотлари остига олғон бир алвастини йўқ этмоқ, чўчқани масжиддан ҳайдамоқ, Қуръонни ҳайвон тепкисидан қутқармоқ, демакдир!»

У ҳаётни (дарахтлар, қушлар, Ер, Осмон — Худо яратган неки бор!) севар, шу боисдан, биров (масалан, Файзулла Хўжа) билан ортиқча баҳслашмай, Файзуллага эргашиб одамлар тўп бўлиб бораётган йўлга ҳам қарамай, ШАХСАН ЎЗИНИКИ бўлган ЙЎЛДА давом этмоқда эди!

(«Отлиқ пийёдага салом бериши керак!» — деган гап ҳаётда бирон пайт амалга ошганми?! Файзулланинг уринишлари — бекор. Сенинг уринишларинг ҳам — балки, бекор... Жаҳолат кучли! Лекин сен ЯШАШга мажбурсан!)

Шунинг баробарида, Рауф

ЎЛИМдан ҳам

қўрқмас эди!

(Озодликнинг

кўнгилумдаги

битмас-туганмас

ишқи...!)

ОЗОДЛИК ИШҚИ — Рауф учун

ҲАЁТГА МУҲАББАТдан ҳам

юқори турар эди...

4

Усмон

тор, узун кўчадан катта бир кўчага,

кейин, кенг бир майдонга чиқди.

У, Ер остида турли корхоналар, тайёрагоҳлар, ҳаттоки шаҳарлар бор, деб эшитган, қаерлардадир ўқиган эди. Аммо ўзи тентираган саҳро остида бундай шаҳар-мамлакатнинг борлигини — ҳали қудуққа тушганида, — тасаввур ҳам қилмаган эди.

Шаҳар-мамлакат янги (бу сизга Бухоро эмас, кўҳна, лекин навқирон, деёлмайсиз!); биронта масжидми-мад-раса, эски обида кўзга ташланмас эди. Бинолар ҳайбатли, кўркем. Атроф ялаб қўйгандек тоза...

Бироқ ажабланарли жойи, кўринмайдиган чироқларми-қандиллар ёритиб турса ҳам шаҳар-мамлакат қоп-қора. Зулмат-зимистонга чулғаниб ётгандек! Бундан ҳам

ажабланарли жойи, кезган билан одам тугул, ит ёки мушук, дегандек тирик жон учрамайди!

Шаҳар-мамлакатда Усмоннинг илк таассуроти:

У, мен ўлмаганмиканман, деб ўйлади.

Усмон бир пайтлар шундай ҳолатни бошдан кечирган эди...

* * *

Улар тўрт киши (Усмон ва оғайнилари) қаҳвахонада суҳбатлашиб ўтиришар эди. Розик унга бехосдан тикилганича, қизиқ гап қилди:

— Мен сиз ҳақингиздаги фикримни албатта, ёзаман. Агар ҳозир улгурмасам, ўлганимда ёзиб қолдираман...

Эшмат ва Тошмат (исмларининг аҳамияти йўқ) бу гапнинг маъзини чақишмади. Эътибор беришмади. Усмоннинг ўзи ҳам, саросималаниб, муносабат билдирмади. Мақтов эшитгандек, синиқ жилмайди, холос.

Лекин орадан кунлар, ойлар ўтиб, бу воқеа унинг хотирасидан кўтарилмади. Аксинча, бот-бот эслаб, ҳар эслаганида, Розик мен ҳақда нимани ёзмоқчи экан, тавба; унинг фикри яхшими, ёмонми (ижобийми ёки салбий?!), деб ўйлаб, асабийлашар, юраги санча бошлар эди.

(Умуман, Розикнинг баъзан ичимдагини топ, қабилида сирли, мавҳум гапириш, баъзан ҳар кимга кибрланиб-заҳарли тилда баҳо бериш одати бор. Олдин ҳам бир гал, Усмоннинг бошлиғи тўғрисида гап чиққанида, у: «Тўра шаклланган аҳмоқ! Сиз шаклланмаган...» — деб бигиз санчган эди.)

Усмон этак силкиб, тупуриб, Розик бўлган даврадан ҳеч қачон туриб кетмас (кетолмас) эди. Розик билан доим ҳисоблашиши, одоб сақлаши керак. Бу — бежиз эмасди!

Розик — Замон Фарзанди, Обрўли Файласуф эди! Тўп-тўп кишилар эргашиб, унга — унинг даражасини «тушунтириб» юришар эди. У илм оламида ДАҲОга айланган эди!

Усмон ўзини бировдан кам, деб билмасди. Ўз иқтидорига ишонарди! Бундан ташқари, Розикни (ахир, бу Суқрот ёки Афлотун эмас! Форобий ҳам эмас! Боринги, Рауф ҳам эмас!) Пир, Пешво деб билиб, хушомадгўйлик қилишга ҳам бўйни ёр бермас, тоқати йўқ эди! Аммо Усмонни ҳеч ким ДАҲО билан бир ўринга қўймас эди! Шу боисдан, Усмон ўзини БОШҚАЛАРдек, ЭЛ ҚАТОРИ тутишга ҳаракат қиларди! Шунга аввалдан ўрганган эди!

Қаҳвахонадаги суҳбат, 'Розиқнинг тагдор гапини у яқинда (Рухсорани кўргани йўлга чиқишидан жилла илгари) яна эслади. Ҳозир буни, айниқса, эслайдиган ҳолат эди.

* * *

— Эй Худойим-е! Худойим! Художон!

Усмоннинг қорнига биров пичоқ суқиб, бураб-бураб олаётгандек эди.

Уни беморларни қабул қилиш хонаси йўлагидagi бир тахтага ётқизиб қўйишган. Тиббий ёрдам машинаси ҳакимлари энди касалхонадаги луқмонларга қўшилиб, нималарнидир аниқлаш, қоғоз тўлдириш билан банд.

Қорнини чангаллаб, думаланиб ётган аллақандай бемор ўладими, қолади?! — барибир! ОЛАМ ундан юз ўгирган. Ўз-ўзича ҳаёт кечираётган ОЛАМ ундан УЗОҚЛАШМОҚДА эди. Азоб — уники! Бошқа БАРЧА учун — БЕГОНА ҳолат!

— Тинчийдиган нимадир беринглар. Мусулмонлар! Ўладиган дори берсанг ҳам майли. Падарига лаънат!

Лекин афтидан, бу ерда мусулмонлар йўқ эди. Хонада кимдир чойнакни тарақлатиб, чой қуяр, кимдир совиган чойни хўриллатиб ичарди. Қолганлар ҳорғин, мудроқ товушда сўзлашишмоқда. Унга ҳеч ким жавоб ҳам қайтариб ўтирмади.

У — тирик жон. Ҳаётни яхши кўради!

Худди шу аснода, у, —

мен энди ўламан, деб ҳам ўйламоқда эди.

Аслида, бу ҳолат роппа-роса икки ойдан буён давом этмоқда эди!

Икки ой бурун эса...

эрта тонгда эшик қоқиб, совуқ хабар келди:

— Усмон! Дўстинг Маҳкам дунёдан ўтди. Пешинда чиқаришади.

Маҳкам чиндан ҳам, унинг дўсти эди. Аммо Усмоннинг бундай дўслари оз эмасди! Уларни ҳар ҳолда, бирига киндиги боғланган, деб бўлмасди! Бунинг устига, Маҳкам ундан уч-тўрт ёш кичик эди. Усмон эмас, асосан Маҳкам Усмонни қадрлаб, уни сўроқлаб, дўстлик қилиб юрар эди!

Албатта, орага ўлим тушганида, бу нарсаларни фақат шунчаки эслайсан.

У пешин бўлишини кутишга сабри етмади. Апил-тапил ювиниб-кийиниб, Маҳкамлар уйига қараб кетди.

Уша куни кутилмаган бир ишқал чиқди. Кечаси касалхонадан олиб келинган жасадни қайтиб касалхонага олиб бориш (ёришми?!) керак экан! Шу боисдан, режа бузилиб, дафн маросими кечки пайтга (аср намозига) қолдирилди.

Кун совуқ эди. Усмон кунни дарвозахонада шам қо-тиб ўтказди.

Жасадни касалхонага олиб кетишгаётганида, унинг юраги бир қалқди.

Кейин, Маҳкамни тупроққа тўпшираётганда...

Усмон — одамлар орасида яшаган одам эди. У «ту-филиш» сўзи сингари минг марталаб «ўлим» сўзига дуч келган, қанча кишиларнинг маросимларида қатнашиб, қанча янги қабрларни кўрган, ҳатто азиз отажон, она-жонини ўз қўли билан ерга қўйган эди! Бироқ Усмон бу воқеаларнинг ёнидан то ҳозир (бутун изтироб, бутун доди-фарёдларга қарамай) «лоқайд-сўник» ўтган экан-ми?! — бор тафаккури, бор қалби билан «қатнашмаган», ҳеч нарсага тушунмаган, ҳеч нарсани теран ҳис этмаган эканми?! —

дарвоқе:

тахминан йигирма йил олдин, йигирма ёшида у биров-нинг майитига тасодифан кўзи тушган, лабларига учуқ тошиб касал бўлиб қолган эди. Бу пайтда ҳали Тошкент эмас, Бухорода эди. Отаси (Ака Саид) ҳам ҳаёт эди; уйқу олдидан қария, оёқлари учидан ўтириб, уни ўқиган, сўнг: *«Болам, шу одам сенинг тушингга киради. Унга, сизни Худо раҳмат қилсин, энди мени тинч қўйинг, деб айт!»* — мазмунида гап ўргатган эди. Усмон отасининг пандини бажарган ва йиллар суронида, бу воқеани уну-тиб ҳам юборган эди!

Хуллас, ўша куни негадир Усмоннинг юраги қалқди.

«Демак, мен ҳам бир куни (бугун бўлмаса, эртага) ўлар эканман!» — деган ҳаёлга борди. Тўғрироғи, ўзидан ёши кичик дўстининг дунёдан ўтганини кўриб, дунё омонат эканлиги, ўлимнинг барҳақлигини бирданига ҳис этди! (Ақлан тушуниш билан баданингда туйиш фарқ қилар экан!)

Маҳкамлар уйидан ўша куни паришонланиб қайтди.

Бошқа бормайман, деб қарор қилди.

Фотиҳага ҳам, маъракаларга ҳам бормади.

Узини узоқ тута бошлади.

Лекин ўлим тўғрисидаги ўй (Маҳкамга боғлиқ бўл-маган ҳолда, ўз-ўзича) унга барибир ёпишиб олгандек эди.

Эҳтимолки, бу ҳолатдан қутулиш ҳам мумкин эди-ку, шу орада яна бир кичик воқеа рўй берди.

Кўчада кетаётган Усмон муюлишда, хароб бино пинжида қунишиб ўтирган одамни кўрди. Бу одамнинг ёнидаги тахтачага «фолбин» деб ёзилган эди. Усмон яқинлашди. Фолбиннинг олдида қандайдир хатлар солинган қути, бир қўлида — ювиб-таралганми, оқ-момиқ сичқон бор эди. Усмон фолбинга юзланди:

— Мен қанча яшайман?! Умрим неччи йил?! Айт! Мени бўлмаган гаплар билан алдама...

Фолбин бепарво жилмайди.

Сичқонни силаб-сыйпаб, қулоғига нимадир деб шипшиди.

Сичқон қути бўйлаб югурди. Кейин, хатлардан бирини тортди-ажратди.

Усмон хатни очди. Кафтдек қоғозга «40» рақами белгилаб қўйилган эди!

Усмон тўрт-беш кун ўтиб, фолбинни яна учратди.

Анча кун ўтгач, яна...

40!

40!

(Қирчиллама
қирқида —
қирчинидан
қирқилган...)

У кундан-кунга
қуриб-чўкиб,
хасталана бошлади.

Ва...

шундан кейин...

бир куни...

қулади.

(Қорнига биров пичоқ суқиб, бураб-бураб олаётгандек эди!)

Усмон, мен энди ўламан, деб ўйламоқда эди!

Йўқ...

Усмон ўлмади.

Беморларни қабул қилиш хонаси йўлагидаги тахтада қорнини чангаллаб, думаланиб ётиб, у қаҳвахонадаги суҳбат, Розикнинг илмоқли гапини эслади. Дастлаб, яна, Розик мен ҳақда нимани ёзар экан, деб ўйлаб, унинг бир азобига юз азоб қўшилгандек бўлди. Аммо...

шундан сўнг...

— Эй Худойим-е! Худойим! Художон! — деб

ЕЛФИЗ УНГА ёлбораётиб...

бехосдан сергакланди...

Розикми, бошқасими сен туғрингда ёзганини ёзавер-
майдими?!

Сен барчага ёқишни истадингми?!

Барчанинг сен ҳақдаги фикри яхши (ижобий) бўли-
ши шартми?!

(Барча бир хил либосда бўлиши керак! Сен ҳам...
шундайми?!)

Нега сен ҳақда ҳеч ким —

ёмон хаёлга бормаслиги, ёмон сўз айтмаслиги (ёз-
маслиги) керак?!

Биз нақадар бемаъни тарбия олганмиз!

(Одамлар нима деркин?!)

Ҳолбуки, ана, сен

ЕЛФИЗ УНГА рўпара турибсан!

Эзгу ва ёвуз ишларинг (яхши ва ёмон амалларинг)
учун УНГА жавоб берасан!

Сенинг ҚИСМАТИНГ ҳам УНГА боғлиқ!

Фолбинми, ҳакимлару луқмонларми?! — улар

сенга ўхшаган банда...

Усмоннинг энди қайтиб

жисмига жон

кира бошлаган

эди!

5

шаҳар-мамлакат

кўчалари, майдонларида айланиб юриб, —

Усмон, мен ўшанда (беморларни қабул қилиш хона-
си, йўлагигаги тахтада) ўлганмиканман?! — руҳ тирик
қолганидан, ўлмадим, деб адашаётган бўлсам-чи?! —
мазмунидаги

кўнгилсиз гапларни беихтиёр
хаёлидан кечирди.

Шу сонияда, унга кейинги рўй бераётган воқеалар
Ер усти-ю, Ер остидаги

ўз руҳининг саёҳати бўлиб туюлди.

У қудуққа тушганидан буён (балки, тушмасдан ҳам
олдин) ва ниҳоят, мана, шаҳар-мамлакатга қадам қўй-
ганидан буён бир муаммо устида бош қотирмоқда, —
бир савол уни қийнамоқда эди:

қудуққа (ундан олдин) тушганлар нега, қандай ҳалок
бўлдилар?!

«Улар ўзларини ўзлари ҳалок қилдилар!» —

Усмон бу гапнинг ҳам маъзини чақмаган (ҳамон чақолмаётган) эди!

Ҳозир шу тўғрида яна ўйлаб,
беҳосдан
эслади...

* * *

...Сизлар, афиналик жаноблар, бироз шошдинглар, Шаҳримизга ғайирлик билан қарайдиганлар сизлардан энди айб излашади, ном қозонган мутафаккир Суқротни ўлдирдинглар, деб юзларингга қора суркашади. Мен балки мутафаккир ҳам эмасдирман, лекин улар буни таъкидлаб, сизларнинг бўйнилариңизга тавқи лаънат осишади. Агар сизлар шошмаганларингизда, бу кўнгилсизлик бўй бермасди; мен ёшим ўтиб, ўлим оstonасида турганимдан, ўзим тез орада дунёни тарк этиб қўя қолардим! Мен бу гапни барчангизга эмас, менинг ўлимимни истаганларга айтяпман. Уларга қарата яна айтаманки, о жаноблар, мен ҳақда, бошини асраш учун керакли бир ваз-сўзлар тополмади, бизни ён беришга мажбур қилолмайди, шундан ана, жазога йўлиқиб турибди, деб ўйлашларинг мумкин. Йўқ, асло. Менда сизларга топиб бергани сўз эмас, балки бировлардек алжираш, сизга ёқадиған намоийишда обидийда қилиб, бекор-номуносиб чулдирашга безбетлик ва шармандалик етишмади. Мен бошимга олдин ҳам хавфу хатар тушганида, бундан саросималаниб, қулларча мутелик йўлини тутмаганман ва бугун ҳам минг йўсинда эшилиб, қандай бўлмасин, ўзини ҳимоя қилганча тирик қолгандан, ҳозиргидек мағрур ҳимоят йўлини тутиб, ўлимга юзланишни афзал, деб биламан. Зероки, суддами, жанг-жадалдами, менми, бошқами ҳеч кимга найранг ишлатиб-бир амаллаб, ўлимдан қочиб-қутулиш ҳуқуқи берилмаган. Зероки, жанг-жадалда масалан, қўлингиздаги қуролингизни ташлаб ёки душманга таслим бўлиб, баъзан ўлимдан сақланиш мумкин; ўйлаганини айтиб, ўйлаганича иш тутган кишиларнинг бундан бўлак оғир шароитларда ҳам, ўлишга тўғри келганида, баъзан қочиб ҳоллари юз беради. Ўлимдан қўчиб-қўрқиб, жонингизни асраш унчалик қийин эмас, о жаноблар, ўлимга нисбатан инсонни ўз чоҳи тубига тортадиган ахлоқий бузилишлар, маънавий емирилишдан асраниш минг чандон мушкулдир. Мен, кекса ва мискин бир киши беозор мўминлик йўлини танладим; менинг қораловчиларим, кучли ва тажанг кишилар (Мелет, Анит ва Ликон) маҳдудлик, аёвсиз нобакорлик йўлини тан-

лашди. Мен энди сизнинг ҳукмингиз бўйича ўлим қопқаси томон бормоқдаман. Булар эса эзгуликнинг ҳукми бўйича бўҳтон ва залолат қопқаси томон кетишмоқда. Ва мен, ўзимга тегишли жазо билан қолдим. Лекин булар ҳам ўзларига тегишли жазо билан қолажаклар. Бу иш азалдан шундай белгиланган эди. Шундай бўлди...

* * *

Кейин-чи?!

Кейин, Суқрот ўлгач, унга ўлим тилаганлар ҳам тинч яшаб юришолмади!

Афинага ғайирлик билан қарайдиганлар майли — афиналиклар ўзи рўй берган воқеадан кундан-кун нозилик сеза бошлашди. (Тарихнинг мангу ўйини! Бировни ўлдириб, унинг қабри устида замонлар бўйи надомат ила аччиқ кўз ёшлар тукиш!)

Тез орада

Мелет, Анит, Ликонга ҳаёт учун зарур, муқаддас «ўт ва сув» ҳаром қилинди, дейишади.

Яна ёзишларича, уларни юртдан бадарға қилиш ҳақида ҳукм чиқарилган.

Яна ёзишларича,

ҳеч қандай ҳукмсиз (судсиз) улар қатл қилинадилар. (Тошбўрон қилиндилар, деган фикр ҳам бор.)

Яна ёзишларича,

афиналиклар нафрат-ғазабига дош беролмай, — улар ўзлари ўзларини осган...

* * *

Усмон қудуққа (ўзидан олдин) тушганларга нима бўлганини билмас (билмаётган) эди.

Шу боисдан, мени қандай насиба кутмоқда?! — мен ҳам (шу боришда) кўп ўтмай, ўзимни ўзим ҳалок қилмасмиканман?! — деб ташвишланиб, кўнглида озор туймоқда эди!

Унга ҳамон мен аввалроқ ўлганмиканман?! — рух тирик қолганидан, ўлмадим, деб адашаётган бўлсам-чи?! — мазмунидаги ўй ҳам (бояги ташвишга зид ҳолда) осойишталик бермаётган эди.

Яна, унга кейинги рўй бераётган воқеалар

Ер усти-ю, Ер остидаги

ўз руҳининг саёҳати бўлиб туюлмоқда эди.

У, мен (аллақачон, балки Суқрот, Афлотунлар замонидоеқ) дунёдан ўтганман, деяверишга — тайёр эди-ку, лекин...

одамлардан минг бора
осон ўлим йўқ, деб эшитган эди.

Олдин хабар келади, деган гап ҳам қулоғига чалин-
ган эди.

Назарида, хасталаниб (беморларни қабул қилиш хо-
наси йўлагидаги тахтада) ётганида (ҳам) —

иш ўлим даражасига бормаган, —

Бу ҳақда ХАБАР келмаган эди!

Шунга қарамасдан...

Усмоннинг ҳозир яна юраги қалқди. Нечундир ўғли
(Собир) ни эслади.

Тирик одамга хос — чуқур хўрсинди.

Кейин, у ўзини чимчилаб-туртиб кўрди.

Кетаётган йўлида тўхтаб, депсинди.

Ниҳоят, ўлмаганига (ўзича) қаноат ҳосил қилди!

Хўп?!

Бу шаҳар-мамлакат нега қоп-қора?! Зулмат-зимис-
тон?! Нима учун тирик жон кўринмайди?! Усмонни (ўл-
маган, деб) сафга қўшмаганда ҳам, бутун ўтган-ўлган
одамларнинг шаҳри-мамлакати эканми бу?!

Усмон Рауфни қаердан, қандай топиши мумкин?!

Тўхта! Балки ХАЛҚ ДУШМАНИ бўлиб, ўз шаҳри-
мамлакатидан олиб кетилган, отилган, осилган, қабри
номаълум (гўри-кафани йўқ) минг-минглаб жафодийда-
ларнинг СЎНГГИ, АБАДИЙ шаҳри-мамлакатидир бу?!
Рауф шулардан бири бўлса, яна — уни қаердан, қандай
топасан?!

Усмон шаҳар-мамлакат кўчалари, майдонларида ай-
ланиб юриб, — боши қотган эди.

— Ҳаёт мени доим кети берк кўчага тикади. Худога
шукрки, мен чиқиб кетаман! — отаси баъзан
шундай дер эди.

Усмон тушунмаган экан! Ҳолбуки, бир пайтлар...
қама-қама йиллари эди...

* * *

Ака Саид

Файзулла Хўжага нисбатан ҳам, —

Рауфдан анча ёш эди.

Лекин оз-моз қариндошлиги борлигидан,

Тошкентга йўли тушганида журъатланиб, —

Рауфнинг уйини қидирди.

Рауф ўз ҳовлисидаги дарахтлар остида

маъюс ва маҳзун кезинар эди.

Бухородан меҳмон келганини кўриб, нечундир қаттиқ ҳаяжонланди. (Бунинг боиси кейинчалик аён бўлди!)

Саидни ичкарига бошлади.

Хотинига дарҳол дастурхон ёздириб, овқат қилдирди.

Алламаҳалгача сўзлашиб ўтириб, Саиддан

Бухоро тўғрисида бетартиб, нималарнидир сўради.

Ниҳоят, хона тўридаги жавонни очиб, қалинроқ китобдек мўъжаз сандиқни олганича, Саиднинг олдига қўйди:

— Бу сизга омонат, йигит. Асрагайсиз!

(Худо кечирсин! Ушанда Ака Саид аввалига: «Бу — машҳур одам. Давлатманд, албатта. Отаси Абдурахим бойдан ҳам бир нарсалар қолган! Қўлидаги зару зеварни бардисар қилиб, менга юкламаётганмикан?!» — деган бемаъни хаёлга борди. Паришонланиб ўрнидан туриб кетди. Орқага тисарилди. Аммо...)

Рауф яна

маъюс ва маҳзун

қиёфага кирган эди.

Саидга шошмаслигини ўтингандек, имо қилди.

— Бу битган-битмаган ёзув. Бир кун насиб этса, улусга ярар... Мен буни ўз биродарларимдан ҳеч кимга ишонмайман! Булар сиёсатдон, аҳли илм, аҳли санъат. Лекин мен зиёли атамадим. Бири қўрқоқ, бири хушомадгўй, бири ҳар кун янги либос кийган ҳақиқатпараст! Менга барчаси меҳрибон турса-да, инониб бўлмас... Сиз илмдан кўпрак ҳунар кишиси. Сиздан эҳтимол, гумон ҳам қилинмас!

Саид хижолат чекканидан, аллабир нарсаларни гуд-ранди.

Аммо Рауф афтидан, унинг гапини эшитмади ҳам.

— Менинг куним саноқли. Гуноҳим бўйнимда, — деди у, четга, ўйчан, фаромуш тикилиб. — Биз ўзимизни ўзимиз ҳалокатга олиб келдик! Бизни алдадилар... Йўқ, шахсан мен эмас. Мен ҳақиқатни англашга уриндим. Ҳаммага ўхшашни талаб қилдилар. Бажармадим... Лекин мен-да, юртни сарсонликка, хароботга, тубан ҳолга тушишдан тўхтата олмадим! Ният бошқа эди, йигит... Меним қолган гуноҳларим ҳеч! Қўрқмасмен...

Уша куни Ака Саид

мўъжаз сандиқни сафар халтасига жойлади.

Эртаси куни

харид қилган совға-саломни

иккинчи бир халтага солиб,

поездда

Бухорога қараб жўнади.

У ўйламаган эди:

ЭЗГУЛИКнинг — қўли қисқа.

ЕВУЗЛИКнинг — қўли узун!

ЭЗГУЛИК — содда.

ЕВУЗЛИК — маккор!

Фақат, Худо кўнглига солган эканми,

поездга минганида, Ака Саид, кейинги халтани ёнида сақлаб, сафар халтасини юқоридаги ўриндиқнинг бир бурчагига шунчаки ташлаб қўйган эди...

поезд Самарқандга етганида

(у Рауфнинг уйига кириб-чиққанини биров хабар қилган бўлиши керак!) —

тўрт йигит, сиз билан гаплашадиган гап бор, деб уни поезддан тушириб қолдиришди.

Шу кетганча,

унинг беш йил умри

совуқ бир ерларда чириди.

Уша йиллари «дум» деган гап ҳукм сураб эди. Мабо-до (Самарқандда сафар халтасидаги) сандиқни кўриб-титкилашса, Ака Саид Рауфнинг «думи» бўлиб, отилиб кетиши ҳам мумкин эди! Оддий мисгар эканлигию «оз-моз қариндош»лигидан бўлак «айби» йўқлиги учунгина, азоб-уқубат, саргардонликдан кейин, ҳар ҳолда, унга қу-тулиш, Бухорога қайтиб, яна анча йил яшаш насиб этди.

Бир томондан, шундай!

Иккинчи томондан, Ака Саид

қолган бутун ҳаёти давомида

Рауф топширган омонатни йўлда «ташлаб» кетгани, айниқса, сандиқ кимнинг қўлига тушиб, нима бўлга-ни?! — тўғрисида ўйлаб,

шу армон, шу жумбоқ изтироби билан дунёдан ўтди!

Усмонга отасидан

бу армон, бу жумбоқ изтироби

«юққан» эди:

— Рауфнинг битган-битмаган қандай ёзувлари бор эди?!

— Сандиқни поездда кўриб қолиб, олган КИШИ ҳаётми?! У ким?! Қаерда?!

— Бирон журъатли ОДАМ, сандиқ қўлига тушиб, асраганмикан?!

— Ҳеч ким асрамаган бўлса-чи?! Йўқолган бўлса?!

Дунёда йўқолган йўқотилган, йиртиб-ёқиб ташланган) ёзувлар (қўлёзмалар) озми?!

Инсоният бирон пайт УТМИШдан сабоқ олмаслиги— шундан эмасмикан?!

Тўхта! Сабоқ олган пайтлар ҳам бор...

Афлотун!

(Усмонни хаёл яна узоқларга олиб кетди.)

* * *

Афлотун

ўзи-ўзини алдашни истамас эди.

(«*Ўзи-ўзини алдаш — даҳшат, чунки бунда доим алданувчининг ўзида алдовчи мужассамдир!*»)

У, Сукротни танлаган-тутган йўлидан биров қайтара олмаслигини яхши билар эди!

Бунга (шогирд эканлигидан) Афлотун, ҳаққи йўқлигини ҳам ҳис этар эди!

Ута эҳтиросли (ҳаётда кўпроқ ёрқин ҳолатларни кўришга ўч) бўлганидан, у ўлимга бораётган (ўлим ҳолатидаги) Сукротнинг ёнида туришга тоқат қила олмас эди!

Шунинг баробарида (бунга зид ҳолда, ажабки!) Афлотун устози сингари ҳаёт зарбаларига бардошли, чидамли эди. («*Ҳар қандай доноликнинг замини сабр-қаноатдир!*»)

Яна, устози сингари, Афлотун РУҲ (ўлим фақат жисмининг тугаши) БАРҲАЕТЛИГИга, У ДУНЕДА жавоб борлиги, мукофот ва жазо БАРҲАҚ эканлигига ишонар эди! (Бу унга таскин берар эди!)

Шу сабабларга кўра, Афлотун, Сукрот ўзига жазо танлаб заҳар ютганида, уйда «касал» бўлиб, ётиб олган эди.

Сукротнинг ўлими Афинада қора кунлар бошлангани белгиси эди!

Буни билганидан, Афлотун тезда Афинани тарк этган эди.

Қачонки, Мелет, Анит, Ликон халқнинг нафрат-ғазабига йўлиқишганида, бунга ҳам Афлотун «жўнроқ» қараган эди! Зероки, Сукрот сингари у: «*Ёвузликка қарши ёвузлик қилишдан бирон натижа чиқмайди!*» — деб тушунар эди...

Афлотун тўғрисида хабари йўқ киши, бу ишлари билан у Сукротга хиёнат қилмадимикан, деб ўйлаши мумкин.

Ундай эмас, албатта!
(Афлотун ҳаётда ўзи ЮРАДИГАН ЙУЛни яхши билар эди!)

Умуман,
Сукротни Афлотунсиз,
Афлотунни Сукротсиз тасаввур қилиб бўлмайди!
Афлотун ўзининг БУЮК ВАЗИФАСИ (шогирдлик бурчи)ни бажарди.

У ДЕЯРЛИ БАРЧА асарларини МУСОҲАБА шаклида ёзди ва —

БАРЧА (битта-яримта мустасно) асарларини
СУҚРОТга бағишлади!
АФЛОТУНСиз СУҚРОТ ТАРИХДА МУҚАММАЛ
қолмаслиги МУҚАРРАР эди!

7

Усмоннинг боши қотган эди:

Ер устида оддий бир сандиқ топилмаётганида, —
Ер остидан Рауфни қидириб, топиб бўладими?!

Лекин у энди кўчалар, майдонлардан шаҳар-мамлакатнинг бир этагига бориб қолган эди.

Бу манзара унга таниш эди.

Усмон олдин, шу кунга қадар ҳам, уч марта Ер остига тушиб чиққан, Ер остини кўрган эди.

Биринчи марта нотинч замонларда одамлар (оила-оила, тўп-тўп) беркиниб яшаган ғор (катакомба, деймизми)...

уни ўртоқлари бошлаб боришган эди.

Ўй шаклига солинган ҳар хил туйнуқлар, ётиб-туришга мўлжалланган супачалар, ибтидоий даврни эслатган ўчоқлар-у шам қорайтирган уйдим тоқчалар! Гарчи бу ерда яшаганлар дунёдан ўтишган бўлса-да, ғорда тирик бир руҳ сезилар, ғор — тирик инсонлар макони эди.

Иккинчи марта Усмон, аксинча, сайёҳлар орасида сон-саноксиз тош зиналардан пастга тушиб, Ер остидаги дахмага дуч келган эди. Бу ерда, йўлакка ўхшаш узун йўлкаларнинг икки томонида шиша тобутлардаги мўмиёланган жасадлар ётар эди. Булардан аксари шунчаки уйқуга кетгандек туюлса-да, бу жойнинг ўзи жуда қўрқинчли эди.

Учинчи марта Усмоннинг тарихчи бир дўсти билан йўлда учратгани аниқ, табиий ғорнинг ўзи; на ўлик, на тирикдан нишон бор, АБАДИЯТ кишининг ёдига туша-

диган буюк бўшлиқ эди. Бу ерда туман қоплаган ҳай-батли дўнгликлар ва ўнгирлар, яқин-йироқда минг йиллар давоми бунёд бўлган, оқариб-сарғайиб ётган чақмоқ-тошлар кўзга ташланарди.

Усмон шаҳар-мамлакат этагида
кўриб турган манзара —
буларнинг барини гуёки ўзида мужассам этган;
шунинг баробарида, —
уларни қайтармас эди.

Атрофга ҳарир бир парда тушалган эди.

Чексиз ўраманинг юксак шифтидан ҳаммомдаги каби чирт-чирт сув томчилар эди. -

Оёқ остида чуқур-чуқур кўлларми, ҳовузлар қаторлашган, улар бир-бирига уланибми-туташиб кетган эди.

Усмон беҳосдан ажабланди:

у — кўкси муздай, — негадир
ташналикни сезмай қўйган эди!

Бироқ Ер устида одамлар Сувга ИНТИҚ эди!

Усмон БУНИ унутмаган эди. Фақат:

1. Бу сув ичишга ярайдими?!

2. Чуқурликдан уни қандай олиб бориш мумкин?!
Еки йўл очилса бас, қудуқ остигача ўзи борадими?!

3. Дарвоқе, Рауф! Рауфнинг сувга бирон дахли борми?!

Усмон кўлми-ҳовуз бўйидаги бир тошга келиб ўтирди.

Шу сонияда унинг хаёлидан, мендан олдин қудуққа тушганларга ҳам Рауфни топиш буюрилган, улар топишолмагани учун ўлдирилган (ҳалок қилинган) бўлишса-чи?! — деган бемаъни бир гап ўтди. Бунга ишонмаса ҳамки (бошқалар Рауфни қаёқдан Усмончалик билишадил!), кўнгли ғашланди.

Энди нима қилиш керак?!

Одатда, фолбинлар косадаги сувга ташлаган —
тангага тикилсанг,

излаётган одаминг билан

мулоқотда бўлар эмишсан!

У болаликда шундай деб эшитган эди.

Бу ерда фолбин йўқ. Бу гапга ишониш ҳам қийин!

Шунга қарамасдан, Усмон

ихлос-эътиқод билан

чўнтагидан бир ҳовуч танга чиқариб,
сувга ташлади.

Худоё, тавба...

Сув ўзи-ўзидан биқирлаб қайнай бошлади.

Кейин, кўтарилаётган ажиб рангин буғ тарқаб,
қайтиб тинди.

Кейин, кўлми-ҳовузда

учта сурат жонланди. Булардан:

бирида эғнида ятак, бошида дастор, ихчамгина со-
қол қўйган ориқ-озғин киши;
иккинчисида қора костюм кийиб, бўйинбоғ таққан,
тоза қирилган юзи осойишта, кўзлари катта, ўтлуғ —
чиройли киши;

учинчисида пала-партиш кийинган, ранги сўлғин,
кўзлари мунгли, бўй-баста ўрта, анчайин нозик киши —

ҚИЕФАСИ

акс этган эди!

(Усмон бу суратларни илгари қачон, қаерда кўрган
эди?! — эслай олмади. Ҳозир бу шарт ҳам эмасди.)

Суратлар илк қарашда

уч кишига тегишли (уч одамга ўхшар),

аммо аслида суратдагиларнинг **УЧАЛАСИ** ҳам —

БИРГИНА РАУФ эди!

(Энди Рауфдан қолгани шу эди!)

Улар сув юзида шунчаки қалқиб,

лаҳза ичида яна ғойиб бўлди.

Сурат — сийрат эмас, албатта. Лекин Усмон, менинг
Рауфни топганим шу бўлса керак, деб ўйлаб, кўнгли
ёришиб, ўрнидан кўзгалди.

У кўчалар, майдонларни айланиб, изига қайта бошла-
ди.

Ниҳоят, тор, узун кўчага етиб келди.

Буёғи нима қилсак экан, деб гангиб турган эди...

бирдан

ўзини кўча эмас,

белигача сувга ботган ҳолда, қудуқ ичида кўрди.

Юқоридан тушган арқоннинг бир учини шошмай бе-
лига боғлаб, тепадагиларга:

— Торт! — деб бақирди.

Одамлар Усмонни қудуқдан тортиб чиқаришди.

— Энди бемалол челақ тушираверинглари! — деди

Усмон.

* * *

Карвон яна саҳрода ўз йўлидан кета бошлади.

Кейин...

Усмоннинг ҳол-мадори қуриган; уни.дам сайин муд-

роқ босмоқда эди. Қанча йўл юришди?! Одамлар ўзи-ўзидан нега, қаёққа тарқашди?! — англаёлмади.

Бир маҳал...

чексиз саҳрода ЁЛҒИЗ ЭҚАНЛИГИни пайқади!

У қум тепалардаги саксовул, юлғун, юзган, ковгар, ялли қизариб ётган тикан буталарини оралаб, гоҳ йиқилиб, гоҳ туриб, кимсасиз саҳрода Мажнундек судралиб-тентираб бормоқда;

«сув, сув» деб бекордан умидланиб-тулғонган йўловчи каби

«Рухсора, Рухсора» деб шивирламоқда;
олдинроқ бўлганидек, яна унинг оғзидан нафас ўрнида

олов чиқмоқда

эди.

БЕГОНА ҲАЕТ

(Рауф)

(Иккинчи қисм)

8

*(Уфқ ёнар, уфқ. Уф-ф!
Карвон борар қумликда.
Қум. Қум...
Туяларда ҳазин қўнғироқ:
Чўли ироқ, чўли ироқ.
Тун. Қун. Тун...)*

* * *

(Бу — олисдан келаётган кимнинг садоси?!
Бу — қўнғироқ жаранглаяптими, офтобми?!
Бу — жимирлаётган нима, сувми, саробми?!
Бу — сенми, яна бир муҳаббат гадоси?!)

* * *

(Карвон энди йўқ. Усмон ёлғиз.
Лекин бутун бир карвон унинг ортидан
судралиб келаётгандек ҳамон —
изма-из.)

(Ва ниҳоят:
булар — нима, хаёлми, тушми?! —
Усмоннинг кўзлари олдида айлангани-айланган.

Сен қочиб қутулолмайсан, Усмон!
Овчи мўлжалга олмоқда милтиғи билан
Энг юксакда учаётган қушни,
Бош устида чирпирак осмон!)

* * *

(Саҳрода тўзон;
олдинга босиш ўлимдан қийин;
унинг кўзларига қум сепилмоқда эди.
Кейин...)

9

У Рухсорани кўргиси келмоқда эди!

* * *

— Дада! Кейин нима бўлди?!

— Ҳеч нарса! Тамом... Тайёрами, пирпиракми?! —
Осмонга учган киши маълум вақт утиб, барибир Ерга
тушади. Сени, чексиз саҳрода адашиб-улоқиб юрганинг-
да, Ердан кўтариб олган парпарак ҳам. учиб-айланиб,
ахийри Ерга келиб қўнади. Бусиз илож йўқ. Инсоннинг
маскани — Ер! Инсон — тупроқдан яралган.

— Рауфни айтмадингиз! Унинг сувга дахли бор экан-
ми?!

— Бор! Албатта... Дунёни шу тахлит кишилар тутиб
туради! Улар жисми ўлганда ҳам, барҳаёт...

Аслида,
БУ ВОҚЕА —

Усмон ўғли билан шундай суҳбатлашиб, —
яқун топиши мумкин эди!

Аммо...

ривоятнинг ҳам, эртақнинг ҳам НИҲОЯСИ бўлади.
(Демак, воқеанинг давомини эшитинг.)

Афтидан, йўл ҳали узоқ эди.

Саҳрода яна қанча саргардон судралиш керак?!

Рухсорани қачон кўради?! —

Усмон билмас эди.

Гоҳ йиқилиб, гоҳ туриб бораётган эди...

* * *

кутилмаганда
улкан қум тепаликдан ошиб, —
Рухсоранинг ўзи
унга қараб кела бошлади.

(Лайли билан Мажнуннинг саҳродаги учрашувига ўхшаб!)

Мана, яқинлашди.

Усмон Рухсора томон отилиши,
Рухсорани бағрига олиши,
юрагида йиллар бўйи тўпланган дардларини тўкиб
солиши —

керак эди! Лекин шу сонияда ногаҳоний бу учрашувдан

беихтиёр саросималанди.

Бунинг устига, Рухсора ҳам

Усмонга ғамгинми, ўпкаланибми тикилган эди.

— Сиз халқдан узилиб қолдингиз! — деди ниҳоят Рухсора. (Қарвондан, одамлардан анча узоқлашдингиз эмас, — негадир худди шундай деди!)

— Мен уларга хизмат қилдим. Сув олиб чиқдим! Бу дўзах саҳродан энди ҳаммани кифтимда ташиб ўтиш қўлимдан келмайди, — ғудранди Усмон ўзини оқлагандек оҳангда.

— Сиз ўзгарибсиз! Олдинлар одамларга кўпроқ қайишар эдингиз, — деди Рухсора. Бир дам хаёлга чўмиб, қўшиб қўйди. — Сиз Рауфни барибир, топганингиз йўқ!

— Мен Ер остидан уни қандай топаман?! — асабийлашди Усмон.

— Ер ости бўлмаса, Ер устидан қидирмайсизми?!

— 50 йил унинг ҳатто номини тилга олиш ман қилинган эди! Гапирсанг, бошинг кетарди... Ҳозир ҳам уни деб биров жонини бермайди. Оломон учун бу гаплар бир пул! Йўқолган шунчаки қўлғамалар топилмаётганида, Рауфни топиб бўлар эканми?!—озор чекиб, оғриниб сўзланди Усмон.

(У беихтиёр хаёлга толди. Ўзича ўйлади:

ҳалиги учта сурат, холос.

Рауфнинг бирон ҳайкали ҳам йўқ. Ҳайкал қўйиш мумкин! Аммо —

унга БУНИНГ кераги борми?!

Бизда ҳайкал олдиндан расм бўлмаган.

Одамлар номи—турли ҳудудлар, боғлар, масжид-мадрасалар, уларнинг дахмаларида сақланиб қолган.

Сўнгги асрдагина доҳийларга ҳайкал қўйиш одат тусига кирди.)

(Дарвоқе...

«доҳий» деган тушунча билан яшаган қабилаларда эскидан ҳам ҳайкаллар бўлган! Жоҳилия даврида, масалан, арабларда Ҳубал, Лот, Уззо, Манот деган ҳайкал-

лар бор эди. Булар шу исмдаги кишиларга нисбат бериб, қўйилган эди. Ушанда араблар бу ҳайкалларга СИҒИ-НИБ, кейинчалик уларни бутга айлантириб юборган — БУТПАРАСТЛИК авж олган эди...

У сергакланди...)

— Сиз Рауфни топмагунча мен билан кўриша олмай-сиз! — Рухсора шуни билдириб, қайтиб — улкан қум тепаликдан ошдими ёки пардек учди-кетдими?! — ғойиб бўлди.

Усмон аввалгидан баттар саросималанди.

Қудуққа тушганида қудуқ тубида ўтирган барваста, кўзлари катта-катта кишилар шу йўсинда шарт қўйишган эди. Уларнинг йўриғи бошқа эди! Нега Рухсора унга бундай шарт қўяди? (*Ёрлик шуми?! Дилдорлик шуми?!*)

Бироқ Усмон шартни (яна) бажаришга мажбур эди.

*(Чу, тулпорим, ёллари олтин,
Чу, қайдасан, бахтли манзилим?!)*

У, мана, жилла тўхтаб, боз йўлга тушган;

қумда сирпана-сирпана

олдинга сурилмоқда эди.

Мен Рауфнинг дарагини (энди) қаердан, қандай топаман, деб ўйлаб,

унинг хаёли қочган,

кўзларидан мудроқ ҳам

чекинган эди.

Шунинг баробарида.

Усмоннинг кўнглида...

Худойим! На Рауфни топишдан, на Рухсорани кўриб, ўз бахтига эришишдан умид (аниқ бир ишонч) —

назарида,

Бу йўл Абдий Шундай Давом Этаверадигандек эди!..

Ва шунинг баробарида...

сахродаги тўзондек

узуқ-юлуқ, ҳаттоки пала-партиш

бир воқеалар...

Минг уч юз йигирма тўққизинчи ҳижрий йилнинг муҳаррам ойи.

— Амир Аҳадхон жаноби олийлари қазо қилдилар! Яшин тезлигида бу хабар чор атрофга тарқалди. Киш. Совуқ.

Қор бир маромда ёғади.

Бухорога дала-даштан қароқчидек ўзини урган шамол тори-танг кўчаларда изиллаб кезиб, оч итдек увиллайди.

Одамлар аллақачон сандал очган.

Битта-яримта боёнлар уйда (масалан, Файзулла Хўжанинг отаси Убайдулла Хўжа, Рауфнинг отаси Абдурахим бой) янги расм бўлган рус печлари лопиллайди.

Шаҳарнинг кўпчилик аҳолисини ташкил этган, асосан кунни кўчада ўтадиган ҳунармандлар паст-баланд дўконларда япаски темир манқалга чуғ солиб, оёқ учига қўйиб ўтиришади. Кўча-бозордаги ошпазлар ўчоғи олдида гоҳ наҳор, гоҳ шом тўп-тўп ҳар хил кишилар йиғилишиб, кўкарган қўлларини ўтга тутишади.

Амир Аҳадхон Карманадаги ўз боғида (чорак асп тахтни эгаллаб турган) бандаликни бажо келтирган.

Карманадан келиб, тахтга минган

Амир Олимхон эса:

«Биз халқнинг осойиши, фароғатини самимона бир тарзда истаймиз! Ва Тангри таолонинг кўмаги бирла раиятнинг бахти, юрт ободонлиги йўлига қолишгаймиз!»—

мазмундаги сўзларни айтиб,

бунга ўзича инонмоқда эди!

Ҳолбуки, ҚИСМАТ

бошқа эди...

унинг оғир, нотинч

атиғи ўн йил

ҳукм суриши

олдидан белгиланган.

Тоқи Саррофон остидаги дўконда намози пешиндан буён

Ҳакимжон сарроф Қосимбек деган киши билан сўзлашиб ўтирарди.

— Худо кимга беради, кимга йўқ. Ана, Олимхон... Ол, қулим дегандан кейин, нима қиласан! Айшингни сураверасан-да...

Сарроф ўзи амирликка гўё даъвогар-у, бу бошқага буюрганидан доғда қолгандек, алам ва мутелик қоришиқ оҳангда сўзлар; умуман, ҳозир унинг ҳасратидан чанг чиқмоқда эди. Қосимбек нималарнидир гўлдирарди, холос. Эшик олдидаги курсидада у яланг эски чопонга ўраниб, ғужанак бўлиб олган; тўзиган, йиртиқ этикдан кўкариб кўриниб турган оёқларини манқал томон чўзган эди. Отасидан қолган бойликни кўкка совуриб, ярим дарвеш, ярим девона кўйга тушганидан, — шаҳарда ҳеч ким уни одам қаторига қўшмас эди. Фақат сарроф... Ҳакимжон болаликдан дўст бўлишганини эслар, жўрасига меҳр кўргузиб, кўнглидаги дардларигача яширмай айтар эди! Лекин Қосимбек саррофнинг олдига бунинг учун эмас (биров одам қаторига қўшиб-қўшмаслиги унинг учун аҳамиятсиз!), кўпроқ бекорчиликдан, исингани ва муҳими, катта-кичик халталардаги йирик-майда пулларни томоша қилиб, бундан роҳатланиб, хаёл суриш учун келар эди!

Дераза олдида ўтирган Ҳакимжон сарроф шу кунни қош қорайгунча дардини дастурхон қилар эди-ку, беҳосдан хаёли бўлинди. Дераза ортидан бир соя юриб ўтди. Кейин, дўкон эшиги очилиб, қорга бурканган ўн ёшлардаги бола ичкарига кирди. У совқотган ориқ қўлларини кўксига ўнғайсиз қовуштирди:

— Ассалом, амакижон.

— Ваалайкум ассалом, — деди салмоқлаб, ингичка юзида кўзлари ичга ботган, пахмоқ соқолли сарроф. Кейин: — Бу жияним Саиджон! — таништирди Қосимбекка. Беозор жилмайди: — Ака Саид!

Қосимбек бошини кўтариб, остонада қотиб турган болага ғамгин қаради ва яна, ҳаётдан зериккан ҳолатда нигоҳини чўғлари милтираётган манқал томон бурди.

— Ҳожи бобом сизни сўраяптилар. Ҳозир боринг экан, — деди Саиджон (Ака Саид) саррофга.

— Ҳозир? Нега, айтмадиларми?!

У бошини чайқади.

— Ҳм. Хўп. Келадилар, дегин.

Бола (Саиджон) чиқиб кетгач, сарроф эриниб-асабийлашиб ўрнидан турди. Халталар оғзини боғлаб, уларни сандиққа солиб қўйди. Сандиқни беркитди. Ниҳоят, манқалдаги ўтни ҳам ўчирди.

Қосимбек паришонланиб, эшик олдида қаққайган эди.

— Бироз пул! Қарз... — деб пичирлади у, саррофдан кўра ўчган манқалдан ҳамон кўз узмай.

— Эй пул... Пулдан гапирманг! Минг марта айтдим.
— Майли. Бошқа пайт... — эшикни очаётиб гудран-
ди итоаткорлик билан Қосимбек.

Ҳакимжон сарроф тўқ-тўкин яшаса ҳамки, ўзини ғариб, қашшоқ деб билар, биров пул сўраганида хафа бўлиб кетар эди! Шу аснода ярим дарвеш, ярим дево-на кимса билан дўстлашиб, кун ора мулоқот қилиб юр-ганини ўйлаб, ҳар қачонгидан кўпроқ ғаш келди. Аммо бу — янгилик эмасди! У доим ёлғиз қолганида орани шарт узишга қарор қилар, кўзга кўз тушгач, фикридан қайтиб, яна Қосимбекни суюниб қаршилайверар эди! Аҳвол шу эканлигидан, сарроф баъзан, мен ўзим ҳам ярим дарвеш, ярим девона бўлсам керак, деган хаёлга борар эди. Қосимбекка — бир томондан, унинг кўнгли ачир эди. Иккинчи томондан, — ҳамма бало шундаки! — Ҳакимжон сарроф соғ, ҳушёр одамлардан биронтаси олдида дардини шоён ёра олмаслигини яхши билар эди. Унинг дарди-алами эса кўксида дарё бўлиб чайқалар эди!

Ана, ҳозир ҳам кўчада гуп-гуп ёғаётган қор остида қунишганча бораётиб, таги тешик дунёнинг бемаънили-гидан у изтироб чекмоқда эди... Кун бўйи танга санай-сан, ёнингда ҳемири йўқ! Сенга озгина эркалик насиб этса, дунёнинг бир чети ўпирилармиди? Наҳотки, сенинг умринг майда пулни йирикка, йиригини майдага алмаш-тириб, кимларнинг қўли кирини ҳидлаш билан ўтса?! Биров кекириб юради. Биров нонга зор. Дунё нега бун-дай яралган?! Ҳамма бой, ҳамма тенг... эй, қани! — бу ҳам мумкин эмас. Беш бармоқ барабар бўлолмайди! Ле-кин сенда нима айб?! Яшагинг келади...

Ҳакимжон ёши энди қирққа етган бўлса-да, ўзини қариб қолгандек ҳис этар эди. У ўз ҳаётидан кўнгли тўл-маганидан, Қосимбекнинг ёнида акалари Салимжон ва Қаримжон, отаси Ҳожи бободан, керак бўлса ҳатто амир (олдин Аҳадхон, энди Олимхон)дан шикоят қила-верар, ҳаммани бўралаб ҳам сўкар (шу боисдан, унга Қосимбек керак!) эди.

Сарроф кўчада кетаётиб (сўнгги пайтларда нечанчи бора) Қосимбек билан хайр-хушлашишга қарор қилди. Шунинг баробарида, бошқа бирон дўсти, дардкаши йўқ-лигини ҳам эзилиб ўйлади.

Тори-танг кўчалардан масжид-мадрасалар қуббаси-гача қор босган эди.

Ҳакимжоннинг бошидаги шоҳи салладан тўпланган қор озгин юзи, пахмоқ соқолига сизиб тушмоқда эди.

У кўп йил бурун бировга ичкуёв бўлиб, отаси уйдан узоқлашган. Ҳозир, анча кундан бери болалиги ўтган ҳовлига бош суқмаганини эслаб, отамиз нега бизни сўроқлаган эканлар, деган хаёлдан нотинчлик сезмоқда эди. Ҳожи бобо албатта: «Қийналиб кетдинг, болам. Ма, ол!» — деб бир ҳамён пул бергани уни чақирмайди. Баъзан ўзидек муллалар даврасига айтади. Баъзан нимадир юмуш буюради. Гоҳо койиш ёки панд-насиҳат қилиш учун ҳам чақиради. Қария болаларига нисбатан қаттиққўл! Айниқса, дини ислом борасида зиғирдек ҳам шак-кокликни кутармайди.

Ҳакимжон сарроф шуларни ўйлаганича, Гавкушон гузаридаги баланд ҳовлининг қўш табақали гужум дарвозаси олдига келиб тўхтади...

Зилзила пайти Ер остидан гувиллаган бир овоз чиққанидек ёки асов от пишқириб-сапчиб, устидаги чавандозни ағдариб ташламоқчи бўлганидек бир ҳолат анчадан буён сезилмоқда эди!

Ҳожи бобо

Бухорода

бошқалардан олдинроқ —

ўша гувиллашни эшитиб, отнинг нотинчлигини кўз олдига келтирган эди! У ҳаётининг катта қисмини дунё кезиб ўтказган; дунё кўрган киши эди. Яқин орада минг йиллик тарих чокидан сўкилиши, суронлар, сарсон-саргардонликлар рўй бериши, ота-болага, бола-отага бегона йўл тутиши муқаррар эканлигини ич-ичидан ҳис этар эди. Шу боисдан, сўнгги кунларда унинг хаёли қочган, ҳар қачонгидан кўпроқ руҳи чўккан эди. Фарзандларини чақириб, уларга бот-бот гап уқтириб турганига қарамай, бу ҳақда у бирон пайт очиқ-ошкор сўзламаган эди! Мана, энди шунга қарор қилган эди.

— Жаҳид билан қадим деган гап юради. Огоҳ бўлинглар! Қўшилманглар! Дунёда эскидан ғалаёнлар бўлиб туради. Иблиснинг иши! Бундан қон тўкиш, бахтсизлик қолади. Мусулмонга муносиб эмас! Қўшилманглар! Огоҳ бўлинглар!

Ҳожи бобо

фарзандларига шу қабилда

яна бир нималарни

тушунтирди.

Аммо ўғиллари рухсат олиб, уйдан чиқиб кетишгач,—

у олдингидан баттар
паришонланди!

Назарида, кўнглида ҳис этганини ўз жигарларига
англатолмаган; бундан ҳам муҳими:

унинг **АНГЛАГАНИ**ни болалари мутлоқ **ҲИС ЭТИШ-**
МАГАН эди!

Салимжоннинг хаёли янги хотин олиш билан банд;

Каримжоннинг хаёли амирга яқинроқ суриниш (жой
эгаллаш) билан банд;

Ҳакимжоннинг хаёли оз-моз мулк тўплаш билан
банд! —

Ҳожи бобо эзилиб кетди.

Булар қачон одам бўлади!

Булар қачон халқ бўлади!

Бухоро — фалокат остонасида, қиёмат остонасида
турганини ўн йил, йигирма йилдан кейин тушунишади-
ми?!

Ушанда ҳам тушунишмаса-чи?!

Ҳожи бобо сандалга ярмигача кўмилиб, ўринга чў-
зилди.

У худобехабар болаларидан ҳам кўпроқ ҳозир ўзи-
ўзидан норози эди! Унинг мақсади «қўшилманглар»,
«огоҳ бўлинглар» деб чайналиш эмас эди. Ҳожи бобо
аниқ бир манзарани чизмоқчи эди:

1. Унга Амир Абдулаҳад бемаврид қазо қилиб, Амир
Олимхон бемаврид тахтга мингандек туюлар эди.

2. Бухорода Русия ҳукмини ўтказаетганидан буён
(Амир Музаффар даври. У ўзи билиб-билмаган ҳолда,
Русиянинг бутун Туркистонни қўлга киритишига сабаб-
чи бўлган, хизмат қилган эди!) ҳукуматнинг аҳволи қи-
зиқ (ҳам хўжайин, ҳам хўжайин эмас!) ҳолатда эди.
Халқ икки томондан зулм чекар, шунинг баробарида,
бевосита қайси томонга қарашини билмаганидан, ички
бир парокандалик юзага келган эди. (Бу тарихда ке-
йинчалик ҳам анча узоқ давом этди!)

3. Бухорога Амир Музаффар, кейин Амир Абдулаҳад
даврида кўплаб татар домлалар ёпирилишган эди. (Бу-
лар орасида татарчани ўрганиб, татар домла «бўлиб»
олган руслар ҳам учраб турар эди!) Улар мусулмон
эканликлари, мусулмончилик шартларини бажаришга-
нидан, аҳоли ичига эмин-эркин кириб кетишган эди.
Аммо Русия фуқароси бўлишганидан, Русия сиёсати би-
лан яшар ва шу сиёсатни юргизишар эди.

4. Бундан беш йил муқаддам Русияда кўтарилган
исён-ғалаён нафаси Бухорога етиб келган эди. Шу ора-

да Туркия ёшлари ғалаёнлари-ю, Эрондаги тўполонлар ҳам рўй бериб, Бухорога ўз нафасини уфурган эди; бир ўзгариш кутилаётган ҳаво пайдо бўлган эди.

5. Амир Абдулаҳад ўзига довер ўтган шоҳлар-у, амирларнинг аксари сингари нафсга, кайфу сафога ўч эди. Шунга қарамасдан, Абдулаҳад етарлича ақлли, ўзига хос заковатли эди. У тақводорлар орасида — тақводор, шоирлар орасида — шоир эди. Давлатни бошқаришда ҳам салоҳиятга эга эди. Одам танир, кимга қандай вазифани юклаб, кимни қай йўсинда ўз рикобида тутишни яхши билар эди. Манғит амирларидан (Амир Насрулло ёки Амир Музаффардек золим эмас) Абдулаҳад одил, шафқатли Амир деб ном чиқарган эди. Адоватли ишларни ҳам қон тўкмасдан, тинч ҳал этиш мумкин, деган ақидага риоя қилар эди! Йилида бир-икки Русияга борар, рус подшоҳлари билан муносабатни бузишдан ҳам, чуқурлаштиришдан ҳам сақланиб турар эди. Бухорода давлатни асосан, Қозикалон билан Қушбеги бошқаришар эди. Абдулаҳад ўз қароргоҳини олдин эски Кармана шаҳрида, кейин сал нарироқдаги Олчин деган жойда, кейин яна нарироққа жилиб, Хайробод деган жойда тиккан, умрини шундай четда ўтказган эди. Бухорога ҳам йилда бир-икки келар эди. Унинг энг аввал, шу тахлит яшаб, салтанатни осойишта сақлаб тургани ажабланарли эди! Бундан ташқари, у Бухородан четланиб, ҳатто бу осойишталикка кўпроқ эришгандек ҳам эди! Русиядан келган ҳар хил вакиллар-у, арбоблар эриниб Карманага бориб юришмас, демак ҳадеб Бухоро ишига аралашিশолмас эди. Бухорода катта бир муаммони кўтариб, жанжалга айлантиришнинг ўзи ҳам имконсиз эди.

6. Амир Олимхон отасидек омадли эмасди. Аксинча, фожеий шахс эди. Унинг тахтга миниши дунё лим-лим косадек чайқалаётган пайтга тўғри келган эди. Олимхон табиатан ҳам, бугун ўтсин, эртага бир гап бўлар, қабилида яшашга мойил эди. У таъсирчан, серҳаяжон эди; бировларнинг сўзини эшитиб, фикри бир кўчадан тез иккинчи кўчага оғаверар эди. У Кармана ёки бошқа бир жой эмас, Бухорода кўним топиб, ўзим шахсан давлатни бошқараман, деб ўйлаган эди. Олимхон атроф-оламдан Бухорога кучли бир тўфон бостириб келаётганини (бир Уйғонишми, ўзгариш кутилаётганини) англамаган, англаган тақдирда ҳам, бу тўфон ўз бошига ёғилиши мумкинлигини ўйламаган, бунга аҳамият бермаган эди! У амирликка шу ҳолатда қадам қўйган эди.

Ҳожи бобо бу манзарани чизаман-у, болаларимнинг кўзлари мошдек очилади, деб ишонган эди.

Аттанг!

Ҳар бир инсоннинг (масалан, Амир Аҳадхон билан Амир Олимхонга ўхшаб) ўз ҳаёт, ўз қисмат йўли бор. Ҳакамлик қилиш кимнинг қўлидан келибдики, Ҳожи бобонинг қўлидан келса! Баъзан қўйиб бериш керакмикан, деган ҳаёлга борасан ИНСОН!

Ҳожи бобо кўзларини чирт юмди.

Дунёда нима инсонга боғлиқ-у, нима Аллоҳга боғлиқ?! — ажратиш қийин. Бизнинг ақлимиз етмайди!

У ўтган суҳбатни хотирасида тиклашга уринди.

— Жаидид билан қадим деган гап...

Бунга Ҳожи бобо ҳар ҳолда, бекорга тўхталгани йўқ. Ёшлар (ёш бухороликлар) жаидид (янги) бўлиб, қадим (эски) кишиларга қарши кундан-кун жунбушга келишяпти. Тараққиёт, ислоҳ деб бор тартиб-тизимни бузиб ташлашга шахд этишяпти! Баъзилар ёшларни Аҳмад Донишнинг эркин фикри йўлдан чиқарди, дейишади. Бу унча тўғри эмас. Ҳалиги манзара! Бунинг устига, Бухоро ёшлари Русия, Туркия, Арабу Ажам дегандек турли юртларда ўқиб қайтишяпти. Дунё кеза бошлаган савдогарлар ҳам ҳар ердаги ҳаётни қиёслаб, Бухородаги тартиб-тизимдан ич-ичларида норозилик туйишяпти! Умуман, ёшлар ҳақ. Бухоро жаҳолат ботқоғига ботган. Неча юз йиллик занжир-кишанли зиндону Регистонда ошкор одам сўйишдан тортиб кўча-бозорда девордаги сояга ҳам қалтираб-букилиб қуллуқ қилишларгача — ҳаётнинг аҳволига маймунлар йиғлайди. Ҳаммаёқда порахўрлик, ўғрилик, бузуқлик. Мактаб-мадрасалар-чи?! Ёпиб ташласанг, ҳаққинг кетадиган аҳволда. Илмга на ҳурмат, на иштиёқ. Ёппасига саводсизлик; шогирддан домласигача алифни калтак дейди. Булар майли. Қайсидир даврага кириб, бир оғиз тўғри гапни гапириб бўлмайди. Ақлли одамнинг ҳолига вой, ёлғон, беаъни ҳар қандай фикрга қўшилгандек, бошини силкиб ўтиришга мажбур. Йўқса, бошининг ўзи кетади. (Аҳмад Дониш бу жоҳилликни билмаса-ю, ҳуркиб-ҳайиқмаса, туғилиб-ўсган она шахрида рус фуқаросига «айланиб» олармиди?! Ўз сўзини айтиш, бемалол яшаб юриш учун бошқалибос киймай иложи қолмагандир-да?) Ёшларнинг зулматдан, эрксизликдан, аҳли ҳукамо одат қилган валақлашлардан тўйиб, бўғилиб қад кўтараётганини аслида, қўллаш керак! Ёшлик — беғуборлик! Ёшлик — журъат, ғайрат! Шундай! Лекин... Лекин...

- Ешлик — соддалик, нодонлик ҳамдир!

Бу кунги ожизгина ҳаракат — эртанги исён-ғалаён-нинг бошланғич шакли!

Кейинги суронлар, сарсон-саргардонликлар муқаддимаси!

Бухоро ёшлари шунчаки, сўник ҳаётга ранг кириши, поймол бўлган ҳақ-ҳуқуқ тикланиши — дунёда маърифатли, кўркам яшашни истаб, бутун аجدодлари ва яқин уз ота-боболарига қарши қўл кўтараётганларини — бую бир гуноҳга йўл тутаётганликларини ҳали билмайдилар. (Ҳали уларнинг эғнида тўн, бошида салла; турқи-тароватларидан ота-боболар йўлидан кетаётган-у, озгина эътирозлари ҳам борга ўхшайдилар, четдан бировнинг гапига кулоқ солишни истамайдилар, холос; бошларини чайқаб, уз ҲАҚИҚАТларини баён этмоққа шошадилар!) Улар ўзлари кўтарган калтак бир куни минг йиллик тарих, урф-одат, миллат, дин устида синишини (мамлакатга бегона бир ҳаёт бостириб келаётганини) билсалар экан! Улар сувни тўкаман, деб кўзани ҳам синдиришга шайланганликларини билсалар экан! Билмайдилар. Ҳали тасаввур ҳам қилмайдилар... Яна аламли жойи, бахт, озодлик истаб, Бухоро доирасида ўз мақсадларига интилиб, Ёшлар билмайдиларки, дунёда улар ҳаёлига келтирмаган «катта мақсадлар», манфаатлар бор. Балиқларни кўрдим демай ютадиган наҳанглар бор. Узун қўллар бор. Сендан ўқ ясаб, сени ўз милтиғига жойлаб — отадиган устомонлар бор! (Бир куни ҳали босмачи атаб, сени ўз-ўзингга қарши чиқиш, ҳатто ялтоқланиб куйлашга ўргатадилар: *«Уйинг куйгур, босмачи! Бош боғламай, йлсанг-чи! Босган изинг куяди...»* Ким дўст, ким душман?! — ажратолмай қоласан!) Олис-олисдан келаётган яккам-дуккам оёқ шарпалари, аччиқ-аччиқ нолаларни эшитсанг экан! Улимга юзланган кексалар, норасидалар, ёниб, тутаб ётган уйлар, ҳувиллаб қолган майдонлар, қорайиб пастлаган осмонни кўрсанг экан! Сен ғофил банда...

Ҳожи бобо томоғи қуруқшаганини сизди.

Кўзларини очди.

Қўлларини ерга тираб қўзғолган бўлди.

Қоронғи тушаётганини пайқаб, биринчи навбатда сандал устидаги лампа-чироқни ёқди

Кейин, бир пиёла чой ичди.

Кейин, деворга кифтини суяб, яна кўзларини чирт юмди...

Агар шу воқеалар барчаси Аллоҳнинг иродаси бўл-
са, —

Ҳеч ким монелик кўрсатолмайди!

Қочиб ҳам қутулолмайди!

Лекин инсон барибир, нималарнидир ҳисоб-китоб қилмай, чора изламай яшаёлмайди. Бусиз ҳаётда маъ-
но қани?!

Ҳожи бобо

ниҳоят ҲАҚИҚАТни англагандек, бу гал
кўзларини катта очди.

У чарчаган эди. Кўпдан буён лоҳаслик сезар эди.

Шу аснода унга юрагида уйғонган НОТИНЧЛИК
кўтарилиб, бўғзига қараб сурилиб келаётгандек туюл-
ди. Ажиб бир мадор туйди... «Мен қўймайман! Йўл бер-
майман!» — деб ўйлади ўзича, Бухорода бўлаётган ЎЗ-
ГАРИШлар тўғрисида.

Кейин, ЕШЛАР тўғрисида:

«Улар ўзларини ўзлари ҳалок қилаяптилар!» — деб
ўйлади.

(«Ўзлари билан бирга, халқни ҳалокатга бошляпти-
лар!» — деб ҳам ўйлади.)

Кейин, яхши эмас, ухлаш керак, деган хаёлга борди.
Лампа-чироқни ўчирди.

Аммо

шу пайт...

ногаҳон хонага тукин бир ёғду тўшалди.

Ҳожи бобо шошиб деразага қаради. Осмонда ой пор-
лар эди!

Ҳовли юзида қалин-оппоқ қор нурга кўмилиб, жимир-
лар, сирли БУ ОЛАМ кишини ОЛИЙ БИР МАҚОМга
чорлаётгандек эди!

«Мен қўймайман! Йўл бермайман!» — деб ўйлади
ўзича яна Ҳожи бобо.

Назарида, у ҳозир, вақтни ўтказмай, кўксини тутиб-
ми, гавдаси биланми, Бухорони ғорат қиладиган КУЧ-
ни қайтариши, катта-кичик ҳаммани фалокатдан асра-
ши керак эди!

Ҳожи бобо ўрнидан туриб, деворни тутганча-каловла-
ниб, эшикка йўналди.

Ҳол-беҳол эшикни очди. Ҳовли ўртасигача кавушини
судраб, оёқларини бир-бир босиб борди.

Сўнг тўхтади.

Юрагидаги НОТИНЧЛИК ҳамон бўғзига қараб су-
рилмоқда эди.

У бошини кўтариб, қиздирилган чилдирмадек ой,

келинлар устидан тўйларда сочилган тангадек юлдузлар, ёрқин, тиниқ осмонга қаради.

Аллоҳим, кечир! —

ерга гурс этиб йиқилди...

Эрталаб уни ҳовли юзидан топиб,

ичкарига олиб киришди.

Ҳожин бобо

тилдан ҳам,

оёқ-қўлдан ҳам қолган эди...

11

Бир маҳал Усмонга —

ўзи юмшоқ булут устида чўзилиб ётгандек туюлди.

Балки, қуёш нуридан ярқираб-жимирлаган қалин-оппоқ қор устида ётгандир?!

Булут ҳам,

қор ҳам эмас,

бу — нам тортган қум эди!

Усмон ўрнидан турганча, у ён-бу ёнга аланглаб, ўзининг қандайдир чуқурлик (яна кўлми-ҳовузми, лекин суви йўқ) тубида эканлигини пайқайди. Атрофда қум тоғлари кўкка юксалган эди.

Бу жойни Ер усти ҳам, Ер ости ҳам деса бўлаверарди!

Усмон чуқурликка афтидан, тўзонда сурилибми, сирғалибми?! — сезмай, тушиб кетган эди. Шу дамда эслади...

унга ўхшаган кимса саҳрода адашиб, шундай ўрага тушган экан. Қум ўрада бу одам бир хотин («Қумдаги хотин»)ни учратади. Кейин, улар чуқурликда қолиб кетдилар!

Япон саҳросига хос аҳволни билиш қийин. Аммо бизнинг саҳроларда бундай чуқурликда узоқ туролмайсан! Бир кун ё бир тун ичида тўзон чуқурликни кўмиб, нарироқда бошқа ўра очиши мумкин! (Бизда шамоллар ҚУЧЛИ!)

Қарвон энди йўқ. Изма-на судралиб келаётганга ҳам ўхшамайди. Қўнғироқ ҳам жарангламаяпти. Жимжит.

— «Сиз халқдан узилиб қолдингиз!»

Рухсора ўпкаланишга эҳтимол, ҳақли.

Одамларга қайишиш керак!

«Одами эрсанг, демагил одами —

Оники, йўқ халқ ғамидин ғами...»

(Навоий)

«Биз бошқаларнинг бахтини ўйлаб,
ўзимиз ҳам бахтга эришамиз!»

(Афлотун)

Шундай! Лекин...

одамлар (кўпчилик) тутган йўл доим тўғри, деб бўладими?!

(Ахир, улар, афиналик жаноблар, Суқротни ўлдиришмаганмиди?!)

(Кўпчилик қудуқдан сув олиб чиққаннинг қадрига ҳам етмайди!)

Оломон қайси пучмоқларга отмайди ўзини...

ШАХС баъзан ХАЛҚдан узилиб ҳам қолаверади!

(Суқрот сингари.

Афлотун сингари.

Форобий сингари.

Машраб сингари.

Рауф сингари...)

Усмон Рауфни топиш (ва Рухсорани кўриш) учун —
УЗ ЙУЛИДАН БОРИШга мажбур эди!

У (тушидами, ўнгидами?! — ҳалигина) бир қур дийдор кўрсатган Рухсорани қулидан тутиб, ёнида олиб қолмагани (қололмагани)га ҳозир ўқинмоқда эди. Демак, қидириш, биринчи навбатда бу чуқурликдан юқорига кўтарилиш керак!

Энди яна Рауф...

Сен Ер остида (қабри номаълум, гўри-кафани йўқ) топилмаган-бўлмаган шароитда, уни Ер устида — қаердан, қандай топасан?!

Бу — имконсиз ҳол! Рухсора тушунса экан?! Тушунмайди. Қабул қилмайди...

айтдими («*Ўқум — ҳукминг, рой — ройингдир!*») умр бўйи ўзингни шу йўлга тикаверасан!

Усмон қум тоғларидан бирига

чирмашиб чиқишга урина бошлади...

* * *

У ўзи (чуқурликка тушгунчами, кейинми) эслаган воқеалар мағзини энди чақа бошлади.

Ҳожи бобонинг ўғилларидан бири

Салимжон — Ака Саиднинг отаси,

унинг (Усмоннинг) бобоси эди.

Ҳакимжон сарроф эса, (Рауфнинг отаси) —

Абдураҳим бойнинг хизматчиларидан бири эди.

Ҳуш?! Яна икки кишининг (узук-юлуқ, пала-партиш) ҳикояти...

Когон шаҳрида «Бухоройи шариф» номи билан форсча, «Турон» номи билан туркий тилда газета чиқа бошлади.

(Қримда чиққан «Таржимон», Искандарияда, сўнг Қоҳирада чиққан «Чеҳранамо», Мисрда чиққан «Парвариш», Қалъкуттада чиққан «Ҳаблул-матин» газеталари Бухорога келиб турар эди).

Бухоро ёшлари жиддийроқ ҳаракатга киришмоқчи бўлиб, энг аввал «Болалар тарбияси» исмида яширин бир жамият тузишди. Жамиятнинг асосий иши ташвиқот (дан иборат) эди.

1914 ўқув йилида (жаҳон муҳорабаси бораётган пайт) ёпйқ ва ғайри расмий бўлган мактаблар сони беш-олтитага етди. Бундай бошланғич мактаблар билан бир қаторда, катта ёшдаги саводли кишилар учун ҳам мактаб ва саводсизлар учун кечки синфлар очилган эди.

Худди мана шу вақтда Амир одамлари барча мактабларнинг муаллимларини йиғиб, аркка — Қушбегининг олдига олиб бордилар. Қушбеги улардан минбаъд муаллимликни йиғиштириб қўйиш ҳақида тилхат олди. Агар ким буни бажармаса, сургун қилинади, деб огоҳлантирди.

У тиззаси олдигаги бир қоғозни кўтариб қараганча: — Рус ахборнавислари бир неча кишини, сиёсий суҳбатлар қилалар; Русиянинг шикасти, Германия ва Туркиянинг ғалабасидан сўйларлар, деб ёзмишлар. Сенинг исминг шу орададир! — деди.

Мен:

— Бунинг ҳақиқий сабабини албатта, ёзган одам билар. Лекин мен ҳамиша газет ўқийман. Эҳтимол, воқеанавислар шундан сиёсий суҳбатларни гумон қилгандирлар. Бу асосиз нарса! — дедим.

Қушбеги:

— Сиз бир мулла ва машҳур кимса! Сизнинг газет ўқишингиз диққатларни жалб қиладир. Сиз Қуръон ўқинг, китоб ўқинг, муносиби шу! — деди.

Мен:

— Қуръон ва китоблар ҳам ўз вақти, ўз навбатида ўқилур. Мен мутолаага ҳарисман; ҳирсим ишқ даражасига етишган. Агар бирон кун газет ўқимасам, хафақон касалига гирифтор бўлурман! — дедим.

Қушбеги тиззаси олдига ишорат қилиб:

— Бизга ҳам газетлар келади. Ўқимайман, денг. Сизга рухсат, — деди.

Бу шароитда жамият баъзи-баъзида, жуда хилват жойлардагина йиғилар эди. Чор охранкасининг буйруғига кўра амир ҳукумати шубҳали кишиларни тезда қўлга тушириш мақсадида сиёсатдан сўзлагувчи ёки газетхони бўлган ҳар бир гузарга махфий агентлар (жосуслар) тайинлаб қўйган эди...

* * *

«Тахминан олти ёшларда эдим.

Бир кунни онам билан холамнинг уйига бордик.

Шум, нотинч эдим. Уйда шўхлик қилган бўлсам керак, мендан ташқарига чиқиб ўйнашимни сўрашди.

Ҳовлига чиқиб, эндигина остонада ўтирган эдим, бехос тарақ-туруқлаб, уч от қўшилган катта бир фойтун кўринди. Фойтуннинг усти қизил духоба билан қопланган, отлар устига ҳам қизил духоба ташланган эди.

Ажабо! Фойтун кўчада шиддатланиб келаётиб, мен ўтирган остонага етганида, таққа тўхтади. Фойтунда катта бахмал болишга суяниб, паранжи ёпинган бир аёл ўтирарди. У юзини очиб, сурма тортилган қоп-қора, пи-чоқ дамидай ярақлаган кўзларини менга тикди:

— Она қизим! Хоним уйдадилар?!

Холам Бухородаги тўй-ҳашамларда, ҳатто амир аркидаги кўп базмларда ҳам қатнашиб юрган раққоса бўлиб, уни Хоним дейишарди. Ўрнимдан қўзғолиб, холамини чақириб келдим.

— Тузуккинамисиз, Хоним?! Бинойимисиз?! — деб сўрашди бояги хотин. — Аркда бугун базм бор, — деди шундан сўнг. — Ҳазратим Раҳимхонга тўй беряптилар.

Мен Амир Олимхоннинг Султон, Шоҳмурод, Раҳим деган ўғиллари борлиги, ўша кунни гап шулардан кенжаси тўғрисида борганлигини кейинчалик билдим. Шу фурсатда эса, мени фақат аркда базм бўлаётгани қизиқтирди.

Қайтиб ичкарига кириб, оёқларига маҳси, эгнига шох киёётган холамга гидрикапалак бўла бошладим:

— Мен ҳам борай, хайми?! Жон хола...

— Қўй, болам. Сенга нима бор. Арк ёмон жой...

Холам билан онам мени шаштимдан қайтаришга анча уринишди. Аммо мен қайсарланиб олган эдим. То-моша кўргим келмоқда эди! Ахийри, улар менга ён бе-ришди. Холам каттакон бир қизил рўмол топиб, ус-

тимга ёпди. Эгнимдаги қалами кўйлакни рўмол билан паналаб, мени ясантирган бўлди.

Кўчага чиқдик. Фойтунда ўтирган хотин мен ҳам эргашаётганимни кўриб, авзойи ўзгарди. Холамга шу ишингиз келишмади, мазмунида гап қилди.

Фойтун кўчадан-кўчага, гузардан-гузарга ўтиб, Регистонга келди. Темир қуббали дарвозадан ингичка йулакка кириб, бу ердан арк ҳовлисига кўтарилиди.

Мен кеч қоронғисида ногаҳон ўзимни биллурий қандиллар кундузгидек ёритган, гуж-гуж аёллар давра қуриб ўтирган ҳайбатли бир хонада кўрдим. Хона деворлари этагига ташланган қалин кўрпачалардан жой олган аёлларнинг юзи очиқ, манглайларида ҳилол шаклидаги заррин пешонабанд, бўйинларига шода-шода маржон, марварид осилган эди. Бизни аркка бошлаб келган хотин сингари буларнинг ҳам сурма тортилган кўзлари ярақлар, қулоқларидаги кафтдек исирғалар, бармоқларига тақилган узуклар-у, қўллари бандидаги тилла билакузуклар қандиллардан ёлган шуълада ярқирар эди.

Холам менинг бир ёнимда, бизга таниш бояги хотин иккинчи ёнимда ўтиришди. Буларни даврада хуррам қаршилашган, афтидан, бу хонада тўпланганлар бир-бирларини яхши билишар эди.

Ҳамма говур-шовур кўтарилиб, ўзаро гурунглашишар; шокилалари елпиғичлар билан осойишта елпинишар эди. Бирданига хона жим бўлиб қолди... Кейин, барча гурр этиб ўрнидан турди. Хонага икки аёл қандайдир кампирни қўлтиқлаб киришди. Кампир оғир тақинчоқлар билан безанган, унинг жуссаси кичик, лекин елкалари, бўйини тик, кибор тутишидан у ўзини тоғдек ҳис этаётгани кўриниб турар эди. Аёллар эгилиб-букилиб:

— Ассалому алайкум, Эшон ойим...

— Эшон ойим, саломатгина юрибсизми?! — чуғурлаша бошлашди. Кампирни тўрга олиб чиқиб, лўла-болишлар орасига ўтиргизишди.

— Бу киши ҳазратнинг ойилари! — пичирлаб менга деди холам. Мен аввалига «Қайси ҳазрат экан?» — деб, тушунмадим. Сўнг гап амир устида бораётганини пайқадим.

Кампир (балки, кампир ҳам эмас, шунчаки катта ёшдаги аёлдир!) кўҳлик; қошларига ўсма тортиб, ўзига етарлича оро ҳам берган эди. Унинг афти-ангоридан ўзини тутишигача, ажиб таманно кўзга ташланарди.

Ниҳоят, қиздирилган чилдирмалар даранглаб кетди. Гоҳ нари, гоҳ бери ёқдан, раққосалар ўртага чиқиб, рақсга туша бошлашди. Эшон ойим вазмин, хомуш ўтирар, онда-сонда бирон раққосага «балли» деб қўяр эди.

Базм қизигандан қизирди. Ўйин навбати холамга келди. Мен холамининг машқларини кўриб юрардим. Бироқ унинг қандай рақсга тушишини тасаввур ҳам қилолмасдим. Холам бир ўт экан; аёлларнинг мастона қий-чуви остида, оққушдек даврада парвоз эта бошлади.

— Балли, Хоним. Бугун яхши ўйнадингиз! — деди Эшон ойим ва...

олдинга энкайиб, менга тикилиб қолди.

— Бу қизча ким?!

— Мен... мен... — пичирлади саросималаниб, ёнимга келиб қўнган холам.

— Отинг нима?! — унга аҳамият бермай, мендан сўради Эшон ойим.

— Рух... Рухсора... (Ушбу ҳикоя эгасининг ҳам исми шундай! — эди.)

— Қизимиз бизга битта ўйнаб берсин!

Барча аёллар шуни кутаётгандек, мени тортиб-юлқиб, ўртага суриб ташлашди. «Ўйна! Ўйна!» — деган хитоблар янгради. Кимдир устимдаги рўмолни тортиди, яланг кўйлакда қолдим. Бўйнимни қисиб, фаромушланиб турар эдим.

Хонага сукунат чўккандек эди (чилдирма ҳам ҳадеганда дарангламаётган эди.) Шу пайт кўзим тушди... Эшон ойимнинг қаршисида юзи карахт бир аёл чўнқайиб ўтирарди. Аёлга у нимадир дегандек бўлди. Аёл ўрнидан сапчиб, эшикни очди. Кўп ўтмай, қўлида кумуш лаъли, яна эшикда кўринди. Лаъли устида тугун бор эди, ўртага келтириб қўйиб, очди. У ҳамманинг олдида мени шир ечинтириб, янги кийимлар кийдирди, ясантирди. «Ўйна! Ўйна!»

Чилдирма энди дарангламоқда эди.

Мен тўйда ясатилган той эдим. Бунинг устига, орқамга қамчи туширилган эди! Холамга тақлид қилиб юришимга қарамай, ўйинни билмас эдим. Аммо даврада айланишдан бўлак иложим ҳам йўқ эди! Айландим...

— Бу қизни менга берасиз! — деди Эшон ойим ўйин тугагач.

— Мингта қизим бўлса, сизга қурбон! Лекин бу қиз бошқа...

— Менга барибир! У менга керак... Биз уни тарбия-лаймиз!

Шундай қилиб, мен кўп йиллар аркада қолиб кет-дим...»

12

Амир Олимхон,
Хакимжон сарроф,
Қосимбек,
Ака Саид,
Ҳожи бобо,
Янги Уламо,
Раққоса...

ва албатта,

Рауф ҳаётига тегишли

бу узук-юлуқ, пала-партиш воқеалар —

мана, ниҳоят Усмоннинг кўзлари олдидан ўтди-кетди!

Ортда қолган карвондек... ёки

қумга сингиган тўрт-беш томчи сув...

Усмонга (ҳозирча) бу ВОҚЕАЛАР тўғрисида мушо-ҳада юритиб ўтириш ортиқча туюлмоқда эди! Шунчаки эслади-қўйди. Рауфни топишимга фойдаси тегармикан, деб ўйлади, холос. Маъно чиқмади... Албатта, бундай чуқурликда туриб, Рауфни тополмайсан!

Усмон гоҳ у, гоҳ бу қум тоғига чирмашиб, —

анчадан буён юқорига кўтарилишга уринмоқда эди.

Гоҳ этакнинг ўзидан, гоҳ камарга етганда сирғалиб, — қайтиб пастга тушиб кетар эди.

(Бу — қудуққа тушгандан ҳам баттар эди!)

Икки-уч марта ҳатто ана, чиқиб олдим, деганда — тоғнинг нақ чуққисидан суринган қум билан бирга

сирпаниб,

чуқурликнинг ҳув узоқ ўртасига бориб тушди.

Шунда...

эй мен Абдурахим бойга ўхшаб қолдим-ку, деган гапни у туйқусдан «топиб олди». Пичирлаб такрорлай бошлади.

Абдурахим бой...

Абдурахим бой...

Абдурахим бой...

Мен Абдурахим бойга ўхшаб қолдим!

* * *

— Да-да...
— Гапир, ўғлим!
— Мен тушунмадим. Нега Абдурахим бой?!
— Балки, Рауф учундир! Ахир, ота-бола...
— Йўқ. Бошқа... У ҳам бир пайт чуқурликка тушганмиди?!
— Тушган! Саҳрода судралиб... Мен фақат бу воқеани унутган эканман...

* * *

*Гарчи улар жун қарар,
Бир қарамас, ўн қарар.
Бошда сизни кўтариб,—
Ерга кейин, тўнқарар...*

УЛАР, дегани ким?! (Ҳожи бобо эслаган наҳанглар, устомонларми?!)

СИЗ, дегани-чи?! (Ёшлар, майдонга тушганларми?!)

бу — бирон шоирнинг шеърими ёки кимдир кўча-кўйда тўқиб, одамлар орасида тарқатганми?! —

Усмон билмас эди.

Лекин Бухорода одамлардан кейинги суронлар, сарсон-саргардонликлар тўғрисида неча марталаб эшитган эди.

Қисқаси...

Ҳожи бобо бир кунлар ҳис этган

ДАВР келган эди!

Халқ иккига бўлинган эди.

Булар энди (янги, маърифат истаган) жаидлар билан қадимлар (жоҳиллигидан ёшларга қарши кўчага таёқ кўтариб чиқадиған оддий муллалар) эмасди. Кимдир Катта Тўнтаришга тарафдор, кимдир душман эди!

(«Икки тўлқин курашмоқда...»)

Халқ иккига бўлинган эди!

Ота ва бола — қирничоқ,

она ва қиз — юз кўрмас,

ака ва ука,

ака ва сингил — одамлар —

бир-бирини тушунмайди!

Ким ҳақ, ким ноҳақ?! — айтолмайсан.

Тўпхолон — бозор. Бўрон...

Абдурахим бой

у томонга ҳаи, бу томонга ҳаи —
қўшилмаган эди!

У тижорат кишиси эди. Ўз ишини яхши биларди.

Менинг сиёсатга ақлим етмайди, дер эди.

Унинг ёши ҳам ўтган эди...

Бир карра

ўғли билан кўришгани

Тошкентга келди.

Ўғлининг уйини қидириб, тополмади. Вақт ҳам кеч бўлиб қолган эди. Қайковус ариғи бўйидаги ғариб бир чойхонага кирди. Тунни шу ерда ўтказишга қарор қилди.

Бу одам энди умуман бой ҳам, савдогар ҳам эмас, қари дарбадар эди. (Ҳатто бош олиб кетадиган тайин жойи ҳам йўқ эди!)

Чойхонада унга тўшаб берилган ўринда ёнбошлаб, бир чойнак чойни эзиб ичди. Кейин, йиртиқ-сиртиқ яктагини ечиб, оёқларини ўради. Бошини ёстиққа қўйди.

Кўпдан буён у иссиқ тўшакда, осойишта, ширин ухлашга орзуманд эди. Аммо кўпдан буён ҳеч ерда кўним тополмаганидек, ором ҳам насиб этмаётган эди. Ухлаёлмас, тунни бўйи мижжа қоқмас эди.

Қизиқ жойи, дарбадар одатда, уйқудан эмас, ўзига буюрган омонат (ўткинчи) ўриндан кўнглида шикоят сезар эди!

Ҳозир ҳам остидаги пахтаси қотиб, тахтага айланган кўрна, тер иси ўрнашган ёстиқдан ўзича қандайдир озор туйди. Бунга ўраниб олган яктагининг увадалигидан аламми-изтироб қўшилди. (Бухоролик ёшлар, болалар оталари, оналари бир куни шундай хор, саргардон бўлишини билишганмиди?!)

Ў! Бундан озгина муддат илгари Абдураҳим қандай бадавлат эди! Амирни сариқ чақага олмасди!

(Амир Олимхонга беписанд қараб, ер билан яксон қилиш ўғлига ундан юққанмикан?!)

Аслида, отасидан унга озгина, арзимас мулк қолган эди.

Абдураҳим чаққон эди. Савдогарликка қўл урди. Қишлоқлардан пахта ва юнг сотиб олиб, бошқа шаҳарларга (гоҳ Москов, гоҳ Истамбул) элтиб сотаверди. Қўлига пул кира бошлади.

Ўшанда унинг омади чопди.

Бир куни Сари-пули Рўғангарон гузаридан ўтиб кетётган эди, шаҳар қозисини кўриб қолди. Қози отасининг ошнаси эди. Уни қўймай, ички-ташқи, болохонали

ҳовлисига бошлади. Чой қилди. Кейин, «сизга бир ҳангома, тақсиржон», деди. Кейин, узоқдан гап бошлади:

— Мустабшира отли бир пари бор...

— Қаерда?! — кулди Абдурахим.

— Уз шаҳримиз, Бухоро... Таърифини эшитмаган экансиз, дунёга келмабсиз! Бу — махфий гап, локин сизга айтай... Амир Аҳадхон ҳазратимнинг бир неча маҳрамлари кўча-кўйда юриб, хонадонларга кириб, сарой учун қиз топишади! Алқисса, маҳрамлар шу парини кўриб, ҳазратимга мақтаган. Ҳазратим яқо ушлаб, менга олиб келинглар, деган...

— Буни нега менга дoston қиялпсиз?! — яна кулди Абдурахим.

— Аввал гўш қилмайсизми?! — инжиб деди қози. — Хў-ўш, Амирим парини олай, деб турсалар катта бир амалдорлари ҳузурларига кириб, ер ўпиб «бир қошиқ қонимдан кечсангиз, аъло ҳазрат!» депти. Амир: «Бахай?!» дептулар. «Азбаройи Худо, бу қиз ўғлимга унаштирилган!» — депти амалдор. Амирим марҳаматли одам, шу палла кайфиятлари ҳам чоқ экан «бахтли бўлсун!» — дептилар... Амалдор тўйни тезлатибди! Хулласи калом, тўй кунини ҳам етиб келипти. Ўғил-доммод эрталаб ёру жўрасига базм берипти. Баъд азин, «кечаси келинини уйига борамиз, унгача бир ухлай!» — деб бўш хонага кириб кетипти... Анча вақт ўтибди. Эшикка ана қарасалар, чиқмайди, мана қарасалар, чиқмайди, ахийри офтоб ботибди. Одамлар танг бўлуб, уйғотайлуқ, деб ичкарига кирибдилар. Кўрсалар, ўғил-доммод ётган жойида ўлиб қолган экан! Тўй мотамга алмашипти... Шу, денг, икки йил бўлди, келин, пари бечора ҳамон боши маломатдан чиқмайди! У ёндан ҳам, бу ёндан ҳам йўли очилмаган...

— Ҳикоятдан мурод не?! — қизиқсинди Абдурахим.

— Мурод?! Шу парини сизга олиб берай, тақсиржон!

— Бир йигитнинг бошини егани камми?!

— Ҳусни жойига-да! Париликка пари...

— Ҳуснига нон ботириб емасман...

— Ота авлоди сипоҳи, она авлоди савдогар. Тагтугли. Зиён кўрмайсиз! Мен айтаман, унинг шаръан гуноҳи йўқ. Инчунинки, хоҳиши Худо не бўлса, шу бўладир! Бир қизни бекор маломатдан қутқармоқ ҳам йигитнинг иши. Савоб...

Абдурахим бир неча кун бу гапни ўйлаб юрди.

Ниҳоят, қозининг гапи маънили эканлигини ҳис этди. Мустабшира бонуга уйланди.

Қўлидаги бир мулки икки бўлди.
Кейин, Бухорода «завуд очмоқ» орзусига тушди.
Очди.

Кейин, Марғилонга бориб, «завуд очди».

Марғилонда бир неча йил яшади.

Кейин, Қашқарга жўнади.

Анча йил Қашқарда яшади.

Бисот-бағали ДУНЕ БЎЙЛАБ сочилган эди!

Истаган жойда — ўзи истагандек ҳаёт кечирар эди!

Кутилмаганда...

Катта Тўнтариш рўй берди.

Абдураҳим .

ўзи чирмаша-чирмаша кўтарилган
тепаликдан —

ортга, қўйига бирдан

шиддат билан сирғалиб (сирпаниб)

тушгандек бўлди!

У икки-уч марта Бухородан қочишни ўйлаб,
чегарага борди.

Аммо иши юришмади.

Уни тутиб, қамашди.

Қамоқдан чиққач, ҳамма нарсадан мосуво ҳолга
тушганига қаноат ҳосил қилди. Унинг ҳовлилари ҳам,
дўконлари ҳам — бор мулки таланган, ўғирланган, му-
содара қилинган эди!

У энди хизматчиларидан Ҳакимжон саррофнинг дў-
конида бир-икки кўзи тушган (бу нима қилиб юрибди
бу ерда, деб гаши келган) Қосимбекни баъзан эслар
эди.

Ўзича ўйлар эди:

чархи кажрафтор!

Амир Олимхон — Қосимбек...

Файзулла Хўжа — Қосимбек...

Мен — Қосимбек...

Ўғлим — Қосимбек...

Биз ҳам ўз давлатимиздан айрилдик!

Абдураҳим ўғлини кўп йилдан буён кўрмаган эди.

Бу кунги қиёфасини тасаввур ҳам қилолмас эди...

Ўғли туғилганида,

бой уйда эмасди.

Навбатдаги бир тижоратдан қайтганида, духобага
ўралган чақалоқни келтириб, қўлига тутқазишди.

У болани манглайдан ўпди.

— Исми не бўлди?!

— Абдурауф қўйдик!

— Рауф! Яхши...

Кейин, яна ўз ташвишларига ботди. Ўғлини кам кўрар эди!

Бир куни, нима бўлди-ю, дераза олдида Мустабшира бону билан сўзлашаётиб, ҳовлига қаради. Ҳовлида бир йигитча каптарга дон сепар эди. Иккита курка ҳам унинг атрофида айланиб юрар эди.

— Бону! Ўғлинг неччида? — деб сўради Абдурахим.

— Ўн етти...

Бой қўлидаги чойни индамай ичиб, ҳовлига чиқди.

— Яхшироқ кийининг, ўғлим!

— Хўп, дада.

— Дарров!

Рауф шоҳи яқтак, амиркон маҳси кийиб, бошига оқ дастор ураб чиқди. Бой уни кўчага етаклади.

Бирон ерга борадиган бўлса, ҳеч кимга ҳисоб бериб ўтирмас эди. (Ўзига хон, ўзига бек эди!) Унинг қаерда нима иш билан банд эканлигини уйига хабар берадиганлар топилар эди.

Ўғлини бошлаб, шу кетганча...

қишлоқлар, шаҳарлар, дарёлар, денгизларни кечиб, —

улар Маккага бордилар.

Макка, Мадинани зиёрат қилдилар.

Кейин, Туркия, Эрон, Россиянинг бир неча шаҳарларини айландилар...

Бу олис сафардан Бухорога қайтиб келишгач, —

Абдурахим яна ўғлини «унутди».

Аҳён-аҳён юзма-юз келишар; у энди ўғлига «Ҳожи» деб мурожаат қилар эди:

— Ҳожи! Бизга қачон кўмак берасиз?!

— Хизматингизга тайёрман, дада!

Шу билан, гап тамом эди.

У Мустабширадан ташқари, Марғилонда Орзухон, Қашқарда Қиличхонга ҳам уйланган эди... Орзухондан бир қиз, бир ўғли бор эди. Абдурахим буларни ҳам беш-ўн кўрган эди, холос... Бир куни ҳовлида Мустабшира бону озғин болакай, пахмоқсоч қизалоқни кўрса-тиб:

— Бой, буларни танийсизми?! — деб сўраган эди.

У «таниб олишга» улгурмай, Абдуфаттоҳ билан Маҳбуба «дадажон» деб бағрига отилишди.

Лекин кейин, барибир буларни (ҳам) яна «унутиб» юборди.

(Бу хонадондан Маҳбуба, чамаси узоқроқ яшади.
У Бек деган озар кишига теккан эди. «Маҳбуба Раҳим қизи» имзоси билан кўп шеърлари ҳам эълон қилинган!)

Абдураҳим Тошкентда ўғлининг уйини топган тақдирда ҳам, бу ерда яшаб қолмоқчи эмас эди, албатта. У, Рауф шуҳратли бир одам эканлигини эшитган эди. Кўнглида бироз фахрланарди. Шунинг баробарида...

ЯНГИ ЗАМОН КИШИЛАРИГА (жумладан, ўғлига нисбатан ҳам) у қандайдир **БЕГОНАЛИК** ҳис этар эди. «*Ғирт нодонлик, бу — ҳали у қадар катта иллат эмас; ҳар нарсани оз-оздан ўзлаштириб, ўзингни билимдон деб ўйлаш ундан баттарроқ фожиадир!*» (Афлотун).

Абдураҳим ўзи ҳақида ғирт нодон, янгича яшамоқни истаганлар тўғрисида эса «билимдон»лар, деб ўйлар эди.

У ўғлининг юз-кўзига шунчаки тикилмоқчи эди!
«*Одамлар бошларига бирон мушкуллик тушганида, ҳамма нарсадан, ҳатто тақдирдан, Тангридан зорландилар-у, ҳеч қачон ўз-ўзларидан норозилик сезмайдилар!*» (Афлотун).

Абдураҳим бу тоифага кирмас эди.

У мен бой бўлай, улуғ бир ишлар қилай деб, умримни шу мақсадга тикиб, атрофимдаги одамларга, айниқса фарзандларимга кам меҳр кўргуздим, хато қилдим! — шундай фикрга келган; аллақачон ўзи-ўзидан норозилик сезишга одатланган эди. (Уни энг кўп эздиган ҳолат ҳам шу эди!) «*Дунё муҳаббатдан бошқа нарсага ярамас экан!*»

Қари дарбадар

эртаси куни

ўғлининг уйини қидириб юрмади. (Топмадимми, топмадим! — деб ўйлади.)

Бухорога қайтди.

Кейин, дашти-сахрога жунади.

Кейин...

яна...

чегарага қараб кетди...

Усмон

қум тоғига чирмаша-чирмаша

ахийри

азоб билан

бир тепаликка кўтарилди.
 Шу аснода
 чуқурликни қум кўмаётганини пайқади.
 Олдинга —
 қумда сирпана-сирпана —
 сурила бошлади.
 Орадан кўп ўтмай...
 ортида қолганми-йўқолган карвон ҳам
 етиб келди.
 У карвонга қўшилди.
 Отлиқлар, туя минганлар, ҳатто хачир минганлар...
 пиёдалар...
 Бутун бир карвон!
 Энди яна (дунёнинг айланиши) —
 эски (аввалги) манзара...
 қум тепалардаги саксовул, юлғун, юзган, ковгар,
 ялли қизариб ётган тикан буталарини оралаб, сувси-
 раган, ҳол-мадори қуриган одамлар қудуқ томон ваз-
 мин сурунишмоқда эди.
 Усмон ҳам.
 Хаёлга ботган.
 Уни ҳамон олдинги (ўша) саволлар қийнамоқда
 эди:
 Мен Рауфни топаманми?!
 Менга Рухсорани кўриш насиб этармикан?!

МУҲАББАТНИНГ САРОЙИ

(Собир)

(Учинчи қисм)

14

*(Муҳаббатнинг саройи кенг экан, йўлни йўқотдим-ку,
 Асрлик тош янглиғ — бу хатарлик йўлда қотдим-ку.*

*Карашма денгизин кўрдим, на нозлик тўлқини бордир,
 Ҳалокат бўлғусин билмай, қулочни катта отдим-ку.*

*Ажаб дунё экан, бу ишқ дунёси, аё дўстлар,
 Бу дунё, деб у дунёни баҳосиз пулга сотдим-ку.*

*Унинг гулзорида булбул ўқиб, қон айлади бағрим,
 Қўзимдин ёшни жўйлаб, аламлар ичра ботдим-ку.*

Қаландардек юриб дунёни кездим, топмайин ёрни,
Яна кулбамга қайғулар, аламлар бирла қайтдим-ку.

Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,
Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай, ерга ботдим-ку.)

* * *

Муҳаббатнинг саройи кенг экан...
топмайин ёрни...
яна кулбам...

* * *

Осмонга учган киши маълум вақт ўтиб, барибир
ерга тушади,
Бусиз илож йўқ.
Инсоннинг маскани — Ер...

* * *

Чексиз саҳрода тентираган
Усмон ҳам «қайғулар, аламлар бирла»
ўз кулбасига қайтди...

* * *

Ривоятми, эртакми?! — тугади...
Ҳаёт-чи?!

15

Ҳаёт ҳамиша озгина бахт, озгина омад келсин, деб
машаққатлар, кулфатларга чидаш ва албатта, —
ЎЗ ОДАМИЙ ҚИЕФАНГНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ
учун

ҳар қадамда ЭЗГУЛИК ва ЁВУЗЛИК тўғрисида
ўйлаш, интилиб-курашиб ЯШАШдан
иборат экан!

* * *

Усмон дунёга келиб, кўргани — ҚИЙИНЧИЛИК эди.
Унинг ота-онаси қўли қисқа кишилар эди.
(Ака Сайд қамалиб чиққан. Қасби-кори ҳам касод-
га учраган эди.)
Усмон кейин ҳам кўпинча юпун, оч-наҳор кун ке-
чирди.

(Эй ҳамон...)

Ушанда ДАВР қизик эди.

Аҳолининг туқсон фоизи бир хилда «камбағал-деҳқон оиласида туғилдим» деб ёзади. Мумкин! Ёки, бемалол «камбағалпарвар ҳукумат» дейиш мумкин (керак ҳам!) Аммо...

камбағалман, деб бўлмайди.

Аксинча, бойман, деб ҳам.

Камбағалман, десанг — ҳаётдан, даврдан норози, шикоят қилганга ўхшайсан! Бойман, десанг — душман!

— Қандай яшаяпсиз?!

— Ҳамма қатори! Кўпчилик қандай бўлса, биз ҳам шу!

(Бўлинганни бўри ер,

айрилганни айиқ ер!)

Машина винти, деган гап чиққан. Мен катта бир машина винти (Одам, Шахс эмас!)

Кўпчилик! — яхши.

Ҳамма! — яхши.

Тенглик! — яхши.

Лекин Худо азалдан ДУНЁни бошқача яратган-да...

Ит-мушуклар ҳам тенг эмас. Бирлари кўчада қолади. Бирлари пар ёстиқда думалайди!

Атрофга қарасанг, барибир бой билан камбағал бор.

Ойни этак билан ёполмайсан!

(«Ойни этак билан ёпиш ҳам мумкин!»)

Гапнинг индаллоси...

Усмон афтидан, омадли ҳам эмасди.

(Оз-моз илм билан шуғулланишдан бўлак бирон ишнинг қўлидан келмас эди. Уқувсизми, хаёлпарастми?! — шунақа эди.)

(У баъзан ўғлига, мен бир пайтлар, ёшлигимда зўр эдим, дегиси келар эди-ку, кейин Насриддин Афандига ўхшаб, ўшанда ҳам гўл эмасдим, деган гап кўнглидан кечар эди.)

Усмон уйдан (ўз кулбасидан) чиқаётиб, бугун бир кўнгилсизлик рўй бермасмикан, деб ҳар гал (аксар) хавотирланар эди.

Қаёқдаги воқеалар рўй берарди ҳам! Унинг йўлида, кўчада албатта (у қоқилиб кетсин учун) тош ётган бўлади. Усмон минган дарахт шохи қарсиллаб синмаса, бекор. Ҳеч қачон ит йўламаган кўчаларда унга эшакдай ит ириллаб ташланади. (Усмон итдан қўрқар эди. Қўрмаган одамга ит индамайди, деб эшитган эди. Яна кулгили шундай гапни эшитган эдики, итга қараб сен ҳам ҳурсанг, сени девона деб ўйлаб, муомалада бўлишдан ҳайнқади, ўзи нари кетаверади!)

Бу узоқ «даромад»га қарамасдан...

айтиш керак:

у (чиндан) ҳаётни яхши кўрар эди!

Гоҳ-гоҳо бўлса-да, ўзини омадли ҳам, бахтли ҳам хис этар эди!

Унинг бахти, омади: Худо унга ДУНЕНИ (имкон қадар) англайдиган ТАФАККУР берган эди! Усмон (Розик деган йигит сингари) Обрули (Даҳо) Файласуф бўлмаса ҳамки, ҳар қалай ўз ишини эплаб юрган ОЛИМ эди!

Усмоннинг бундан ҳам олдин (энг катта) бахти, омади:

Собир деган ўғли эди...

16 -

— Собир! Ўғлим... болам...:

Эшит! Сенга айтадиган гапим кўп. Тўпланиб қолди. Анчадан буён гаплашолмадим. Мени кечир...

Очиғини айт! Биринчи навбатда...

«ривоятми, эртакми?! — тугади...» деган гапга ишонг-дингми?

Нега «кейин нима бўлди, дада?!» — деб сўрамаяп-сан?!

Мен ўзим «тугади» деб ўйлаган эдим. Энди қарасам, —

Бу йўл Абадий Шундай Давом Этаверар экан!

Индамасанг ҳам сезиб турибман, сен ишонганинг йўқ.

Сўрамаётганингга сабаб...

хўп, бу тўғрида ҳали сал туриб! Ҳаммасини Бир Ипга тизмасам, бўлмайдиганга ўхшайди...

* * *

Мен учун — Бухоро азиз! Киндик қоним томган! Лекин қисматми, анча йил бурун мени Тошкентга олиб келди.

Энди...

* * *

(Бухорода туғилдик гарчи,
Гарчи берди Бухоро камол,
Бухородан оламиз хабар —
Гоҳ-гоҳ келиб, лайлақлар мисол.
Болаларнинг кўзида соғинч,
Соғинч бизнинг кўзимизда ҳам;

*Болаликнинг ҳайрати билан —
Тор кучага ташлаймиз қадам.
Эҳромларни айлаб зиёрат,
Сўнг осмонга учамиз дарҳол.
Бизни маъюс кузатар дўстлар, —
Лайлакларни кузатган мисол!)*

* * *

Тошкентлик бўлиб қолдим.
Шу ерда умрим ўтяпти.
Талабалик йиллари эди. Анора деган қиз билан
танишдим. Уйландим...
Турмуш унмади. Ажралдим...
Ҳозир, кўп йиллардан кейин ўйлаб кўрсам, —
Анорой ёмон аёл ҳам эмаскан.
Бироз чарс. Бироз кескин. Шу билан бирга, бағри
очиқ, қўли очиқ.
Бизни асосан ҳаёт машаққатлари еди. Шундай бў-
лиши керак...

(Мен — ҳеч ким; бечора Сукротни эсла. Миртадан
кейинги хотини Ксантиппа қашшоқлигини юзига солиб,
уни баъзан ҳаётдан безор қилиб юборар эди... Била-
сан-ку, ўғлим, Сукрот: «Мен биров ҳақ тўласа, таълим
бериб, тўламаса, бош бурибманми?! Мен бирон ман-
фаатни кўзлаб, одамларга таълим берганим йўқ!» —
деган эди... Рауф-чи?! Абдурахим бойнинг ўғли, лекин
муҳтожликда, ночор қолган пайти қанча!)

Биз яхшироқ яшасак, бахтли бўлармидик, демоқ-
чиман.

Қисқаси...

сен дунёга келдинг, болам...

17

Мен тез орада уйдан кетдим.

Аҳён-аҳён сендан хабар олар эдим. (Яна Абдурахим
бойга ўхшадим-ку!) Биз, эр-хотин ахир, ажралган эдик.
Сен улғая бошладинг.

Мен ҳис этар эдим: онла бузилганида, ота ёки она-
дан кўпроқ БОЛА изтироб чекади. Ярим стим! Бироқ
бошқа илож йўқ эди. («Ким ушатса шишани, битмас
яна пайванд ила!»)

Сенинг юз-кўзингда онангдан, айниқса мендан (ва

бунга қўшилиб, бутун ҳаётдан) норозилик сезилар эди. Ўз-ўзининг аҳволингданми, атрофдаги одамларданми, умуман рўй берган воқеаданми?! — уялаётганга ҳам ўхшар эдинг. Баъзан қисингандек. Баъзан «портлаб» кетгиси келган. Баъзан эса кўзларинг бақрайган: ҳеч нарсасига тушунмаяпсан...

(*Гуноҳим кўп! «Оллоҳим, Ўзинг кечир гуноҳларимни. Каттаю кичигини, олдингию кейингисини, ошкораю махфийсини...» Гуноҳим кўп!*)

Ушанда аксар зиёлилар болаларини рус мактабида ўқитишар эди. Катта одам бўлади, замонга тезроқ асқотади, деб ўйлашар эди. Инсоф юзасидан айтганда, бизнинг ўзбек мактабларига нисбатан рус мактабида тарбия яхшироқми, билим кўлами ҳам кенгроқми эди. Аммо бу мактабда ўқиган бола тили, тарихи, маданияти, расм-русумлардан, ўз халқидан, бутун Шарқдан узоқлашиб қолар эди! Бу нарсаларга у ҳатто мазах аралаш қарашга одатланар; уни энди **ЎЗБЕК** дейиш ҳам қийин эди!

Сен ҳам рус мактабида ўқий бошладинг (янги шаҳарда, яқин атрофда ўзбекча мактабнинг ўзи ҳам йўқ эди!)

Ота-бола, орамизда аллақачон бир жарлик пайдо бўлган; кундан-кунга кўзни тиндириб, туби теран ўнгирларда кўринмай кетаётгандек эди. Мен **СЕНИНГ УЎЛИМ ЭКАНЛИГИНГ** тўғрисида кам ўйлар; шароит шундай шаклланган; менга бу оғирлик ҳам қилар эди!

Шу тахлитда кунлар ўтиб (мактаб тугади), сен бир пайт аскарликка жўнадинг...

18

Аввалига онанг сен яхши хизмат қилиб юрганингни билдириб турди.

Лекин кейин...

менга сендан хатлар кела бошлади.

Қисқа фурсатда ажабо, сен бирдан ўсиб-ўзгарган эдинг!

Муҳими:

орамизда жарлик ҳам йўқола бошлагандек эди!

* * *

Салом, дада!

Соғмисиз? Ишлар яхши кетяптими?!

Мен ҳам ёмон эмас.

Ўзбекча ёздим. Хатоси бўлса, кечиринг. Ўз тилингда ёзиш, гапиришга нима етсин экан! (Куда приятнее на родном языке!) Сиз ҳам менга ўзбекча жавоб ёзинг.

Сурат юбормоқчи эдим. Бўлмади. Бу ерда қийин. Тушсам, юбораман. Сиздан ҳам хат ва суратингизни кутаман. Альбом қилмоқчи эдим, менда расмингиз йўқ.

Сиз билан кўп нарсаларни гаплашгим, сиздан нималарнидир сўрагим келади.

Ҳаво бу ерлар учун ҳали унча совуқ эмас, 30 даража. Агроф дарахтзор (тайга). Қор. Қиш бўлсаям, шундай чиройлики (просто чудо)!

Ҳозирча шу. Кейин яна ёзарман.

Собир.

* * *

Совға-салом юборган экансиз, олдим. Раҳмат, дада. Соғлиғингиз яхшими? Иш?

Мен ҳам юрибман. Биз янги жойга кўчдик.

Ҳавоси ажойиб. Жуда чиройли. Дарахтлар сариқ, қизил бўлиб ётипти. Қайин кўп. Келинчак.

2 ойдан буён шу ердамиз (бу ерда вақтинча). Та-ниш, дўст топдим. Бухоро, Қашқадарёдан болалар оғай-ним.

Мен олдинлар билмас эканман. Ҳар жойда ўзбекча гапириш ҳар хил экан. Шева. Тошкентликлар «вуз», «вотти» деб гаплашаркан. Бухоро билан қашқадарёлик-лар тожикчани қўшиб, аралаштириб... Мен андижон-ликлардан фарғоначани ўрганияпман.

Қандай гаплашса яхши, деб талашиб турадилар. Мен уларга, бунинг кераги йўқ, ҳар кимники ўзига, ой кў-ринар кўзига, дейман. Биттаси менга, сен уйга борсанг (гражданкада ҳам) одамларни яраштириб юрасан, дей-ди.

Бошқа нима ёзишни билмайман. Кунлар бир-бири-га ўхшаш.

Вақт бўлганида, ёзиб тураман. Сиз ҳам ёзинг.

Мен (имзо)

* * *

Ассалом, дада.

Дам олишда экансиз. Қаерда, қандай дам олдин-гиз?

Мен ҳар қачонгидай, хизмат. Дўстларимдан, онам-дан хат олиб турибман.

Кўп ўқийман. Уйлайман. Ҳаётнинг қадри! Бир марта яшаш... Муносиб умр кечириш, дейдими?! Инсонда баъзан ҳайвонда бўлмаган ҳайвонликлар... Аскарликда юриб, кўп нарсани кўрдим! Ўргандим.

Бир йигитга жавоб беришган экан, Бухорога бориб келди. Тошкентда уйга ҳам кирибди. Мен сиз билан учрашса, деган эдим, телефонни йўқотиб, кўришолмабди. Афсусландим.

Мана, мен қайтишимга ҳам ярим йил қолди. Энди камроқ хат ёзсам керак. Уйга боришингга яқин қолган сайин, хатни қўйиб, ўзинг боринг келади. Хат билан қаноатланмайсан.

Альбом тайёрлаяпман. Йўлгаям ҳозирдан тайёргарлик.

Менга бироз пул. 50 сўмча. Онамдан сўрардим-ку, иложлари борми, билмайман. Ёзган хатларига қарганда, сал қийналаётган бўлсалар керак.

Яқинда суратга тушган эдим, кеча беришди. Сизга биттасини эсдаликка юборяпман.

(Суратда бешта ўзбек йигит қисм олдида, йўғон иккита ғўла ёнида; учтаси тик турибди, иккитаси ўтирибди. Ўтирганлардан бири, бошқалардан нозикроқ, ранги очикроғи — Собир!)

Бир неча кун тинмай ёмғир ёғди. Бугун тинди, ер ҳам қурий бошлаган. Лекин қор совуғи. Ёғса керак. Кечалари салқин. Тошкентда ҳозир иссиқ. Ҳали ёз. Ҳўп, шу билан тугатаман. Жавоб кутаман.

Ўғлингиз Собир.

* * *

Дада! Яхши юрибсизми?

Қийинчилик, камчилик йўқми?

Энди мендан сўрасангиз, соғлигим жойида. Юриб-миз.

Мана, Янги йил ҳам яқинлашяпти.

Байрамни яхши ўтказинг. Менга кўпроқ хат ёзиб туринг.

Ўғлингиз.

(Хат ичида табрикнома.
Соғ бўлинг, дада.

*Бахтли бўлинг.
Умрингиз узоқ бўлсин.)*

* * *

Ушбу ёзаётган хатим тез ва оз кунлар ичида гўзал Тошкент шаҳрида ўйнаб-кулиб юрган дадамга бориб етсин.

Ассалому алайкум, дада!

Аввало, сув ва ҳаводек зарур соғлигингиз қандай?

Чарчамасдан, зерикмасдан юрибсизми?

Ўзингизни асранг, дада. Биз учун ҳам...

Мендан сўрасангиз, камчилик йўқ. Ҳаммаси жойида.

Қишининг охириг оyi келди. Бу ёғи баҳор. Ҳаёт қандай гўзал. Баҳорлари, байрамлари билан... Кўнглимда шикоят йўқ! Мен тушундим. Тушкунлик — ношукрлик, ҳаётнинг қадрига етмаслик экан...

Сизни Наврўз билан табриклайман. Баҳор келса, биз ҳам уйга қайтамыз. Сиздан илтимос, йўл учун бир оз пул юборинг.

Агар имкони бўлса. Февраль оyi ичида.

Шунақа гаплар. Совуқ 25 даража. Ўрмонни қор босган. Атроф лекин чиройли.

Шу билан, хатим тамом. Жавоб кутаман.

Ўғлингиз Собир.

19

Гапнинг давомини эшит, ўғлим...

Менда асранган, сен унутиб ҳам юборган хатларни эслаб, сени зериктирмадимми?!

Йўқ, сен зерикмайсан.

Шошадиган жойинг ҳам йўқ. Вақтинг бемалол.

(Ҳозир айна дардлашадиган кечки пайт!)

Аскарликдан қайтганингда, сен улғайган эдинг.

Олдингига ўхшамасдинг! Бағринг кенгайган. (Осмонни, Ерни, Дарахтларни, Қушларни севасан!) Сенда заррача норозилик йўқ. Ҳаётга муҳаббатли, одамларга нисбатан марҳаматли бўлиб қолгансан. Яна, сабр-қаноат. Ўйчанлик. Вазминлик.

Ҳамон баъзан

қисиниш ёки уялаётгандек ҳолат...

Лекин бу энди ШАХСИЙ кечинма эмас! Бировларнинг НОЖУЯ хатти-ҳаракатларини кўриб, аралашиш қийин (ва бефойда) эканлиги, чидаш кераклигидан

қисиниш... Одамлар ўзларини НОМУНОСИБ тутишганида, ўзингча улар учун уялиш...

Аксар кўча-кўйда кўни-қўшни, ёр-биродар, таниш-билишни учратиб, ҳар гал тўхтаганча, осойишта сўзлашар эдинг.

Кейин, содда, беозор, ҳатто жилмайиб, —
НИМАЛАРНИДИР тушунтиришга уринар эдинг:

— *Меҳр сўз билан ўлчанмайди!*

— *Яхшилик бировга берадиган қарз эмас!*

— *Бир-бирини қадрлаш керак. Ҳаммамиз ҳам бу дунёда меҳмон!*

— *Тўғри йўл битта. Эгри йўлнинг кўчаси кўп!*

Яшириб ўтирмайман. Бу панд-насиҳатга ўхшаш гапларни эшитиб, «Сен ёш бола! Одамларга гап ўргатиб нима қиласан?!»—деб ўйлаб, гоҳида гашим келар эди. Бироқ сенинг сўзларинг маъзини чақиб, мулоҳаза юритиб, сен билан фахрланар ҳам эдим! Кўксим тўлиб, «Болам! Жон болам!», гоҳо эса «Афлотунмисан, болам?!» — деб ўйлар, сенга ажабланар эдим.

(Бизда Афлотуннинг устози Суқротни ҳам, шогирди Арастуни ҳам одамлар билишади! Аммо зеҳнли-зийрак, ақлли кишилар доим Афлотунга қиёсланган. Афлотун Шарқда каттароқ эътиборга эга!)

* * *

Энди заводда ишляяпсан.

Бўш вақтларда китоб ўқийсан.

Баъзан соатлаб сув бўйида, қайсидир боғлар, дарахтзорларда айланасан.

Ўйда суҳбатлашиб ўтирганда ҳам

ПАНД-НАСИҲАТГА ЎХШАШ

битта-яримта гапни айтасан:

— *Бировни ёмонлаб, мен ундан кўра яхшироқман, дегандек бўласан...*

— *Бошқаларни ўзингдан ёмон деб ўйлама. Балки, одамлар орасида ёмонроғи сендирсан!*

— *Мени ҳеч ким камситолмайди. Одам фақат ўзини ўзи камситиши мумкин!*

— *Ҳатто камтарликда ҳам меъёр бўлиши керак!*

— *Ўзини танимаган бировни танийдими?! Отасини ҳам танимайди...*

— *Тарихда «озод қул» дейишган экан. Қул, лекин озод! Озод, лекин қул! Одам банда, у ҳеч қачон буткул озод бўлолмайди...*

— Баҳрамандлик, дейсизми, дада?! Кам, дейсизми?!
Инсон уни ўзи учун ўзи топади...

— Худо Одамни чидаб яша, деб Ерга туширган...

— Ўзини Осмон деб ўйлаганлар қанча! Осмон Осмон бўлиб қолаверади...

— Халқ индамагани, билмагани эмас...

(Йўқ, сен ҳамон ўз фикрингни бировга ўтказишга уринмас эдинг. Гапирардинг-қўярдинг, холос. Сенинг ҳолатинг дахлсизми, беғаразми?! — эди:

*Кўнглунг истар ёрлар бирла
ҳамиша шод бўл,
Мендину кимдинки, — кўнглунг истамас, —
озод бўл...)*

* * *

Тирикчиликни ўйлаш керак, албатта.

Лекин сен билан суҳбатлашиб ўтириб, баъзан:

«Ўғлим ўқиса, ундан масалан, Рауфдек бир инсон чиқармиди?!»—деган хаёлга борардим. Кейин...

Мағрурланиб унинг ИШҚИдан,

Ота-она сўзлаб қоламиз.

Е зўр олим, ё машҳур шоир —

Бўлар, дея, бизнинг боламиз...

биз шундай тарбия олганмиз-да! Гўёки боланг «зўр», «машҳур» бўлиши шарт. Шоир ёки олим...

ОДАМ БЎЛГАН муҳим эмасми?!

Заводда ишласа, нима?!

Қорхоналарда, дала-даштда биз ЗИЁЛИ деб кўкка кўтарадиган кишилардан минг чандон ИНСОФЛИ, ИЙМОНЛИ ва анча АҚЛЛИРОҚ одамлар озми?

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ СОЧИЛИБ ётибди!

* * *

Мен сенга ўрганиб қолдим, болам.

Сен ҳам...

Орамиз яқин бўлиб қолди.

Кўпинча барибир, мени онам тарбиялади, дейсан.

Мен бунга хафа бўлмайман.

(Сен мени гуноҳкор деб билмайсан.

Мен ўзим-ўзимни сенинг олдингда баъзан гуноҳкор ҳис этаман!)

Бухорога кўп бормагансан.

Фақат ора-чора...

Шунга қарамасдан, менинг ҳаётимдан тортиб

Бухоро билан жиддий қизиқасан.

Иккимиз кўчаларда судралиб сўзлашганча,
боши-охири йўқ бир ҳикоя «туқиймиз».

— Амир Олимхонни энди оқлаймизми, дада?!

— Оқлаш, қоралаш... бу ранг беришлар бекор!

Дуёда одам... ҳар кимнинг ўз мураккаб қисмати! Масалан, мен бошқа юртда, муҳожирликда Ватаним деб йиғлаб-йиғлаб, кўзлари ожиз бўлиб қолган, ғарибликда ўлиб кетган бир кишини ёвуз, дейишга ҳам унчалик тилим бормайди.

— Хўп, инқилобми, Тўнтаришми?! — олдин одамлар яхшироқ яшаганми?!

— Қаёқда! Халқ доим эзилган. Норозилик ўзи-ўзидан туғилмайди! Урта асрга хос, қотиб қолган бир ҳаёт. Регистонни, зиндонни кўргансан... Жаҳолат кучайган эди! Ортиқ бундай яшаб бўлмасди... Бунинг устига, Ёшлар мустамлака зулмидан қутуламиз, деб ўйлашган...

— Демак, ҳавас қиладиган жойи йўқ...

— Шундай! Минг йиллар дунёни ҳайратга солган Бухоро ботқоққа айланган эди.

— Демак, Амирни ЭЗГУ ҳам деёлмаймиз!

— Бунга ҳам тил бормайди...

— Эзгу ҳам, Ёвуз ҳам бўлмаса, ким у, дада?!

— Нима десам экан... Суқротни биласан. У билан гаплашган одамларнинг хаёли қочиб, боши гангиб қолар эди. «*Ҳозиргача ҳамма нарса очик-ойдин эди; энди ҳеч нарсага тушунмайман!*» дейишарди... Тарихни туғри қараб, ўргангнинг келган сайин шундай ҳолатга тушасан! Мен умуман, бу амирларга тушунмайман. Улар бирон пайт халқни, мамлакат тақдирини ўйлаб қайғуришганми, йўқми?! Амир Олимхон ўшанда мустамлакачилар билан қўлни қўлга бериб... Ундан олдинги, бошқа амирлар-чи?! Генерал Черняев Тошкентга босиб кириб, Хўжанд билан Қўқонни қўлга киритишга уринаётганида, Амир Музаффар булардан биронтасига ёрдам бериш эмас, у ҳам шу жойларни босиб олиш пайига тушади. Бир томондан, Черняев, иккинчи томондан Музаффар... Хўп, бошқа гап. Бир пайт Бухорода Музаффарнинг ўғли Абдумалик отасига қарши исён

кўтаради. Бу исённи бостириш учун Амир генерал-губернатор Кауфмандан ёрдам беришни сўрайди! Уғлини енгизишга Кауфман унга ёрдам беради ҳам... Яна, кейин. Россия Амир Музаффарга, биз сизни ташқи душманлар ва ички (ички) ғанимлар-мухолифларингиздан ҳимоя қиламиз, дейди... Ана, сизга Бухородаги аҳвол! Ёшлар бекордан бош кўтаришмаган эди...

— Кейин, қордан қутулиб, ёмғир...

— Шундай!

(Мен Рауфни яхши кўрганимни ҳис этиб, —

балки, дадамга хуш келсин, деб?) —

сен Ёшлардан Рауф тўғрисида мендан

қайта-қайта суриштирасан!)

— Бировнинг қўли билан чўғ тутадиганлар борлигини Рауф билмаганмиди, дада?

— Сиёсат... Одам ичида бўлганинга ҳамма нарсага дарров тушунавермайсан! Мен сенга бир гапни айтаман, Собиржон... Ақли бор, эси бутун киши ҳеч қачон қайсидир халқ, миллатни бошқа халқ, миллатга қарши қўймайди. Тўнтаришгача Бухоронинг ўзида қирққа яқин миллат яшаган. Улар ўзаро низо нима, хаёлларига келтиришмаган! Рауф шу шароитда ўсган эди. У қанчалик миллатпараст бўлмасин, ҳеч кимга озор етишини, зулмни истамас эди. Туркияда ўқиб тарбия топган, кейинчалик рус шаҳарларида яшаб, муаллимлик ҳам қилган эди! Лекин сиёсат, мустамлакачилик сиёсати бўлак... Бухоро тарихига қара, «Меҳмоннома», «Абдулланом», «Убайдуллонома» деган китоблар. Наршахий ёзганидан ташқари, тарихдан биронта МУКАММАЛ асар йўқ. Муҳаммад Наршахий ҳамон минг йиллик чўққи бўлиб турибди... Бу аҳволдан Бухорога кўз тиккан мустамлакачилар фойдаланишди! Демизон дейсизми, Перовскийми?! — тил ўрганиб, ҳатто динни қабул қилганча, ҳар хил сайёҳлар, тарих, жўғрофияни ўрганадиган олимлар, баъзан муолажа учун ҳакимлар Бухорога ёпирилиб кела бошлайди. Булар ўзлари истаб-истамаган, билиб-билмаган ҳолда устомонлар, наҳангларга Бухоро тўғрисида маълумот тўплаб беришади... Хуллас, бунинг англаш учун вақт керак эди! Рауф ҳам ЧИНАКАМ Ўзгариш рўй беради, деб ишонган. Ёшлар орасида юриб, ҳаракатга фаол қатнашган... У Аҳмад Донишга ўхшаган одам эди! Бухорода унинг мавқеи Файзулла Хўжа ёки дейлик, Айнийдан баланд турарди! Тўнтаришдан кейин унга

катта мансаб ҳам беришган... Лекин Рауф тезда аллақачон гишт қолипдан кўчгани, хато қилишганини пайқаган. Рауфнинг «феъли ўзгарганини» атрофдагилар ҳам сезишган. «Мансабини сунистеъмол қиляпти», «ўз ишини бажаролмаяпти» қабилида баҳоналар тўқиб, уни вазифасидан четлатишган. Рауф бунга парво қилмай, ўз йўлидан кетаверган...

— Дада, сиз нима деб ўйлайсиз?! Рауф ҳеч қачон Файзулла Хўжа билан шу ҳақда гаплашмаганми?!

— Ким билсин... Ўзимча, улар ҳар ҳолда, бир марта юзма-юз гаплашган, деб ўйлайман. Рауф Файзулла Хўжага: «Эшон! (яқин кишилар Файзуллани шундай деб ҳам аташар эди!) Мен Амирни фаҳш, ришва, мулкпарастликдан боши чиқмайди, деб тупроққа қориб юргич эдим! Бу ёғи қандоқ бўлди?! Кундан кунимиз баттар-ку! Олдин жилла қурса, руҳимиз эркин эди, энди руҳимиз ҳам қул бўлиб қолди-ку! Нега индамай-сиз, Эшонжон?!» — шу мазмунда гапирган бўлиши керак...

* * *

(Мен ҳозир бу ҳикояни эсламасдим, ўғлим...
Шарт эмасди...

Сенинг кўнглингга сиғмаётган бўлиши ҳам мумкин...
Қолаверса, ахир ота-бола суҳбати...

Бироқ мен англагим келади:

Бу дард...

Бухоро, деган дард...

Туркистон қайғуси...

Рауфнинг ҳасрати...

Сенга қачон, қандай «юқди»?!

Бизнинг авлодимиз бу армон, бу изтиробсиз дунёда яшай олмас эканми?!)

* * *

Сен аввалига

МЕН УЧУНгина

Рауфга қизиқаётгандек эдинг!

Кейин (нечундир) сен (ўзинг) ҳам —

УНИ —

излай бошладинг!

Ва ниҳоят...

бир куни...

(сени билмаган киши бунга ишонмайди!) —
мендан ғамгин кўйда:

«Рауф ўлимдан бошини сақлаб қолиши, қочиб қутулишининг ҳеч иложи йўқмиди, дада?!»—деб сўрагандек бўлдинг.

Мен: «Рауф мамлакатдан чиқиб кетишга жазм этса, отаси Абдурахим бой сингари сарсон-саргардон бўлмасди; бу йўлда ҳеч ким унга халал бергани қурби ҳам етмасди. Имкони бор эди. Яшаб юраверарди!» — дедим.

Шунда сен, буни у истамаган, холос; ўзига эп кўрмаган; унга бу чекиниш, ўз эътиқодига хиёнат бўлиб туюлган, дединг.

Ўйланиб туриб, яна, унинг учун мутеликдан, ўзлигини йўқотишдан ўлим афзал эди; у Суқрот эди, дада, дединг...

Мен сенга тикилиб, донг қотиб қолдим!

(Афлотунмисан, болам?!)

Рауф доим ахлоқий бузилишлар, маънавий емирилишдан асраниб, қўрқиб яшаганини ўзимча тасаввур қилар, —

билар эдим!

Лекин унинг Суқротга қанчалик ЯҚИНлиги...

Мен йиллар бўйи қидириб, тополмаган Рауфни — сен ТОПГАН эдинг!

(Ана, барча иплар бир-бирига боғланиб кетди!)

* * *

Бизда ота-она

ўғил ёки қизи билан

муҳаббат борасида сўзлашмайди.

Уят ҳисобланади.

Одоб кўтармайди.

Отами-она ўғлига (шунда ҳам қизига эмас) баъзан «*кўзинг остига олганинг бўлса...*» — дейди, холос.

Аслида, мен ҳам гапни шундай бошлашим керак эди.

(Кейинроқ шундай бўлди ҳам! Ҳали айтаман.)

Лекин мен

Эртакми-ривоятми сўзлаётим,—

Рауф билан бирга,

Рухсоранинг номини ҳам

тилга олмай ўтолмас эдим!

Эртакми-ривоят ТУГАГАН —

УША КУНИ — сен мендан:

— Сиз Рухсорани қайтиб кўрмадингизми, дада?! —
деб сўрадинг.

Мен сенга жавоб қилдим:

— Йўқ... Ҳамма бало шундаки, Рухсоранинг ўзи
йўқ эди! Бу бир хаёл... Биласанми, Рухсора деган арк-
даги қиз; болаликда дадамга унинг қулогини тишла-
тишган. Улар бир жойда туришган. Кейин, дадам уни
йўқотиб қўйган. Кейин, сарсон-саргардонлик йиллари
Самарқанд томонда, Пойарикми, Каттақўрғонда, ул-
ғайган Рухсорани дадам тасодифан бир учратган. Ле-
кин у кўпчилик орасида бўлган; улар бир-бири билан
сўзлашадиган аҳволда ҳам бўлишмаган. Кейин, дадам
Рухсоранинг қисматини ўйлаб, анча ташвишланган.
Тошкентга, Рауфнинг уйига келганида ҳам, асосан
Бухородан чиқиб кетиб, ЙЎҚОЛИБ ҚОЛГАН одамлар,
шу қаторда Рухсорани, Бутун Дунёдан Хабардор —
Рауфдан суриштиришни нстаган. Лекин Бу Гап сизма-
ган! Кейин, дадам учун ҳам қора кунлар... У Рухсора-
ни Бир Кўргиси Келар эди!

Биз узоқ сукутга чўмдик.

Шу паллагача мен сенинг АЁЛЛАР БИЛАН ишинг
борми, йўқлигини ҳам билмас эдим.

Вақти етгани-ю, хонаси келганидан,
сенга юзландим:

— Ўғлим! Сен ҳам катта бўлиб қолдинг. Кўзинг
остиға олганинг бўлса...

Сен қизариб, кафтларинг билан кўзларингни ёпдинг.
Шундан сўнг,

негадир синиқ, беозор кула бошладинг.

— Дада! Айтсам, ақлингиз бовар қилмайди...

— Гапир, ўғлим!

— Бор, албатта! У шундайки... Худойим! Лекин...

— Хў-ўш?!

— У Рухсора...

Болам! Жон болам!

Кўксим тўлиб кетди.

Дадамга, менга БУЮРМАГАН Рухсора сенга НА-
СИБ ЭТАЕТГАН экан, деб ўзимча шукрона келтирдим.

УША КУНИ сен бахтиёр эдинг.

УША КУНИ мен ҳам...

Кейин...

орадан кўп пайт ўтгани йўқ...

Кутилмаганда...
сен...
учиб кетдинг...
ойна очик эди...
ҚУШИМ!

* * *

*(Болам, биз, инсонлар эмасмиз нодон,
Барчамиз биламиз: кундек ўлим ҳақ!
Лекин қисматмиди, Ер билан Осмон —
Орасида сенга — турмоқ муаллақ?!)*

* * *

Болам! Мени қандай кўйга солдинг?!

* * *

«Улар ўзларини ўзлари ҳалок қилдилар!»
Бу — СЕНИНГ ЭМАС, МЕНИНГ ҲАЛОКАТИМ-
МИ?!

* * *

«Бу дунё, деб у дунёни баҳосиз пулга сотдим-ку!»
Қайси гуноҳларим учун, Худо мени жазолади?! —
Бундай десам, ҳатто ЭНГ СУЮК Пайғамбар
норасида — ўғиллари Иброҳимдан жудо бўлмаган-
ми?!

Англаш қийин...

* * *

Барибир...
менинг гуноҳим йўқ, деб бўладими?! Гуноҳим кўп.
Аллоҳим, Ўзинг кечир гуноҳларимни. Каттаю кичи-
гини, олдингию кейингисини, ошкораю махфийсини...

* * *

Фарзанд доғи...
Бошингни кўтариб, осмонга тикилсанг,
офтоб ёниб кетади.
Бошингни ёстиққа қўйсанг, —
ёстиқ тош...

* * *

Сен жуда меҳрибон эдинг.

Бировлар учун АЗОБни ўзингга олгинг келар эди
Бағринг кенг эди.

Инсон учун эғнидаги кўйлак, бир бурда нондан бў-
лак нарсa зарурат эмас, дер эдинг...

* * *

Сен ЯЙРАБ ЯШАШни билмасдинг!
Одамлар БЕМАЛОЛ ЯШАЙВЕРИШСИН...

* * *

Бу, Рухсора дегани бизнинг авлодимиз учун —
ЕТИШОЛМАЙДИГАН
олисдаги БИР НУР эканми?!

* * *

Эй болам-е...

* * *

Чидаш керак, дейишади.

Чидаш учун НИМА ҚИЛИШ керак?!

* * *

Ўзимни қўйишга жой тополмаяпман...

ДУНЕ ТАСОДИФЛАРГА ТУЛА

(Усмон)

(Тўртинчи қисм)

21

Усмон буни аввалдан тўғри пайқаган экан...

Сахро.

Қудуқ.

Яна сахро.

Яна қудуқ...

Бу йўл Абадий Шундай Давом Этаверар экан!

Белида арқон, тош девор ҳалқаси ичида
у боши билан пастга шўнғимоқда эди.

Эсингизда бўлса, эртакми-ривоят тугаб,

Усмон «қайгулар, аламлар бирла»

ўз кулбасига қайтган эди!

Шу боисдан, қачон, нега яна қудуққа туша бошладими?! —

у тушунмаётган эди. (Бундай бўлишини Усмон кутмаган ҳам эди!)

Афтидан, чексиз саҳрода тентираб-сувсираган, ҳолмадори қуриган карвонга қайтиб келиб қўшилгач, карвон билан бирга, у ҳам қудуқ томон вазмий сурунган ва ниҳоят, ана,

уни одамлар

яна қудуққа тушира бошлашган эди...

Бу — ўша, олдинги қудуқми?!

Ким билсин! Бошқа бўлиши ҳам мумкин.

Муҳими, кимлардир Усмонга қадар қудуққа тушишга урунган; ҳалокатга учраган. Усмон яна бошини гаровга қўйиб, одамларга сув олиб чиқиши керак!

Умуман, унинг қудуққа тушгани маъқул.

«Сиз халқдан узилиб қолдингиз!» — деб Рухсора унга ортиқ таъна қилолмайди!

Рухсора?! —

бу ҳақда энди ҳамма гап аён...

Рауф-чи?! —

Рауфни ҳам, ўғли (Собир) орқали, ўғлидан кейин бўлса-да, Усмон энди топгандек...

Хўп, сув йўлини очиш эвазига қудуқдагилар

унга бу гал қандай шарт қўйишаркин?!

Усмон боши билан пастга тушаётиб,

шуларни хаёлидан кечирмоқда эди.

У сергакланди...

Олдин ҳам қудуққа тушганида юз берганидек, қудуқ деворларидан овоз чиқиб, қачонлардир эшитган, унга азиз, кўнглига яқин бир шеър бехосдан —

Борлиқни титратиб, янграй бошлади:

Оқшом — уфун уфуриб,

қошига сурма сураб.

Дунё — узоқ йўл юриб,

дунё — ҳорғин ўлтирар.

Сочар даштлар устинда

юлдузларини осмон.

Дунё — ямоқ пўстинда,

дунё — узилган паймон...

Шундан сўнг ҳазин қироат товуши эшитила бошла-
ди ва Усмон Бухорода, отаси (Ака Саид) етаклаб бор-
ган давраларда бот-бот номи тилга олинган БУЮҚ
БИР ИНСОНЛАРни эслади:

*Шоҳлар (Исмоил Сомоний),
авлиёлар (Баҳоуддин Нақшбанд),
меъморлар (Уста Ширин),
санъаткорлар (Домла Ҳалим),
қўғирчоқ ясаган оддий кампир —
Ҳамро бибиғача!*

Шу сафда:

*кўнгли ёруғ, кўзлари ёруғ,
ҳаммани ўзидек хайрихоҳ деб ўйлаган —
соддадил Файзулла Ҳўжа;
ҳар нарсага МЕЗОН билан қараган,
бу кунни тушунган ва эртанги кунни БАШОРАТ
қила олган —
Рауф (бизнинг Суқрот.)*

Кўп ўтмай, яна

олдинги сафар ойдек кўринган,
қудуқ тубида ялтираб ётган — каттакон мис лаганга
унинг кўзи тушди.

У овози дўриллаб:

— Ассалому алайкум, қадрдонлар! — демоқчи эди,
лекин «ассалому алайкум» деб ғўлдираганича, тўх-
таб қолди.

Мис лаган ёнида барваста, кўзлари катта-катта ки-
шилар эмас, Райҳон пари, дегандек эғнида ҳарир-оқ
кўйлак, бошига ҳам ҳарир-оқ рўмол ташлаган Қизми,
Келинчакми?!

— ўтирар эди!

Усмон фаромушланиб, бу гал ўзи лаган устига қўн-
ди.

У аввалига, менинг саҳрода бир қур юзлашганим
бошқа, мен йиллар бўйи соғиниб, кўргим келган Рух-
сора шумикан, деган хаёлга борди. Кейин, диққат қил-
ди. Қаршисида ўтирган САНАМ — жуда ёш эди! Йи-
гирма тўрт-йигирма бешларда. Гулдек. Юзи-кўзлари чи-
ройли. Хивичдек нозик...

Қайтиб диққат қилди ва бирдан...

Усмон паришонланди.

Қизнинг афти-ангори таниш эди.

Усмон, қаерда кўрган эканман, деб ўйлаб, эслаёл-
мади.

Шу пайт...

Қиз унга қўлида пайдо бўлган пиёлада
чой узатди.

— Ҳаққим йўқ! Тепада одамлар... — деб пичирлади
Усмон.

— Сиз уларга ачинманг! Улар ўз кунини кўриш, ях-
широқ яшашдан бўлак нарсани билмайди. Барчаси
бир хилда судралиб юрибди! Подага айланиб кетган...

— Қудуққа тушганлар шунинг учун ҳалок бўлди-
ларми?!

— Улар Осмондан Ер остигача ҳаммаёқни булға-
ётган эди. Ўз ёвузликлари уларнинг бошига етди! Бош-
қаларнинг ҳам...

— Бундан чиқди, улар ўзларини ўзлари...

— Шундай!

— Барибир, ҳаққим йўқ.

Орага сукунат чўқди.

Ниҳоят:

— Мўъжаз бир сандиқ. Қалинроқ китобдек... Из-
лаш керак! Шунда сув йўли очилади, — деди мурса
қилгандек оҳангда Қиз.

Усмон ўрнидан туриб,

қудуқнинг бир четида очилган қопқадан
индамай ичкарига йўналди.

22

Қанақа сандиқ?! Нега излаш керак?!

У қудуқдаги Қиздан бунини сўрамади.

Гап Рауф тўғрисида, Рауфнинг йўқолган ёзувлари
(неча йиллик омонат-армон) тўғрисида боряпти! — деб
тушунганидан, қолганини суриштириб ўтириш унга ор-
тиқча бўлиб туюлди.

Аммо қопқадан ичкарига кириб, дарёдек кенг бир
кўчага чиққач, тўхтаб, ташвишланиб, —

Рауфнинг ҳаёти, қисмати ҳақида хаёлга толди...

* * *

«Сенинг зиёратингга келдим, Султоним!

*Эгилган бошим, қисилган виждоним, куйган қоним,
ўртанган жоним учун бу сағанангдан даво излаб кел-
дим, Ҳоқоним!*

*Юз йиллардан бери жафо кўриб, ғам чекиб келган
турк(ий)нинг қонли кўз ёшларини этакларингга тўкарга
келдим.*

*Қоронғулар ичра ёлғуз қолган ЎЗБЕК КЎЗЛАРИ
учун ТУПРОҒИНГдан сурма олғали келдим...»*

* * *

«Онам!

Сени қутқармак учун жонми керакдир?!

Номусми, виждон била

иймонми керакдир?!

Темур била Чингиз

қони тошди томиримда,

Айтгил!

Сени қутқармак учун қонми керакдир?!»

* * *

«Кимки, ўзини дини исломнинг, Пайғамбари охир-замон Муҳаммад (алайҳиссалом)нинг уммати билса, бу бемаъни (қадим ва жадид, дегандек) ихтилофлар (мухолифатлар)ни орадан кўтариши лозим!» —

сўнгги нафасигача юрагида ОЗОДЛИК ИШҚИ ас-ранган Рауф

ҲАММАНИ ОЗОДЛИК ЙЎЛИГА қорлаган,

ҲАММА (бутун халқ) БИР ЕҚАДАН БОШ ЧИҚАРИШИНИ истаган; умид қилган эди.

Лекин ўшанда унга ҲЕЧ ҚИМ ЭРГАШМАГАН эди!

Рауф ЁЛҒИЗ ЎЗИ Абадий Давом Этган йўлда тўшалиб ётиб-ўт пуркаган даҳшатли АЖДАРГА тик қарши чиққан эди!

(Умуман, махфий қарши турганлар бор эди. Булардан ҳар бири, ичида — бир Рауф эди! Халқ бекордан ўз тарихи, удумларига содиқ қолмаган! Аммо буларда Рауфда бўлган — журъат, ўзига ишонч йўқ эди...

Азалдан дунё шу экан:

Ҳожи бобога Рауф — у ҳам бир ҲОЖИ, Рауфга Со-бир ЭРГАШГАНИ сингари фақат битта-яримта...)

Йўқолган ёзувлар топилмаган тақдирда ҳам, — Рауф ТАРИХДАГИ ТОҒДЕК ИНСОНЛАРДАН бири бўлиб қолаверади! Албатта, ёзувлар топилса, УНИНГ УЛУҒВОРЛИГИ янада яққол сезилар эди...

* * *

Усмоннинг боши қотган эди.

Рауфни топиш барчага бирдек буюрмаганида, —

ЙЎҚОЛГАН унинг ЁЗУВларини қандай топасан?!

Ер устида (Ака Саид, Усмон) йиллар бўйи қидириб, дарағи чиқмаган ёзувларни

Ер остидан топиб бўлар эканми?!
Аммо тепада одамларга сув керак эди! —
Усмон бу ҳақда ўйлашга мажбур эди...

23

У олисда ойнадек ялтираб кўринган шаҳар-мамлакатга кириб бора бошлади.

Бу—олдинги зулмат-зимистон шаҳар-мамлакат эмасди. Кўзга кўринмай аллақаяқдан ёғилаётган нурдан кўз қамашар; бирон томонга бошингни кўтариб, тик қараб бўлмас эди.

Бухорога бундан анча йиллар бурун борганида кўрган, хаёлида ўрнашиб қолган ажиб бир манзара ҳозир негадир Усмоннинг ёдига тушди...

* * *

У икки тоқ (Тоқи Заргарон ва Тоқи Телпакфурушон) оралиғидаги кўчадан юриб, Амир Олимхон мадрасаси яқинига етганида, бехос тўхтаган эди.

Минораи Калоннинг ҳув қуббаси ёнида, Масжиди Калон устида тўлин ой..., Усмон тасаввур қилди. Орқа томонда — Арк. Ундан сал нарида — Исмоил Сомоний мақбараси!

У бор дунёни унутиб, Бир лаҳзага Қотган эди.
НУРГА ТУЛГАН МАЙДОН...

Усмоннинг назарида, минг йиллик обидалар билан ёнма-ён,

кафтдек бу МАЙДОНдан тўрт устун:

*Имом Исмоил Ал-Бухорий,
Абу Наср Форобий,
Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар
ан-Наршахий,
Абу Али ибн Сино —*

бирма-бир

ўтиб кетишаётгандек бўлди.

Булар изма-из, бир-бирига яқин даврда яшаган.

(Форобий билан Наршахий ҳатто бир замонда яшаган!)

(Ана, бу ёдгорликлар ҳам УША ЗАМОНЛАРДА яратилган.)

Булар бир-бирини кўрмаган.

Лекин шу МАЙДОНдан бирма-бир ўтишган! Бухоро...

«У (Афлотун) ўз даврида маълум бўлган айрим қонунларни ўрганиб чиқади... У яна, қандай шаҳар — фозил шаҳар, қандай одам — фозил одам эканлигини тушунтиради. Тартибли ва соғлом фикрлаш фазилатига эга — шаҳар(лар) ва фозил одам(лар) ҳаммаша голиб эканлигини кўрсатади...»

«Афлотун яхшилик, эзгуликларни икки турга бўлади ва улардан қай бирлари инсоний, қай бирлари Илоҳий эканлигини тушунтиради. Илоҳий яхшилик (эзгулик) инсоний яхшиликларга йўл очади (таъсир ўтказди). Агар Илоҳий эзгуликлар, яхшиликларни англаса, у ҳолда инсоний яхшилик (эзгулик)лар ҳам ўзлашади. Фақат инсонийлари ўзлаштирилганда эса, Илоҳийларини бой бериб қўйиш мумкин...»

Форобий БУХОРОДА билим эгаллаб юрганида, — шуларни илк дафъа хаёлидан кечирмаганмикан?!

Усмонга

бу гал ўзи дуч келган

шаҳар-мамлакат —

ўша, НУРГА ТУЛГАН МАЙДОНни эслатмоқда эди.

* * *

Шаҳар-мамлакатга йўл олганидан буён (балки, қудуқ тубига тушганидан буён) унга Қизми, Келинчак тўғрисидаги биргина саволлар осойишталик бермаётган эди:

1. Бу ким?

2. Нега афти-ангори таниш?!

3. Усмон қаерда кўрган?!

Бироқ буни у ҳамон билмаётган, ҳеч нарсани эслаёлмаётган эди.

Усмон дарёдек кенг кўчадан янада кенгроқ бир кўчага,

кейин, буюк бир майдонга чиқди.

У саросималаниб қолди.

Шаҳар-мамлакат эски, афтидан минг йиллик эди. Масжид-мадрасалар. Хонақоҳлар. Қасрлар. Карвонсаройлар. Бозорлар...

Олдингига ўхшамаган намоёнликда:

ОДАМ кўп!

Айниқса, майдонда одам ғужғон ўйнар эди.

Қиёмат қойим бўлгандек. Игна ташласанг, ерга тушмайди.

Одамлар Усмонни ўраб олиб, унга катта лаганларда текинга ажойиб матолардан тикилган янгидан-янги усти-бош, ширин таомлар, ичимликлар таклиф қила бошлашди.

Бир тўп киши Усмонни қўлларида кўтариб олиб, осмонга (эҳтимол, шаҳар-мамлакатнинг гумбази томонга) ирғита бошлашди:

— Бизнинг шоҳимиз йўқ. Бизга раҳнамолик қилинг, тақсир!

— Бу қандай шаҳар-мамлакат?! — деб қизиқсинди Усмон.

— Фозил одамлар шаҳри.

— Ҳаққим йўқ. Менга мўъжаз бир сандиқ керак! — деди Усмон.

Одамлар тўрт томонга югуришиб, катта-катта сандиқлар кўтариб келишди.

— Булар бўлмайди...

— Сандиқда нима бор экан?! Зарми?!

— Билмайман, — деди Усмон. У «йўқолган ёзувлар» дейишга тайёр эди, лекин, шундайдир, деб тахмин қилган эди, холос. Бу гал Рауф исми тилга олинмаган; Қизми, Келинчак ўз ниятини очиқ айтмаган ҳам эди! Ахир, дунёда мўъжаз сандиқ озми?! Бундай сандиқларда ЁЗУВДАН кўпроқ одатда, ТИЛЛА БУЮМЛАР асранади!

Шу сонияда Усмон ўғлини эслади.

Собир унинг мўъжаз сандиқни қидириб-куюниб юришига, бу ишдан маъно йўқ, дегандек лоқайд қарар; чамаси Собир, инсондан нимадир қолиб, нимадир йўқолиши табиий ҳолми, қонуниятми?! — деб тушунар эди.

Қимдир, бу иши билан Собир (бобоси, отаси чеккан изтиробларни ўзига юқтиргиси келмай!) Рауфга хиёнат қилмадимикан, деб ўйлаши мумкин,

Ундай эмас. Асло...

Собир ҳаётда ўзи ЮРАДИГАН ЙЎЛНИ яхши билар эди!

— Биз зарга қизиқмаймиз! — дейишди Усмонга майдондаги одамлар. — Бир замонлар шаҳардан ташқарида қароқчилар тоғ этакларига, қайсидир дарахтлар остига ўзлари тўплаган бойликларни кўмишган! Шундай гап юради. Ростми, ёлғонми?! — бизга маълум эмас...

Усмондан уларнинг бироз ҳафсаласи пир бўлган эди.

Усмон майдондан узоқлаша бошлади.

Шаҳар-мамлакат этагига қараб кетаётиб, —
яна унинг хаёли Бухорога кўчди.

*(Ранжимагин, она, ўғлингдан,
Унинг кўндир наздингда айби
Сен яшаган кулбага баъзан —
Қўниб ўтар йўловчи каби.*

*Ранжимагин, она, ўғлингдан,
Унинг кўндир наздингда айби.
У сен билан сўзлашар баъзан —
Жаҳл аралаш, дилхун, асабий.*

*Ранжимагин, она, ўғлингдан,
Унинг кўндир наздингда айби.
Ўзи меҳр кўргизмай, баъзан —
Сендан меҳр унинг талаби.*

*Ранжимагин, она, ўғлингдан,
Унинг кўндир наздингда айби.
Сен яшаган кулбага баъзан —
Қўниб ўтар йўловчи каби...)*

Дунё тасодифларга тўла...

«Хар қандай тасодиф икки ҳақиқатнинг тўқнашувидан туғилади. Масалан, эски бинонинг томи ҳилвираб қолган. Бу — ҳақиқат! Биров кўчада ўз иши билан кетяпти. Бу ҳам — ҳақиқат! Бояги одамни бехосдан том бошиб қолади. Буниси энди — тасодиф!»

Ажабки, тасодифнинг ўзида — қисмат...

Усмон Бухорога кам борарди.

Ойда-йилда бир.

Бўзчининг мокисидек қатнашга на вақт, на имкон топа оларди. (Биласиз, қули қисқа эди. Бунинг устига, Розик деган файласуфга ўхшаб, омадли эмасди! Уқувсизми, хаёлпарастми?! — шунақа эди.)

Лекин Бухорога бориш Усмон учун байрам эди!

Опа-укалари, яқин кишилар билан кўришарди.

Бухорони айланарди.

Ота-онаси қабрини зиёрат қиларди.

Ниҳоят, қайтиб сафар халтасини тугарди.

*(Чу, тулпорим, ёллари олтин,
Чу, қайдасан, бахтли манзилим?!)*

У одатдагидек, Бухорога борган эди.

Болаликдан дўстлари даврасида чақ-чақлашиб ўти-
рарди.

Кўшни хонада телефон бор экан. Жиринглагани
эшитилди.

Даврада БУНГА ҳеч ким эътибор бермади.

Айниқса, Усмон! Бегона жойда бу сени қизиқтир-
майди.

Аммо дам ўтмай,

ҳовлида хизмат қилиб юрган гавдали бир йигит
эшикда кўринди:

— Усмон ака сиз бўласизми?!

— Мен...

— Кечирасиз... Тошкентдан кўнғироқ қилишди. Тез
етиб боринг экан!

— Ким?! Нега?!

— Овоз яхши эшитилмади. Узилиб қолди...

У Бухорога шу кунни эрталаб келган эди. Ота-онаси
қабрини зиёрат қилишга улгурган эди, холос! Кўчада
дўстлари қўлига тушиб қолган эди.

«Ким кўнғироқ қилган экан?!», «Нега тез етиб бо-
ришим керак?!» деб ўйлаб, ҳовлиқиб-ҳаяжонланиб,
уй эгасидан ижозат сўраганча, кўшни хонага чиқди.
Қора телефонга телмурганча, роппа-роса бир соат
Тошкент билан боғланишга уринди... Ҳеч қандай
натижага эришолмади! Ҳеч нарсани аниқлай олмади!

Шу куниёқ Усмон

Тошкентга қайтиб келди.

Жимжит.

Қизиқ.

БУ ЕРДА яқинлар, таниш кишилардан ҲЕЧ КИМ
уни ЙУҚЛАМАГАН ҳам, ЭСЛАМАГАН ҳам эди!

Афтидан, қандайдир АНГЛАШМОВЧИЛИК рўй
берган эди! Тўғри-да, Усмон Қамчибек деган дўстининг
уйида эканлиги-ю, керакли рақамдан ҳали Бухорода
ҳеч кимнинг хабари бўлмаганида, Тошкентдагилар қа-
ёқдан билишади?! У бекорга безовталанган эди... Ким-
лиги номаълум биров шунчаки «кел» деганида, сўраб-
суриштириб ўтирмай, қулдек эгилиб-букилиб югуриш
— бу — тарбиянинг оқибати, албатта! (Биз нақадар
бемаъни тарбия олганмиз!)

Усмон ўзи-ўзидан норозиланган эди.
Шунга қарамасдан, у нотинч эди!
Бухородаёқ юрагига ғулғула тушган эди!
Шу тахлитда орадан
бир ойча вақт ўтди.

* * *

1. Ким?!

2. Нега?!

Ва бунга қўшилган яна бир савол:

3. Қаерда?!

Бухородаги воқеани эслаб,

қудуқ тубида ўтирган Қизга тегишли саволларга

Усмон

жавоб топган эди...

Улар парпаракда бирга учишган эди!

* * *

Усмон ўшанда...

«Мен-ку, саргардон бир кишиман! Бу Қиз саҳрода
нима қилиб юрибди экан?!» — деб ўйлаб, ажабланган
эди.

Кейин, ундан-бундан сўзлаша бошлашди.

— Болаларга, тухум олиб келаман, дегандим. Гўшт
ўрнида. Ўнғай. Тўрт-беш кунга етарди...

Усмон ҳеч нарсга тушунмади.

Қизми, Келинчак тушунтирди:

— Олой бозордан икки чамбарак тухум олгандим.
Қуёш чарақлаб турибди. Лекин қиш. Атроф қор. Ер
тақа-тақ муз. Биров учиб, урилиб, тухум ер билан бит-
та бўлиб кетди...

Усмон, ўша «урилган» мен бўлсам керак, деб ўй-
лади. Чунки хаёлга ботиб, кўча-кўйда баъзан одамлар-
га урилиб-сурилиб юрар эди! Бу — унга тупкада тек-
кан касал эди! Қизми, Келинчакнинг олдида қандай-
дир хижолат чекди.

Шунинг баробарида, Қизми, Келинчак билан бирга
парпаракда учаётганига энди ажабланмади. Аксинча,
ҳаётда бу ҳамроҳимга менга нисбатан ҳам қийинроқ
экан, деган хаёлга борди. Ҳикояга ўзича маъно берди!
Шу боисдан, қисинмай Қизми, Келинчакка кўнглидаги
дардларини ёрди. Ўз ҳаёти ҳақида гапирди. Икки оғиз
сўз билан айтганда:

— Рухсорани кўрмоқчи эдим! Рауфни топмоқчи
эдим...

Ҳикояни эшитиб, ҳамроҳи Усмонга нечундир фаромушланиб қаради:

— Бизнинг уйимизда мўъжаз бир сандиқ... Титилиб кетган эски китобми, ёзувларми?! Сиз кўрсангиз бўлар экан...

— Кечирасиз. Исмингиз, синглим?!

— Исми?! Мавжуда.

— Сизга бу малол келмайдими?!

— Йўқ. Бемалол, — деди Мавжуда.

* * *

Шундан кейин... Усмон бир куни Олой бозорига кириб, иссиқ нон, гўшт, мева-чева харид қилди. Қўшимча маош олган эди! — пулни аямай сочди. (Қўли қисқа бўлса ҳамки, у тор одам эмасди!) Бозор атрофидан Мавжуда айтган, ўзига керакли уйни қидирди.

— Вой... Келинг! Келинг!..

Усмон АЁЛ киши ёлғиз бўлган уйга киришга одатланмаган! Бироз саросималанди:

— Йўқ. Мумкин бўлса...

Аммо остонада тўрт ёшлардаги қизалоқ, икки ёшлардаги болакай пайдо бўлишди. Уларнинг юз-кўзидаги баёнсиз бир ҳолат Усмонни ичкарига ундади. (Бу ҳолат НИМАЛИГИни у кейинчалик англади!) Барибир кирмасди. Лекин қандайдир НОМАЪЛУМ ТУЙҒУ Бу АЁЛ билан УНИ яқинлаштириб тургандек эди! Бунинг устига, Мавжуда қўймади:

— Қираверинг! (Усмон қўлидаги тугунни топширгач) Керак эмас эди! Овора бўлибсиз. Энди сиз ҳам бир пиёла чой ичмай кетмайсиз...

Мавжуда ошхонага йўналди.

Хонага кирган Усмонга болалар четдан ҳуркибгина қараб туришар эди.

Эшик очиқ қолган эди.

Остонада туйқусдан, Усмондан ёшроқ бир киши қомат тиклади.

Болалар эшикка қараб югуришди.

Улар иккаласи бояги кишининг икки оёғини қучишди:

— Дада... дада... — кейин, ошхона томонга отилишди. — Опа! Дадам! Дадам келди...

Киши хонага кирди.

— Салом алайкум.

— Салом алайкум, — кўришди Усмон. У хижолат чекди. — Мен бир ташвиш билан...

— Ҳечқиси йўқ. Утираверинг!
Мавжуда ошхонадан чиқди.
— Мавжуд! Тинчмисизлар?
— Худога шукр.
— Қийналмаяпсизларми?!
— Йўқ.
— Мен бугун йўл устида... Ишим кўп. Ҳафтанинг
охирида бир келарман. Ишим сал юришса...

У кетди.

Дам ўтмай,
эшикда хушрўй бир жувон кўринди.
Болалар яна эшикка қараб югуришди.

Улар иккаласи энди жувоннинг икки оёғини қучиш-
ди:

— Опа... опа... — улар яна ошхона томонга отилиш-
ди. — Опа! Опам! Опам келди...

Жувон Мавжуда билан ошхонага кирди. Нималар-
нидир гаплашишди. Кейин жувон ҳам кетди.

Мавжуда чой дамлаб келди.

Дастурхон ёзиб, нон ушатди. Ниҳоят:

— Ҳеч нарсага тушунмаяпсизми?! — деди кулиб, рў-
парада ўтирганича. Кейин, ғамгин тортди. — Опам ик-
кимиз, Тошкентга келган эдик... Буларнинг турмуши
унмади! Энди иккиси икки ёқда юрибди... Бу болалар-
нинг мendan бўлак ҳеч кимга кераги йўқ! Ўз жигарим...
Етимхонага бермайман-ку! Ана, ўзимни ҳам ўйламай,
шу икки гўдакни асраб, шуларга қараб ўтирибман...

Чой ҳўплаётган Усмон пиёлани дастурхон четига қўй-
ди.

Оғзига солган бир бурда нон томоғига тикилди.

Мавжудага тикилди.

У шундайки... Худойим! —

юзи бир чиройли, кўзлари ёруғ.. ёшгина ҚИЗ!

Энг аввал, Усмон, Мавжуда эмас, — бу — БИЗ ЕТИ-
ШОЛМАГАН Рухсора экан, деб ўйлади.

Кейин, ўғлим топган-танлаган Рухсора шу эмасми-
кан (шу бўлиши керак!), деб ўйлади.

Кейин, Мавжуда (Рухсора)нинг қизалоқ билан бо-
лакай тўғрисида айтганлари мағзини аста-секин чақиб,
гапнинг тагига етиб, менинг манави кишилардан фар-
қим нима, деб ўйлади.

Унинг юрагида бир дард уйғонган эди!

Шу сонияда лоп этиб Илонли Отада ётган ўғли қиё-
фаси — кўзлари олдига келди.

Собирнинг бир одати бор эди.

Ишхонага қўнғироқ қилиб турар, ҳар гал —
Усмон яхши билса ҳамки:

— Дада! Бу мен, Собир! — дер эди.

Ҳозир ўша овоз, шу нидо

Усмоннинг хаёлида янграй бошлаган эди!

Кимдир, бўлмаган гап, деб истехзоли қараши,
кимдир, бемаънилиқ, деб кулиши мумкин. Лекин —
айни дамда,

Усмонга, —

Бухорога борганида,

ота-онаси қабрини тавоф этгач (телефон баҳона!),

БОШҚА (БОР) бирон шахс эмас,

аниқ УҒЛИ —

олисдан НИДО йўллаган,

уни (ўшанда) Тошкентга

тез етиб келишга

МАЖБУР қилгандек бўлиб туюлди!

Усмон

тоби йўқ, мажоли ҳам йўқлигидан

сўнгги кунларда (маълум муддат)

УҒЛИНИНГ ҚАБРИДан

хабар ололмаган эди...

Усмоннинг хаёли бўлинди.

— Сандиқ уйда эди. Йўқотдимми?! Тополмаяпман.
Шу жавонда эди...

Усмон ўрнидан турди.

— Майли. Зиёни йўқ, қизим! — деди Мавжуда (Рух-
сора)га. Кейин: — Раҳмат, қизим! — деди. Кейин, қў-
шиб қўйди: — Онажон...

* * *

Мана, энди...

шаҳар-мамлакат этагига қараб кетаётиб,

Усмон ҳис этди:

қудуқ тубида ўтирган Мавжуда

уйидаги сандиқни кўзда тутяпти!

У ўйланиб қолди...

Сандиқ қаерда экан?! Мавжуда фақат, Ер Устида
йўқолган нарса Ер Остида бўлиши керак, деган маз-
мунда уни излашга юбормадимикан?!

Сандиқ йўқолгани учун Мавжуда

қудуқда ўтирибдими?!

Мавжуданинг ёки унинг уйидаги сандиқнинг

сувга нима дахли бор?!

Умуман, мўъжаз сандиқни топиб бўлармикан?!

Бу — Рауфнинг бир марта йўқолгани етмагандек,
яна йўқолган ЕЗУВларими?! Бошқами?!

* * *

Дарвоқе, Рауф...

25

«Қадимги юнонлар давридаёқ Дунё Тўғрисида
ҲАММА ГАП айтилган!» — дейишади.

Дунё Тўғрисида ҳеч қачон ҲАММА ГАПни айтиб
булмайдилар!

Бизнинг билганимиз — қуроқ дастурхон.

Аммо ўша замонлардан буён Инсон Кам Ўзгарди,
дейиш мумкин!

БАХТГА ТАШНАЛИК. ЭЗГУЛИК билан ЕВУЗ-
ЛИК...

* * *

Ҳазрати Жаброил айтдиларки, кун чиқиш томонда
бир мулк бор, уни Хуросон, дейдилар. Унинг учта ша-
ҳарини ҚИЕМАТ КУНИ ёқут ва маржон билан зий-
натлаб келтирадилар; улардан нур ёғилиб туради. Бу
шаҳарлар теварагида фаришталар кўп бўлиб, табсеҳ,
ҳамд ва такбир ўгирадилар. Келинни кувв уйига олиб
боргандек, буларни эъзоз ва икром ила маҳшаргоҳга
еткизадилар.

Ҳазрати Пайғамбар: «Эй Жаброил! Менга у шаҳар-
ларнинг номини айт!» — дедилар.

Ҳазрати Жаброил яна айтдиларки, бу шаҳарлардан
бири Яшкард, арабийда Қосимий, иккинчиси Самар-
қанд, арабийда Самарон, учинчиси Бухоро, арабийда
Фохирадир.

Ҳазрати Пайғамбар сўрадилар: «Эй Жаброил! Не-
га Фохира (фахр қилувчи), деб атайдилар?!»

Ҳазрати Жаброил жавоб бердилар(ки), ҚИЕМАТ
КУНИ Бухоро ЎЗИДА ШАҲИДЛАРНИНГ ЗИЕДА
эканлиги билан фахр қиладир.

Ҳазрати Пайғамбар кўкка хитобланиб, дедилар: «Е
Аллоҳ! Фохирага баракот бергин. Унинг одамлари ди-
лини пок эт. Уларни бало-қазодан асра. Умматим са-
фига қўш...»

* * *

Рауфни қоронғу ертўлага келтириб ташлашган эди.
Рауф (Сукрот сингари) ўз ўлимини кутмоқда эди.

У (Сукрот сингари) ўлими яқин эканлигига (ҳам)
лоқайд-бепарво қарамоқда эди...
Рауфга ортида қолган кишилар тўғрисидаги ўй
осойишталик бермаётган эди!
Биринчи навбатда, у ажралишган хотини Фотимани
эслади.

(Мени

беҳуда

ташладинг-кетдинг,

Нега ўлдирмадинг-да, тарк этдинг...)

ЕВУЗЛАР биз ажрашганмиз, деган гапни эшитиш-
ни ҳам, тушунишни ҳам истамайдилар. Бечора Фоти-
мага қийин... Уни тинч қўйишмайди! Саргардон қили-
шади!

Лекин у йигирма беш-ўттиз йилдан кейин ҳам ово-
зи титраб, мени меҳрибонлик (шафқат) билан эслайди.
Менга нисбатан эътиқоди бузилмайди. (Ажралган бўл-
сак-да! Мендан қачондир кетган бўлса-да!)

Олой бозори яқинидаги бир пайт турган кичик ҳов-
ли, кейин Бешёғоч билан Чақар оралигида бўлган кўр-
кам бир ҳовли —

Рауфнинг кўзлари ўнгида жонланди.

У рафиқаси Ҳикматой, қизчаси Севарани эслади.

(Оппоғим! Худо асрагай сени...

Кетма, тур биров, мен кўрай сени...)

Шу дамда Рауф тасаввур (ҳатто башорат) қилди:
буларга яна-да, қийин...

Ҳикматойни қамайдилар, албатта (халқ душмани-
нинг хотини!)

Мактабга борадиган ёшдаги Севара тирик етим қо-
лади.

ЕВУЗЛАР (жаллодлар) бу Аёл киши экан, бу бола
экан, деган гапни билишадими?!

Ҳовлига (сенинг уйингга) ким-кимлар (кейин) бости-
риб кириб олишади.

Улар сенинг номингдан ҳам балки, ижирғанишади!

Сени билмасликлари ҳам мумкин!

Кейин, сенинг нафасинг сингиган деворлар қулай-
ди...

Мен нима қилай?!

БУНДАЙ ЎЗГАРИШ бизга керакмиди?!

(Ўзингга фойдаси йўқ ЎЗГАРИШни ОДАМ бо-
шингга урасанми?!)

ҲАЛОКАТ-КУ БУ, ахир...

(Йиқилмаган, таланмаган уй йўқ. Қиличларнинг тилларида қон. Найзаларнинг бошларида маъсум гўдак...)

ОЗОДЛИК шумиди?!

БАХТ шумиди?!

Мен нима қилай?!

(«Худонинг ўзи мени ШУ ҲОЛАТИМДА ЯРАТИБ, кунни бўйи тинмай, ҳар жойда сизлардан ҳар бирингизни Гафлатдан УЙҒОТИШ, ДУНЕДАН ВОҚИФ ЭТИШ, ТЕРГАШ ва ПОКЛИККА ЧОРЛАШ учун бу шаҳарга юборган!» Суқрот.)

(«Фозиллар шаҳрининг зидди бўлган шаҳар — жоҳиллар шаҳри, беномуслар шаҳри, айирбошловчилар шаҳри, адашган, залолатдаги одамлар шаҳридир... жаҳолатдаги одамлар ҳеч қачон бахт топмаган ва бахт-саодатга ишонмайди ҳам! Фаровонликка келсак, жаҳолатдаги одамлар ҳақиқий ОБОДОНЛИКни билмасдан, баъзилар назарида мулк-давлат бўлиб кўринадиган ўт-кинчи, юзаки нарсаларни, мол-дунёни, жисмоний лаззатларни, ҳирсу шаҳватни, обрў, амал, шон-шухратни ҳақиқий бахт, ФАРОВОНЛИК деб ўйлайдилар. Шу неъматлардан ҳар бири жаҳолатдаги одамлар назарида, ҲАЕТДАН МАҚСАД, БАХТ-САОДАТ бўлиб кўринадилар... Обрўпарастлар шаҳри! Бундай шаҳар аҳолиси ўзаро бир-бирларини мақташни, кўкка кўтаришни яхши кўрадилар. Уларни ўзга халқлар сўзда ҳам, амалда ҳам улуғлашларини истайдилар. Бир-бирлари олдида ёки бегоналар кўзига УЛУҒВОР, ШОН-ШАВКАТЛИ бўлиб кўринишни хоҳлайдилар...» Форобий.)

Рауф БУНИ эслаб, мен яшаган ШАҲАР шу, деб ўйлади. Ортида қолган кишиларга унинг кўнгли ачиди.

У, яна, мен нима қилай? БОШҚАЧА яшашим мумкин эмасди, ЕВУЗЛИККА ҚАРШИ чиқмай иложим йўқ эди, деб ўйлади.

Кейин...

(Кўпчиликнинг гапига қараб, ташвишланиш шарт эканми, азизим Критон?! Биз ҳисоблашадиган фикрли, заковатли одамлар ҳам борки, улар бўлган воқеани бўлган ҳолатида тушуниб олаверадилар...)

Рауфни 30 кун эмас, БИР ИИЛДАН кўпроқ азоблашганидан кейин чиқариб, — отиб ташлашди... ,

Буларнинг
Сукротни айблаган (Мелет, Анит, Ликон)дан фарқи
КАМ эди!

Булар ҳам ҳали БИР КУНИ лаънатга учрайдилар.
Тош бутлар қулайди.

Дунё ҲАЛОКАТнинг гувоҳи бўлади...

«Сенинг УЙЛАГАНИНГ—бизнинг УЙЛАГАНИМИЗ-
ГА зид!

Нега БИЗДЕК УЙЛАМАЙСАН?!

ҲАММА

БИР ХИЛДА УЙЛАШИ,
БИР ХИЛДА СУЙЛАШИ,
БИР ХИЛДА ҚУЙЛАШИ

керак! Сен МАЖБУРСан...» —

Рауфни бир йилдан кўпроқ азоблашиб,
унга терлаб-пишиб, БУНИ ТУШУНТИРИШга ури-
нишган эди!

Рауф «тушунмаган» эди.

(Сукрот сингари!)

Кейин, Сукрот сингари уни Ўлимга ҳукм /
қилишган эди...

26

Ўз бойликларини кўмиб яширган қароқчиларга нис-
батан ҳам тилла қидирувчилар юз чандон кўпроқ экан-
ми?! — шаҳар-мамлакат ташқарисидаги тоғлар этагида
ҳар бир дарахт ости, атрофи қазиб ташланган; уюм-уюм
тош-тупроқ тўпланган эди. Бу ерга ҳеч ким КИТОБ
ёки ЁЗУВ солинган сандиқ қидириб келмагани кўри-
ниб турар эди!

Усмон дарахтзорда гангиб айланиб юрган эди, Ҳаз-
рати Хизрдек рўпарасида бехосдан нуроний бир ҚАРИЯ
пайдо бўлди:

— Бирон нарсани йўқотдингизми, ўғлим?!

Усмон ғамгин кулиб, қўлини кўксига қўйди:

— Эй мен умримда кўп нарса йўқотганман, ота...
Отамни йўқотдим. Онамни йўқотдим. Акамни, опамни
йўқотдим... Ўзим ўлим оstonасига борганимда, мен қо-
либ, ўғлимни йўқотдим.. Қанча кеча, қанча кундуз, қан-
ча куч, қанча имкон! Менга топган нарсамни айтишдан
йўқотган нарсамни айтиш осон... Қай бирини айтай,
ота?!

— Сиз фозил экансиз. Фозил одамлар шахрида яша-
шингиз керак! — деди ҚАРИЯ мамнун.

— Мен ундай эмасман. Даврим бошқа! Бунинг ус-
тига, барча фозиллар фозил одамлар ШАҲРИДА,
фозил одамлар ОРАСИДА яшаса экан... Сиз-чи?! Нега
бу ерларда юрибсиз?!

— Мен фозилни ҳам, жоҳилни ҳам четдан кўриб
тураман. Менинг вазифам шу! — деди ҚАРИЯ.

Усмон ҚАРИЯГА тикилганича, бу одам мабодо, Фо-
робий эмасмикан?! — деган хаёлга борди. УХШАЙДИ!
У ҚАРИЯ билан яқиндан танишмоқчи эди, — бўлмади.

— Сиз қидирган нарсa бу ерда эмас...

Усмон ажабланди.

— Сандиқ қудуқнинг тубида ётибди!

— Бўлмаса, Мавжуда нега мени бу ерга юборди?!

— деб сўради Усмон.

— Мавжуда ҳозир бошини йўқотиб қўйган!

— Сандиқда Рауфнинг ёзувлари борми?! Мавжуда
айтган эди.

— Йўқ, — деди ҚАРИЯ. — Лекин Рауфга бағишлан-
ганми?! Яқин... Мавжуданинг ҳозир эс-ҳуши жойида
эмас! Севган йигити шу кунлар учиб кетди. Ойна очиқ
эди...

* * *

Усмон кўксини чангаллади.

Ортига қараб югура бошлади.

Мавжуда! УША эканми?!

Келинлардек ҳарир-оқ кийган...

Нега Рухсора эмас, Мавжуда?!

(Собир Рухсора, деган эди-ку!)

Шунақа бўлиши ҳам мумкин экан-да!

* * *

У бир пайтлар — отаси (Ака Саид)дан бошланган
Рухсора ХАЁЛИ бундай НИҲОЯСИГА ЕТАДИ, деб
ўйламаган эди!

Нега Рухсора эмас, Мавжуда?!

Ҳарир-оқ кийган келинчак...

Балки, унинг УҒЛИ ҳам Собир эмас, БОБУРдир?!

(Отда учиб, отдан учиш Бобурга хос!)

Шунақа бўлиши ҳам мумкин экан-да...

* * *

Усмон дарёдек кенг кўчага етиб келди ва —
ўзини

қудуқ ичида кўрди.
Қудуқнинг тубида,
каттакон мис лаганнинг ўртасида —
мўъжаз сандиқ ётар эди!
У сандиқни очди.
Эски, титилиб-йиртилган ҚИТОБ.
Усмон қалқиб кетди...
китобнинг
бетига
катта ҳарфлар билан
«Афлотун» деб
ёзилган эди.
(Афлотунмидинг, болам?!)
(Жон болам! Жоним болам!)

* * *

У сандиқни бағрига босганича,
арқоннинг учини белига боғлаб,
тепадагиларга:
— Торт! — деб бақирди.
Одамлар Усмонни қудуқдан тортиб чиқаришди.
— Энди бемалол челақ тушираверинглар! — деди
Усмон.

* * *

Одамлар суюнишмоқда...
Кимдир бировларнинг устидан сув қуйган,
кимдир бировларнинг остига сув қуйган,
қандай бўлмасин! —
одамлар ўзларига сиғмай,
ирғишлаб-ўйнашмоқда;
қаҳ-қаҳ отиб кулишмоқда эди...
Усмон эса...

* * *

одамлардан четда,
бир қум тепалиги устида
мўъжаз сандиқни бағрига босганича ўтирар, —
аччиқ-аччиқ бўзлар эди.

* * *

Олисдан ҳазин қироат товуши эшитилар эди...

1970—1996 йиллар

БОЛАЛИККА САЕҲАТ

Улар хонада икки киши эди.

Қария тўрдаги стол орқасида, йигит ён томонда ўтирарди.

Қўққисдан эшикда ўрта ёшлардаги, баланд бўйли, йўғондан келган учинчи бир киши жонланди.

— Мумкинми? Салом алайкум...

— Қираверинг, — деди қария эшикка кўз ташлаб.

— Марҳамат...

Меҳмон ичкари кирди.

Йигит идорада яқиндан бери ишлар, у ингичка, анчайин нозик эди. Катта, андак бесўнақай гавдали қария эса, аксинча шу ерда — касаба ташкилотиди соч оқартирганди. Қизиги шундаки, қариянинг ёнига ҳам негадир кўпинча унинг ўзига ўхшаган одамлар қадам ранжида қилишарди.

Йигит, шу боисдан, ҳозир ҳам меҳмонни дарҳол қарияга тегишли бўлса керак, деган хаёлга борди ва салом-аликдан сўнг, уларга халал бермасликни ўйлаб, олдидаги қоғозларга шўнғиди.

Аммо иш бошқача кўчди.

— Менга Карим Муродов керак эдилар, — деди келган киши ва йигитга юзланиб: — Бу сиз эмасми, ҳар қалай? — деб сўради.

— Мен, — деди бошини кўтарган йигит.

— Сизга икки оғиз гапим бор эди...

— Бемалол...

— Йўқ, бу ерда эмас. — Негадир хижолат чеккандек бўлди меҳмон. У секин қўшиб қўйди: — Махфий. Карим бу одамнинг нима махфий гапи бўлиши мумкинлигига қизиқсинган, бир оз ташвишланган кўйда ўрнидан турди ва эшик томон жилган меҳмонга беихтиёр эргашди.

Ташқарида кун ёруғ, ҳаво мўътадил эди. Идора ҳовлисидаги қатор дарахтлар шохини янги безаган ям-яшил япроқлар тиниқлигидан кўзни қамаштирарди.

Улар соядаги ўриндиқлардан бирига бориб ўтиришди.

— Кечирасиз, — деди Каримни истаб келган киши.
— Сиз асли бухороликсиз, шундайми?

— Шундай.

— Жондор томондан...

— Йўқ, биз, асосан, шаҳар...

— Жондордан! — деб туриб олди бояги киши.

Каримнинг асаби беҳосдан таранглашди.

— Жондор бўлса, Жондор дердим. Менга бунинг аҳамияти йўқ! — У бирдан чўрт кесди. — Нима демоқчи эдингиз?

Меҳмон суҳбатдошининг жаҳли чиқиб, феъли айний бошлаганига ортиқча парво қиладиганга ўхшамасди. У афтидан, ўз хаёли билан банд эди. Худди шунинг учундир, пинак бузмагани етмагандек, алланечук содда, беозор жилмайди.

— Агар малол келмаса, менга ўз тўғрингизда гапириб берсангиз!..

Карим кўнглида меҳмоннинг самимийлигини, чамаси унга нисбатан ҳеч бир ғарази йўқлигини ҳис этди. У бир дамда қандай лов этиб ёнган бўлса, шундай тез олдинги шаштидан қайтди. Юмшади.

— Нимани?

— Бутун ҳаётингизни. Қисқача...

Каримга меҳмоннинг бу талаби антиқа ва бир оз эриш туюлди. Унга умрида ҳеч ким, ҳеч қачон бундай талаб қўймаганди. У икки ўртада қизиқ бир ўйин бо раётгандек кайфиятга тушиб, нотаниш кимсанинг кўнгли учун, аслида сал ножиддий кўйда, истар-истамас ўзи тўғрисида гапира бошлади:

— Мен Бухорода туғилиб-ўсганман. Шаҳарда... Мактабда ўқидим. Кейин икки йил заводда ишладим. Пахта заводида... Тошкентга келиб, ўқишни давом эттирдим. Ўқишни битиргач, яна иш... Бухорода ота-онам, опаларим, укаларим бор. Бу ерда ҳам уй-жой, оила... Шу!

— Демак, Жондорда қариндош-уруғлардан ҳам йўқми?

— Йўқ. Мен Жондорни, умуман, яхши билмайман. Уч-тўрт борганман, холос. Иш юзасидан...

Орага анча сукунат чўкди.

— Биз Жондорда, дашт қаърида ер очяпмиз, — деди ниҳоят меҳмон ўйчанлик билан. — Лекин уй-жойимиз районнинг шундоқ этагида. Менинг кўп йиллик бир дўстим бор. Муаллим. Иккимиз қўшни турамиз. Шу

одам Тошкентга келаётганимни билиб, сизга албатта учрашишимни сўради.

— Унинг менда нима иши бор экан?

— Виласизми, улар вақтида уч ака-ука бўлишган. Ҳозир икки киши. Бир укаларини уруш пайтида йўқотишган.

— Мендан бирон ёрдам сўрашмоқчими?

— Йўқ. Улар, сизга ўхшаб, Муродов... Сизни ўз укалари деб ўйлашяпти...

— Мени улар қаёқдан билишибди? — деди Қарим, негадир таажжубланиб.

— Телевизорга бир чиққан экансиз... Ушанда сизни бухоролик деб айтишган экан. Афтингиз ўхшайди. Бунинг устига, фамилия... Ёшингиз ҳам тахминан тўғри...

— Сиз мени қандай топдингиз?

— Мен олдин телевизор идорасига бордим. У ерда телевизорга чиққан вақтингизни айтиб, сизни суриштирдим.

— Сиз ўзингиз Тошкентга нима сабабдан келдингиз?

— Қувур керак. Уч кундан бери югуриб юрибмиз.

Қарим энди ниҳоятда жиддий тортиб, ўйга толган эди. У меҳмон билан бирга хонани тарк этганида, бугун ўз ҳаётида фавқулудда воқеа рўй беришини билмаган, суҳбат бошланганида ҳам, ишнинг бундай тус олишини ҳаёлига келтирмаган эди. Аввалига, Қарим, шу сабабдан андак паришонлангандек бўлди. Кейин меҳмонни тушунмай нохуш қаршилагани, яхши муомага қилмаганидан уялиб, уни совуқ тер босди. Ниҳоят, одамларнинг чигал қисмати-ю, бу қисматнинг кутилмаганда ўзига келиб боғланганидан таъсирланиб, ажаб-товур бир ҳаяжонга чулғанди.

У, сирасини айтганда, ўзини истаб келган кишига, — бу кимсанинг мақсад-муддаосидан воқиф бўлмагани учун ҳам, — бошдан ҳаёти тўғрисидаги бор ҳақиқатни очиб ташламаган эди. Шу алфозда туйқусдан кўп нарсалар унинг ёдига ҳам тушмаганди. Масалан, Қаримнинг Жондорни яхши билмагани, фақат иш юзасидан уч-тўрт боргани унчалик тўғри эмас. У илк болалик кунларидан бу ерни яхши эслайди. Аксар шаҳарликлар сингари унинг Бухоро атрофидаги ерларда қариндош-уруғлари ҳам топилади... Умуман, Жондорни унга бегона жой деб бўлмайди... Лекин бу воқеаларнинг меҳмон бугун топиб келган ҳангомага алоқаси йўқ.

Карим гапни чувалаштириб ўтирмади.

— Сизнинг исмингиз? — деб сўради у меҳмондан.

— Маҳмуд...

— Мен сизга нима десам экан, Маҳмуд ака. Менинг ҳаётим бошқа, ишонсангиз. Ўзимни болаликдан эслайман. Ота-онам... яхши...

— Улар ҳам... яхши одамлар, — деб ғудранди меҳмон.

— Бўлиши мумкин. Мен уларни билмайман. Қисқаси, мен уларнинг укаси эмасман...

— Дунёда ҳар хил воқеа бўй беради. Сиз балки айрим гаплардан вақтида беҳабар қолгандирсиз.

— Йўқ. Мен сизга аниғини айтяпман...

Меҳмон эзгин бир оҳангда пичирлади:

— Ҳўп, мен нима дей, уларга бориб?

Карим бу саволга тез жавоб қайтаролмади. Бировларни ўйлаб, унинг юрак-бағри ўртаниб кетаётгандай эди.

— Майли, — деди у анчадан кейин, — сиздан бу иш соқит. Мен ўзим уларга бир учрайман. Яқин-ўртада Бухорога борсам, албатта учрайман.

* * *

Уша кунга қадар Каримга ўзининг таржимаи ҳоли худди кафтда чизилгандек аниқ, кўнглида ҳеч қандай шубҳа-гумони йўқ эди.

Карим яхши биларди: гапни узоқроқдан бошлаганда, унинг она авлоди каттақўрғонлик, ота авлоди жондорлик. Ота-онаси, асосан, Бухоро шаҳри ва шаҳар атрофидаги қишлоқларда ҳаёт кечиришган. У шаҳарда таваллуд топган, лекин болалиги шаҳру қишлоқ ўртасида ўтган.

Ўқишни битириб, Тошкентда қолганидан буён, Каримнинг ўз болалиги кечган Бухоро теграсида жойлашган қадрдон қишлоқларга ҳеч қачон йўли тушмаган эди. Қишлоқлар тугул, у энди ота-онаси яшаётган шаҳарнинг ўзига ҳам муттасил, бўзчининг мокисидек қатнай олмас эди. Хизмат, тирикчилик... Ёзда дам олгани ёки сайри-сафар қилиш имкони туғилган пайтлар кўпинча Ўзбекистондан олис ерларга жунарни: умр ўт-япти, дунё кўриш керак. Бироқ, шунга қарамай, ернинг остида кўзга ташланмагани билан дарахт бари бир илдизсиз ўсмагани сингари, Карим ҳам ўз ҳаётини Бу-

хородан айри ҳолда тасаввур қилмас, Бухорони, болалик кунларини бот-бот эсламай туролмасди. У Бухорони соғинар, Бухорога борган пайтлари ўзини беҳад бахтиёр ҳис этарди.

Қарим кутилмаган воқеа рўй берганидан кейин ордан бирон ой ўтгач, яна Бухорога бориб, у ердан Жондорга йўл олди.

Идорада Қаримни сўроқлаб боришган кунга қадар унинг ҳаёти ҳар ҳолда тинч, осойишта эди.

Қарим, аслини олганда, Маҳмудга ўшанда кескин рад жавобини айтиб, уни жўнатиб қўя қолиши ва бошига ташвиш орттиришдан бемалол фориг бўлиб юрариши қийин эмасди. Аммо табиатан хаёлпараст, кўнгилчан бу йигит, дунёда ечилмайдиган чигаллик, чекинмайдиган кулфат йўқ, одамларга доим эринмасдан ёрдам кўрсатиш керак, деб ўйлар, ҳар қандай бахтсизликнинг сўнгида бахтнинг тантана қилишига юрак-юрагидан ишонарди. У кўпинча ёр-дўстларига болаларча шавқ билан, тоннелга кирган поезд у ердан чиқмай қўймайди, дейишни ёқтирар, ҳаётни шу йўсинда тушунар эди. Худди шу важга кўра, Қарим ўшанда Маҳмудни учратганида ҳам, беихтиёр куйинчак бир ҳамдардликни лозим кўрган эди.

У, воқеа бундан кейин қандай давом этишини билмас, Муродовларга нималар деб, улар учун нима қилишини ҳали ўзига-ўзи ҳам тушунтириб беролмас эди. Аммо Маҳмуд билан хайрлашганидаёқ кўнгли безовталанган, Жондорга албатта бир боришини теран ҳис этганди.

Қарим автобусда Жондорга кетаётиб, бу ерда узоқ қариндошлар эмас, отасининг тоға-тоғаваччалари яшаганини, беш ёки олти ёшларида биринчи марта Жондорга — уларникига борганини эслади. Қандайдир сўлим бир боғ хотирасида ғира-шира гавдаланди. Ушанда анжир пишиғи бўлгани, боғни оралаган ариқчада муздек сув шилдираб оққани ёдига тушди. Жондорга кейинчалик бир неча марта борганига қарамай, қайтиб ота юртини, қариндош-уруғларни сўроқламаганидан кўнглида хижиллик туйди.

Қарим Жондор марказида автобусдан тушиб, Маҳмуднинг дўсти — Муродов муаллимлик қилаётган мактабни сўроқлаб топди. Айни танаффус пайти эди. У мактаб ҳовлисида Муродов билан учрашди.

Бу — бўйи ўртадан сал баланд, елкалари кенг, бугдойранг юзли, сим-сиёҳ кўзлари кулимсираб турган,

истараси иссиқ, малоҳатли бир киши эди. Ранг-рўйи, қиёфасидан Қаримга қандайдир ўхшар, умуман, уни, Қаримнинг акаси, деб ўйлаш ҳам мумкин эди.

Аввалида гап-сўз қисқа бўлди. Қарим ўзини таништирди. Муродов у билан содда, самимий кўришиб, ундан бирпас кутиб туришини сўради. Сўнг, чуғурлашаётган болалар теграсида юрган ўзи сингари муаллимлар билан нимадир ҳақда пичирлашганча гаплашиб олди-да, Қаримнинг ёнига қайтиб, кетдик, деди.

Улар мактаб биносидан кўчага чиқишди. Бино орқасида Муродовнинг машинаси турган экан, ўтиришди.

Муродов ҳамон ортиқча лом-мим демасдан, машинани мағриб томондаги худди чизғични қўйиб қора қалам билан чизиқ тортганга ўхшаш тик асфальт йўлдан қаёққадир ҳайдаб кета бошлади.

— Кечирасиз, қаёққа кетяпмиз шу кетишда? — деб сўради Қарим, Жондор маркази орқада қолиб, атрофда дала-дашт бошлангач.

— Акамникига бир борайлик-чи, — деди Муродов. — Кейин бизникига қайтамиз.

Улар анча жим йўл босишди.

— Бу ўзи нима воқеа бўлганди? — савол ташлади Қарим, ахийри сабри чидамай.

Муродов бир муддат янаям теран ўйга толди. Кейин, уруш давридаги ўз хонадони қисмати тўғрисида Қаримга шошмасдан ҳикоя қила бошлади:

— Биз ота-онамиздан бевақт ажралганмиз, уч ака-ука... Акам урушга кетган. Мени Бухорога, «Болалар уйи»га юборишган. Укамиз бор-йўғи икки-уч ёшларда бўлган ўшанда: мендан беш-олти ёш кичик. У ногирон, узоқ бир қариндошимизнинг қўлида қолган. Қариндош увоқ норасидага, бировга ишонмаганидан, бошда ўзи имкон етганча қарашга ҳаракат қилган. Лекин у тез орада жуда қийналиб кетган. Кўзи яхши кўрмаса, бунинг устига, бола боқиш — эркак одамнинг иши эмас. Ноилож болани Жондорнинг ўзида очилган қандайдир етим-есир норасидалар тарбияланаётган даргоҳга берган... Акам урушдан қайтгач, мени топди. Аммо укамизга кейин нима бўлган — билмаймиз. Уни ҳалиҳануз тополмай юрган пайтимиз эди...

— Ҳалиги қариндош қайтиб боладан хабар олман эканми?

— Балки, бир-икки хабар олгандир. Ким билсин. Лекин бунга турмуш имкон бермаган бўлса ҳам

ажаб эмас. Болаларни Жондордан бошқа ерларга кўчиришган бўлиши ҳам мумкин...

— Унинг ўзи нима дейди бу ҳақда?

— Биз вақтида, ўзимиз сал тинчиб олгунча, ундан буни яхшироқ сўрамаганмиз. Энди бўлса, оёққа туриб, жигар қадрига етганимизда, у дунёдан ўтиб қолган. Қишлоқда ҳеч ким ҳеч нарса билмайди.

— Боланинг исми Кариммиди?

— Йўқ. Исми Хиром...

— Бўлмаса, мени нега суриштирдингиз?

— Қулоққа иккиси бир хил эшитилади. Исми ўзгариб кетмаганмикин, деб ўйладик... Масалан, менинг болаликдаги исмим Баҳром, «Болалар уйи»да адашиб, ҳужжатга Барот деб ёзишган. Буниси майли, кўпчилик, Баҳром дейишга тиллари келишмай, одамлар оғзида исмим асосан Барон бўлиб қолган...

Карим беихтиёр мийиғида кулди. Барон!..

Машина тахминан ярим соатлар ичида беш-ўнта янги солинган ҳовлилардан иборат қишлоққа, Баҳром Муродовнинг — темир йўл яқин бўлса керак — узоқдан аҳён-аҳён поездлар пишиллаб-пишқираётгани қулоққа чалиниб турувчи акасининг уйига кириб борди.

Ака уйда, ҳовлидаги олма, нок туплари остида куйманаётган экан. У меҳмонларни кўриб, чангли қўллари қоқширтганча, буларга пешвоз юрди.

Баҳром, бу киши акамиз, исмлари Муслим, деб уй эгасини Каримга, Каримни акасига таништирди.

Муслим Баҳромга нисбатан нозикроқ, бўйи ўрта, кўзлари сим-сиёҳ... Карим унга тикилиб, энди ғалати бир ҳолдан андак ўнғайсизланди: афти-ангори, ўзини тутиши — умуман, ташқи кўриниши жиҳатидан у Баҳромдан кўра Каримга кўпроқ ўхшаш эди.

Улар ичкари киришди. Дастурхон бошида уруш даврию ўша давр фалокатларига қайта хаёлан назар ташланди. Йўқ, бу ерда Карим йўлда эшитган ҳикояга деярли янгилик қўшилмади. Аммо Карим муайян қарорга келган эди, кўнглидагини ўртага тўкди:

— Мана, танишдик... Мен қўлимдан келган бутун имкониятни ишга солиб, сизлар билан бирга укаларингизни қидириб кўраман. Топилса, яхши, хурсандчиликка нима етсин. Бордию топилмаса, мендан инжимайсизлар. Мен умрим сўнгигача бир ука ўрнини босишга ҳаракат қиламан...

Қарим болаликдан урушнинг нималигини биларди. У олдин ҳам, кейин ҳам эмас, роппа-роса минг тўққиз юз қирқ биринчи йил ёзида дунёга келган эди.

Ақлини таниб, фарзандини, акаси ёки укасини, суюкли ёрини урушда йўқотган кўплаб кишилар маврид-бемаврид тўккан кўз ёшлар Қаримнинг мурғак юрагига томган, оналарнинг аччиқ фарёди унинг қулоқларида қотиб қолган эди. У қишлоқнинг тупроқ кўчаларида ҳам, Бухоронинг ҳали асфальт ётқизилмаган қайроқтош йўлларида ҳам аламзада, мағрур ва шунинг баробарида, қандайдир аянч судралган, уруш аждари ғажиб ташлаган юзлаб, минглаб майиб-мажруҳ кишиларга гоҳ хос, гоҳ бехос рўпара келган; тўқиллаган қўлтиқтоёқлар, ғижирлаган тахта аравачалар, инқиллаб-инграган майиб-мажруҳлар ўша пайтданок унинг хотирасига мангу муҳрланган эдилар.

Қаримнинг ёши улғайгани сайин, болаликда кўрганларининг давоми бўлиб, унинг хотирасига янгидан-янги уруш манзаралари ёзилган эди. Унга Ўзбекистондаги деярли барча катта уруш ёдгорликлари таниш эди. У кейинги йилларда Кавказ, Қрим, Белоруссия, Украина, Молдавия ва бошқа кўплаб уруш кечган сарзаминларни айланган, Биродарлик қабристонларини зиёрат қилган эди. Қарим мрамр лавҳаларда мингминглаб йигитларнинг исми-шарифларини ўқиб, қаттиқ ҳаяжонланган эди. У Аҳмедов, Ботиров, Сатторов сингари ўзбекча фамилияларга тўқнашганда, булар Ўзбекистонда мункиллаб юрган қайсидир чол, қайсидир кампирнинг жигарбанди эканини тасаввур қилган, беихтиёр ларзага тушган эди.

Узоқ бир йили эса бундай воқеа рўй берди.

Уруш пайти ўзбек болалари номидан қамалдаги Ленинград болаларига совға-салом олиб борилган, вакиллар орасида эса Амин Умарий деган шоир ҳам бўлган экан. Қарим қайсидир эски газетадан шу ҳақда хабар ўқиган, илк ёшлигида Амин Умарий шеърларини севиб, ёд олганидан, бу хабар уни дафъатан қизиқтирганди. У ёзда Ленинградга сафар қилган, аммо бу ерда «совға-салом» тарихи қолиб, унга кутилмаганда бошқа бир тарих юз очган эди.

Болтиқ бўйидаги шаҳар этагида Ладога деган каттакон кўл бор, у ҳам денгизга ўхшайди. Қарим эшитган эди: уруш пайти бу кўл қамалдаги Ленинградга

бамисоли дарвоза бўлган. Шаҳарга фақат шу кўл орқали озиқ-овқат, кийим-кечак, ўқ-дори ташилган. Минглаб йигитлар кўлдан кечаётиб жонларини қурбон қилганларидан ташқари, ўшанда кўлга юзлаб самолётлар, машиналар, ўнлаб пароходлар ҳам чўкиб кетган.

Карим Ленинградни айланиб, сафар давомида шунчаки тасодифан Ладога соҳилига бориб қолди... Урушда «Ўзбекистон» деган кема ҳам кўлга чўккан экан. Карим буни билмасди. У соҳилдаги Биродарлик қабристонини зиёрат қилаётиб, бу ерда, ажабо, одатдаги шаҳидларнинг исми-шарифларидан ташқари, пароходлар номини ҳам учратди ва булар орасида бехосдан «Ўзбекистон» кемаси деган ёзувга ҳам кўзи тушди...

Карим энди ўша соҳил, ўша кемани бот-бот эслар, унга уруш кунлари ҳалок бўлган юртдошларининг барчаси «Ўзбекистон» кемасида сувга чўкиб кетгандек туюларди.

Каримнинг бутун ҳаёти, шу йўсинда, уруш таассуротларидан тўқилган, уруш ва тинчлик тўғрисидаги ўйлар табиий бир ҳолда унинг қони-жонига сингиб кетган эди.

Аммо, шунга қарамай, уруш давридан у фақат ҳикоялар эшитиб, майиб-мажруҳлар, қурбонлар, сафар қилган ерларида айрим мунғайган харобаларни четдан кузатган, холос, шунинг ўзидангина аёвсиз бир даҳшатни туйган эди. Уруш ҳеч қачон унинг тақдирида акс этмаган, унга дахли бўлган воқеага айланмаган эди!

Карим, Муродовлар билан танишиб, Жондордан Бухорога қайтгач, ҳаётида илк дафъа ўзини худди уруш билан чинакам юзма-юз тургану мана энди унинг битмас жароҳатларини жисму жонида адоқсиз бир сирқираган оғриқ билан сезаётгандек бўлди.

У шаҳардаги барча архивларга бирма-бир кириб чиқа бошлади. Бироқ ҳеч қайси архивда етим-есир норасидаларга тегишли маълумот топилмади.

Ниҳоят, Карим, маориф бўлими архиви эшигига бош уриб борди.

Бу ерда у кўзойнакли кекса бир аёл билан танишди.

— Уруш пайтида «Болалар уйи»дан бўлак, норасидалар учун қандайдир даргоҳлар ҳам бормиди? — деб сўради Карим биринчи навбатда аёлдан, салом-аликдан сўнг.

— Ҳа, бор эди. Ҳамма ерда ясли-боғчага ўхшаган уйлар очилганди, — деб тасдиқлади аёл. Сўнгра рус-

чалаб тушунтирди. — Буларни «Детдом» эмас, «Детская комната» дейишарди.

— Сизнинг қўлингизда шу ҳақдаги ҳужжатлардан сақланганми?

— Афсуски, йўқ...

— Нега?

— Булар тез орада тугатилган. Булардан кўпчилиги асосан, «Болалар уйи»га қўшилиб кетган...

— Демак, «Болалар уйи» тўғрисида қоғозлар топилади. Шундайми?

У ўзича, Хиром ҳам, Жондордан бирон «Болалар уйи»га кўчирилгани аниқ, балки унинг исми-фамилияси қоғозлар ичидан лоп этиб чиқиб қолар, деб умидланмоқда эди.

— Албатта. Лекин бу ҳам унчалик кўп эмас, — деди аёл.

Карим Бухоро воҳасида уруш ва урушдан кейинги кунлар ўнлаб «Болалар уйи» ишлаганидан, нима қилганда ҳам, буларга тааллуқли қоғозлар камида бир туяга юк бўлиши керак, деб ўйлади ва улар билан шошмасдан, жиддий танишишга шайланди.

Йўқ, кўзойнакли аёл Каримга гапнинг индаллосини айтган экан! У атиги тўрт-бешта қалин дафтарни Каримнинг олдига келтириб қўйди.

— Бўлгани шуми? — деб ажабланди Карим.

— Шу... Биласизми, айрим жойларда шароит оғирлигидан болаларнинг исми-фамилиясини чойқоғоз ёки бир ёғи тўлдирилган идора қоғозларига ҳам қайд этиб кетаверишган. Уларга сон-санокдан, болаларнинг соғсаломатлиги муҳим туюлган. Кейин, сарсон-саргардонлик, ҳар хил кўчишлар, бошқа оворагарчиликлар туфайли, жуда кўп ҳужжатлар йўқолган... Биз қолган бутун маълумотларни мана шу дафтарларда тўплашга уринганмиз. Бунга ҳам етарли меҳнат сарфланган...

Карим ҳаяжонланиб, дафтарларни секин-аста кўздан кечириб бошлади. Булар сарғайган, титилиб кетган эди. Гоҳ сиёҳ, гоҳ қаламда ёзилганидан, айрим бетлардаги ёзувларни ўқиб ҳам, тушуниб ҳам бўлмасди.

У «М» ҳарфидан Муродовлар фамилиясини топиб, ҳар бир дафтарда уларга алоҳида диққат қила бошлади. Шу кунга қадар, Муродов деган фамилия нисбатан кам учрайди, деб ўйларди Карим. Бу ерда ҳар бир дафтарда ўндан ортиқ, жами юзга яқин Муродов

фамилиясини кўриб, у донг қотди. Ушанда биргина Бухорода, биргина Муродов фамилияси билан юрган шунча етим-есирлар бўлганидан таъсирланиб, унинг кўзларига беихтиёр ёш қалқиб чиқди.

Карим дафтарлардан Хиром Муродовни тополмади.

Кейин, архивчи аёлга кўнглидаги дардини қисқача тушунтирган бўлди.

— Бу оғир масала, укажон, — деди аёл. — Биринчидан, бола вақтида тирик қолганми, йўқми — айтиш қийин. Ҳақиқатни яшириб нима қилдик, ўша йиллари анча-мунча болалар нобуд ҳам бўлишган. Иккинчидан, кўриб турибсиз, ҳужжатлар тўла сақланмаган, бунинг ўшанда иложи ҳам йўқ эди. Демак, қидиришдан натижа чиқиши даргумон. Буларнинг устига-устак, масалан, болани аввалдан биров ўз тарбиясига олган, ўз фамилиясига ўтказиб, исмини ўзгартирган бўлиши ҳам мумкин. Бунақа воқеа кўп учрайди. Бунинг эса суриштириб тагига етиш бир оз қалтис иш, укажон. Одамларнинг тинчини бузиб, уларни қайтиб бахтсиз қилиб қўйиш ҳеч гап эмас...

Карим аёлнинг бу шарҳу изоҳини эшитиб, тарвузи қўлтиғидан тушгандек, бўшашиб қолди...

Карим икки-уч кундан сўнг Бухородан Тошкентга қайтди ва бу ерда Хиромни бари бир қидиришни давом эттирди.

У салгина эҳтиётланган эди. Аммо олдига қўйган мақсаддан воз кечган эмасди.

Карим албатта Хиромни топиб, акалари билан учраштиришни, кейин бир умр улар хонадонининг олижаноб, самимий дўсти бўлиб қолишни истар, бу эзгу хаёл унга қандайдир руҳ ва куч бахш этган эди.

Каримнинг ҳаётида баёнсиз бир нотинч кунлар бошланган эди.

У талабалик йилларида анча таниш орттирган, унинг жумладан, газетада, радиода хизмат қилиб, Ўзбекистон бўйлаб кезишни ўрнига қўйган бир неча журналист дўстлари бор эди. Карим Тошкентга қайтгач, биринчи навбатда уларни ишга солиб, ёрдам беришларини сўраганди.

У бўш пайт топилса бас, архивдан чиқмасди.

Карим хизмат қилаётган идорага кўп одам келиб-кетар, унинг олдинлари бу билан иши йўқ эди.

Энди икки кўзи эшикда, қулоғи келган-кетганларнинг гап-сўзида. Касаба ташкилотига эшик очиб бир

куни Жондордан Маҳмуд келганидек, Хиром ҳам ўз оёғи билан қўққисдан қадам ранжида қилиши мумкин, бунақа воқеалар ўзи шундай тугайди, деб ўзи ўзини бунга ишонтирар, остонада кўринган ҳар бир одамдан Хиромга хос аломатлар изларди.

У олдинлар Муродов фамилиясига лоқайд эди.

Энди ўзига фамилиядош кишининг дарагини эшитдим, туғилган ери, ёши, туриш-турмуши тўғрисида суриштириб, ўзича бир аниқлик киритмагунча тинчимас, тунлари ухлай олмасди.

Каримнинг ҳаётидаги бутун ўзгаришлар устига, яна бир ажиб ўзгариш...

...У Жондорга бориб, Хиромни қидиришга тушганидан буён ўнгида нечундир Ладога соҳили, «Ўзбекистон» кемасини деярли эсламай қўйганди. Аммо тушларида ҳамон ўша соҳил, ўша кема ҳаёлида жонлар, ҳамма гап шундаки, тушларида зангори кўл жимирлаб, сув остидан ихчам, эртақлардаги сингари жозибали «Ўзбекистон» кемаси аста кўтарилар ва сувда енгил сузиб кетарди...

Аттанг! Карим қанчалик саъй кўрсатмасин, унинг уринишларидан ҳадеганда натижа чиқадиганга ўхшамасди.

* * *

Унга Муродовлар хат ёзишди. У жавоб ёзди. Кейин, Муродовлар Жондордан Каримни сўроқлаб келишди. Бир кўрган таниш, икки кўрган билиш: икки ўртада ўз-ўзидан илиқ бир муносабат қарор топди.

Кейин, Каримнинг яна Бухорога йўли тушди. У яна Жондорга борди.

Карим Жондорда бу гал катта давра, тўй устидан чиқиб қолди. Ака-ука Муродовлар қатнашишлари зарур экан. Каримни ҳам қистаб таклиф қилишди.

Бошда ҳамма нарса рисоладагидек бўлди: тўйхонада уларни мамнун қаршилаб, давра тўрига ҳурмат билан ўтқазишди. Одамлар тўпланишгунча зерикмасликларини сўраб, икки чойнак кўк чой ҳам келтиришди.

Бироқ, одамлар тўпланишиб, тўй авжига чиққач, кутилмаганда, тошкентлик меҳмон, деб Каримга сўз беришди. Карим тўй эгаларини табриклаб, ўрнига утирган заҳоти эса, бир гуруҳ нотанишлар уни қуршаб, қадаҳ тутган ўнлаб қўллар унга томон чўзилди.

— Яхши гапирдингиз. Раҳмат!.. — Миннатдорчилик билдиришди нотанишлар. Сўнг дарҳол бошқа кўчага уриб кетишди:

— Сизларнинг тарихларингизни эшитганмиз, Хиром!..

— Яшанг, ҳамқишлоқ!..

— Хурсандмиз, шунча йил ўтиб, топишганларингга. Охиригача оласиз...

— Қойил, Хиром...

Карим Жондорга ҳам, тўйга ҳам келганидан кўнглида алланечук пушаймонлик ва ўзи ўзидан норозилик ҳис этди. У қишлоқдагиларнинг воқеага бундай муносабатини етти ухлаб тушида кўрмаганидан эсанкираб қолди. Шу тўс-тўполон ичида тўнғич Муродовнинг кимгадир ўртанча укаси ҳақида айтган гапи унинг қулоғига чалинди:

— Биринчи топганимда, бормайман, деган. Қочиб кетган ёнимдан. Қайсарлик қилган. Уни детдомдан уйга бошлаб, одамлар орасига олиб киргунимча, она сутим оғзимга келган, тўғриси...

Карим бу гапни олдин эшитмаганди. У Баҳромни, акаси сўроқлаган пайтда, «Болалар уйи»дан сакраб-ўйноқлаб уйга йўл солаверган, деб ўйлаганди. Аслида, бошқача экан. Карим ажабланди: наҳотки Баҳром акасига дарров бўйин бермаган бўлса? Наҳотки, болакай ўшанда уйдан етимликни афзал кўрган? Йўқ, бунга у тез тушунди: Баҳромнинг ўз турмуш тарзини ўзгартириб, уйга йўрғалаб кетавермагани табиий. Дом ҳам ҳаёт кишига илк туюлганидан анча мураккаб!

Лекин бу гапнинг бугунги даврага, Каримга нима алоқаси бор?! Карим шу палла сархуш, паришон ҳолатда, бунинг маъзини чақолмади.

У на қишлоқдагилар, на Муродовларга — на Хиром, на ўзи тўғрисида тушунтириш берди. Бу ҳақда сўзлашга унинг қурбими, журъатими етмади.

Аммо Карим бу гал Бухородан Тошкентга бир оз дили гаш бўлиб қайтди.

Тошкентга қайтгач, бутун ҳақиқат унга гўёки, мана мен, дегандек секин-аста юз оча бошлади. Карим ўзининг Хиром эмаслигини аввалдан очиқ-ойдин айтганига қарамай, ака-ука Муродовлар унинг ўз укалари эмаслигига ишонишмаган. Ишонишмаяпти. Ишонгилари келмаяпти! Нима учун?! Булар Каримни, афтидан, шунчаки бош буряпти, кўникмаганидан ҳозирча ёввойилик, қайсарлик қияпти, деб ўйлашяпти. Унинг бегоналиги

ҳақида гап йўқ; қўйиб берса, бу ҳали қочиб кетиши ҳам мумкин деб, шундай бўлишидан қўрқишяпти, холос. Буларга қўшилиб, қишлоқдагилар ҳам, — у эътироз билдирсин-билдирмасин, — унинг бегона эканлигига ишонишдан кўра кўпроқ ишонмасликка мойил. Уларни ҳам фақат энди Каримнинг ўзини қандай тутиши қизиқтиряпти.

Муродовлар, нима бўлганда ҳам, Карим қолиб, воқеага ўз билгиларича тўн бичишган, Жондорда Каримни даврада, қишлоқдагилар олдида — эҳтимолки, ўзлари истамаган ҳолда — бир оз ноқулай аҳволга солиб қўйишганди. Карим, шу боисдан, Жондорни, Бухорони бу гал Муродовлардан сал ўпқаланиб, ўзига нисбатан муносабатдан иззат-нафсими оғриб, тарк этган эди.

У Тошкентда ҳам уч-тўрт кун асабийлашиб, ғашланиб юрди.

Ниҳоят, бу ҳам ўтди. Карим, Муродовлар дунёдан умидли, меҳр-оқибатли, олиҳиммат кишилар бўлишганию уни ўз укалари деб билиб, бунга сидқидилдан ишонишгани учун улардан ўпқаланиш, инжишга ҳаққи йўқлигини ҳис этди. Муродовларни ўйлаб куюнган, тўйда Каримни кўриб суюнган қишлоқдагиларни ҳам айблаб бўлмайди. Бунинг деб тажангланиш кулгили.

Ахир, Каримнинг ўзи Хиромнинг борлигига, топилишига ҳаммадан кўп ишониб, уни бир неча ойдан буён қидирмаяптими?! Карим бошқаларнинг йиллар давомида шундай умидланиб юришганига албатта тушуниши керак эди. Жондорликлардан кимдир балки Биродарлик қабристонларини айланиб, охир-оқибатда Ленинградга, Ладога соҳилига бормаган, «Ўзбекистон» кемасига тўқнаш келмагандир. Аммо буларни ҳам, бари бир, уруш фожиаларидан қанча воқиф бўлишмасин, кеманинг чуқиб кетганига ишонтириш қийин. Карим сингари, буларга ҳам, кема ҳамон сувда енгил юзиб юргандек туюлмоқда. Бунинг учун бировдан гина қилиш жоиз эмас.

Карим, ўзини бепарво тутиб, Муродовлар билан олдингидек муносабатни давом эттиравераман, деган ҳаёлга борди. У яна ўйлади: Муродовлар менинг бегоналигимга ишонишмаса ишонишмасин, мени укалари деб билишса билишаверсин, бировларга, шу бизнинг укамиз бўлади, дейишса дейишаверсин. Мен индамай, Хиромни қидиравераман. Хиром топилса, кўп ўтмай, ҳамма нарса ўрни-ўрнига тушади.

Бироқ, шу кунлар унга нотаниш бир кишидан хат келди:

«Салом хати.

Ассалому алайкум, бизни билмаган тоғажоним. Аҳволларингиз қандай, яхшими? Соғ-саломат, чарчамасдан ишлаб юрибсизми? Ҳорманг ишлар билан.

Тоға, бу хат кимдан экан, деб ҳайрон бўлманг. Қорақўллик Гуландом опангизнинг ўғли Болтабойдан. Суюкли тоғажон, сиз Баҳромбой тоғамнинг уйига келиб кетган экансиз. Мен сизнинг адресингизни ўша жойдан олдим. Бизнинг уйимизга келмаганингиздан онам ниҳоятда хафа бўлдилар. У киши айтдиларки, Хиромбой ёшлигида, отам ўлганларидан кейин, кимсасиз, қаровсиз қолган... Майли, у кунлар ўтиб кетди. Келинг, энди бир-бировимизни йўқлаб, борди-келди қилайлик. Тоға, мен бу ерда сиз билан Тошкентда ўқиган бир-икки ўртоқларингизни танийман. Уларнинг қўлида сизнинг расмларингиз ҳам бор экан. Келтириб кўрсатишди.

Хўп, тоғажон, ёзаётган мактубимни тугаллайман. Қисқагина ёздим. Хатоси бўлса, кечирасиз. Хайр, тоға, соғ бўлинг. Хатимнинг жавобини интизорлик билан кутаман. Жиянингиз Болтабой».

Карим хатни ўқиб, худди Жондордагидек эсанкираб, паришонланиб қолди. У ҳовлиққанча олдинга бо-саётиб, кучли бир қўл зарбидан бирданига яна орқага тисарилган одамга ўхшарди.

Карим шу кунлар маълум муддатга ўзи ўзини алдгани, уни домига тортган гирдобдан осонгина чиқиб қутулишга беҳуда уринганини ҳис этди.

Йўқ, бир томондан, Муродовлар Каримни укалари деб қабул қилишлари, иккинчи томондан, бунга у ҳеч қандай муносабат билдирмаслиги мумкин эмас! Бундай пайтда бепарволик кетмайди. Сен ўзинг учун ҳам, бошқалар учун ҳам ёки укалик, ёки бегоналик йўлини тутишинг шарт. Учунчи йўлни қидирмай қўя қол.

Қўққисдан энди олдин ўйламаган бир гап унинг хаёлига келди; дейлик, Муродовлар кимларгадир уни укалари деб таништиришди. Карим ҳам илож-ноилож, Муродовларнинг кўнгли учунми, одоб юзасиданми, борингки, тўйда бўлганидек, довдираб-гарангсиб қолганиданми, ўзини ука ўрнида тутди. Хўш, бора-бора бунинг охири нима бўлади?! Каримни яхши таниган, унинг ҳаёт тарихини озми-қўпми билган одамлар наз-

дида кунлардан бир кун у етти ёт кишилар уйига укалик даъво қилганча бостириб кирган, уялмай-нетмай бемалол айланиб, меҳмон бўлиб юрган ёлғончига, товламачига ўхшаб қолмайдими?! Буниси майли. Кеча Жондорда, бугун Қорақўлда тарқаган гап эртага Бухорога етиб келади. Бухоро ўзи, чор-атрофи бағрини тинимсиз шамол ялаган яйдоқ дашт эканлигиданми, шунақа воҳа — бу ерда гап одатда бир жойдан иккинчи жойга енгил кўчади. Қисқаси, Бухорода, ҳеч кимнинг озор чекишини истамай, бағри кенглик, валломатлик қилаётган Каримнинг шўрига шўрва тўкилмайдими?! У ўзини тарбиялаб, вояга етказган ота-онасининг юзига қандай қарайди?! Опалари, укаларига нима дейди?! Буларга воқеани тушунтиролмай, буларнинг наздида ҳам ер ёрилиб кириб кетадиган аҳволга тушмайдими?!

Карим хат баҳонасида чексиз изтиробга чулғанди. У чиндан Муродовларнинг укаси бўлсайди, эҳтимолки, бунчалик азобланмасди! Ўзини эркин тутар, Жондорга бориб, акалари бағрига отилар, уларни таниган-танимаган одамлар билан бирга суюнар, Муродовларнинг қорақўллик қариндошлари ёзган мактубга ҳам эринмай жавоб қиларди. Аммо, ҳозирги шароитда бош қотиб, юрак зирқирайди, ночорликдан ўртаниб тураверасан. Бировларнинг сиғинишини билган ҳолда, уларнинг неча йиллик умидини кўкка совуриш сенга оғир. Бегоналигингни ҳадеб таъкидлашга тилинг бормайди. Шунинг баробарида, бировларнинг укаси бўлиб қўя қолишинг мумкин эмас. Бунинг иложи йўқ. Одамларга охир-оқибатда бир куни бу ўйин кўрсатгандек туюлиши дард устига чипқон бўлади. Сен қийналишга мажбурсан, оғайни!

Хўш, Карим мабодо чиндан ҳам Муродовларнинг укаси бўлса-чи?!

Буни у аввалига шунчаки лоқайдлик билан хаёлидан кечирди. Аммо кейин, бу ўй уни домига тортиб, теграсида қуюндек чарх ура бошлади.

Бундай деб ўйлашга ҳам маълум даражада асос бордек эди. Шу боисдан, Карим бундан қочиб қутулолмади.

Мана энди, илк дафъа Каримнинг кўнглида ўзининг Карим эканлигига шубҳа туғилган, фақат туғилиб қолмай, ўру қирда от чоптирган суворидек, унда бўлган бир қадар осойишталикни ҳам емириб ташлаган эди.

Карим шу дамгача умрида ҳеч қачон ўз ҳаёти тўғ-

рисиди жиддий уйламаган, бунн баъзан уйлаш керак-
лигн хаёлига келмаганди. У ҳар қандай тинч, бахтиёр
инсон сингари ўз ҳаётидан узук-юлуқ манзараларни
эслаб, қолганини қолдириб кетаверишга одатланганди.
Худди шу сабабга кўра, биринчи жондорлик Маҳмуд-
ни учратганида ҳам таржимаи ҳолини енгил-елпи гапи-
риб берган эди.

У, мана энди, юрагида от дупурлатган шубҳадан
фориг бўлиш ёки муайян қарорга келиш учун бутун
ҳаётини бир илга тизиши, ҳаммадан ҳам, болалик кун-
ларини хаёлида аниқ жонлантириши талаб қилинган.
Қарим бу талабни бажариши керак.

У бошидан кечган воқеаларни шошмасдан эслаш-
га урина бошлади.

Ота-онанинг Қаримдан катта тўртта қизлари бўлиб,
Қаримни уйда, тўнғич ўғил, дейишарди. Бу, аслида,
тўғри эмасди. Ундан олдин ҳам бир ўғил дунёга кел-
ган, аммо бола ақлини таниганида йиқилиб хасталан-
ган... эрта кўз юмган эди. Фарзанд доғи ўшанда ота-
онани қаттиқ куйдирган бўлса керак, болақайни улар
ҳамон баъзан, жуда ақлли эди, деб хотирлаб туриша-
ди. Қизиги шундаки, уларнинг Қаримдан кейинги бир-
икки фарзандлари ҳам нобуд бўлган, аммо булар уйда
деярли хотирдан кўтарилганди.

Уруш ва урушдан кейинги оғир йиллар эканлиги-
данми, ота оддий касб-кор кишии қабилада умргу-
заронлик қилганию она, асосан, уйда ўтириб фақат
қўли бўшаганида тикиш-бичиш билан шуғуллангани-
данми, хонадонда турмуш машаққатли эди. Нон топиш
мушкул, янги бир уст-бошга эришиш эса Сулаймон
тахтини эгаллаш билан тенг бўлганидан болалар ор-
тиқча орзу-ҳавасга ўрганишмаган эди. Уларнинг мур-
ғак юрагида орзу-ҳавас чашмаси қуриётганига ота-она
парво қилишмас ёки бунн пайқашмасди. Умуман, бу
хонадонда ҳамма — ота-она ҳам, болалар ҳам — ҳар
ким ўз ташвиши билан ўзи банд, ўзи билан ўзи овора
эди. Лекин, шунга қарамай, хонадон аъзолари бир дас-
турхон атрофида ўтиришиб, бир майизни қирқ бўлиб
ейишар, ўзларини тўқ-мамнун кишилардек тутишарди.
Булардан ҳеч бирини бахтсиз деб бўлмасди. Аксинча,
чироқ хирагина милтираган кулбада ҳамманинг чехра-
си очиқ, кўзи порлар, қандайдир ёрқинлик, фараҳ, бахт
ҳукмрон эди.

Булар нега мамнун юришиб, нимадан бахтиёр бў-
лишганига тушуниш қийин эди. Уларнинг эғнига ўхшаб,

улар турган уй ҳам, ҳовли ҳам эски, хароб эди. Уй ертўлага ўхшаган — зах, қоронғи. Ҳовли деворлари чирган қоғозни эслатади. Буни ўзи, оғизни тўлдириб, ҳовли деб ҳам бўлмайди. Қийшайиб-пачоқланган қандайдир қути. Каталак... Уйдаги бутун руҳ, кайфият, чамаси, отага боғлиқ эди. Етим ўсиб, ёшлиги амирлик даврида ўтган, кўп йиллар бировлар эшигида, ғариб-ғураболикда юриб, муҳтожлик, ҳуқуқсизлик, сарсонлик жабрини чеккан бу киши соддалик, беозорлик, осойишталикка муҳаббат, одамларга нисбатан чексиз шафқатга ўрганган эди. Ота умрида ҳеч қачон болаларидан биронтасига қўл кўтармаган, қўл кўтариш тугул, уларнинг иззат-нафсини оғритадиган бир оғиз аччиқ сўз айтмаганди. У болаларидан ранжиганида ҳам, улар эмас, ўзини айблагандек бир четга ўтиб, чўнқайиб ўтирар, болаларнинг ўзи инсофга келиб, уз сўрашини кутарди. Энг муҳими, доимо озни кўп ўрнида кўриш, қаноат қилиш унга хос эди. Унинг шу ҳислатлари хотини, болаларига ҳам юққан, хонадонда ҳамма арзимаган нарсаларга суюниб, шукрона билдиришга одатланганди. Шу бондан, машаққатли кунларда ҳам улар хонадонини фароғат, мамнуният, хурсандчилик, ҳазил-мутойиба, ўйин-кулги тарк этмаган эди.

Қарим тахминан тўрт-беш ёшларида ақлини таний бошлаган эди.

У онаси, опаларига индамай, уйдан ташқарига сирғалиб, гоҳ ҳовли, гоҳ дарвозахонада, гоҳ эшак-арава зўр-базўр ўтадиган тору танг кўчада тупроққа қоришиб, ўйнаб юрган пайтларини ғира-шира эсларди. Нечундир, ўша йиллари ёзда офтоб пойабзал ичида оёқни куйдириб, қишда кўпинча дарвоза очилмайдиган даражада кўчани қор босгани ҳам унинг хотирасида сақланган эди. Бир йиллари, ота яхшироқ яшашга умидланган бўлса керак, улар шаҳардан Когон атрофидаги қишлоқларга кўчишиб, кейин яна шаҳарга қайтишганди. Бепоеъ дала-дашт бағридаги бу қишлоқларда, шабнам тушган ўтлоқларда юргани, дарахтларга чирмашиб, лойқа сувларга шўнғигани ҳам Қаримнинг ғира-шира ёдида эди.

Қарим болалигида Когондан бўлак, отасининг қариндош-уруғлари яшаган Ғиждувон, Қизилтепа ва бошқа ерлардаги турли қишлоқларга — гоҳ отаси ёнида, гоҳ қариндошларга қўшилиб, бир неча марта борганди. Иланг-биланг тупроқ йўллар... икки ён томонда кўзга

ташланган туя уркачидек аллақандай тепаликлар... арава... от ёки хачир минган, турқи-тароватидан хаёлдаги Хўжа Насриддинни эслатган кишилар... Кейин, қишлоқ: бири йўл бўйида, бири йўлдан ичкарида жойлашган пахса деворли ҳовлилар, қўнқайган пасти-баланд уйлар... Қарим энди буларни ҳам худди тушда кўргандек, болаликда ўқиган бир эртадек хотирларди.

У беш-олти ёшларида ажабтовур ҳунарлар кўрсатган. Қўчадан ўтиб кетаётган арава ғилдираги остига, қани, бўёғи нима бўларкин, деб оёқ суқади... Томдан бенарвон тушишга уринади... Ўшанда нега бундай қилганига ҳамон тушунолмайдди. Лекин бу шумликларни-ю, булар эвазига онаси неча марта қулогини бураб, орқасига туширганини яхши эслайди.

Ақлга киргани сайин, шўхликлар даври тугаб, Қарим кундан-кунга машаққатларга юзлана бошлади. Ўрни қалин қор қоплаган қиш кунлари қуроқ жилдди елкасига осганча, тиртиқ калишни судраб, мактабга қатнаганини эслар, келажакда ўзи ўз кунини кўришга мажбур эканини ҳис этгани, ота-онаси ҳам уни шу йўлга йўллашганидан, еттинчи синфни битириб-битирмай, гоҳ пилла саралаш корхонасида уймалашиб, гоҳ трактор ремонти заводида шогирд тутинишга ҳаракат қилгани, ниҳоят, пахта заводи эшигига келгани — ўқишга киргунча ҳаёти шундай ўтгани, бу воқеаларнинг барчаси унинг кўз ўнгиди, илк болаликдаги сингари ғира-шира эмас, яхлит бир манзарадек жонланар эди.

Қаримга уйда, олдинги ўғил нобуд бўлиб, у тўнғич ўғилга айланиб қолгани учунми, аввалдан, умуман, анча эҳтиётлик билан муомала қилишганди. Қарим эса, аксинча, ўзига-ўзи бировнинг ўрнини олгандек туюлганми, уйдагиларнинг муомаласидан негадир бир оз сиқилиб ўсган, хонадонда қандайдир бегоналик, қадди-қомати тикланмай туриб, кўнглида чоллардек алланечук ёлғизлик ҳис этганди. У бошқаларга нисбатан кўпроқ ўз ташвиши билан банд, ўзи-ўзи билан овра кўйда кун кечирган — уйда унга қанчалик меҳр, эътибор кўрсатишса, шунчалик инжиб, асабийлашиб, уйдан ҳам, уйдагилардан ҳам узоқлаша бошлаган эди. Қарим, эҳтимол, шу боисдан, хонадондаги ночорликдан туғилган машаққатларни ҳам бошқалардан кўра теран англагани учун кўнглида бунга қарши норозилик, исён уйғонганди. У ўқишга киргач, инини тарк этган парранда сингари бундан сўнг бутун ҳаёти энди фақат биргина ўзига боғлиқ, ўз зиммасида эканига қаноат ҳо-

сил қилган ва балки, шундандир, Тошкентдан уйга ойда-йилда, олдингидан баттар қимтиниб, меҳмон қаби-лида бориб-келишга одатланганди. Уқишни битириб, турмушдан маълум даражада тинчигандан кейин, у ўз инсонлигига қайтиб, ота-она, туғилиб-улғайган хонадон қадрига ета бошлаган, аммо шунга қарамай, унинг қони-жонида ҳамон бари бир андак ёввойилик ҳам сақ-ланиб қолганди. Карим уйдагиларнинг бағрига сингиб кетишни истаган, бироқ мудом нималардир бунга ҳа-лал берганди. У хонадон аъзоларидан ҳеч ким билан, ҳеч қачон орзу қилгандек очиқ-ойдин муносабатда бў-лолмаган, ҳаммадан ҳам ўтиб тушадиган жойи ҳеч қачон уйда ўзини уй эгасидек тутолмаганди. Ҳозирги кунга келиб, шароит анча ўзгарган эди. Унинг отажо-ни, онажони қариб қолишган эди. У илк дафъа булар олдида бурчли эканини ҳис этиб, қирқ йил умри кун-гилдагидек йўсинда ўтмагани, тўнғич ўғилга муносиб иш тутолмаганидан, бошдан табиатида негадир бунёд бўлган худбинликми, бемехрликми сабаб бўлиб, бур-чини оқлаёлмаганидан юрагида изтироб чекиб юрган пайти эди. Карим энди ҳаётнинг ниҳоятда мураккабли-гини тушуниб, хонадон қисматига жилла қайғуриб қа-рашни одат қилган эди.

Хуш, болалик кунларига бундай осойишта, узоқ кўз ташлаб, ўтган воқеаларни хотирасида тиклагандан ке-йин, у ўз ҳаёти тўғрисида нима дея олади?!

Карим юрагида от дупурлатган шубҳадан, дарёда тўлқинлар қирғоқдан-қирғоққа суриб, қирғоқдан-қир-ғоққа итқитган кишидек, ночор ва таҳликада эди. Шу-нинг баробарида, у яна худди қарама-қарши икки қутб орасида — икки ойна ичига кириб қолган қовоғаридек, кескин уринаётганга ўхшарди.

Карим жондорлик Муродовларни, амалда бориб улар билан танишгунча билмасди. Бунинг устига, улар-ни ақалли зиғирдек ҳам эсламаяпти. Лекин...

Бу ҳали ҳеч нарсани белгиламайди. Бунга асосла-ниб, муайян қарорга келолмайсан.

У бир-бирига зид ҳаёлларга чулғана бошлади.

Масалан... Карим асли Жондорда туғилган. Қаров-сиз қолиб, гўдаклик пайтида болани давлат тарбияси-га топширишган. Шу алфозда у Жондордан бир куни Бухорога келган. Кейин, мўмин, одампарвар киши экан-лигидан, ота уни ўз қарамоғига олган. Дарвоқе, ўшан-да бу киши бекатда ишлаган, бир ердан иккинчи ерга узлуксиз кўчирилган норасидалар аҳволини яхши бил-

ган. Кўнгли ачиганидан, шу ишга жазм этган. Балки, хонадонда тўнғич ўғил дунёдан ўтгани сабабли, тоқатсизланиб, шундай қилинган... Воқеа шу тарзда рўй бериши мумкинмиди?! Мумкин эди!..

Пўк!.. Уруш пайтида қўли қисқа, шунингсиз ҳам тўртта фарзанди бор аёлманд киши боқиш учун бола олмайди. Бунга катта журъат керак. Ота эса қанчалик бағри кенг бўлмасин, журъатли эмасди...

Масалан... Нобуд бўлган тўнғич ўғилни уйда ҳамма, айниқса ота ардоқлаган-ку, ахир. Демак, балки ота ўзи болани боқиш учун олмаганида ҳам, унинг кўнглидаги дардини билишиб, жондорлик тоға-тоғаваччалари бола келтиришган, ота бунга жон деб розилик бергандир? У, эҳтимолки, Жондорни эслаб-эсламаслигини текшириш учун, Қаримни кичкиналигида бир қур қариндошлари уйига олиб борган, айлантириб келгандир. Тўрт-беш ёшларда бўлган Қарим балки шупинг учун ҳам ўзининг бу саёҳатини ҳамон қандайдир энтикиб эслар?..

Пўк... Отаси Қаримни фақат Жондор эмас, бошқа қишлоқларга ҳам бошлаб борган. Бу табийй ҳол. Ота уни тўнғич ўғлим, деб етаклаб юришни ёқтирарди. Қолаверса, қариндошларнинг бировга бола келтириб бериши ақлга сиғмайди.

Масалан... Қарим кичик бир воқеани эслади. У тўрт, укаси икки ёшларда эди. Укасини эргаштириб, негадир бир кунги шаҳардан ташқарига чиққанча, боши оққан томонга қараб кета бошлади. Қаёққа кетмоқчи эди?! Нима учун?! Билмайди. Ота уларни ҳовлиқиб-ҳансираганча қидириб, ниҳоят, топди. Ушанда уй алғов-далғов бўлган эди. Кейин анчагача бу воқеани гапириб юришганди. Қарим ўша пайт шуурсиз бир ҳолатда тугилган — киндик қони томган гўшани қидирмаганмикин?!.

Йўқ... уйдан чиқиб, баъзан тентираш барча болаларга хос. Бу нари борса, шўхлик, шумлик бўлиши мумкин...

Масалан... Қарим энди уйдаги бир суҳбатни эслади. Ота унинг қайсидир опаси тўғрисида, қиш эди, туғруқхонадан чопонимга ўраб, кўтариб келганман, деб хикоя қилди. Мени-чи, деб қизиқсиниб сўради Қарим. Сени ҳам шундай кўтариб келганман, деди ота бу ҳақда гапиришни истаб-истамаган кўйда. Қарим ёзда тугилган, чопонга ҳожат йўқ эди. У отасининг гапидан қаноатланмади... Умуман, Қарим ўзининг уйдами, туғ-

руқхонадами туғилганини билмас, буни бир неча марта суриштириб, аниқ жавоб ололмагани ҳануз ёдида.

Ота-она нечундир унинг туғилишига тегишли саволларга ҳамиша мужмал жавоб қайтаришарди. Улар сир очилишидан қўрқишиб, шундай қилишган бўлсачи?!

Йўқ... Бизда ота-оналар бола тарбиясида қуюшқондан чиқмасликка одатланишган. Каримга ҳам, шу боисдан, бу тўғрида ортиқча гапиришмаган...

У икки ўт орасида ўртаниб, ахир бундай қарорга келгандек бўлди.

Уларнинг фамилияси бир. Бухоролик Муродовлар oilаси шундай фамилияли жондорлик болани топиб, тарбиялашига ишониб қийин. Эртакда бунақа бўлиши мумкин. Ҳаётда эмас! Карим мабодо ўз уйи қолиб, бошқа хонадонда тарбияланганида, бу ҳозирга қадар қайсидир йўсинда бари бир сезилиши ҳам керак эди. Ҳолбуки, ҳамма нарсa дабдурустдан рўй берди. Демак, унинг аввалдан тутган йўли тўғри. У фақат Хиромни қидира олади, аммо Хиромга айланолмайди...

Карим яна, Хиромни қидиравераман, уни албатта топиб, акалари билан учраштираман, деган фикрга борди. Бу йўлда ҳар қандай машаққатга миқ этмасдан бардош беришга, худди шу тарзда чигалликини ечишга чоғланди.

Бироқ буни у эплаёлмади...

* * *

Карим энди Хиромни бир пайтлардагидек астойдил қидиришга киришолмади.

Бунинг устига, у орадан икки ойча ўтгач, иш юзасидан Бухорога борди ва қизик... Хиром эмас, кўнглида ўз ҳаёти тарихини аниқлашга кўпроқ қизиқиш ҳис этди...

Карим бир гал отаси билан уйда ёлғиз қолиб, ҳар тўғрида гурунглашиб ўтирди. Шу паллада уни бирдан очиқ сўзлашиб, отадан ўзи ҳақида сўраб-суриштириш истаги шунчалар ўртаб юбордики... Аммо бунга ботинолмади...

Кейин ойиси билан ёлғиз гаплашди. Бу суҳбатда ҳам ўша ҳолат уни тарк этмади... Кейин опалари билан ўтириб, булардан ўзи ҳақида сўрашни мўлжаллади...

Кейин ҳовлида ойисини кўришга келган кайвони кампирни шунчаки гапга солишни ўйлади. Бу кампир

бир пайтлар маҳалладаги бутун болаларга доялик қилган эди. Аммо Карим қайта-қайта оғиз жуфтлашдан нарига ўтолмади...

У қўрқди.

Унга нечундир аччиқ бир ҳақиқат фош бўладигандек, маълум тартибда давом этаётган ҳаёт издан чиқиб кетадигандек туюлди. Карим, бундан бўлак, ҳақиқатни аниқлашга уриниб, одоб чегарасини бузишдан, жондорлик Муродовларга бахт беролмаган бир пайтда, ўз ўйлагиларини бахтсиз қилиб қўйишдан ҳайиқди...

Унинг юрагида, шунга қарамай, ўзи ҳақда кимдандир сўраб-суриштириш истаги, ўз ҳаёт тарихига қизиқиш ҳисси қолаверди!

У Жондорга бу гал бормаганим маъқул, деб ўйлаганди. Ўйда отасининг ҳам, онасининг ҳам бир оз тоби йўқ эди. Устига-устак, шаҳардаги мактабдошлари ундан учрашишни сўрашганди. Тўғриси, Бухорога қарбсганида, унинг Жондорга ҳам ўтиши шарт эмасди.

Аммо, юрагидаги қизиқишми, истакми, уни беихтиёр йўлга бошлади.

Карим Жондорга етиб боргач, ўз ишидан тезда нозилланди. Қўнгли ота-онасидан алланечук безовталанди. Мактабдошлари олдида бебурдлик қилганидан ғашланди. Айниқса, Бухорода аниқланмаган ҳақиқатни бу ердан қидиришнинг телбалик эканини англаб, асабийлашди.

Унинг кайфияти ақа-ука Муродовларга ҳам юқди. Бу гал дастурхон бошида бир-бирларига тикилиб, бир-бирларидан гап кутиб ўтиришди, холос. Суҳбат қизиқади. Икки ўртадаги муносабатни ёритиб, чигалликни ечадиган бирон-бир воқеа рўй бермади.

Тунда Карим алаҳлаб ёмон тушлар кўриб чиқди. У шаҳардан йўлга отланди. Шошмасликнинг иложи йўқ: ота-онаси билан тезроқ учрашишдан ташқари, аэропортга бориши, бугун Тошкентга қайтиши керак эди.

Муродовлар уни кузатиш пайига тушишди.

Бир пайт дарвозадан Каримнинг эски таниши — Маҳмуд кириб келди. У Каримни машинада шаҳарга, сўнг аэропортга кузатиб қўйишини айтди.

Жондордан Бухорога қайтаётиб, йўлда улар деярли гаплашишмади.

Ўйда отанинг ҳам, онанинг ҳам аҳволи оғирлашган, икковлари хонанинг икки бурчида кўрпа-тўшак қилиб ётишар эди. Карим ота-онасини шу ҳолда ташлаб қишлоққа кетганидан Маҳмуднинг олдида, Маҳмуд билан

бошлашиб келганидан чол-камбирнинг олдида қандайдир хижолат чекди. Худди шу аснода у ота ҳам, она ҳам ўзининг юриш-туришидан хабардор эканини бирданига ҳис этди. Ҳозир яна ҳеч нарсага қарамай, Тошкентга жўнаётганини ўйлаб, ўнғайсизланди. Кейин, унга ўзи ота-онасига аллақачон хиёнат қилган-у, ҳамон хиёнат қилаётгандек бўлиб туюлаверди.

Карим одатда, оёйишта хайрлашиб, уйдан чиқиб кетаверарди. Аммо бу гал отаси ҳам, онаси ҳам нечундир кўзларига ёш олишди. Каримнинг хаёлидан, кейинги келганимда буларни кўраманми, йўқми, деган гап кечди ва дунёнинг бебақолигию бевафолигини ўйлаб, беихтиёр унинг ҳам киприклари намланди.

У Маҳмуд билан уйдан чиқиб, кўча бошида турган машина томон кескин одимлади. Муюлишга етгач, шунчаки тўхтаб, орқага ўгирилиб қаради.

Одатдагига зид ва айни сонияда кутилмаган бир ҳолда, қадрдон кулба остонасида унинг ота-онаси — соч-соқоли оппоқ оқарган, оппоқ кийинган фариштадек чол, бошини одмигина катта рўмол билан танғиганиданми, увोққина қиёфага кирган камбир қотиб туришар эди. Булар шу паллада бир пайтлар ўглини олис сарфарга — жангу жалалга кузатган мўсафидларни эс-латишарди.

Каримнинг энди чол-камбирними, ўша мискин мўсафидларними ўйлаб, кўзлари жиққа ёшга тўлди.

Машина, ниҳоят, аэропортга йўл олди.

Карим Маҳмудга юзланди.

— Мени ўзи нима савдоларга солдингиз, Маҳмуд ака?! — деди у. — Бир бармоғимни тишласам, иккинчиси оғрийди. Қийналиб кетдим икки ўртада...

— Қийин, албатта, — пичирлади Маҳмуд. — Менимча, бунақа ишда эзилиб юришдан, тўғриси тани олиб қўя қолган маъқул бўлса керак...

— Тўғриси қанақа?!

— Чол-камбир сизни тарбиялашган. Сизга меҳрга қўшилиб, кўп меҳнатлари сингган. Лекин сиз буларга кам ўхшайсиз. Тупроғингиз бошқа ердан олинган...

— Жондордан!

— Менимча, шунақа. Мен эмас, буни бутун қишлоқ гапиряпти...

— Қишлоқ гапираверади, — деди Карим, — Мен ҳам асли жондорликман. Отам туфайли, — деди у. — Лекин мен ўзимнинг етти пуштимни билмайман. Муродовлар ҳам... Биз улар билан, балки бир илдиздан

Ўсиб чиққандирмиз... Шундай бўлиши ҳам мумкин. Демак, бу сиз ўйлагандан кўра мураккаб. Ҳамма бало шундаки, етти пуштни қўйинг, биз ўз-ўзимизни яхши билмаймиз, Маҳмуд ака...

— Нега ўзимизни билмас эканмиз?! — таажжубланди Маҳмуд.

— Мен кўп ўйладим. Лекин ўз ҳақимда, масалан, ҳозиргача ишонч билан, ундай ёки бундай, деёлмайман. Тўғриси шу, Маҳмуд ака...

Машина аэропортга етиб келган эди. Улар ўйчан хайрлашишди.

Қарим самолётлар учиб-қўнадиган майдонга чиққанида, кузатувчилар уюлиб турган темир панжара ортидан кимнингдир нидоси унинг беҳос қўлоғига чапингандек бўлди:

— Хиром...

У, мени биров чақиряптимикин, деб ўйлаганча қайрилиб, панжара томон кўз ташлади.

Бошқа йигит экан. Аммо ака-ука Муродовларга Қаримдан кўпроқ ўхшаш...

Қарим йигитнинг ёнига югуриб боргиси, гаплашгиси келди. Лекин биров билан дабдурустдан қайси йўсинда гаплашиш мумкин?! У довдираб қолди. Бунинг устига, Қаримнинг ҳамроҳлари самолёт томон силжишди. У ҳам панжарадан узоқлашишга мажбур бўлди.

Самолёт ҳаволаганида, Қарим оддий бир ҳақиқатни ҳис этди: катта сувларда кўплаб Ўзбекистон кемалари сузиб юришибди. Бироқ Ладога кўлидаги кема энди ҳеч қачон сув юзига кўтарилиб, енгил юзиб кетиши мумкин эмас...

Қаримнинг хаёлида, шунга қарамай, бутун воқеанинг худди яқини бўлиб, эҳтимолки, бир умрга бундай саволлар қолган эди: Хиром ким — Қаримми, панжара ортидаги ҳалиги йигитми ёки бошқа бировми?!

Хиром Муродовнинг дарагини аниқ биладиган кишилар борми?!

ОСМОН УЗОҚ, ЕР ҚАТТИҚ

1

БИРИНЧИ КИШИ

Дастурхон йиғиштирилганидан кейини уйга келган бир даста янги рўзнома-ойномаларни кўтариб, у ўзига мутолаа учун ажратилган хонага кирди. Аммо дам ўт-

май хонадан қайтиб чиқиб, апил-тапил кийина бошлади.

Куни бўйи ишда бўлган эрларининг кечқурун яна кўчага чиқиб кетиши аёлларга ёқмайди, албатта. Айниқса, лом-мим демай отланишганида, аёлларнинг беихтиёр хаёли қочади.

Эри кийиниб олганини кўриб, эндигина идиш-товоқни ювиб, уйни йиғиштиришга тушган Замиранинг ҳам авзойи ўзгарди:

— Ҳа, Мансур ака, тинчликми?

— Бир нарса эсимдан чиқибди. Идорага тез бориб келишим керак...

Унинг шундай аниқ-тиниқ жавоб қайтарганига қарамай, Замира яна алланималар деб жавради. Лекин, ҳозир хотинининг гапи Мансурнинг қулоғига киргани йўқ. Тўғрироғи, бунга атайин эътибор бермади. Чайналиб ўтиришнинг мавриди эмас, керак бўлса, кейин ҳаммасини тушунтиради.

Лабига папирос қистирганича, шошиб эшикка йўналди.

Аллақачон қуёш қайтган, аммо ҳаво ҳамон кундузгидек иссиқ, дим эди. Барча ўзини уй-уйига, соя-салқин боғларга урганми, кўчада одам сийрак, машиналар ҳам камайиб қолганидан, шаҳар деярли бўм-бўш.

«Ишқилиб, фалокат рўй бермаган, ўт чиқмаган бўлсин! Худойим, ўзинг асра!»

Боядан бери Мансурнинг ўй-хаёлини шу таҳликали илтижо эгаллаган эди.

У идорадаги кабинетида яйраб чекиб ўтирганди. Ўртоқлари эшик оғзига келиб: «Уйга кетмаймизми? Етар энди!» — дейишганини аниқ эслайди. Бироқ шундан кейин, қўлидаги папирос нима бўлди? — ўйлагани билан сира ёдига тушмаётган эди.

Мансур уйда ҳам, ишхонада ҳам кўпчиликнинг раъйига қарар, ҳамма нарсада одамлар билан ҳисоблашар эди. Фақат... чекиш борасида у бировнинг истак-хоҳишини инobatга олмасликка одатланган. Уйда боласини тиззасида эркалатиб ўтириб ҳам папирос тутатади. Ишхонада тўрт томон қоғоз эканлигига парво қилмай, кул сепгани-сепган. Хўп, буларни қўйинг... қайсидир йилги учоқда сафарга кетаётиб, қўлида 50 сўм пул, хизматчи қизни ёнига чақириб, олдиндан жарима учун мановини олсангизу мен биттагина чекиб ташласам майлими, дегай одам худди шу — Мансур бўлади!

Айни сонияда — дилгир ёз ошқомида ҳам, лабида

папирос, ҳовлиққанича автобус бекатига йўл олган эди.

Бекатда анча туриб қолди. Ниҳоят, сабри чидамай, такси ёллаб, идораси жойлашган Эски шаҳарга қараб жўнади.

Машина қадим қалъа — Самарқанд дарвоза томондан юриб, ахийри беш қаватли гиштин иморат ёнига келиб тўхтади.

Мансур машинадан туша солиб, қаршисидаги бинонинг бешинчи қаватидаги ўз хонаси деразасига тикилди. Бўйдор акас туплари халал бераётганига қарамай, дераза очиқ эканлиги, хонада ҳам осойишталик ҳукм сураётгани кўриниб турарди. Хайрият! Кўнгли бир оз таскин топди.

Лекин у ўт чиқмаганига тугал қаноат ҳосил қилмагунча бу ердан кетолмас эди. Шошганича ичкарига йўл олди.

Бошини кўксига солинтириб мудраб ўтирган қоровул чолнинг ёнидан зипиллаб ўтиб, зинадан юқорига чиқа бошлади.

Бино бўшаб, чироқларнинг барчаси учириб қўйилганидан, зина йўлаги деярли қоронғи эди.

Мансур бирон нарсага қоқилиб-суқилмаслик учун эҳтиёт бўлиб, аммо олдинги шахд билан бешинчи қаватга кўтарилди.

Узун йўлак — икки ён томонда каттакон ойналар борлигидан — аксинча, ғира-шира ёришиб турарди.

Бошлиқнинг қабулхонаси олдидан ўтаётиб, Мансурга негадир эшик яхши ёпилмагандек туюлди. Бироқ, бунга шу пайт ортиқча аҳамият бермади. Ўз кабинети остонасига бориб, чўнтагидан калит чиқарганча, эшикни очди.

Хона йўлакка нисбатан ҳам ёруғроқ эди. Лекин Мансур барибир чироқни ёқди. Атрофга олазарак қаради.

Ёзув столида уюлиб ётган қоғозлар устида уюм-уюм кул... кулдон тўла эзилган папирос қолдиғи... Хонада тамаки ҳиди — куюнди бир ҳид ўрнашиб қолган, бироқ Мансурнинг бахтига ўт чиқмаган, ёнғин рўй бермаган эди!

У кўнгли тинчиганидан суюниб-бўшашиб, каттакон стол орқасидаги юмшоқ креслога — ўз ўрнига бир нафас ўтиб ўтирди. Шу аснода мириқиб-роҳатланиб биргина папирос чеккиси келди! Ҳатто чўнтагидан қути би-

лан гугуртни ҳам олди! Аммо ўзини тийди. Ташқарига чиқиб чекканим маъқул, деган мулоҳазага борди.

Ўрнидан туриб, стол устини папирос қолдиқлари, кулдан нари-бери тозалаган бўлди. Яна нима қилсам экан, деб столга тикилиб қолди. Столнинг бир четида чойнак-пичёла турар, уларнинг ёнида электр сим гажак бўлиб ётарди.

Мансур хонада чеккишдан ташқари, ўт ўчирувчилардан яширинча чойнакка электр қайнатгич солиб, кунига уч-тўрт марта чой ҳам дамлаб оларди. Ҳозир уйдаги бир гал симни узиб қўйганмидим, йўқми, деб худди шундай ҳаяжонланиб келганини-ю, бекорга овора бўлганини эслади. Ўзича, мешинг шу ишларим барибир яхши эмас, бир кун ўт чиқиши ҳам мумкин, деб ўйлади. Электр қайнатгични стол тортмасига жойлаб қўйди.

Ниҳоят, чироқни ўчирди.

Тун кириб қолган эди. Лекин кўча чироқлари ёқилганидан, хона боягидан ҳам ёруғ, ҳамма нарса кўзга ойдин ташланиб турарди.

У эшикни қулфлаганича, тезроқ бинони тарк этишни мўлжаллади. Бироқ йўлакдан изига қайтаётиб, беихтиёр...

...бошлиқнинг қабулхонаси олдида тўхтади. Унга яна негадир эшик яхши ёпилмагандек туюлди.

Мансур яқинлашиб, ҳалқани тортди.

Эшик ҳақиқатан ҳам очиқ эди.

Мансур котиба қизнинг баъзан эшикни беркитмай уйига жўнаб қолишини олдин ҳам кузатганди. Гарчи бунинг ўзига ҳеч дахли бўлмаса ҳамки, у ҳозир алла-нечук ғижинди. Бу одамлар ўз ишини ҳам тўғри бажармайди, деб ўйлади.

Кейин, шунчаки қабулхонага мўралади.

Бошлиқнинг кабинети эшиги ҳам негадир очиқ эди.

Мансур шуурсиз ҳолатда бир қадам олдинга босди. Ҳалигина унинг хонасида бўлганидек, кўчадан тушган нурдан кабинет ичи ёришиб турарди. Ҳамма нарса кундуздаги сингари ўрни-ўрнида. Қизиқ жойи... бошлиқ ҳам шу ерда эди! Уларнинг бўлим бошлиғи—Рустам Қўрғонов, столдан ён томонда, креслода бошини орқага ташлаб, қандайдир қийшайиб ўтирарди. У майкачан, яланг оёқ эди. Оқ кўйлаги бериқроқдаги курсилардан бирига «кийдирилган». Туфли билан пайпоғи ерда «сочилиб» ётарди.

Мансур эсанкираб, бир лаҳза донг қотиб қолди.

Қўрғонов бугун бошқалардан ярим соатча бурун хайрлашиб ишхонадан чиқиб кетган эди. Умуман, у ишга кечроқ келиб, эртароқ кетаверарди. Бошлиқнинг қачондир иши кўпайиб, оқшомлари идорада қолганини ҳеч ким эсламасди. Айниқса, унинг бу ерда ҳозиргидек алпозда ўтириши ақлга сиғмайдиган ҳол!

Мансурнинг ўрнида шу пайт журъатли, қатъиятли бир киши бўлганида, албатта, остонада ҳайратланиб-ганғиб турмасдан, нима гап эканлигига қизиқсиниб, чироқни ёқар, жилла қўрганда келганини билдириб, йўталиб қўярди. Лекин Мансур табиатан камсукум, ўта мулоҳазали йигит эди. Бунинг устига, у аввалдан ҳар қандай каттароқ лавозимдаги кишидан ич-ичида қўрқар, оддий бир муносабатда бўлишдан ҳам баъзан ҳайиқарди. Қўрғонов тўғрисида Мансур бемаҳалда нега бу ерда ўтирипти, бирон кўнгилсиз воқеа рўй берганими ёки бекорчиликдан келиб ҳордиқ чиқаряптимикин, деган хаёлга борди. Аммо бу саволларга жавоб топишдан кўра, ушга ўзининг бу ерга бехосдан келиб қолганини ошкор қилмаслик унғайроқ туюлди.

У соядек сурилиб, қайтиб йўлакка чиқди.

Мансур зинадан пастга тушганида, боя пинакка кетган қоровул чол энди хаёл сурибми, кўча эшиги олдида серрайиб турарди.

— Ҳа, ўғлум, нима гап?!

Қария, афтидан, уни ишхонада бир оз тутилиб қолган, деб ўйлаганди. Қоровул чолга разм солиб, Мансурнинг хаёлидан, бу менинг кирганимни пайқамганидек, Қўрғоновнинг қайтиб ишхонага келганини ҳам сезмаган, албатта, деган гап ўтди.

У бир кўнгли, қарияга бошлиқ тўғрисида кўрган билганини айтмоқчи ҳам бўлди. Лекин, шу ондаёқ бу фикридан қайтди. Тилидан илиниб нима қилади!

Кўчага чиқиб, папирос тутатди.

Унинг хаёлини—балодан нари, деб қочгани билан, барибир, Қўрғонов тўғрисидаги саволлар тарк этмаган эди. «Бемаҳалда нега кабинетда ажиб бир алпозда ўтирипти? Бирон кўнгилсиз воқеа рўй бермаганимикин?!»

Кўчанинг иккинчи бетига ўтиб, шошмасдан, дарахтлар панасидаги ўтиргичда ярим соатлар чамаси чекиб ўтирди. У панадан Қўрғоновнинг кабинети деразасига тикилиб, балки ўридан туриб чироқни ёқар, деб кутди. Аммо чироқ ёнмади.

Мансур деразадан ташқари, ишхона эшигини ҳам

пойлади. Бошлиқ ахир, идорадан уйига чиқиб кетиши мумкин-ку!

Лекин эшикда ҳам ҳеч ким кўринмади...

2

ЯНА ЎША БИРИНЧИ КИШИ

У Замирага Қўрғонов тўғрисида гапириб ўтирмади.

— Менинг одатимни биласан-ку, баъзан чекаман, баъзан чой ичаман,—деб, тишхонага қандай хавфсираб бориб-қайтганини хотинига обдан тушунтирди.

— Менимча, ёнингизда кулдонингиз бўлса, битта-яримта папирос ҳеч нарса қилмайди. Электр ёмон!—деди хотини куюниб.—Электрдан истаган пайтда ўг чиқади. Бир-икки шиша сув олиб бориб қўйсангиз бўлмайdimи?!

— Йўқ, сув билан иш битмайди! Чойсиз қийин. Айниқса, бунақа ёзда!—деди Мансур.—Ўзи бутун идораларда биттадан самовар қўйиб, ўша ўт ўчирувчилар қараб туришса-ю, бемалол қайнатаверса бўларди. Биров буни ўйламайди! Ўз кунингни ўзинг кўришга мажбур бўлиб қоласан...

Шундан кейин, у қайтиб мутолаа учун ажратилган хонага кирди.

Бирон соат чамаси ўтирди. Бироқ ҳеч нарса ўқий олмади, хаёли чалғийверди. Идорадаги креслода бошини орқага ташлаб, қандайдир қийшайиб ўтирган Қўрғонов унинг кўз ўнгидан нари кетмас эди.

Мансур Қўрғонов тўғрисида ўйлаб, бундан уч кун бурун рўй берган кичик бир воқеани эслади.

Тушликка ўртоқлари билан кўчага чиқишди. Унинг ўртоқлари—Наби, Рамазон, Отахон деган йигитлар эди. Тамадди қилишгач, соя-салқин боғ ичида, қадимий ёдгорлик ёнида жойлашган чойхонада ўтириб, ҳар кунгидек, ундан-бундан суҳбатлашишди.

Ўша куни нимадир сабабдан Қўрғоновнинг ёнига хотини келиб кетган эди. Гапдан гап чиқиб, йигитлар уни беихтиёр тилга олишди. Чиройли, эртактаги Зухрани, тўғрироти, кинога олинган Юлдуз Ризаеванинг ёшлик йилларини эслатади, деб мақташди. Кимдир бегараз кўйда, баъзан кўзга яқин аёллар эркакнинг шўри бўлади, деди. Бошқаси, ҳамма нарса аёлнинг ўзига боғлиқ, деди. Бутун-бор гап шу билан тугади.

Мансур ўшанда бу гап-сўзларга эътибор қилмаган.

ди. Қурғоновнинг бугунги ажабтовур ҳолатига бу воқеанинг алоқаси йўқ, деб билганидан, ҳозир ҳам аҳамият бермади. Эслади-қўйди, ҳолос. Бизнинг қайси биримиз ҳақимизда ахир қаерларда кимлар нималар демайди! Умуман, суҳбат содда, самимий эди.

Шуларни ҳаёлидан кечириб, хонада бир оз ўтиргач, толиққани-ю, энди барибир ҳеч нарса ўқиёлмаслигини ҳис этди. Вақт ҳам алламаҳалга борган эди.

Эртаси кунни эрталаб Мансур идора эшигида тасодифан Қурғоновнинг котибаси — Мадина деган қизга тўқнаш келди. Улар ҳол-аҳвол сўрашиб, зинадан юқорига бирга кўтарилишди.

Сўнг...

Мансурни ҳайратга солиб, Мадина қўлидаги қопчиқдан калит чиқарганича, берк қабулхона эшигини шарақлатиб очди.

Буниси майли.

Орадан ярим соатча вақт ўтиб, ҳар кунгидек қалин қизил чарм жилдди қўлтиқлаган Қурғонов ишга келди. У кўринишидан уйда одатдагича мириқиб дам олган одамга ўхшарди.

Мансур бошлиқнинг соғ-саломат, тинч эканлигига (тунда у нима бемаъни ҳаёлларга бормаганди!) шукр қилиб, осойишталик туйгандек бўлди. Бу ҳам етмагандек, эс-ҳушидан айрилган, ҳақиқат ва рўёнинг чегарасини билмай қолган телба эмаслигига қарамай, кеча кўрганларим шунчаки бир туш, бир ҳаёл бўлиши керак, йўқ нарсалар кўзимга чалингандир, деб ҳам ўйлай бошлади. Мансур бошлиқ тўғрисида аҳмоқона, ноҳўя фикрларга боришдан кўра, шундай деб ўйлашга кўпроқ мойил эди.

Лекин...

тушга яқин Мадина Мансурнинг хонасига кириб келиб, сизни Рустам ака чақиряптилар, деди.

Мансур бир оз гангиб, бўлим бошлиғининг кабинетига йўл олди.

Қурғонов биргина оқ кўйлақда бўлса ҳамки, бўйнига йўгон бўйинбоғ таққанди. У стол орқасида ҳар қачонгидек ўйчан ва сипо ўтирарди.

— Ҳуш, ишлар нима бўляпти?—сўради Қурғонов.

Уларнинг идораси турли корхоналардан келган хатларни кўриб чиқиб, керак бўлса, маълум тузатишлар киритиб, марказга юборадиган, бошлиқларга баъзан маъруза, баъзан вақтли матбуот учун мақолалар ёзиб

берадиган маъмурий ташкилотлардан эди. Мансур ишнинг қандай бораётганини қисқача тушунтирди.

Қўрғонов унинг сўзини бир нуқтага жим тикилганча эшитди. Кейин ўрнидан туриб, хонада нари-бери юра бошлади. Ниҳоят, ўз ўрнига эмас, нима учундир, Мансурнинг рўпарасидаги курсига келиб ўтирди.

У Мансурга разм солиб, шунинг баробарида, сал паршонланган кўйда тикилиб қолган эди.

Мансур, кеча оқшом ишхонада айланиб кабинетга мўралаганимни бошлиқ пайқаган, пойлоқчига ўхшаб юрганимдан ичида ранжиган албатта, мана энди ғалвани кўрасиз, деган хаёлга борди. Шунинг учун, ўзича бир оз саросималаниб қолди.

Йўқ, Қўрғонов жуда дўстона оҳангда гап бошлади: — Сизнинг ишларингиз яхши кетяпти. Мен хурсандман! Яқин орада, бир йил-ярим йил ичида, мен бу ердан бошқа ёққа ишга ўтаман... Иккимизнинг ўртаминизда қолсин, биласиз, ҳар хил одам бор. Қисқаси... сизни ўз ўрнимга мўлжаллаяпман! Сиз қобилиятли, камтар йигитсиз. Ўсишингиз керак!.. Эътироз билдирманг. Гапни бўлманг. Мен шундай қарорга келганман. Лекин...—у ўзининг олижаноблигидан хижолат чеккандек, қизариб-тутилганича, сукутга чўмди. Сўнг олдиндигига нисбатан тез, суръат билан сўзини давом эттирди.—Сиздан фақат бир илтимос. Арзимаган, дўстона... Гапиришга ҳам ноқулай, муҳим бўлганидан... Мени тушунарсиз, деб ўйлайман. Қисқаси... душанба кuni, бундан роппа-роса тўрт кун бурун сизлар туш пайти чойхонада ўтиргансизлар. Мен кимлар бўлганини биларман. Нималар дейилганидан ҳам хабарим бор. Фақат, ростдан шундай бўлганини айтсангиз. Кейин, ким нима деганини сўзма-сўз, аниқ! Менимча, бу қийин эмас. Айниқса, мен сиздан ўтиниб сўраяпман...

Мансур кутилмаганда ғалати бир ҳолатга тушиб қолди.

У гўёки йўл четида гулларга анқайиб турганида, биров орқасидан келиб, уни тепиб юборгандек эди.

Бу — жуда эски, разил услуб. Қўрғонов унинг териси остига кириб олиб, гап ташиш, чақимчилик қилишга ундаяпти. Бир пайтлар худди шундай бўлган. Бизга ёрдам берсангиз, фикрингизни билдирсангиз деб, одам орқасидан одам қўйиб, шубҳа туғдириб, жирканч уйдирмаларга асосланиб минг-минглаб кишиларнинг ёстиғи қуриган. Хонумони куйган. Қанчадан-қанча кишилар кундалик мулоқотлардан қочиб, кўнглидаги оддий

бир дардларни ҳам айтишдан ҳайиқиб, журъатсиз тункага айланган. Илоннинг жипланглашига ухшаган муомала, ёлғон-яшиқ ваъдаларга алданиб, бировларни қурбон, бировларни майиб-мажруҳ қилган кишиларнинг ўзлари ҳам уларнинг изидан тубсиз жарларга қулаб кетишган. Одамлар бошида қор-ёмғирли аёвсиз совуқ бир шамол гирдибод урган! Бутун ҳаёт хиёнат ва туҳматдан иборат бўлиб келган!.. Энди у маломатли, машъум замонлар орқада қолгандек. Бироқ, қони-жонидан ўша кунларнинг асорати сақланган хасталар, қуллар бўлганидек, у даврларнинг ҳамонки ўрнида турган посбонлари ҳам бор экан-да! Баракалла, ўртоқ Қўрғонов!

Мансур биргина дақиқа ичида жуда кўп нарсаларни ўйлаб, ҳис этса-да, энди саросималаниб-ҳаяжонланмади.

— Нимаики илтимос бўлса, бош устига, Рустам Камолович, — деди у босиқлик билан. — Айтганингизни бажаришдан қочмаймиз. Ҳалиги гапга келсак, биз ҳар кунни чойхонада ўтирамыз. Суҳбатлашамиз. Бундан жиддийлик қидириш, билмадим. Менинг гап териб, гапни кўтариб юриш одатим ҳам йўқ...

— Демак, бўйин товлаяпсиз! Тушунарли!— деди Қўрғонов бирдан ранги ўзгариб, асабийлашиб. — Билиб қўйинг, сиз учун иккита йўл бор. Ёки ҳаммасини эслаб, бугун бўлмаса бошқа кун, менга кириб айтасиз... ишларингиз яхши бўлиб кетади! Ёки, шу идоранинг ўзида ҳам бундан буёғи ишлашингиз ҳақида ўйлаб кўришингизга тўғри келади. Мен қўл остимдаги одамларнинг ўйин кўрсатишига лоқайд қараёлмайман! Гап тамом!..

Мансур Қўрғоновнинг ҳузуридан бўшашиб чиқди.

У ўз кабинетига қайтиб келиб, руҳсиз бир ҳолатда ўрнига ўтирганича, кетма-кет папирос тутатиб, ютоқиб чекишга тушди. Унга Қўрғоновнинг кечаги ҳунари ҳам, бугунги ялтоқланиб тўр ташлашню дағдағаси ҳам тушуниксиз эди. Мансур раҳбарлар қачондир олий бир табақадек шаклланганини билар, улардан оддийроқ кишиларга нисбатан марҳамат кутиш ортиқча эканлигига ақли етар эди. Қўрғонов ҳам бундан мустасно эмасди. Шу боисдан, Мансур аксар, кечагига ўхшаб қўрқиб, кўзга ташланавермаслик пайидан бўларди. Бироқ Қўрғоновнинг антиқа хатти-ҳаракатлари уни барибир ажаблантирди. Бошлиқ нега ўзини бундай тутаётганини ақлига сиғдиролмасди. Гишт қолипдан кўчиб, иш жойида муносабат бузила бошлаганидан ҳам

хйжил эди. Қўрғоновга тегишли воқеалар бир ипга тизилиб келаётганию бунинг унга ҳам дахли борлиги Мансурни эсанкиратиб қўйганди. Ҳозир хонада чекиб ўтириб, ўзи нима бўляпти, туппа-тузук ишлаб юргандим, бу бало менга қаердан ёпишиб қолди, худойим, деб ўйлаганича, ич-ичидан зил кетди.

Мансур ўзинча, ҳар ҳолда ўша кунн чойхонада яхши бўлмаган экан, бировнинг хотини тўғрисида сўзлашиб нима қилардик, деган хаёлга ҳам борди. Бироқ бу фикр унга дарҳол асоссиз туюлди. Ахир, улар пасткашлик қилишмаган, қуюшқондан чиқишмаган эди-ку! Қўз бор экан—одам кўради! Оғиз бор экан—гапиради! Буни тақиқлаб қўйишга дунёдаги энг улў салтанат эгалари ҳам қодир эмас!..

Бошлиқ ҳузурига кириб-чиққанидан буён, хаёлининг аллабурчида муҳим бир савол уймалашиб, бунинг нима эканлигини аниқлаёлмай қийналарди. Бехосдан унинг фикри ёришгандек бўлди: Қўрғонов бўлимдаги йигитларнинг қачон, қаерда, қандай суҳбатлашганини қаёқдан билди экан? У осмондан олиб гапирмайдик-ку!..

Бейхтиёр ўрнидан туриб кетди...

Суҳбатдошлар тўрт киши эди! Ораларидан кимдир жосуслик, хоинликка юз тутиб, хушмадгўйлик қилиб, бутун гапни оқизмай-томизмай, ҳатто ёнига қўшиб-ча-тиб бошлиққа етказганмикин? Ким?!

Мансур олдингидан баттар паришонланиб қолди.

Тушлик вақти аллақачон етиб, жила фуруат ўтган ҳам эди. Лекин ҳозир бу эмас, бошқа бир ҳол Мансурнинг кўпроқ диққатини жалб этди. Кўнглида ўртоқларига нисбатан шубҳа туғила бошлаганига қарамай, у ўртоқлари бугун нега ҳар кунгидек тушликка таклиф қилиб келишмаганига таажжубланди.

Вақт зиқлигини инбатга олиб, Мансур ишхонанинг ўзида, биринчи қаватдаги ошхонада овқатланиб қўя қолишга қарор қилди. Аммо ошхонага кириб, кутилмаган қизиқ бир манзарага дуч келди; унинг жонажон ўртоқлари бугун айри-айри: Наби бир томонда, Рамазон иккинчи, Отахон учинчи бурчакда ўтириб овқатланишар эди. Мансур шу асно кўнглида йигитларнинг ҳамма гапдан хабари борлигини ҳис этди. Демак... демак, Қўрғонов буларни ҳам бирма-бир чақириб гаплашган!

Мансурнинг хаёлида бундан бир неча дақиқа бурун айланган савол энди унинг бутун фикрини банд этди: ким?!

ҚҰРҒОНОВ

Кеча унинг учун кўнгилсиз кун эди.

Кечки пайтда бўлимдаги йигитлардан бири ўт чиқишидан қўрқиб ишхонага бош суқиши-ю, кабинетга беихтиёр мўралаши Қўрғоновнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди.

У ҳар кунгидек идорани эртaroқ тарк этган, лекин оёғи тортмай, оилали бўлганидан бери ўтган ўн йил бадалида биринчи марта уйига бормаган эди. Янги шаҳардаги ҳашаматли меҳмонхона пинжида жойлашган ресторанга кириб овқатланган, бир оз ичиб ҳам олганди. Бироқ олдин кўнглидан кечириб мўлжаллагани бўйича меҳмонхонада қолиши ноқулай, қийин, бунинг устига бўш жойнинг ўзи йўқлиги эҳтимолга яқин эканлигини ўйлаб, кўчаларда анча тентираб юрганди. Ниҳоят, ишхонага қайтиб, бу ерда менга ҳеч ким халал бермайди, менинг аҳволимни ҳам кўрмайди, деган фикрдан таскин топганди.

Қўрғонов шу хаёл билан устини, оёғини ечиб, ўзини креслога ташлаган эди.

У ичганиданми, асаблари қақшаб, толиққаниданми, ўрганмаган одамга унча тўғри келмайдиган шароит бўлса ҳамки, кўп ўтмай тахтадек қотиб қолганди.

Қўли қаттиқ бир нарсага кескин урилиб, тахминан тун ярмига борганида, чўчиб уйғонди. Мана энди юрагини ҳамон тошдек эзиб ётган алам етмаганидек, бутун суяқлари ҳам зирқираб оғриётганини сезд.

Иродасини жамлаб ўрнидан сапчиганича, қафасга тушган шердек, хонада, узун тўшалган гилам бўйлаб яланг оёқ, шип-шип нари-бери юра бошлади. Нимадир қилиш керак! Нимадир қилиш керак!..

Қўрғонов талабалик йиллари ҳар хил ижара уйларида турганини эслади. Ўша пайтларда бу қандайдир табиий ҳол эди! Энди сени ҳар ким ўз уйига киритавермайди. Сенга ҳали жой беришининг тайини йўқ — аҳволингни сўраб-суриштириб, бутун ичингни қоқиб олгандай иш тутади. Тинкангни қуритади! Ҳозир уй топиш олдинги пайтлардагига ўхшаб осон ҳам эмас. Хўп, топган тақдирингда ҳам, ижара уй ҳеч қачон ўз уйингдек бўлолмайди!..

Булар ҳаммаси тушунарли... Шунга қарамай, бошпана қидирмай илож йўқ! Қидириш, топиш керак! Бе-

лингда камаринг бор экан, ўз уйингдан этак қоқиб чиқиб кетган экансан, худонинг берган кунни барибир буюёққа келиб, лаънати креслода бундай ётолмайсан-ку!

Шу палла у ўзича уйда хотинни, болалари қандай ухлашадиганини тасаввур қилишга уринди. Қизчаси билан ўғилчаси кечқурун унинг йўқлигини кўриб, дадам қани, нега келмаяпти, деб тоза инжишгани аниқ. Улар арзимаган нарса устида бир-бирлари билан аразлашиб, иккиси ҳам йиғлаб, кейин уйқуга кетишган. Ичкари бўлмада устларини очиб, тушларида алланечۇк хўрсиниб ётишибди. Малоҳат... Малоҳат ухламаётган бўлиши ҳам мумкин. Шуниси ҳақиқатга яқин! Хонадан-хонага ўтиб, чироқни дам ўчириб, дам ёқиб, эҳтимолки, деразадан кўчага аламлиб ўтиргандир?! Рустам бир гал огоҳлантирмай кеч қайтганида, хайрият, эсим чиқиб милицияга хабар беришимга оз қолди, деган эди. Унинг қийналиб, изтироб чекаётгани турган гап! У шунақа хотин!..

Хотини, болаларига кўнгли ачиб, Қўрғоновнинг кўзларига жиққа ёш тўлди. У қўлининг орқаси билан кўзларини артганича, қайтиб креслога келиб ўтирди. Нима қилганда ҳам, тезроқ уй-жой топиб, ҳисоб-китобни тўғрилаш керак! Ўзини йигит деб билган ориятли киши ҳар қандай шармандаликдан кўз юмиб, тупроққа қоришиб яшаёлмайдди. Албатта, ўз обрўси, ғурури, ҳамияти учун курашади! Аламлар, саргардонликлар эса бир кунни унутилади. Орқада қолиб кетади!..

О, бу заҳри-заққум ўтган йиллар давомида томчи-томчи тўпланди!..

Бутун даҳмаза у Малоҳат билан танишган ёз кунларидан бошланди.

Улар бир-бирларини ёқтиришган, ўша йили кузда тўй ўтказишга қарор қилишганди. Уйланадиган бўлдим, деб ҳовлиқиб кетиб, сабри чидамай, Рустам шаҳардан бирон соатча масофадаги ўзи туғилиб-ўсган қишлоққа бориб, ойнаси билан катта опасини бошлаб келган, икки ўртада қуда-андачиликка рози-ризалик бериб, пон ҳам ушатишганди.

Лекин мана шу—икки томон ҳам тўйга тараддуд кўраётган пайтда, Малоҳат бир кунни томдан тараша тушгандек қизиқ гап қилди:

— Мен дам олгани кетяпман. Дугонам билан! Ҳар йили бирга борардик. Охириги марта! Ваъда берганман...—Сўнг негадир нафасини ичига ютиб, секин қў-

шиб қўйди.—Хоҳласангиз, сиз ҳам юринг. Путёвка топини мумкин. Учов бирга бораверамиз..

Рустам кутилмаган бу гапдан довдираб, кўнгли ғашланиб қолди. У, келин бўлаётган қизнинг тўй олдидан бундай сафарга чиқиши шарт эканми, бормаса нима қиларди, деб ўйлади. Аммо Малоҳатга бунни айтмади. Қизни бари бир шахтидан қайтариб, олиб қололмаслигини ҳис этди. Ўзича, Малоҳатнинг сўзига кириб, йўланма дараклаб, қўшилиб бораверишни ҳам чамалади. Бирок сдамлар обрўли деб билган шу идорага янги нинга ўтганди. Айни ёз кунларида жавоб ола билишига кўзи етмади. Бунинг устига, ўшанда қўли қисқа эди. Тўйга деб жамғарганини кўкка совуриб, эски уйнинг мўрисидек сўппайиб қолишдан қўрқди.

Сирасини айтганда, бу оддий бир воқеа эди. Ҳозирги замонда қизлар, жувонлар кўнгиллари чопган томонга бемалол бориб, айланиб келишаверади. Уларга ҳеч ким монелик кўрсатмайди! Аёллар паранжи-чиммат ёпишганда ҳам нуқул тўрт девор ичида ўтиришмаган! Уйланмай туриб, Малоҳатнинг оёқ-қўлига кишан солиши инсофдан бўлмаса керак!..

Рустам Малоҳатнинг дугонасини танирди: Гулгун! Буларнинг иккиси ҳам ёш врач, бирга ўқишганми, олдинма-кейинми, шунақа эди.

Қизлар бир-бирларига сира ўхшашмасди. Малоҳат ўзини босиқ-вазмин тутар, хатти-ҳаракати бир оз суст, гапни ҳам салмоқлаб гапирарди. Гулгун, аксинча, нотинч, шўх, шум, жуда эрка ва афтидан, ўғил болалар орасида ўсган эди.

Феъл-атворида бир-бирига яқинлик кўринмаса ҳамки, қизларнинг муносабати жуда қалин эди. Улар бир-бирларини ялаб-юлқарди. Иккисини болта билан ҳам ажратиб бўлмасди. Яна қизиги шундаки, улардан ҳар бирининг бошқасига қиладиган муомаласи қандайдир йиғит кишининг қиз болага нисбатан илтифотига ўхшаб кетарди.

Малоҳат дам олишга мана шу дугонаси билан бормоқчи эди!

Турли томондан сайёҳлар Москвада тўпланишиб, парохолда Волга бўйлаб сайр қилишга жўнаб кетишлари керак эди.

Лекин қизлар йўлга отланишганида шароит бир оз ўзгарди. Малоҳат Москвага бир кун олдин, Гулгун бир кун кейин борадиган бўлди. Гулгуннинг шаҳарда нимадир ташвиши чиқиб қолганди.

Рустам Малоҳатни самолётга кузатиб қўйди.

Малоҳат Рустамга йўлдан ора-сира хат ёзиб турди. Унинг хатларида Гулгун туғрисида бир оғиз ҳам сўз йўқ эди. Аммо Рустам бунга ажабланиб ўтирмади. Қизнинг ўзи турмушга чиқаётган йигитга йўллаган қисқарган дил ихорида дугонасининг таржиман ҳолига бало борми!

Малоҳат сафардан ниҳоятда очилиб-сочишиб қайтди. Рустамга яна у билан Гулгун бирга кўриниш бера бошлашди. Рустам қизларнинг сайри-саёҳати қандай ўтганига қизиқиб ҳам юрмади.

Кузда улар тўйни ўтказишди.

Тўй кечаси Гулгун ҳеч кимга нарво қилмай ичиб, минг мақомда ўйнаб, кўпчиликни даврага тортиб, тоза қизиқчилик қилди. Кейин кайфи ошиб, негадир йиғлади. Кейин эса, бўш бир хонага кириб, ухлаб қолди.

У эртаси куни, мендан хафа бўлманглар, кеча сал жиннилик қилибман, деб Малоҳатни ҳам, Рустамни ҳам бўйнидан қучиб, ўпди. Қулимсираб, бироқ одатдигига ҳеч ўхшамаган тушқун кайфиятда уйига кетди...

Малоҳат билан Гулгун энди кундан-кунга олдингидан кўра анча кам кўришадиган бўлишди...

Орадан тўрт йил ўтди...

Рустам бахтдан алланечук сармаст эди. У, менга ўзи ҳам, қалби ҳам гўзал бир аёл насиб этди, тавба, нима эзгуликларим эвазига тақдир бундай бахт буюрди экан, деб ўйлар, телбаланиб, кўксини тўлдирган севинчдан баъзан боши айланиб, кўзларига ёш қалқар эди.

Зарурат туғилиб бирон ерга борганида ҳам, иложи борича тезроқ қайтиш ташвишида бўлар, уйга рўйност югуриб-чошиб кириб келарди.

Ўтган давр ичида қизчалари — Азиза туғилиб, секин-аста оёққа тура бошлади. Ойинсидан ҳусн, дадасидан меҳр олган қизалоқ хонадон ҳаётига янги бир файз, янги бир ёруғлик бахш этган эди!

Рустам баъзи бировлар одатда қишлоқи дейдиган гўл йигит эди. У ойнинг ўн беши ёруғ бўлса, ўн беши қоронғи эканлигини ҳали билмасди. Ҳа, дунёда худди шундай тескари бир шакл ҳам борлигини хаёлига келтирмаганди...

Бир куни ҳар қачонгидек уйга ошиққанича келиб, негадир Малоҳат билан Гулгун ошхонада қизаришиб, фаромушланиб ўтиришганини кўрди.

Аввалида Рустам ўз кўзи билан кўриб турган бу

холатга эътибор қилмай, Гулгунга, ўртоқчилик ҳам шунақа бўладими, оғайни, кўринмай кетдингиз, деб ҳазилхузул қилишга уринди. У даврага қўшилиб, осойишта канд-қурс чайнаб, хўриллатиб чой ҳам ичди. Лекин бояги «булут» тарқалмаётганини ахийри ҳис этиб, беихтиёр, ўзи нима гап, деб қизиқсинди.

— Гулгун ҳозироқ путёвканинг пулини топиб беришимни сўраяпти, — пичирлади Малоҳат. У эрининг юзқўзига қарамай, бўйни, елкасини қисганди.

— Қанақа путёвка?

— Бундан тўрт йил бурунги. Куйиб кетган...

— Нега куйиб кетар экан? Куйган бўлса, кўрсат! — жеркиниб деди Гулгун.

— Қаергадир ташлаганман. Эсимда йўқ... — яна пичирлади Малоҳат.

— Тўхтанг! Сиз ўшанда сафарга бормаганмидингиз? Мен тушунмаяпман... — деди Рустам.

— Мен борганим йўқ, — энди Рустамга зарда қилди Гулгун. — Аввалдан бораман, деб аниқ айтганим ҳам йўқ. Қўрамиз, деганман. Пулни бўлса, тўлаганман. Ҳисобли дўст айрилмас, дейишади. Бир йил кўтдим, икки йил, уч йил, мана, тўртинчи.... одам ўзи ўйлаши керак!..

— Мен ой бўйи сенинг йўлингга қарадим, дугонажон! Сен келмадинг, — шафқат кутибми, Гулгунга илтижоли оҳангда деди Малоҳат. — Ахир, бу менинг айбим эмас-ку!

— Нима, сенинг эсинг йўқми? Одам уч кун келмагандан кейин, келмайди-да! У эмас-бу эмас, тўғриси тан олгинг келмаяпти. Путёвкани сотгансан. Балки, бировга бергандирсан! Биронтани бирга олиб кетмаганмидинг, ишқилиб?!

Гулгун сўнгги тошни ўртага қўйган эди! Айни чоқда, у худди шу тош билан Рустамнинг бошига урган-дек бўлди. Рустам, бас, етар, деганича ўрнидан асабий қўзғалиб, ичкари хонага йўналди.

Ойликка қараб кун кўрадиган ҳар қандай онла учун бир даста пулни бировга шартта чиқариб бериш ҳазилакам гап эмас. Аммо Рустамнинг наздида, хотини ва у бонсдан ўзининг шаъни орага тушган эди. Йигит киши бундай пайтда пулни юзига қарамайди!

Рустам ичкаридан олиб чиқиб, стол четига қўйган пулни Гулгун, ижирғангандек бир кўйда икки бармоғининг учи билан тутганча, худди ахлат, қутига нарс

ташлаётган одамга ўхшаб, сумкасига солди. Кейин, ишшайиб, уйдан чиқиб кетди.

Бир пайт ўзи уйланган йилдаги сафар воқеасига яна қайтилади, деб Рустам ҳеч қачон ўйламаган эди. Бироқ, не иложки, ҳаёт деганнимиз буюк бир занжирнинг ҳалқаларидан иборат экан!

У ич-ичидан Гулгунни бирданига ёмон кўриб қолган эди.

Унинг юрагида хотинидан инжиш ҳам йўқ эмасди. Шундай дарди бор экан, вақтида ёзмайдими? Хўп, қайтиб келгандан кейин бир оғиз индамайдими? Шу ҳам эр-хотинчилик бўлди-ю!

Рустам ўша кун кечгача хотинига лом-мим демай, қош-қовоғи солиниб юрди. Аммо тунда Малоҳат одатдагидек унинг пинжига кириб, мушукка ўхшаб суйканди.

— Мени кечиринг, хўпми? Мен аҳмоқман. Сизга гапиришга қўрқдим,— деди Малоҳат.— Мана, пальто олмоқчи эдингиз, костюм... пул бекорга кетиб қолди. Лекин хафа бўлманг, яна ишлаймиз.— У бир дам ўйланиб туриб, сўзида давом этди.— Гулгундан ҳам инжиб юрманг. Уларнинг оиласи учун пул пўчоқдай гап. Аламидан жиннилик қиляпти! У бизни бир-биримиздан қизғанади! Ёши ўтиб борапти...

— А, тегсин биронта эрга! Ким унга тегма депти?— бўғилди Рустам.

— Оладиган эр йўқ! Бунақа қизларнинг қанчаси юрибди судралиб. Сиз билмайсиз! Ачинади киши...

Рустам ўзича Малоҳатнинг гапларида жон борлигини ҳис этди. Бироқ унинг кўнглидан энди барибир Гулгунга нисбатан теран бир адоват жой олганди. Бу қиз юзини гўёки сидириб ташлаб, унинг инига чўп суққан, ҳаловатини бузиб, бахтини ўғирлаганди. Бундай нарсалар осонликча кечирилмайди!

У Малоҳатга шу кун ортиқча зуғум ўтказмаганига қарамай, кўнглида хотинидан ҳам норизо эди. Хотини ҳозиргача ундан нималарнидир сир сақлаб келгану, бугун ойна беҳосдан чил-чил синган эди. Бундай нарсаларнинг узоқ йилларгача асорати қолади!

Лекин булардан кўра ҳам муҳимроқ гаплар бор эди!

Рустам йигитман деб, илк қарашда валломатлик намунасини кўрсатган, амалда эса, уйдан Гулгуннинг думини тугиб, икки дугона ўртасидаги можарога шуш-

чаки нуқта қўйган эди, холос. У ўз-ўзига жабр қилган, ҳамма нарсанинг устига парда тортиб, аслида бундан тўрт йил бурунги сафар пайти воқеа қандай кечганини билмай қолаверган эди. Рустамга, Малоҳат дугонасини илҳақ кутгану у ҳақми ёки Гулгун ҳақ, чиндан айб Малоҳатнинг ўзидами, бу — қоронғи эди. Рустам бунни аниқлашга эринганди. Эриниш ҳам эмас, тўғрироғи, машъум бир ҳақиқатнинг очилишидан қўрққанди! Рустам шошиб-пишиб, хотинини, ўзини обрўсизланишдан асрагандек иш тутганди! Гулгуннинг оиласига ўхшаб, улар учун «пул пўчоқдай гап» деб бўлмайдн. Аммо пулнинг падарига лаънат, даҳшатли жойи: Рустам ҳақиқатни аниқлаш ўрнига, кўмиб ташлашга, ор-номусни, шаънини бировдан сотиб олишга уринган эди!

Хўп, Гулгун айтганини айтиб, икки ўртада чиққан можарода ўзиникини ўтказиб кетгач, у нега қош-қовоғини солинтиришдан нарига ўтмади? Нега Малоҳат келиб пиязига суқилганида, силтаб ташламади? Ҳақиқатни суриштирмади? Малоҳатни қийин-қистовга олмади? Хотини суйканганига эриб, тилига қулф тушдими? Кеч тунда эркаланиб айтилган сўзлар, лоқайд тавбатазарруга паққос ишондими? Яна қўрқдими?!

Йуқ, Рустам бу гапларнинг барини англаган ҳолда, Малоҳатни тергаёлмаслигини ҳис этди. Малоҳатга кўп йиллик жонажон дугонаси ишонмаганида, ўзи ҳам ишонмай, хотинини тупроққа қориб, камситиш, ҳақорат қилишга ботинмади! Бундай хатти-ҳаракат Рустамга инсофсизлик ва қандайдир номардлик бўлиб ту-юлди!..

Шундай қилиб, Рустамнинг дарди ичида қолди.

Вақт ўтиши билан ҳар қандай ғашлик тарқайди. Ҳар қандай кўнгилсизликдан инсон узоқлашади.

Улар ҳам ҳонадонларида рўй берган дилснёҳликдан аста-секин узоқлаша бошлашди.

Рустам энди Гулгуннинг куз шамолидек ҳаммаёқни тўзитиб кетганини гоҳ эслаб, гоҳ унутиб юборгандек бўларди.

Касб-кори юзасидан, Малоҳат ҳамон баъзан Гулгун билан кўришиб турар, афтидан оз-моз гаплашиб ҳам юрарди. Бироқ Гулгун ортиқ уларникига келмас, уйда унинг номи ҳам тилга олинмас эди.

Аҳён-аҳёнда Рустам кўча-кўйда тасодифан Гулгунга дуч келиб қолар, икковлари ҳам бир-бирини кўрмаганга солиб, ўтиб кетишар эди. Аниқроғи, қилган ишидан

хижолат чекибми ёки Рустамни мазах қилибми, Гулгун унинг ёнидан қандайдир иржайиб ўтиб кетарди.

Рустам туйган олдинги бахт, сурур энди ўз-ўзидан йўқолгандек эди. Лекин у Малоҳатни яхши кўрар, уйим, хотиним, болам деб яшар, турмуш, умуман, қайтиб муайян изга тушганга ўхшар эди.

Азизадан кейин уларнинг ўғилчаси Азамат туғилди.

Болали уй — бозор. Бола — ҳаёт гули.

Бора-бора Рустамга ўзини маълум муддат ўртаган ўйлар, азобли кечинмалари асоссиз, аҳамиятсиз туюлиб, бунга у ишонч ҳам ҳосил қила бошлади...

Мана, орадан ўн йил ўтиб, ҳозирги кунлар етиб келди...

Рустам ўтган ҳафта Малоҳатни озиб-ёзиб кинога олиб борадиган бўлди. Болаларнинг эси кириб қолди. Ўзлари уйда ўтираверишади, юр, хотин, бир айланиб келайлик, деди.

Шаҳар марказидаги кинотеатрда чет эл фильми кетаётган экан. Улар амаллаб билет топиб, киришди.

Фильмни Рустам тўлқинланиб томоша қилди. Унга фильм ёқди. Фақат, лаҳза ичида ўтиб кетган чигал бир қисмат ўйини ҳаёлини қочириб, уни сал паришонлантирди.

...Қиз эрга тегяпти. Бироқ унинг бошқа севгани бор. У ҳаммадан қочиб, ўша севгилиси билан махфий учрашади. Мен сенга ўзимни топширгани келдим, биринчи навбатда сеники бўлишим керак, дейди. Аллақандай қоронғи сомонхонада йигитнинг бағрига киради ҳам. Кейин, тўйхонага қайтиб, турмуш қуриб кетаверади.

Рустам барча томошабинлар сингари қизга ачинди. У қизнинг ночор бир кўйга тушганини ҳис этди. Бу — фильмда ҳам яхши тасвирланган эди! Лекин Рустам шу билан бирга, негадир уйланган йигитга янада кўпроқ ачиниб қаради. Бу йигит, нима бўлганда ҳам, алданган эди!

Кинодан уйга қайтишаётганида, Рустам Малоҳатга беихтиёр шу тўғрида сўз очди.

— Сиз тушунинг! Қиз биринчи йигитни яхши кўради, ахир! — деди Малоҳат. — У виждони олдида пок...

— Дунёда бурч деган нарса бор, — асабийлашди Рустам.

— Муҳаббат-чи? Муҳаббат йўқ жойда бурч ҳам бўлмайди, — бўш келмади Малоҳат. — Баъзан, Ғарб.

Шарқ, деймиз... Мен ўзимизнинг қизларимиз шундай иш туттишган пайтлар борлигини биламан! Тўйи олди-дан севгилисининг кўксига бошини қўйиб йиғлаган қизларни-ку, айтмай қўяқолай. Унақалар сон мингта!..

Рустамнинг фикрига қўшилмаганда ҳам, Малоҳат шу палла жилла қурганда индамагани, баҳслашмагани дурустмиди?! Унинг оқланиш оҳангидаги ўй-мулоҳазаси Рустамни гўёки дафъатан қирғоқдан-қирғоққа отгандек, яна хаёлан ўзи уйланган кунларга қайтарди. Рустам вақтида ҳақиқатни очиб ташлашга журъат қилмагани-ю, шунча йил бирга яшаб, хотинининг кўнглини билмаганидан энди алланечук ўкиниб, нотинчлангандек бўлди. У хотини билан томоша кўргани чиқиб, баҳра топиш ўрнига, қайтиб ўз оиласи бошида бўлган эски савдони сотиб олгандек эди!

Рустам уч-тўрт кун кўнгли хижил, биров ўласи қилиб тепкилагандек ланж юрди. Бу жароҳат ҳам вақт ўтиши билан балки битарди! Аммо кутилмаганда янги бир саҳифа очилиб, воқеа ўз-ўзидан тезлашди.

Якшанба куни Малоҳат болаларни олиб, ота-онасини кўргани кетди. Рустам уйда зерикиб, китоб варақлагани жавон олдига борди. Китобларни кўздан кечираётиб, тасодифан улар орасида тиқилиб турган альбомга кўзи тушди. Рустам суратпараст эмасди. Суратга кам тушар, альбом билан ҳам иши йўқ эди. Ҳозир шунчаки қўлига олиб, очди. Беихтиёр яшил бир конверт Рустамнинг диққатини тортди. Унинг юзига «Волга бўйларида олинган суратлар» деб ёзилган эди.

У негалигини ўзи ҳам тушунмаган ҳолда, ҳаяжонланиб, нафаси бўғзига тиқилиб, суратларни кўздан кечири бошлади ва бирдан... юраги қинидан чиқиб, ерга гурсиллаб йиқилишига оз қолди. Мана... мана, то ҳозиргача ундан гоҳ олисда жонланиб, гоҳ кўмилиб келган ҳақиқат! Мана, Малоҳат йиллар бўйи ундан пинҳон тутган сир!..

Суратлардан бирида Малоҳат қандайдир ариқнинг-ми, чуқурликнинг-ми бўйида туриб, олдинга қўлини чўзган, иккинчи томонда қомат тиклаган хушбичим бир йиғит унинг қўлларини маҳкам тутган эди. Икковлари ҳам бошларини орқага ташлаб, қотиб кулишарди. Суратдагиларни унутиб, Рустам шу дамда кўпдан буён кўринмай юрган Гулгунни эслади. Гулгун аввалдан бу тўғрида билиб гапирган экан-да!

У суратни чўнтагига солиб, альбомни қайтиб жойига қўйди.

Шу оқшом Малоҳатга ҳеч нарса демади. Лекин тунни бўйи илон чаққандек тўлганиб чиқди. Эртаси кунни эрталаб яна лом-мим демасдан ишга жўнади

Малоҳат унинг тундаги лоқайдлигига ҳам, эрталаб-ки қош-қовоғи осиглигига ҳам парво қилгани йўқ. У гап нимада эканлигини билмаслиги аниқ, аммо болалар билан ўралашиб, эрида бир ўзгариш рўй берганини сезмадимми... ҳар ҳолда, одатдаги муомаласини давом эттиргандек бўлди. Бу етмагандек, болаларга нимадир олишини мўлжаллаб, кундузи ишхонага пул ҳам сўраб келди!

Рустам, кейинги кун ишхонада йигитлар хотини тўғрисида орқаворотдан гапиришганини эшитди. Бу — сўнгги томчи эди! У, аҳволни мендан бўлак ҳамма, идорадагилар ҳам билишар экан, мен бўлса лаллайинб юрган эканман-да, деб ўйлади. Ўзини ҳақоратланган ҳис этиб, нафрат-адоватга тўлди.

Унинг яна икки кеча уйда қолишга сабри етди. Хотини билан бир оғиз ҳам гаплашмади. Хотини ҳам ундан ҳеч нарса сўрамади. Бироқ Рустам ўз ёғида ўзи қоврилиб, асабийлашгани сайин, Малоҳат энди ўзини жўрттага бепарво тутаётгандек қиёфага кирди. Рустамга аҳамият бермай, ишдан кейин, уйда болаларга қараб, бемалол телевизор кўриб, китоб ўқиб, идиш-товоқни ювиб юраверди!

Ниҳоят, Рустам бундай хўрликка ортиқ чидаёлмаслигини сизди.

У саҳарлаб туриб, ювиниб-кийинди. Болалар мактабга кетиб, эр-хотин нонуштага ўтирганча бир пиёладан чой ичишгач, чўнтагида олиб юрган суратни чиқариб, нндамай Малоҳатнинг олдига ташлади.

Шу фурсатда Малоҳат мабодо бир дунё ёлғон-яшиқ ишлатиб, ўзини оқласа майли эди! У йиғлаб-сиқтаб, Рустамнинг оёғига йиқилиб, ўзининг бир пайтлардаги гуноҳини тиласа ҳам майли эди! Рустам тушунарди. Бутун гапни энди бир йўла тамоман кўмиб ташлашга ҳаракат қиларди.

Йўқ, бу — ҳар қачонги, пинагини дарров бузавермайдиған, эҳтиросга берилавермайдиған Малоҳат эди!

У одатича шошмасдан суратга тикилиб, бир қатла қизариб олгандек, бир нафас хаёлга берилиб, ёнида

Рустамнинг борлигини ҳам унутгандек бўлди. Сўнг суратни шунчаки бир четга суриб қўйди.

— Ҳали шунгамиди? Мен нима экан, деб ҳайрон бўлиб ўтирибман!—пичирлади ниҳоят Малоҳат. — Қаёқдаги қолиб кетган гапларни кавлаштириб юргангизни қаранг! Ёш катта бўлганда одамга бунақа ишлар ярашмайди!...

У, қандай йўсинда бўлмасин, ақл бовар қиладиган жавобни кутаётган Рустамга ланжлик билан, беписанд қўйда, ўзини дахлсиз тутиб, шундай деди.

Малоҳат учун гўёки уларнинг ҳаётида даҳшатли ҳеч нарса рўй бермаганди!

Малоҳатнинг сўзларидан, шу билан бирга, у эмас, ҳаммасига Рустам айбдор, у эмас, Рустам уялиши керакка ўхшар эди!

Рустамга унинг сўзлари замирида, кўнглимга келганини қилганман, бундан кейин ҳам қиламан, сенга ҳисоб бериб ўтирмайман, сен галварс, бачканалик билан гап кавлаштириб, нимага ҳам эришардинг, деган маъно яшириниб ётгандек туюлди. Одамлар баъзан ҳазиллашиб: «Ўпган, қучган — шамол билан учган!»— дейишгани сингари, Малоҳат ҳаётни жўн тушуниши-ю, бунинг устига, писмиқ эканлигини ўйлаб, Рустамнинг қони қайнаб кетди! Хотини уни бурнидан ип ўтказиб ўйнатгани, шунча йил олдида похол солиб юргани кам, ҳозир яна пичоқсиз сўйгандек бўлди!

Бироқ Рустам ўзини йўқотмади. Аламини, кўзига қуйилиб келаётган ёшни ичига ютди. У Малоҳатга зулм-зуғумсиз, фақат, мен ортиқ бундай яшаёлмайман, деди.

Рустам кетдим, деб айтгани йўқ. Қўлига уйдан арзирлик бирон буюм олгани ҳам йўқ. Лекин унинг хайрлашгани шу эди!

Албатта, Малоҳатга ачинмаслик мумкин эмас. У суюқли хотин эди! Оғзидан чиққанини эри бажарарди! Мана, энди иккита бола билан эрсиз қолди!

Малоҳат ҳали кўп пушаймонлар қилади! Рустамни қайтармикин, деб кутади! Рустам кўли остидаги — Мадинагами, бирон ёш, ундан чиройли қизга уйланганини эшитиб, тунлари совуқ тўшакда тўлғаниб чиқади. Кўзёш тўкиб, бошини деворларга уради! Аммо, натижа бўлмайди! Малоҳат ўз гуноҳи учун жавоб беради!..

Кабинетдаги креслодан сапчиб туриб, Қўрғонов

узун тушалган гилам бўйлаб яна яланг оёқ нари-бери юра бошладн.

Малоҳат бир нарсани тушуниши керак эди. Рустам хотинини шунчаки рашк қиладиган аҳмоқ эмас. У оиланинг поклиги, номуси тўғрисида ўйламаса, уйдан кетмасди. Бекордан-бекорга оила бузилиб, болалар чирқираб тирик етим қолишини ҳам Рустам истамайди. У яхши биладики, дунёда гуноҳсиз одам йўқ. Шу боисдан, олижаноб инсон ҳар қандай оғир шаронгда ҳам маълум даражада кечиримли бўлади. Бироқ бунн суистеъмол қилиш, гуноҳнинг бўйнингда бўла туриб, мен шунақаман, қўлингдан келса осмондан ташла, деб безбетларча серрайиш ярамайди! Малоҳат худди шундай қилди! Ун йил бир ёстиққа бош қўйиб, Рустамнинг юрагини топтаб келгани етмагандек, сўнгида ҳам уни тушунмади. Рустамга қўшиб ўзини, бегуноҳ болаларини ҳам мушкул кўйга солиб қўйди!..

Ташқарида кун ғира-шира ёриша бошладн.

Қўрғонов креслога қайтиб келиб ўтирганича, яна бир оз мизғнган бўлди. Ниҳоят, графиндаги сувни тўкиб-сочиб, наридан-бери ювиниб олди. Шошмасдан кийиниб, қалин қизил чарм жилдни қўлтиғига қистирганича ташқарига йўналди.

Қоровул чол йўлакдаги диванда кўрпа-тўшак қилиб, худди уйидаги сингари бемалол пишиллаб ухларди.

Қўрғонов қариянинг ҳеч нарсани сезмаганига суюниб, унинг ёнидан эҳтиёткор қадам босиб ўтганча, эшик ҳалқасини тушириб, кўчага чиқди.

Кеча кечқурун ишхонани тарк этганида иккиланиб, жилла ўйланиб қолганди. Нима бўлганда ҳам уйга бориб, Малоҳат билан қизишмасдан яна бир гаплашиб кўрсаммикан, унинг ўзидан ҳақиқатни билишга ҳаққат қилсаммикан, деб кўнглидан кечирганди. Лекин бу фикридан тез қайтиб, ресторанга қараб кетган эди.

Ҳозир ҳам Рустам, уйга бир кирсаммикан, хотин нима қияпти, болалар нима қияпти — билиб, шунга қараб иш тутсаммикан, деб ўйлаб, кўчада сал иккиланиб турди. Лекин бу унга яна қўнимсизлик, йиғит кишига ярашмайдиган бачканалик бўлиб туюлди.

Уч-тўрт бекат пойи-пиёда юриб, йўл устидаги чойхонага кирди. Бу ерда қуёш ёйилгунча чой ичиб ўтирди.

Ниҳоят, шошмасдан ишхонага қайтиб келди.

ЯНА ҚҶРҒОНОВ

Сирасини айтганда, у бўлимдаги йигитларнинг бир ерда ўтиришиб Малоҳат тўғрисида гапиришганига аҳамият бермаса ҳам бўларди! Одамларнинг тилини пойлаб, ҳамманинг оғзига бирма-бир қулф солиб чиқишнинг иложи йўқлигини Қўрғонов албатта яхши биларди! Айниқса, шу кунлар Малоҳат ишхонага келиб-кетганидан, бўлимдагиларнинг у ҳақда гаплашиши табиий ҳол эди.

Бироқ Қўрғоновнинг хаёлига, булар бир нарсани биладики, гапиради, деган бемаъни фикр беихтиёр ўрнашганди. У қудуқдан сув тортганга ўхшаб, қўли остидагиларнинг ичидагини чиқариб олишга жазм этганди.

Қўрғонов Малоҳат тўғрисида ўзича хунук бир ҳақиқатни — Малоҳатнинг қачон, қандай бўлмасин, хиёнатга юз тутганини англаган, унга энди шу ҳақиқатнинг иқрорими, исботими керак эди! У Малоҳатдан ҳеч нарса «ололмагани» учун, буни бошқалардан аниқлайман деб телба бир кўйга тушганди.

Хотинидан ажралиб кетган тақдирда ҳам, бировлардан у ҳақда сўраб-суриштириш пасткашлик эканлигини Қўрғонов кўнглининг аллабурчида ҳис этарди. Лекин шунга қарамай, обрў, номусни сақлаб қолишнинг бирдан-бир йўли шу бўлиб туюлар, бундай хатти-ҳаракатни у ўз шаъни учун кураш деб тушунар эди.

Малоҳатдан ташқари, у билан қўл ушлашиб, кулишиб суратга тушган йигит Қўрғоновнинг бутун хаёлини эгаллаганди. Бу йигит ким? У ҳозир қаерда? Унинг Малоҳат билан муносабати нимадан иборат эди? Қўрғонов энди шу тўғрида ўйлагани-ўйлаган, ўша йигитни — қай йўсинда бўлмасин, бир кўрмоқчи эди! Кўриб нима қилади, нима дейди — буни Қўрғонов билмасди. Фақат юзма-юз келишни ўзи учун ниҳоятда муҳим деб ўйларди!

Ишхонада куннинг биринчи ярмида Қўрғонов бўлимдагиларни гоҳ эшилиб, гоҳ асабийлашган намоишда тергаш билан банд бўлди. Аммо унинг меҳрибонлик кўрсатгани ҳам, дағдаға қилгани ҳам наф бермади: қулоғига етиб келганидан бошқа ҳеч нарса билолмади. Тунни уйқусиз ўтказганидан баттар толиқиш сезгани қолди, холос! Тушдан кейин, кечгача вақт идора бош-

лигининг кабинетида мажлис билан ўтди. У мажлис давомида уйқу босиб, беҳос мункиб кетишдан қўрқиб ўтирди.

Қўёш уфққа ёнбошлаб, кеч кира боргани сайин уни ғам-ташвиш чулғай бошлади. Тунни қаерда, қандай ўтказиш керак?! Ёшинг бир ерга борганида бошпанасиз одам кўйига тушиш кишига малол келар экан! Бирдан унинг кўз ўнгини ёришди.

Кун — жума эди. Қишлоққа бориб, чол-кампири, қариндош-уруғни хурсанд қилиб, дам олиш кунларини ўша ерда ўтказиш, баҳонада ўзи нима бўлди-ю, нима бўлаётганини бафуржа уйлаш мумкин-ку, ахир!

Қўрғонов хаёлига келган оддийгина шу фикрдан терисига сиғмай севиниб кетди...

5

БИРИНЧИ КИШИ

Хонада қоғозга кўмилиб папирос тутатганича ўтиравериб, Мансур зерика бошлади.

Унинг ўртоқлари бугун ҳар бири ўзича тушликка чиққан етмагандек, ишхонада ҳозир уларнинг бор-йўқлиги ҳам сезилмаяпти! Иннига кириб кетган сичқонга ўхшаб, ҳаммаси ўз хонасига беркиниб олган! Ҳеч ким, қалайсан, ўртоқ, деб мўралаб, афтидан, аҳвол ҳам сўрамоқчи эмас! Хўп, оғайниларни сотган бўлсанг, биттанг сотгандирсан! Ҳамманг хоин эмассан-ку! Бунча тиззаларинг қалтираб, бўйинларингни ичларингга тортиб қолдиларинг?!

Мансур беихтиёр бўғилиб-асабийлашди. Унга ўртоқлари ўзига нисбатан ҳам эҳтиёткор, журъатсиз бўлиб туюлишди. Бошлиқлар мажлис қилишаётган шу палла, ҳамкасблари билан гаплашиб, бир йўла уларнинг юрагига қўл солиб кўргиси келди.

Чекаётган папиросини ўчириб, эшикни ёпганича, Мансур тўғри рўпарадаги Набининг кабинетига кириб борди.

У олдиндан кутганидек, Наби хонада алланечук эзилиб, отаси қазо қилган одамдек, мотамсара бир ҳолатда ўтирарди.

— Иш кўпайиб кетдими, жўра?!—сўради Мансур, дўстининг қош-қовоғига эътибор бермасликка тиришиб.

Наби унга ғамгин, шу билан бирга, разм солгандек қаради:

— Нима, «разведка» қилиб юрибсизми?!

Мансур тахтадек қотиб қолди. Бу гап илк қарашда ҳазил-мутойибага ўхшаса ҳамки, тагида, пойлоқчилик қиляпсанми, деган зил маъно бор эди. Мансур бошқа ўртоқларидан кўра Набига кўпроқ ишонар, уни ўзига яқин деб биларди. Юрагини ким, деган савол кемир-ганда ҳам, Набидан кам шубҳаланиб, азбаройи дардлашгиси келганидан, биринчи навбатда унинг хонасига кирган эди. Шу боисдан, дабдурустан Набининг силтаб ташлаши Мансурга малол келди. Унинг нақ юрагига пичоқ санчилгандек бўлди!

— Осмон узилиб ерга тушган экан, жўра. Билмаб-миз, узр,— деди Мансур ва шахд-шиддат билан ташқарига отилди.

У Набининг ҳар қачонгига ўхшамаган совуқ муомаласи мағзини чақолмай гангиб-эсанкираб, йўлакда бир оз айланиб юрди. Кейин, булар нега бунақа қиляпти, деб ўйлаб тоқатсизланганидан, ўзини тутолмай, бошлиқ қабулхонаси ёнидаги Рамазоннинг кабинетига «бостириб» кирди.

Рамазонни Мансурга Наби даражасида яқин деб бўлмайди. Лекин унинг феъл-атворидаги яхши бир жиҳат: кўрслиги, ҳар нарсага сапчийдиган одати йўқ. Хушмуомала. Маданиятли. Мана, ҳозир ҳам у Мансурни бағри кенг одамларга хос беозор жилмайиб қаршилади.

Мансур тўлиб турганидан, Рамазонга дардини ёрди.

— Бирон фожиа рўй бердими? Нима бўлди?! Овқатга чақирмадинглар?! Ҳамманг хонанишин бўлиб ўтирибсанлар! Энди бир-бири билан гаплашиш ҳам мумкин эмасми?! Салом-аликни ҳам йиғиштириб қўя қоламизми шу боришда?!

— Ўзингиз ҳаммасини кўриб турибсиз,— деди ўйчан, мулоҳаза юритган бир кўйда Рамазон.— Яхши иш бўлмади, ўртоқ...

— Яхши бўлмаса, бунга мен жавоб бераманми?

— Ҳа, энди... ким билади...— Рамазон юзини секин четга бурди.

Мансур бу хонадан баттар бўғилиб-асабийлашиб чиқди.

У ўз кабинетига қайтиб, папирос тутатганича ўйга чўмди. Энди бир нарса дафъатан унга аён бўлиб қолганди: ўртоқлари ундан шубҳаланишяпти! Наби ҳам,

Рамазон ҳам бошқа биров эмас, уни сотқин деб билиб, гаплашгилари келмаяпти!

Отахон...

Мансур унинг ҳузурига кириб ҳам утирмади. Наби билан Рамазонки Мансурга ишонишмаётган экан, Отахон ўлганда ҳам ишонмайди. Бу йигитнинг аввалдан бадгумонлиги бор.

«Мендан нега шубҳаланишади? Қизиқ! Менинг Қўрғоновга қандайдир яқинлигим бўлмаса, шу ишда қимирлаб туришдан бўлак нарсани ўйламасам... Наҳотки, одамни тушунишмайди?!—Мансур шундай оғир, аламли хаёлларга борди-ю, секин-аста гўёки кўзи мошдек очила бошлади. — Сенинг бошингда шохинг борми? Сен бировлардан шубҳаланиб турганда, улар ҳам сендан шубҳаланишади-да! Бунга ажабланиш ортиқча!..»

Шундан сўнг, унинг хаёлини яна, ким, деган савол эгаллади...

6

ИККИНЧИ КИШИ

Қўрғонов бўлимдаги бошқа йигитларга қараганда Наби билан жуда қисқа гаплашган эди. У сўз очгани заҳоти, Наби чувак юзидаги ўткир кўзлари чақчайиб, нима, мен сизга шпионманми, деган ва Қўрғонов дарҳол, майли, жавоб сизга, дейишга мажбур бўлганди...

Эрталаб алла-паллада уйқудан турган Наби уйда хотини йўқлигини сизди. Бироқ дастурхонда нонушта тайёр эди. У чой ичаётиб, кечаги суҳбатни эслаганича гижинди ва ҳозир ҳам, нима, мен Қўрғоновга шпионманми, деб ўйлаб, ўз-ўзидан хафа бўлиб кетди.

Бу, хотин қаерда экан, деган хаёлдан безовталаниб турганида, ташқаридан хотинининг овози эшитилди:

— Наби ака! Бу ёққа қаранг, Наби ака...

У тўртинчи қават ойнасидан пастга — кўчага қаради.

Раънонинг ғалати одатлари бор! У усти ёпиқ қандайдир юк машинаси олдида турар, эри билан машвара қилиб ҳам ўтирмай нимадир харид қилган, ўшани уйга олиб келган эди.

Наби истар-истамас пастга тушди.

— Китоб жавони!—мағрурланиб деди Раъно.

— Ҳозир шу зарилмиди?! — тўнғиллади Наби.

— Сизга ҳеч қачон зарил эмас! Китобларингиз оёқ остида сочилиб ётибди...

Наби ҳайдовчи билан машинадан амаллаб жавонни ерга туширди. Машина кетгач, энди нима қилдик, дегандек хотинига эзгин тикилиб серрайди.

— Улфати чор, деб юрасиз... Ўртоқларингизга қўнғироқ қилинг,—унинг ҳолатини тушуниб, дарҳол фикр билдирди Раъно.—Шунақа пайтда ёрдам беришмаса...

Одатда, ўзини хотини олдида осойишта тутадиган Наби, бирдан тутқаноғи тутган одамдек титраб кетди.

— Менинг ҳеч қанақа ўртоғим йўқ! Тушундингми?! Тўртинчи эмас, қирқинчи қават бўлсаям, ўзим олиб чиқаман. Ўзим!

Жавон катта, оғир эди. Аммо Наби уни орқалаб, йўлак томон судрала бошлади. Эрининг нега бундай беҳосдан феъли айниганига тушунмаган Раъно унинг ёнида пилдираб, ёрдам беришга уринди.

Ниҳоят, жавонни уйга олиб киришгач, хотинига юзланиб:

— Нима, мен Қўрғоновга шпионманми?—деди ҳаммон асабийлашиб турган Наби.—Бунақа ишда ишлагандан, ўлган яхши. Ариза ёзаман! Кетаман...

7

УЧИНЧИ ВА ТЎРТИНЧИ КИШИ

Наби билан кетма-кет Рамазон ҳам ариза ёзиб, ишдан бушади.

Кейин, орадан кўп ўтмай, Отахон ҳам кетди.

Бу йигитлар ўрнида ишга янги хизматчилар келиши...

8

ЯНА БИРИНЧИ КИШИ

Мансур, ким хиёнат қилгани маълум эмас, аммо ишдан кетмаса, бутун гуноҳ ўз бўйнига тушиб қолишини кундан-кунга чуқурроқ ҳис эта бошлади.

Ниҳоят, у ҳам ариза ёзди....

ҚҰРҒОНОВ

Беш-ўн кун ётиб-турадиган аниқ жой тополмай кўчада қолганидан кейин, Рустам Қўрғонов уйига қайтиб, хотини билан ярашди. «Турмушда ҳар нарса бўлар экан. Оилада бир-бирингни кечириш керак!»—деб ўз-ўзига таскин берди.

Аммо шу кунлари у котибаси Мадинани Мансурнинг ўрнидаги ишга ўтказди.

— Сиз қайси ишда ишламанг, олдингидек дўст бўлиб қолаверамиз,—деди Мадинага.—Менга доим хизмат қилиб турасиз. Одамларни сездирмай кузатасиз. Мен барибир бир куни хотинимдан ажралиб, сизга уйланаман...

10

ТҲРТ ИНГИТ ВА ГУЛГУН

Мансур билан унинг уч оғайниси — тасодифан дуч келганда, бир-бирларидан қочиб, кўришмаслик учун кўчанинг нариги бетига ўтиб кетишар, афтидан, бу энди уларнинг ҳаётида қолган бир умрлик савдо эди... Мансур бундан айниқса қаттиқ изтироб чекарди.

Қўрғонов ҳам кўча-кўйда Гулгунни учратганда, ҳамон аллақандай азобланарди. Аммо фарқи... у кўнглида ҳар гал, қанн, иложи бўлса, мен шу қизни албатта йўқ қилардим, деб ўйлар эди...

ВАЗИФА

Вазифанг оғир!..

«Алпшер Навоий» драмасидан

— Умар Қосимович, телефон!..—деди эшикда кўринган котиба.

Олдида бир даста қоғоз бетартиб сочилиб ётган Умар Қосимович хаёли бўлинганидан инжиган алфозда унга қаради.

— Азизов...—Қўшимча қилди котиба илжайиб.

Умар Қосимович ҳушёр тортди... Азизов — идора бошлиғи; бирон ҳафта тоби бўлмаган, ундан сўнг яна бир ҳафта областга кетган эди. Бошлиқ донм шундай

кутилмаганда идорага келиб қолар (у бировга ҳисоб бериб ўтирмасди), ходимлар қанчалик сергак туришмасин, бари бир уларни ҳар гал довдиратиб қўярди.

Умар Қосимович алланечук ҳаяжонланиб, муҳим бир ишни бажараётган одамдек эътиқод билан трубка-ни кўтарди.

— Ассалому алайкум, Акмал Турсунович!..

— Салом, — бир оз ҳорғин, бир оз ланж кайфиятда жавоб қайтарди Азизов.

— Яхши келдингизми? С приездом!

— Раҳмат, — деди Азизов қуруқроқ оҳангда. — Мен томонга бир келиб-кетсангиз...

Умар Қосимович, ҳозир ёки ҳўп бўлади, демоқчи эди, аммо иккисидан бирини танлашга улгуролмади — қисқа гудок эшитила бошлади. У, ҳамон бунинг аҳамияти бордек, трубкани эҳтиёткорлик билан ўрнига қўйди.

Эшикда бир илжайиб кўринганча, ҳануз котиба нари кетмаган эди.

Еши ўттизлар атрофидаги кўримсизгина бу жувоннинг эшикни тутиб, худди нимадандир суюниб турганга ўхшаб, ҳадеб илжайявериши Умар Қосимовичга ёқмасди. Аммо у аёлларни ўзича яхши кўрар, уларга бефарқ қарамайдиган феъли бор эди, шу боисдан, котибанинг бундай «эрка»лигидан кўз юмишга ҳаракат қиларди. Ҳозир ҳам, котиба кетсин, деб унга жавобан синиққина жилмайиб қўя қолди.

Азизов ишда бўлса бас, баъзан кунига бир, баъзан бир неча марта қўнғироқ қилиб, Умар Қосимовични ҳузурига чақирар (афтидан, котиба орқали чақиритиш раҳбар ходим учун камситиш деб ўйлаб, шахсан, мен томонга бир келиб-кетсангиз, дер). Умар Қосимович кириб боргач, унинг қўлидаги идора қоғозларига узун, ингичка хат тортиб, имзо чекар, ҳар сафар янгидан ишнинг қандай кетаётганини обдан сўраб-суриштирарди.

Бошқа кўпгина идораларда бўлганидек, бу ерда ҳам бошлиқнинг хурсанд ёки таъби хира эканлиги ходимлар учун муҳим эди. Бугун Азизовнинг шашти пастлигига шак-шубҳа йўқ, буни Умар Қосимович икки оғиз гап-сўздан дарҳол ҳис этган эди.

Шу тўғрида ўйлаганича, у шошмасдан, имзо чекиладиган қоғозларни тўплади. Кейин, уларни идора номи муҳрланган жилд орасига солганча, эшик томон босди.

Калта кўйлак кийиб, сочини елкасига ёйиб ташла-

ган бир қиз йўлакда негадир у ёқдан-бу ёққа юриб турарди.

— Сиз мени кутаётганингиз йўқми?—деб сўради, бу қиз ўзини кутмаётганини билса ҳамки, Умар Қосимович тўхтаб.

— Йў-ўқ,—деди қиз чўзиб, унга бақрайиб қараганча.

Бошини эгиб ва чуқур хўрсиниб қўйиб, йўлида давом этди Умар Қосимович.

Маданият-маърифат ишлари бўйича бўлим беш қаватли бинонинг бешинчи қаватида, Азизовнинг кабинети эса биринчи қаватда эди.

Зинадан тушаётиб, Азизов шу палла кабинетда ташвишли, андак асабий қиёфада ўтиргани Умар Қосимовичнинг кўз олдига келди.

У, идора катта, бошлиқнинг иши қийин, ташвиш куп, гоҳо беихтиёр асабийланмаслиги мумкин эмас, деб билар, Азизовга меҳр билан қараб, аксар кўнгли ачирди. Шу боисдан, Умар Қосимович, одатда бошлиқдан келган пасти-баланд муомалани ҳам ўзига оғир олмас, телефондаги боягидек расмий, кескин оҳангдан ҳам тезда инжийвермас эди. У ҳар қандай шароитда ўзини унутиб, бошлиқнинг ташвиши, дардини имкон етганча, ҳеч бўлмаганда ширинзабонлик қилиб, енгиллатишга ошиқарди.

Умуман, бошлиқнинг унга муносабати яхши эди.

Идорадаги бошқа ходимлар билан ишдан бўлак нарса устида деярли гаплашмайдиган, табиатан сўзга хасис — Азизов, Умар Қосимович билан иш санжоб бўлган пайтлар кабинетда яйраб ўтириб, турли мавзуларда, саломатлиги, уй-рўзғори, бола-чақасига тегишли «ғурбат»лар тўғрисида ҳам суҳбатлашаверар эди. Бу илтифот, дўстлик нишонаси эди. Ҳар ҳолда. Азизов идорада ҳаммага бир кўз билан қарагандек бўлса ҳамки, хизматчилар орасида Умар Қосимовичга унинг муносабати бошқачароқ эканлиги ҳеч кимга сир эмасди.

* * *

Азизов уни хона ўртасида қаршилади.

Лоқайдроқ кўришиб, индамай, тўрдаги курсига ўтиб ўтирди.

Умар Қосимович ҳам ён томондаги курсидан жой олди ва имзо чекиладиган қоғозларни бошлиққа узатди.

Азизов асаби таранглашган пайтлардаги одати — бўйни, елкаларини қисиб, қандайдир қунишган кўйда қоғозларни бирма-бир кўздан кечира бошлади.

Умар Қосимович ёши қирқдан ўтиб, идоралардаги йигирма йиллик хизмати давомида ўзи учун шундай ҳикматни кашф этган эди: бошлиқнинг жаҳли бурни учида турган пайтда, уни елпишга уриниш телбаликдан бошқа нарса эмас, ўз шамолинг ўзингни учириб кетиши мумкин. Сабр-бардошли бўлиш керак. Бошлиқ сенга беихтиёр дардини «ёра» бошлаб, жилла енгил тортса, унда сен ҳам елпиб, бошлиқнинг кўнгли буткул ёришишига ҳисса қўша оласан.

У, айниқса, Азизов билан муносабатда шу ҳикматга риоя қиларди. Азизовни қадрлагани, ўз бошлиғига сизиниб яшаганидан, беҳос гашига тегиб, озор етказишдан қўрқарди.

Мана, ҳозир ҳам Умар Қосимович бошлиқнинг қуйма, пишиқ гавдаси, буғдойранг юзига аҳён-аҳён кўз остидан итоаткорлик, мутелик билан беозор қараб қўйиб, профессор ҳузуридаги талаба, генерал олдидаги аскар сингари қимтиниб, одоб сақлаб ўтирганича, Азизов қоғозларни кўриб чиқиши, нима ҳақда, қайси йўсинда бўлмасин, гапга оғиз жуфтлашини кутди... Кейин, ҳаммаси, одатдагидек, ўрни-ўрнига тушади, деб умидланди.

Шу аснода у катта, ойнабанд деразадан тушаётган қуёш нурларига тикилиб, ўзича хаёлга толди... Уч йил бурун поездда Азизовни тасодифан учратганини эслади (институтни битиргач, курсдошларидан кимдир икки йил, кимдир беш йилда омади келиб, мансаб, мавқе эгаллаган, аммо Умар ўтган йигирма йилдан ўн етти йили маданият уйлари, истироҳат боғи, иш топилган жойда оддий хизматчи бўлиб, «соя»да, «пана»да юрганди; у Азизовни билар, Азизов уни танимас эди). Ушанда улар ҳамроҳ сифатида шунчаки ундан-бундан суҳбатлашишганди... Орадан кўп ўтмай, бир куни қўқисдан Умарни Азизовнинг қабулига чақиришди. (У поезддаги учрашувга ортиқча аҳамият бермаганди, каттакон бирон иш буюрмоқчи бўлсалар керак, деган хаёлда қабулга бўйнига арқон солингандек ноқлож борди.) Азизов уни очиқ чехра билан, кулимсираб қаршилади. Сўнг, эслаш ҳам ноқулай, унга умрида биринчи марта, Умар Қосимович, деб мурожаат қилди. «Мен сизни ўша, поездда кўришган пайтимиз кўз остига

олгандим, яна кузатдим, Умар Қосимович,—деди Азизов.—Сиз тўғри, ҳалол одамсиз. Шундай одамлар керак менга!» Азизов худди шу кун дабдурустдан уни маданият-маърифат ишлари бўйича бўлимга бошлиқ қилиб тайинлади... Умар Қосимовичга бу воқеалар ҳамон бир тушдек туюларди. У хушомадгўйлик ёки «катта»дан ҳайиққани учун эмас, Азизовнинг олдида ўзини азбаройи бир умрга қарздор деб билгани учун ҳам, меъёрдан баъзан, ҳаттоки жилла ошиқ даражада, фидойиларча муносабатда бўлишга одатланган эди...

Азизов олдидаги қоғозларни кўриб бўлиб, айримларига имзо чекди, айримлари тўғрисида, мен бир ўйлаб кўрай, деди. Бир қисмини Умар Қосимовичнинг қўлига қайтариб берди: яхши ўрганмасдан ёзаверманглар, қоғозбозликка бало борми!..

Умар Қосимович бугуноқ ҳаммасини қайтадан текшириб кўришни бўйнига олди. Ниҳоят, бошлиқ пружинали креслони ўйчан нари-бери суриб ўтирганча, савол ташлади:

— Ҳалиги... Муся ишдами? Юрибдими?!

Бу — Умар Қосимовичнинг ўринбосари, фамилияси Муслимов, ёши элликдан ўтган киши... лекин сочиғи бўяб-пахмайтириб, олачалпоқ кўйлак кийганча ўсмирларга ўхшаб юрганидан, Азизов уни ёқтирмай, «Муся» дерди.

Бошлиқ шу асно Муслимовни нега сўраётган экан?

— Юрибди,—ғудраниб қўйди Умар Қосимович.

— Мен тўғримда шу одамингиз ҳам ёзадими, дейман!—Унга синчков тикилиб, суриштирди яна Азизов.

— Тўнғиллаб юради-ку, лекин у ёзмайди,—деди Умар Қосимович худди ўзини ҳимоя қилаётган айбдор киши оҳангида. Бировни азбаройи ноҳақ ёмонлашдан қўрққанию, бўлимдагиларни бошлиқнинг олдида «ғажиш»ни жини суймаганидан шундай деди.

— Бу ўзи қанақа идора, тушунмайман,—деди энди алам билан Азизов.—Ўн йилдан буён аҳвол шу!.. Бирон йил йўқки, уч-тўртта шикоятнома тушмаган бўлса! Чапараста қилиб, имзосиз ёзаверишади. Уқиб, ҳайрон қоласан, мендан тубан, мендан қабиҳ одам йўқ... Тавба!

Улар қанчалик суҳбатдош бўлишмасин, олдин ҳеч бу ҳақда гаплашишмаган эди. Умар Қосимович бошлиқнинг устидан баъзан «думалоқ хат»лар тушиб туриши, идорага йилида икки-уч марта комиссия келиб-кетишини биларди. Аммо аҳвол шу қадар оғирлиги, Азизов

бундан не чоғлиқ изтироб чекишидан беҳабар эди. Шу ламда унинг бошлиққа нисбатан кўнгли ҳар қачонгидан ҳам кўп ачишди, бошлиқнинг номаълум душманларини бирма-бир топиб-тутиб, ўз қўллари билан нақ бўғиб ташлагиси келди.

— Соғлиқнинг мазаси йўқ. Юрагим ёмон.—Жазаваси тутиб, тутоқиб сўзида давом этди Азизов.—Шунга қарамай, жонимни жабборга бериб ишлайман. Қани, биронта одам билса!..

Умар Қосимович бундай пайтлардаги одатича, ширинзабонлик қилиб, имкон етганча, Азизовнинг кўнглини кўтаришга уринди.

— Бу ҳаммаси ўтиб кетади, Акмал Турсунович. Битта-иккита ифлос одам доим топилар экан дунёда. Буюк кишиларга қанча тош отишмаган. Сизнинг қадрингизга етадиган одам ҳам кўп. Ёзса ёзаверсин, шунга ҳам азобланиб, қайғуриб ўтирасизми? Қатталар ҳақиқат қилишар, ахир!—деди у ҳар бир сўзга меҳрини қўшиб.

— Ҳа, майли,—деди деразага энди ўйчан, афтидан, ўз хаёли билан бўлиб, қараб қолган Азизов. Умар Қосимович бу гапни кетиш мумкинлигига ишора деб ўйлаб, ўрнидан қўзғалди. Аммо бошлиқ у томон ўгирилиб, дабдурустан сўради:—Сиз, ҳалиги... Бухорога бориб турибсизми баъзан?

Бутун хаёлини Азизов, Азизовнинг бошидаги ташвиш эгаллаган Умар Қосимович учун бу томдан тараша тушгандек бўлди. (Бошлиқнинг кайфият-ҳолати, бугунги суҳбатга унинг ёки Бухоронинг нима алоқаси бор?) У саволга сал паришонланиб, шунинг баробарида, анча лоқайд жавоб қайтарди.

— Бориб турибман, албатта. Туғилиб-ўсган жойим,—деди Умар Қосимович.—Лекин, туғриси, кейинги пайтлар бир оз... Иш кўпайиб кетди. Ундан ташқари, чол-кампира қазо қилишиб... унча маъно йўқ...

— Нега?—ажабланди Азизов.—Жигарларингиз-чи? Синглингиз? Акангиз? Улардан хабар олмайсизми?

— Улар ўзлари доним келишади,—деди шошиб Умар Қосимович.

— Очиқ айтаверинг, қанча бўлди бормаганингизга? Бир йилми, икки йилми?—деб сўради Азизов бу гал яқин кишиларга хос меҳрибон жилмайиб ва шу билан бирга, қандайдир кескин, талабчан оҳангда.

— Бир-икки йил, — деди Умар Қосимович баттар довираб.

— Аниғи?

— Икки йилча бўлди, адашмасам, — қийналиб гудранди Умар Қосимович.

— Яшанг! — деди Азизов. У пружинали креслонини нари-бери суриб, негадир чуқур ўйга толгандек бўлди. Қайтиб бу орада бўшашганча ўрнига ўтириб олган Умар Қосимович манглайини тер босиб, муаллимга юзлашган интизомсиз мактаб боладек, ўз тирноқларини остидан ўзи кир қидира бошлади. Бошлиқ анчадан сўнг унга қаради. — Мен кеча Бухородан келдим, — деди Азизов. — Бир даврада менга акангизни кўрсатишди...

— Акам? Сиз кўришдингизми акам билан?! — Қизиқиш ва зўраки суюнч қоришган аянчроқ бир кўйда сўради Умар Қосимович. Унинг саволида, наҳотки акам сизга мендан шикоят қилган бўлса, деган қўрқинч, ҳадик ҳам бор эди.

— Кўришадиган аҳволда эмас эдилар акангиз, — деди Азизов. — Кулгили... Ичиб, яна муллачилик қиларкан у киши қишлоқларда...

Умар Қосимович бошлиқдан бепарволиги учун қўйиш эшитаман, деб ўйлаган, холос, гапнинг бундай якунланиши ҳаёлига ҳам келмаган эди.

Унинг биринчи таассуроти: ўзини гўёки ҳозир ер ёрилса, кириб кетадигандек ҳолатда ҳис этди. У акаси учун хижолат чеккандек, шунинг баробарида, аллақандай ҳақоратлангандек эди — вужулида бу туйғулардан қайси бири устунлик қилганини айтиш қийин эди. Кўп ўтмай, Умар Қосимович эгилган қоматини сал тиклади. Аммо у ўйланиб, бари бир, бошлиқнинг гапига жавобан ҳеч нарса деёлмади. Нафаси ичига тушганча, яна лол қотди.

Азизовнинг креслода тебраниб ўтириб, йўл-йўлакай айтган икки оғиз сўзи унга фавқулодда таъсир этгани бежиз эмас... Бир лаҳза бурун Азизовга Умар Қосимович, улар ўзлари доим келишади, деб шунчаки айтган-қўйган эди. Аслида эса у кўпдан буён акасини кўрмаган эди. Синглиси сўнгги йилларда Умар Қосимович билан бирми, икки дийдорлашган, ёз, сафар пайти йўл устида ўйга бош суққанди. Бироқ, ҳамма бало шундаки, тўнғич акаси тўғрисида бу акасига у ҳам ортиқча оғиз очмаган, ўшанда «акам юрибдимиз», «юрибдидан нарига ўтишмаган эди. Қисқаси, акасининг шу кунлар ҳол-

аҳволи қандайлиги Умар Қосимовичга буткул қоронғи эди. Бу ҳақда бошқа биров эмас, Азизовдан эшитгани унга худди дард устига чипқон бўлиб туюлди.

— Ҳа, майли,—деди орага чўккан сукунатни бузиб Азизов.—Ҳалиги... қўлингиздаги қоғозларни қайтиб кўриб чиқинглар. Кейин имзо чекарман,—у ўйланиб туриб, қўшимча қилди:—Зубайдадан бир нарсани сўрамоқчи эдим. Шу ерда бўлса кирсин...

* * *

Умар Қосимович бошлиқнинг кабинетидан ўласи тепки еган кишидек эзилиб чиқди.

У зинадан юқорига тўхтаб-тўхтаб, шошмасдан кўтариларкан, ўзини бугундан эътиборан Азизовнинг назаридан қолгандек ҳис этди. Унга бошлиқ охирида Зубайдани эслагани ҳам шунга ишора бўлиб кўринди.

Бошлиқ Умар Қосимовичга унинг акаси тўғрисида қисқа гап қилди. Аммо у аҳмоқ эмас, яхши отга бир қамчи кифоя, ҳаммасини дарҳол тушунди. Азизов илк қарашда ундан-бундан, бетартиб суҳбатлашганига қарамай бундай фикрни илгари сурди: «Мен ўз ишимни сидқидилдан бажараман, ўртоқ Қамбаров, буни кўриб юрибсиз,—дегандек бўлди Азизов.—Лекин атрофдаги айрим одамлар бари бир менинг устимдан шикоятнома ёзишади. Йўқ, сиз менга таскин берманг. Ундан кўра, эсингиз борида ўз этагингизни ёпинг. Акангизни биров эшитса, буни ҳам хатга тиркайди. Сиз эмас, калтакнинг учи бизга ҳам тегади. Умуман, қўлим остидаги ишонган кишилар сизга ўхшаб ланжлик қилишмаса, мен бунчалик ноҳақ қийноқларга тўқнаш келиб, азобланиб ўтирмасдим!»

Маданият-маърифат ишлари бўйича бўлим узун, нимқоронғи йўлак тўридаги уч хонани эгаллаганди. Уртада қабулхона, бир томонда кабинет, иккинчи томонда хизматчиларга тегишли хона жойлашган эди.

Умар Қосимович ўзини ўрнидан туриб, ийиб қаршилаган котибадан ҳаммани чақиришини сўраб, кабинетига кирди.

«Хамма» дегани ўринбосар, иккита ходима ва котибанинг ўзи эди. Дам ўтмай, Муслимов, унинг изидан Зубайда ва Холида деган қизлар ва ниҳоят, илжайган котиба эшикдан бирма-бир кириб, «т» ҳарфини эслатган, раҳбар столига тиркалган иккинчи стол ёнидаги курсилардан жой олишди.

Умар Қосимович ўз аскарларини сафга тизган лашкарбошидек, бўлимдагиларни кўздан кечириб, Муслимовга қадалиб қолди У Азизов бу одамни «Муся» дейишини эслаб, фақат соч бўяб, олачалпоқ кийгани учун эмас, юз тузлиши, афти-ангори билан ҳам чиндан қандайдир ўсмирга ўхшайди, қуйиб қўйган Муся, деб ўйлади. Кейин ўзича, бу одам имзосиз хат ёзадими ёки буни эп кўрмайдими, деб чамалади. Аммо Муслимов бировнинг устидан ёзишига ақли бовар қилмади ва бошлиқ олдида тўғри гапирганидан қаноатланди. Шу сониёда ишга янги келган пайтлари Муслимов билан бир гал жуда очиқ, самимий суҳбатлашишгани ҳам ёдига тушди. «Қимдир мансабга имкон етганча бепарво қараши, мансабпараст бўлмаслиги мумкин,—деганди ўшанда ўринбосари Умар Қосимовичга.—Лекин дунёда мансабдан кўнгли заррача ўсмайдиган, эгаллаган столи, ишини қадрламайдиган одамни топиш қийин. Қайси бир киши, мен мансабни ёқтирмайман, ўлганни кундан шу столга ўтириб қолдим, деса, билингки, ёлғон. Ҳаммамиз ҳам тирик жонмиз! Мана, масалан, мен ўзим... Бўлим ташкил қилинганида бошлиқ қилиб қўйишди. Ҳали бўлимда машина йўқ, трамвайда қатнаш керак. Мен, обрў кетмасин, деб пиёда қатнайман. Ўзимни худди ўн мингта аскари бор саркардадек сезаман. Ҳолбуки, бор-йўғи икки киши ишлаймиз, меннинг қўл остимдаги одам ориқ, маймоқ бир йигитча, холос... Сиз ҳам ўзингизни қанча камтар тутманг, бунга озми, кўпми ўрганиб кетасиз. Ўзингизга айтдим, хафа бўлмайсиз!» Муслимов ҳақ эди.

Умар Қосимович ҳозир ростдан ҳам энди мансабга ўргана бошлаганини ҳис этди. Унга шу хона, стол, тўртта қорақўзнинг оғзига қараб ўтириши ёқади. У ўз ишининг одам ёпишса арзигулик катта лавозим эмаслигига ақли етади. Бунинг устига, олдинги — оддий ишда, ўзи истаганча, эркин юргани минг чандон яхши бўлганига ҳам тушунади. Бироқ, отини бировга бериб, пиёда кетган суворидек йўл тутиш... У бундай қилолмайди. Шу стол — шу от уники, эгарга маҳкамроқ ўрнашиши керак, холос. Ният шу бўлмаса эди, акиси тўғрисидаги Азизовнинг нордон гапини Умар Қосимович ҳалол луқмадек, қулт этиб ичига ютмас эди!

— Кейинги пайтда интизом бир оз бўшашди,—деди у ниҳоят бўлимдагиларга.—Мен сизларга ишониб, индамайман, кўпинча кеч келасизлар, ўз жойларингизда

Ўтирмайсизлар. Шунақа бўлгач, ҳар хил гап чиқади. Энг муҳими, бу ишимизга таъсир қияпти. Мана, Акмал Турсунович анча-мунча хатларимизга имзо чекмадилар. Чунки, ишни яхши ўрганмасдан ёзгансизлар, мен ҳам ишонганимдан, текширмаганман... — Умар Қосимович имзо чекилмаган хатларни шахсан шуғулланиш учун четга олиб қўйди. У бошлиқ қўл қўйган бошқа бир қисм хатни дафтардан ўтказиб, тегишли ташкилотларга жўнатишларини сўраганча, бўлимдагиларга топширди. Шундан сўнг ташвишланган бир кўйда Зубайдага қаради.

Зубайда хонага кирганидан буён, Муслимовнинг рўпарасида бировдан аччиқлангандек, беписанд лаб буриб ўтирарди.

— Сиз ҳозир Акмал Турсуновичга учрайсиз,— деди Умар Қосимович, оғрингандек буришиб.— Қайтиб чиқиб, ўртоқларингизга ёрдам берарсиз...

Зубайда Азизовнинг исми шарифини эшитиши билан жонланиб, юз-кўзлари порлади.

Бу — ниҳоятда ақлли жувон. Кино дейсизми, театрни, бутун маданиятнинг шу кунги аҳволию қайси соҳада қандай янгиликлар, дунёнинг қайси бурчида нима воқеалар бўлаётганини беш қўлдай билади, ҳуснида ҳам тенги йўқ. Айниқса, кўзлари... кўзларига тикилиб, оҳу, дейсиз. Умар Қосимович уни баъзан ҳузурига чақиргани Азизовдан қўриқиб, унинг ўзидан ҳам сал ҳайиқмаса — бу жувоннинг олдида қандайдир ожизлик ҳис этмаса, унга биринчи кунлардаёқ муҳаббат изҳор қилган бўларди! Қисқаси, бу жувонга ҳар жиҳатдан тан бериш лозим. Бу сизга ҳадеб илжаядиган котиба ёки, дейлик, кунни бўйи олдида китоб очиб қўйиб мудраб ўтирадиган, тур, десангиз, ўрнидан туриб, юр, десангиз, қаёққа, негалигини ўйлашга ҳам эриниб, лоқайд судраладиган Холида эмас.

Аммо Зубайданинг бутун кўрки, фазилати билан ёнма-ён Умар Қосимовични нохушлантириб, асабийлаштирадиган, сергак бўлишга ундайдиган бир томони бор. У обрўли, ўз қадри қимматини билган, ҳаттоки иззатталаб оилада ўсган. Ёшлигидан ҳурмат-эътиборга одатланган машҳур ва мағрур одамлар даврасида улар билан тенг муомала қилиб келган. Шу боисдан, Зубайда Умар Қосимовичга ўхшаб ҳар бир бўйинбоғ таққан ёки шляпа қўндирган одам олдида қимтинавермайди. Буниси майли. У бўлимдагилар орасида ҳаммадан кўп Азизовнинг ҳузурига киришни ёқтиради. Бундай пайт-

ларда ҳозиргидек яйраб кетади. Гап шундаки, Зубайда Муслимовни ҳам четлаб, ўзини тўппа-тўғри Умар Қосимовичнинг ўрнини эгаллашга муносиб киши, деб билади.

У хонадан тез чиқиб кетди.

— Сиз ўтираверинг,—деди ўрнида қимирлаб қўйган Муслимовга Умар Қосимович.—Бошқаларга жавоб!..

У қизларни чиқариб, ўринбосари билан нима ҳақда гаплашмоқчи эканини ўзи ҳам билмасди. Фақат унда дардлашиш иштиёқи борлиги муқаррар эди.

* * *

Орадан кунлар ўтиб, ҳаёт олдингидек бир маромда давом этаётгандек бўлди. Лекин Умар Қосимовичнинг кўнглида қандайдир хижиллик сақланиб қолган эди.

У айрим кунлар котибага, мен бандман, деб кабинетни ичкаридан қулфлаб, соатлаб ёлғиз ўтирганча, ўй сурар, унинг хаёлида, нимадир қилиш керак, деган фикр айлангани-айланган эди.

Умар Қосимович оддий бир ҳақиқатни ҳис этарди: Азизов Бухородан қайтиб сўз очмаганига қарамай, бу гап кўмилиб кетди, деб тинчиб юравериш ўз-ўзини алдашдан бошқа нарсаси эмас. Бошлиқларнинг одати шунақа: гапиради-қўяди, кейин индамай натижасини кутади. Ҳар қандай муносабат қизларнинг соч ўримиغا ўхшайди. Гап яна қўзғалиши аниқ. Жавобинг тайёр бўлмаса, ўзингга қийин. Гугурт чақилгач, уни учирмай туриб, ёнгин чиқмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди!

Умар Қосимовичнинг юрагида бундан бўлак бир хавф ҳам туғилганди: Азизов иши, ташвиши кўплигидан, аризимаган бу кўнгилсизликни эслаб юрмайди, дейлик, аммо (ҳаётда нималар бўлмайди!) бу гапни чиндан бўлимдагилар, идорадаги бошқа ходимлар эшитиб қолишса-чи? Хунук хабар, бемаъни гапнинг саккизта оёғи, тўртта қаноти бўлади, қулоқдан қулоққа ўтиб учиб юраверади! Унга Азизовнинг заҳарханда билан, ҳақорат қилгандек гапиргани камми? Атрофдагилар уни баттар лойга қормайди, деб ким айта олади? Ахир, Зубайда биринчилардан бўлиб енг шимариб, маломат тоши ёғдирмайдими?

Булардан ташқари, умуман, район марказида дуппа-дуруст муаллимлик қилиб юрган акаси нега умрида

урганмаган кучага уриб кетди? Нима сабабдан Азизов айтган аҳволга тушди акаси? Умар Қосимовични шундай саволлар қийнар, баъзан ўйлаб ўтириб, юрагига беҳос гулгула тушар эди.

У ҳафтанинг сўнги кунларидан бирида, қаёққа, қандай ташвиш билан кетаётганини ҳеч кимга билдирмай, Бухорога жунади.

* * *

Умар Қосимовичнинг акаси Усмон Бухоро раёнининг маркази жойлашган Галаосиёда, синглиси Сабоҳат эса шаҳарда яшарди.

У аэропортдан машина тутиб, тўғри Регистонга борди ва арк дарвозаси қаршисидаги кўчага бурилгач, машинани тўхтатди.

Бухоро...

Умар Қосимович бундан олдинги сафар келганида ҳам машинадан худди шу ерда тушган, орқага ўгирилиб, Регистон майдони, қадим дарвоза, улугвор қалъа деворларига тикилган эди. Ушанда ҳам аynи ёз эканлигидан, унга гўёки майдон ва қалъадан қандайдир буғ кўтарилаётгандек туюлган эди. Шу сонияда беихтиёр эслади: бунга икки йил эмас, роппа-роса тўрт йил бўлибди. Шунча вақт сени тавоф этмапман, гуноҳим бўйнимда, мени кечир, Бухоро, деган шоирона бир гап Умар Қосимовичнинг кўнглидан кечди. У лаҳза ичида мана шу қаршисидаги майдон, қалъа атрофларида энди олис туманлар орасида қолиб кетган болалик йиллари ўтганини эслади. Нечундир, бояги шоироналик таъсиридами, кутилмаганда кўзларига ёш қалқди.

Тез кўча бошига қараб кетди. Бу ердаги ҳовлилар ҳаммаси бир пайтда қурилган, бир-бирига ўхшаш. Қайси ҳовли эди Сабоҳатники? Мановими ёки буниси?! Иккиси ҳам эмас, сал нарироқда бўлиши керак. Эшигида эгри тут бор эди...

Топди. Қўнғироқни босди.

Беш-олти ёшлардаги сариқдан келган қизча дарвозани очди. Сабоҳатнинг қизчаси. Лекин исми нима эди?!

— Ки-им, Гулнор?—деган овоз эшитилди уйлар томондан. Қизча Умар Қосимовичга тикилиб, худди ойиси орқада эмас, ёнида туриб, уни кўраётгандек, бўйинини секин қисиб қўйди.

Ўй томонда Сабоҳатнинг ўзи кўринди, ниҳоят.

— Бо! Ака!—Қўзларига ишонмаганидан, анча нарида тек қотиб, қўлларини ёзди Сабоҳат. Кейин, чизиқ устида қимир этмай турган спортчи тўппонча отилиши билан олдинга югурганига ўхшаб, бирдан дарвоза томон елди.—Қиравермайсизми, ака, ўз уйингиз,—деди у алла-нечук севиниб, ҳаяжонланган кўйда. Бехосдан жаҳли чиқиб, киприклари учди.—Тоғанғни танимайсанми, жу-вонмарг, киринг, демайсанми, дарров?!

Умар Қосимович ўзини ҳам, Гулнорани ҳам оқлаш учун қўлидаги портфель, тугунни Сабоҳатга бериб, қизчанинг қўлидан тутди.

Айвонда уларни Сабоҳатнинг эри Абдусамад қар-шилади. У хотинидан ҳам кўпроқ мамнун, худди ўз пирини учратган муриддек, оғзи қулоғида эди.

* * *

Умар Қосимович бир пиёла чой ичиб, кўчада ишим бор, деганча ўрнидан турди. Чойга уннаб, ҳали у билан бундай сўрашишга ҳам улгурмаган синглиси, лекин кечгача юрманг, овқат интизор бўлмасин, деб чирқил-лаганча қолди.

Кун қайтганига қарамай, ҳаво нафас олиб бўлмас даражада иссиқ, дим эди. Ёзда Тошкентда ҳам, яқин-атрофдаги бошқа ерларда ҳам куннинг ёниши табиий. Бироқ «саратон» деган сўзни теграси даштдан иборат Бухорода рўйирост ҳис этади киши. Шўр босган ер ош-ланган териға ўхшаб, оқариб ётади. Ҳавони оқиш бир чанг тутгандек туюлади. Бу офтоб зарраларими, нурга қўшилиб сочилаётган қумми, тушуниб бўлмайди. Чўн-такдан гугурт чиқариб тутса, ёнади, деб ўйлаш мумкин. (Ёқилғи бу ерда ўз-ўзидан ёниб кетган пайтлар бўлган.) Одамлар эса (фақат бухороликлар эмас, ҳар ёқдан келган минг-минглаб меҳмонлар ҳам), бари бир, кўча-ларда терлаб-пишиб юраверишади.

Умар Қосимович Шоҳруд ёқалаб, Лабиҳовузга қараб йўл олди. Унинг тайинли иши йўқ. Ўзича, шаҳарни ай-ланиб, сўнгги кунларда муштдек тугилган юрагини сал ёзмоқчи эди. Шу билан бирга, Бухорога келгач, энди нималар қилишини ўйлаб олишни керак эди.

У Лабиҳовузга етмай, Гавкушон минораси остидаги мадраса пинжигига тиқилган эскигина ҳовли қаршисида, оёқлари ерга михлангандек, бехос тўхтаб қолди.

Ҳаётнинг қандай қизиқ ўйинлари йўқ, дейсиз. Умар,

унинг акасию синглиси — ҳаммаси мана шу ҳовлида туғилган. Урушдан кейинги йилларда, Дарвозани Самарқанд томонга кўчгунга қадар, улар шу ерда туришган. Ҳозир эса, гўёки бутун болалигини Умарга бир йўла эслатмоқчидек, ҳовли олдидаги супачага шолча ташлаб, унинг синфдоши Марзия ўтирибди.

— Ака Умар! Ака Умар-э! — деб ўрнидан вазмин кўзгалганча, ўрдакюриш қилиб, унга яқинлашди Марзия.

Наҳотки, бу ўша — бир пайтлар Умарнинг юрагини кўксидан юлқиб олган шаддод қиз бўлса!

Улар мактабни тугатишганига ўттиз йилча бўляпти. Орада янги анъана — битирганимиз ўн беш йиллиги, деб бир гал, йигирма йиллиги, деб яна бир гал учрашишди. Аммо мактабда ўқиб юрган пайтлар Марзияга синфидан икки йигит баб-баравар ошиқ бўлиб қолганди. Марзия эса, Умарга ҳам, нариги йигитга ҳам қарамай, мактаб остонасидан кечар-кечмас, бошқа бировга тегиб кетди. Шу боисдан, кейинчалик кўринишган бўлса-да, Умар синфдошининг уй-жойидан ҳам, туриш-турмушидан ҳам беҳабар эди.

— Сиз бу ерда нима қилиб юрибсиз? — деб сўради у беихтиёр.

Марзия шарақлаб кулди.

— Мени-ку, уйим шу! — деди у, — лекин сиз бизнинг кўчамизга кирадиган кун ҳам бор экан...

— Биз қочиб юрганимиз йўқ эди, қочган бошқалар! — Ҳазилга ҳазил билан жавоб қайтарди Умар Қосимович.

— Бузоқнинг қочгани сомонхонагача. Ўзингиз вақтида билмагансиз, — деди яна кулиб Марзия. — Ҳай, ўтганга саловат. Уйга юринг, меҳмон бўлинг, — деди у энди жиддий тортиб.

— Йўқ, уйингизга кирмайман. Лекин остонангизга бош қўйиш мумкин, — деди Умар Қосимович ҳамон ҳазиллашганча, супага имо қилиб. Марзия яна кулди. Ҳовли олдидаги супачага келиб ўтиришгач, Умар Қосимович қўшиб қўйди. — Меҳмон қилмоқчи бўлсангиз, бир коса сув...

Марзия ўтирган қўйи бошини буриб, дарвозанинг очиқ тавақасидан ичкарига овоз берди:

— Сотимжон! Бир коса сув келтиринг, бачам... — У қизлик пайтларидагидек қизариб, шу билан бирга, шўхлигини қўймай, Умар Қосимовичга яна илмоқли сўз отди. — Ҳалиям юрагим куйиб юрибман, денг!

— Сураманг!—деди Умар Қосимович. У секин пи-
чирлади:—Иссиқ...

— Янгамиз, бунинг устига, сизин Сибирь қилибди-
лар!—деди Марзия кулганча, Умар Қосимовичнинг эг-
нига имо қилиб.

Умар Қосимович сафарга ҳам ишдагидек қора кос-
тюм кийиб чиққанини энди пайқади. Жунроқ кийинса
буларди, албатта. Лекин идорада шундай юришга ўр-
ганиб қолганидан, бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаган эди.

У очик тавақадан ҳовлига — оқарган кафтдек ер,
чанг босган гулларга қаради. Унинг кўз олдига ўзи —
шу ҳовлида умбалоқ ошиб ўйнаб юрган бола келди.
Бу бола шу ҳовлидан ҳам, ота-онасининг пинжидан ҳам
ҳеч қачон, ҳеч қаёққа кетмайман, деб ўйларди. Аммо
ҳаёт буюк ҳаракатдан иборат экан. Инсон — чумоли.
Саф чекиб, ҳалқа бўлиб, суринаверар экан. Бу суруниш-
дан маъно нима?! Дарвоза оғзида пайдо бўлган ориқ,
соядеккина йигитча Умар Қосимовичнинг хаёлини тузи-
тиб юборди. У бир ойиси, бир Умар Қосимовичга ўкра-
йиб қараб қўйиб, хўмрайганча, қўлида коса тутиб ту-
рарди.

— Дард кўрманг, бачам. Баракалло!—деди Марзия.
У ўғлининг қўлидан косани олиб, Умар Қосимовичга
узатди.

Бу — ичига муз солинган яхоб эди. Умар Қосимович
йигитчанинг,—ойисини рашк қилибми,—дарвоза оғзида
хўмрайганча яна бир нафас серрайиб турганини куза-
тиб, ичида кулимсираганча, сувни роҳатланиб симирди.

— Тошкентда обрўйингиз яхши экан. Катта ишга
ўтибсиз, эшитдик,—деди унга боядан бери разм сола-
ётган Марзия ниҳоят.—Ҳозир Бухорода текширувчи кўп.
Сизниям бирон ишни текширишга юборишгандир, ко-
мандировка қилиб...

— Йўқ, мен бошқа вазифа...—ғудранди Умар Қоси-
мович. Унинг шу сонияда Марзияга кўнглини очгиси
келди.—Акам бор... Ёши элликка бориб қолди. Мендан
бир олти ёш катта... Шу киши ичишга ўрганибди...—
Умар Қосимович аслида акасининг муллагчилик қила-
ётганини ҳам айтмоқчи эди, бироқ буни айтишга уялди.
Марзиянинг олдида ўзининг ҳам кулги бўлишидан кўрқ-
ди.

— Э, шу ичиш қурсин. Шунча зараридан гапирамиз,
яна ичган ичади,—деди Марзия.—Бола-чақасини ўйла-
са бўлмайдим... Мана, Сотимни дадаси... Алафга оғзи-

ни босиб, нафас ололмай, ўлиб кетди. Қимга қийин — бизга! Қуйиб қолавердик...—Бу энди бошқа Марзия эди. Умар Қосимовичга у изтироб чекканидан қорайиб, ҳамон қандайдир тутаётгандек туюлди.

— Қачон ундай бўлди? Узр. Мен билмаган эканман...—деди Умар Қосимович, гўёки билса, дарҳол чора кўрадиган одамдек кўйда.

— Тўрт-беш йил ўтди... Ҳай, энди фойдаси йўқ,— деди Марзия.—Хўш, энди нима қилмоқчисиз?—деб суради у бирдан.

— Нимани?—деди гангиб қолган Умар Қосимович.

— Акангизни-да... Мени эмас, албатта!..—яна олдингидек шарақлаб кулди Марзия.

— Ҳа, акам... Билмадим, — деди Умар Қосимович.— Нима қилганда ҳам, ўзи билан ҳушёр пайтида бир гаплашшим керак. Кейин, бирон дарди бўлса, енгиллатиш... Бусиз мумкин эмас!

— Ҳай, ишсиз, вазифасиз бир келинг, меҳмон бўлиш учун. Минг тошкентлик бўлиб кетгандаям, Бухорони эсдан чиқариш... унда, қулоғингизни ўзим кесаман, янгамизга билдирмай,—деди кулганча Марзия.

Умар Қосимович беозор жилмайиб, Марзияга бу гал фаромуш тикилди. У Марзиядан вақтида узоқлашиб кетганию, ҳозир Бухорога ташвиш билан келганига ўқинди. Афсус, суҳбат тугаган эди. Умар Қосимович ўрнидан турди.

— Ўзингиз ҳам биз томонларга ўтинг...—деди у шунчаки мулозамат юзасидан.

— Ҳа, албатта... — деди Марзия.

Лабиҳовузга етиб, асрий тутларнинг осмонга чўзилган қўллардек яланғоч шоҳлари, сийрак баргларига тикилганча, ҳовузни ёқалаб кетаётиб, Умар Қосимович бу ердан бир неча қадам юқорида ўрнашган Насриддин Афанди ҳайкалига кўзи тушди.

У ҳайкал тўғрисида газеталарда, журналларда ўқиган, лекин ҳали кўрмаган эди. Тикилиб туриб, завқи тошди. Дунёда афанди ўтган бўлса, худди мана шунақа одам эканлигига ишонади киши. Ҳайкалнинг ўрнашган жойи ҳам афандига мос, кулги уйғотади: «Оёқ остида зина, ундан нарёғи ҳовуз, сиз эса зўр бериб, эшакни ниқтаб боряпсиз, афанди бўлмасангиз, шундай қилармидингиз, хўжам!»

Шу аснода унга афанди ўз устидан ҳам кулаётгандек туюлди. У негадир ҳайкал олдида ўз-ўзидан хижолат чекди.

Сабоҳатнинг уйига бутун узоқ-яқин қариндошлар ёпирилган — бир ҳовли одам тўпланган эди.

Бир-бирини қучиб-ўпиш, меҳр изҳор қилиш, гинахонлик бошланди.

Ўртада катта дастурхон ёзиғлиқ эди. Абдусамад икки қўлида иккитадан тўртта шиша кўтариб кирди.

— Э, қўйинглар шу сабилни, ҳукумат қатағон қил-саям, булар ичади, бачам,—бир даврага, бир Умар Қосимовичга юзланиб, зорланди уларнинг авлодидаги энг кекса киши — аммабуви, ёши юзга яқинлашиб, иягини мўй қоплаган кампир.

У ўзини Умар кўришга бормаслигини билиб, бир кўрай бачамни, деб анча ердан судралиб келган. Аслида, Умар бир пайтлар отаси учун ҳам волидаликка яраган бу кампирнинг оёғига йиқилиб, оёқларини ўпса, арзийди... Болаликда нуқул ундан куларди. Масалан, аммабуви уйга келганида, муллаойимникига бордим, бир оғизгина ош қилган эканлар, икки оғизгина едим, қабилда гапирарди. Умар, сиз бир оғиз ошдан қанақасига икки оғиз едингиз, деб кампирни мазах қиларди. Кейин, аммабувининг бор-йўқлигини унутди. Ота, онасига тегишли маросимларда уймалашиб юрган кампирга бир-икки тўқнаш келди, лекин бари бир унга ортиқча иши бўлмади... Бошқаларнинг муносабати ҳам шунақа. Аммабувига Умар Қосимович тўғрисида одоб юзасидан хабар етказишган, ўзлари эса, келмаса яхши бўларди, деб туришган. Чунки кўпчилик, кампир гапдонлик қилиб, даврани бузади, деб қўрқишади. Бу кампир—тирик тарих. Лекин атрофдагилардан ҳеч кимнинг қайрилиб қарагиси йўқ. У — китоб. Лекин ён-верида ўқийдиган киши топилмаганидан унутилиб, чанг босиб ётибди.

— Акамулло бир келибдилар, бибижон, ҳурматларин...—Ғудранди Абдусамад шишаларни дастурхонга қўйганча.—Қатағонни ҳисобга олиб, фақат оз-оздан, бибижон... кўпайтирмаймиз...

— Ўзларинг ичсанглар, майли. Олдиндан айтишим керак, мен ичмаяпман,—деди Умар Қосимович, Абдусамад ўз номини ўртага қўшганча шиша очишга киришганини кўриб. (У ҳаётида қаттиқ ичган пайтлар ҳам, оз-оздан олиб юрган кунлари ҳам бўлган, яқин-яқингача бунн оддий, табиий ҳол, деб билар эди. Бироқ акаси тўғрисида гап чиққан фурсатдан бошлаб, оғзига олмаган ва энди оғзига олмасликка ўзи-ўзига сўз берган-

ли.) — Лекин сизларга айтадиган гапларим йўқ эмас... Шу сафар Бухорога келганимдан, мана, сизларни кўриб турганимдан хурсандман. Айбим бўйнимда. Анча йил келмадим. Ҳолбуки, Тошкент билан Бухоро Мағриб билан Машрик эмас, икки қадамлик йўл... Отам бўлмасалар, акам бор, онам бўлмасалар, синглим... Мана, бишим катта бошларини кичик қилиб, мени кўргани келибдилар. Мен бу кишини зиёрат қилишим керак эди. Бунинг устига, Бухоро ўзи мана шу бишимга ўхшаган... Мен келмасам, Бухорога эмас, ўзимга жабр... Бугун шу нарсаларни тушунганимдан ҳам хурсандман...

— Э, раҳмат-э, акамулло, минг раҳмат, шунча яхши гап айтдингиз,—деди бу орада қадаҳ тўлдиришга улгурган Абдусамад.—Энди ичмасангиз ҳам, шу яхши гапларга ўзингиз муҳр босиб...

— Йўқ, муҳр босмаймиз, — деди Умар Қосимович.

— Нега? Нега?—чуғурлашди Абдусамадга қўшилишиб, Умар Қосимовичнинг даврани тўлдирган холавачча, тоғаваччалари, бошқа қариндошлари.

— Ичиб юрганимдаям, бугун ичмасдим,—деди Умар Қосимович.—Эртага ишим кўп. Индин кетяпман, улгуриш керак. Ундан ташқари, наҳорда қабристонга бормоқчиман. Кечқурун ичиб, эрталаб ста-онанг ёнига бориш... яхши эмас...—У рўпарасидаги кампирга имо қилди.—Мен бишим билан гаплашсам, ҳозир кўпроқ кайф қиладиганга ўхшаб турибман...—Бошқалар, аёл-эркак ҳаммалари ичишди. Умар Қосимович эса, кампирдан сўради:—Қизиқ бир гап... Сиз эски замонларниям кўргансиз. Масалан, ўшандаям одамлар шундай ўтириб ичишармиди, бибижон?

— Йўқ, бачам,—деди кампир.—Қим бекитиб ичганини биров эшитсаям, дарров овоза бўлиб кетайди. Амирлик ичганини тутуб, зиндонга ташлаган, бачам. Мабодо, обрўли одам ўртага тушиб, шафқат қилса, сарбозликка олайди, қариб ўлгунча аскар бўлиб юра берайди, бачам. Қўймасди... Яна, бир одамни биламан, кўчага яланғоч чиқориб, сазойи қилган. Ямон эди, бачам... Хотунлар ичгани бирон китобгаям йўқ. Ман фақат эркакни айтаяпман...

— Беклар, амирлар ўзи ичган. Кинода кўрганмиз,—деб ғудранди Абдусамад.

— Амирни билмадим, бачам,—деди аммабуви.—Халқ ичмаган. Уят деб билган. Шарият ҳам кўтарма-

ган... Бошқаларни айтмайман, сизлар катта бўлгунча бизнинг авлодга ичган одам йўқ...

— У замонлар билан бу замон ер билан осмонча фарқ қилади, бибижон,— деди давра совнишдан қўрқибми, эри томон ўтиб олган Сабоҳат, гапга аралашиб. — Масалан, дадам бошларига қийиқча ўраб, чопон кийиб юрганлар. Акам бугун шундай кийиб келсалар ўзингиз ёқа ушлаб, бу Умарбойга бир бало бўлибди, дердингиз. Тўйми, маросимми, ҳар куни ичмаслик керак, албатта. Биз ҳам ичмасак бўларди. Лекин акам нима дейишларини билмадик. Бунинг устига, озиб-ёзиб бир келибдилар акам, ахир!—Сабоҳатнинг беҳосдан кўзларига жиққа ёш тўлди.

«Мен бемехрлик қилганим кам, бошқаларнинг меҳрини ҳам ҳисобга олмапман. Яна бир карра айб менда! — деб ўйлади Умар Қосимович. Шунинг баробарида, у бундай хаёлга борди.—Иzzат-нафс нозик бўлиб қолган, ичма, десанг, ўзларига оғир олишяпти. Мен ҳали акам билан қандай гаплашаман?!»

Абдусамад хотини қўллаганига суюниб, қадаҳларга яна бир сидра қуйди.

Умар Қосимович ўтган узоқ замонлар эмас, ўзи билган болалик йиллари — урушдан кейинги йилларни эслади. Ушанда тўй кўп, лекин ичилмас эди. Ундан ташқари, қизик жойи: эркакларга наҳордами, кечқурун ош тортилар, уларнинг дастурхон бошида базми жамшид қилиб ўтириши расм эмас эди. Тўй, асосан, аёллар, болалар учун, деб тушуниларди шекилли. Куй-қўшиқ, кулги, рақс, «ёғоч оёқ»да ўйинлар, тўй сабабчилари бошидан қанд-қурс, танга сочишлар... Аллақандай файзли эди. Уйга кимдир келса ҳам бир чойнак чой ўрнига шиша кўтариб чиқиш у пайтлар тасаввурга сиғмасди. Бу анча сўнг одатга айланди...

Кексалар нақадар зийрак бўлишади!

Афтидан, аммабуви Сабоҳат билан Абдусамад сал инжишиб, бу ҳамманинг кайфиятига таъсир қилганини ҳис этган эди. У ҳеч қачон даврани бузган эмас, бузмоқчи ҳам эмас. Бунинг амалда исбот қилиши мумкин...

— Саники тўғри, бачам. Замон бошқа! — деди кампир Сабоҳатга дам ўтмай, меҳрибонлик билан тикилганча. — Одамлар етти ўлчаб, бир кесади. Ўз ишини билади. Эс-хушли... Ҳозир кундузи чирок ёқиб қидирсанг, мулло Садирга ўхшаган одамни топмайсан...

— Мулло Садир деганингиз ким экан?—Қизиқсиниб сўради Умар Қосимович.

— Шундай бир одам ўтган,—деди кампир.—Эшитмаган бўлсанг, айтаман... Мулло Садир кечаси шамни ёнига ўтириб, китоб ўқийкан. Қайси бир кеча: «Соқоли бир тутамдан ошган одам аҳмоқ бўлади!»—деган гапни ўқибди китобдан. Бундай соқолини тутамлаб кўрса, кўп... Қайчи қидириб ўтирмасдан, соқолининг ошиқча бўлиб кўринганини шамга тутибди. Қўлига олов тегиб, қўлини тортган экан, бутун соқол пах этиб ёнгани майли, юз-бетигача куйиб кетибди...

Даврада ҳамма беихтиёр кулиб юборди.

— Кўп қизиқ гапларингиз бор-да, бибижон!—деди завқланиб Абдусамад.—Ўзи дафтар олиб, сизнинг гапларингизни ёзиб бориш керак...

Ниҳоят, меҳмонлар ўрниларидан қўзғалишди.

— Сиз қолинг, бибижон. Кеч бўлди,—деди кампирга Сабоҳат.

— Йўқ, манам уйимга борай. Манга ўз жойим яхши,—деди аммабуви. У эшик оғзида тўхтаб, Умар Қосимовичга қаради.—Бу келишингга ман бўлмайман, бачам. Янги уйимни сўраб боргин, хўпми?..

Умар Қосимович юраги гижимланиб, алланечук эзилди. У ҳис этди: кампирнинг гапи тўғри—худди шундай бўлади. Яна бир фикр унинг хаёлидан кечди: ҳеч ким дафтар олиб, кампирнинг бир асрга яқин умрида кўрган-кечирганлари, эшитган-билганларини ёзмайди. Кампир ҳаммасини ўзи билан тупроққа олиб кетади!

Аммо Умар Қосимович аммабувига дарҳол далда беришга ошиқди:

— Сиз ҳали тетиксиз, бибижон. Ундай деманг. Ундай деманг-да...

— Бир айтдим-да, бачам,—деди кампир.—Йўқлаб борсанг, ман хурсанд бўламан... Тириклардан икки оғиз фотиҳа...

Умар Қосимович ўзи кутмаганди: томоғи қуруқшаб, киприклари намланди...

Дарвозахонадан уйга қайтиб киришгач, Сабоҳат чойни янгилаб акаси билан энди астойдил ҳол-аҳвол сўрашга чоғланди. У негадир секин, эҳтиёткор оҳанг-да сўради:

— Янгам қалай? Яхши юрибдиларми, ака?!

— Юрибди янганг,—деди Умар Қосимович.—Ўтирадиган жойи кичик бир дўкон, лекин шуям ўзидан орт-

майдн. Баъзан дўхтирга боришга вақти йўқ. Бўлмаса, шу сафар униям олиб келармидим.

— Олиб келсангиз, яхши бўларди. Киши соғинади,— деди Сабоҳат.

— Сизлар борганда, доим яхши кутавермайди. Хи-жолат чекасан киши, — кўнглидан кечганини тўғри айтаверди Умар Қосимович.

— Тошкентда шароит бошқача. Биз ҳам тушунамиз-ку, ака,— деди Сабоҳат. У гапни болаларга кўчирди.— Донишбой тузукми? Мужримчик?!

Донишбой, бу — Аҳмад Дониш, Мужримчик, бу — Мужрим Обид шарафига қўйилган исм. Умар Қосимович бунга, одатда бефарқ қарарди, ҳозир қандайдир уялди: болаларга ҳадеб буюк кишилар исмини қўявермаслик керак экан.

— Болалар ҳозир тинч. Каникул,— деди у.— Сен менга қара,— деди шундан сўнг бирдан,— акамни аҳволдан гапир...

— Сиз, бу эртага ишингиз кўп бўлса, акамни ҳам кўролмассиз?— деди уни бирон топшириқ билан келган, деб ўйлаган Сабоҳат.

— Акамни аҳволи қанақа, деяпман?— бир оз асабийлашди Умар Қосимович.

— Юрибдилар...— деди Сабоҳат.

— Доим шунақа, юрибдилар, дейсан. Қандай юрибди — айтмайсанми?!

— Ишдан кетган. Бекорчилик...

— Ичиб, муллалик ҳам қияптимиз?!

— Унисини билмадим,— деди Сабоҳат. Кейин қўшиб қўйди:— Бухорога кам келадилар. Сўраб борсак, уйлари-дан топиш қийин...

Буни у тўғри айтди... Усмон Қосим Умар Қосимовичнинг тескарисси: аёлларни ёмон кўради. Бир марта уйланиб, ўн беш йилча турган, ўртада тирноқ бўлавермагач, хотини билан ажрашган. Бошқа уйланмаган.

Ушанда Умар унга: «Ака, уйланинг қайтиб, бола-чақа яхши нарса, орзу-ҳавас!» деб ўзича насихат қилган. Аммо Усмон: «Э, йўқ, бўлди, хотин бадимга тегди!» деган.

Қисқаси, Усмон Қосим Галаосиё марказидаги катта йўлдан анча ичкарида, бир тавақали дарвозаси бор кичик бир уйда туради.

У ўзига тахаллус олган шоир ҳам, санъаткор ҳам эмас, лекин уни районда ҳамма негадир шундай — Ус-

мон Қосим, деб аташга ўрганиб қолган. Олдинлари ҳам кўпинча шу: дарвозасига қулф осиглиқ эди; қаерлардадир юради. Лекин олдинги пайтлар уни, ҳар қалай, мактабдан топиш мумкин эди. Энди мактабдан кетган, унинг устига ичиб, муллачилик қилаётган бўлса, қидирган билан ҳам топиш дарғумон!

Бунн Умар Қосимович йўлга чиққанидаёқ ўйлаган эди. Бу чигалликни инобатга олмаса, Галаосиё Бухоронинг пинжида, у Сабоҳатнинг уйига киришни ҳам кейинга қолдириб, тўғри ўша ёққа кетаверарди. Сабоҳат билан гаплашиб, ишга имкон етганича аниқлик киритмоқчи эди, бўлмади.

Боядан бери ўзича гоҳ уйга кириб, гоҳ уйдан чиқиб турган Абдусамад кутилмаганда уларнинг ёнига келди.

— Сизга ака Усмон керак, мен эшитдим,—деди у илжайиб Умар Қосимовичга.—Ака Усмон юқори Кобдун ёки қуйн Кобдунда бўладилар. Бу икки қишлоқдан топмасангиз, Ғурбунда бўлишлари аниқ...

— Сиз бу гапни қаёқдан олдингиз?—деб, эрига аччиқланиб қаради Сабоҳат.

— Одамлардан... Бир борганимда, шунақа деб айтишди...

— Ичдингиз-да, алжираяпсиз.—Эрнин койинб берди Сабоҳат.—Акамни ҳозир биз ўзимиз ҳам унча билмаймиз, ака...

* * *

Кун ёришмасдан ўрнидан турган Умар Қосимович бошқаларни безовта қилмаслик учун оёқ учида юрганча ташқарига чиқди-ю, айвон этагида туйқусдан Абдусамад билан Сабоҳатга тўқнаш келди.

— Яхши ухлолмадингизми, ака?—деб сўради сал хижолатланиб, меҳрибонлик билан Сабоҳат.

— Йўқ калла пишди,—деди Умар Қосимович.

— Бўлмаса, ошга кетдик, акамулло,—деди Абдусамад.

— Қанақа ош? Йўқ, мен...

— Дарвозан Самарқандда Рустам деган журангиз бор. Сиз билан кўча чангитган... Тошкентда уйингизгайм борган...

— Биладан Рустамни. Нима бўлибди Рустамга?—деди Умар Қосимович куёви узоқ тушунтириш бераётганидан, сабри чидамай.

— Шу ака Рустам бугун ош беряптилар оналари учун... Мен кеча кечқурун кўчада кўрдим у кишини, келганингизни биладилар...

Умар Қосимович қизиқ ҳолатга тушди. Гавкушондаги сингари дарвозан Самарқанддаги ҳовли ҳам энди бегона бўлиб кетди. Лекин чол-кампир умрлари сўнгигача шу ерда яшаб, шу ҳовлидан чиқарилган эди. Умарнинг онаси вафот этганида, Рустам дарвоза оғзида бир ҳафта бел боғлаб турган. Умуман, Умар Қосимович эсласин-эсламасин, ҳеч қачон унутмаган фидойи дўсти — Рустам. Ҳозир бориб, уни табриклаб қўймаслик, етмишми, саксон йиллигим (анигини Умар Қосимович билмайди, билишга ҳам кўп қизиқмайди) нишонланаётган кампирга бир қур салом бериб чиқмаслик одамгарчиликдан бўлмайди... Э, Бухорога келганда, доим нима етишмайди — вақт. Тошкентдаги кундалик югур-югурдан ҳам баттар аҳволга тушади киши бу ерда!

«Шунинг учун келмай қўя қолиш менга бегалва туюлса керак!» деб ўйлади Умар Қосимович.

У ичкаридан портфелини кўтариб чиқди.

— Мен шу ёқдан кетавердим, Сабо, — деди синглисига кеча мақсадини очиқ айтмаган Умар Қосимович ҳозир ҳам дардини ёриб ўтирмай. — Эргага бўш қолсам, яна бир кирарман. Бўлмаса, ўзларинг боринглар биз томонга...

— Акам мабодо келсалар, нима дей?—деб сўради Сабоҳат.

— Ҳеч нима,—деди Умар Қосимович ўйланиб.— Ўзим кўрсам керак... Кўришга ҳаракат қиламан.

Бу ердан икки-уч гузар наридаги дарвозан Самарқандга етганда ўз ҳовлилари олдида бир нафас тўхтади. Унга шу дамда онаси беҳос дарвозани очадигандек, оғаси ҳам ҳовлида айланиб юргандек туюлди.

Рустамлар ҳовлиси кўчанинг охирида. Эшик ёнида одамлар тўпланиб туришибди.

Умар Қосимовични дарҳол пайқашди. Рустам унга пешвоз ҳаллослаб кела бошлади.

— Яша, жўра!—деди Умар Қосимовични қаттиқ кучоқлаб Рустам.—Лекин шу бугун келмасанг, сўяман, деб тургандим...

— Қўй, бир оз яшайлик, жўра,—деди Рустамнинг ўзига ўхшаган дағал-қўпол лутфига жавобан кулиб Умар Қосимович.

— Келдинг, энди минг йил дардисар бўлиб яшай.

верасан! — деди Рустам. — Қани, юр... Олдин бибиға бундай қуюқ бир салом бер, боши осмонга етсин, кейин ўзимиз гаплашиб ўтираверамиз...

Эшик ёнида турганлардан бўлак, кимдир ҳовлига кирган, кимдир чиққан. Ичкарида дастурхон олдида ўтирган ҳам кўп.

Умар Қосимович билан бировлар бош силкишиб кўришган бўлишди, бировлар ўзаро нимадир деб, пи-чирлашиб қўйишди.

Рустам уни ҳовли тўридаги тўққиз болорли хонага олиб кирди.

Хонада Рустамнинг ойиси уч-тўртта хотинлар ичи-да, худди ҳали ўтиришга яхши ўрганмаган ёш болага ўхшаб, юмшоқ болишлар орасига чўккан эди.

Умар Қосимович кампир, сўнг бошқа аёллар билан саломлашди.

У, кўришмаган тўрт-беш йилда, Рустамнинг ойиси анча қариб қолганини дарҳол пайқади. Ойи унинг аммабувисига нисбатан ёши кичик, лекин бир қарашда, кексароқ, деб ўйлаш мумкин. Аммабуви қоронғида ҳам бамисоли мушукдек ҳамма балони кўради. Ойининг эса кўзлари хира тортган. Мана, хонага ким кирганини билмай, анграйиб турибди.

Умар Қосимович эслади: ойи бир умр зардўзлик қил-ган, машҳур зардўз, деб талай китобларда суратлари ҳам босилган. Кашта, зардўзлик, — қўлдан ташқари, кўз меҳнати, — ойи шундан ожизланган бўлса, ажаб эмас.

— Сизни эшитиб, Умаржон жўрам Тошкентдан келибди, она, — деб тушунтириш берди ойисига Рустам.

— Умаржон... Яхшимисиз, ўғлум?! — деди овози тит-раб ойи. — Умрингиз узоқ бўлсин, бизни йўқлабсиз, сиз-ни худо йўқласин! — Кейин сўради: — Ишларингиз яхши-ми, ўғлум?

Умар Қосимович Бухорода, акаси қолиб, асосан, Марзия, аммабуви билан мулоқотда бўлганию яна бу ёққа бош суқишига тўғри келганини ўйлаб, кулимсира-ганча, ишлар пачава, Бухорога келиб, нуқул кампирлар билан «свидания» қилиб юрибмиз, деган хаёлга борди. Аммо ойнага:

— Шукр, ҳаммаси жойида, — деди у. — Ўзингиз бар-даммисиз? Табаррук ёшингиз қўтлуғ бўлсин! (Аннигини билмаганидан, фалон ёшингиз, демади.)

Кейин кампир Умарнинг ота-онасини эслаб, улар би-лан аҳил қўшничилик қилишганидан бир оз гапириб

ўтирди. Умар Қосимович ҳам аёллар қуйиб узатган бир пиёла чойни ҳўплаб, ойнинг ўзи яхши аёл эканлиги, Рустамдек ўғил ўстиргани, меҳнаткашлигидан — у тиккан зардўппи, заррин кавушлар қанча қизларни суюнтирганигача, узук-юлуқ ҳолда, сўз қўшиб турди.

Ниҳоят, Рустам икковлари рухсат сўрашиб, ташқарига чиқишди.

Бошқалардан четроқдаги дастурхон ёнида ўтирган Абдусамаднинг олдига ўтишди. Бирпасда бу дастурхон атрофида беш-олти киши йиғилди. Хизмат қилаётган ўсмир болалар ҳаш-паш дегунча бир хумчойнакда чой, бир хумчойнакда арақ келтиришди.

— Сиз ўзимиз учун ҳам икки оғиз бундай ўқимай-сизми, тақсир?! — деди Рустам чустдўппини қулоғигача бостириб кийган қорамағиз бир кишига.

Давра қуйнисида ўтирган ҳалиги киши Рустамга лом-мим демади. Қоматини бир ростлаб, қайтиб бўйини, елкаларини қисди ва кўзларини юмганча Қуръондан қисқа оятлар ўқий бошлади.

Умар Қосимович ҳовлига қадам қўйганида биров қироат қилаётганига эътибор берган, хонада ўтирган пайтида ҳам қулоғига элас-элас овоз чалинган эди. У тушунди: қори шу одам экан.

Қироат тугаши билан Рустам пиёлага арақ қуйиб, бир четдан узата бошлади.

«Ота-оналар ёшини нишонлаш яхши удум. Фақат бу ерда... қироатнинг араққа, арақнинг қироатга нима алёқаси бор?!» деб ўйлади ўзича Умар Қосимович. Лекин шу дамда унинг диққатини бошқа бир нарсa жалб этди.

Қори Рустамнинг яқинида ўтирганидан унга ҳам биринчилардан пиёла узатилди. У лом-мим демай, қироат қилишни «ўрнига қўйгани»дек, яна лом-мим демай, арақни симириб, қўлининг орқаси билан лаб-лунжини артди. Шу пайт дарвоза томондан «ака қори» деган нидо эшитилди. У ўрнидан туриб, келган бир гуруҳ янги меҳмонлар ёнига борди ва улар ёнида ўтириб, ҳеч нарсa бўлмагандек, яна қироат қилишга тушди.

Умар Қосимович акасини эслаб, шу дамда у ҳам қайсидир қишлоқда шунақа «хунар» кўрсатаётган бўлиши мумкинлигини тасаввур қилди ва бекорга вақт ўтаётганини ўйлаб, бирдан нотинчланди.

— Мен наҳорда ичолмайман, жўра. Соғлиқ кўтармайди, — деди Умар Қосимович пиёла узатган Рустамга. — Бугун бир оз ташвишларим ҳам бор...

— Бўлмаса, кечқурун келасан. Ҳозир келганинг ҳисоб эмас. Бу қанақа ўтириш бўлди! — деди Рустам.

— Келаман. Яхши...—Гудранди ўрнидан қўзғалиб Умар Қосимович.

— Йўқ, кечқурун келмаган ҳар нима, деб қасам ич!—Қайсарланди Рустам. У, афтидан, олдин ҳам бир оз ичган эди.

— Кечқурун келмаган ҳар нима! — деди Умар Қосимович қасам ичмаслигининг иложи йўқлигини ҳис этиб.

У Абдусамаднинг қўлидаги портфелини олиб, кўчага чиқди...

* * *

Умар Қосимовичнинг отаси туқсон йиллик умрининг ярмини амирлик, ярмини кейинги даврда ўтказган, кўпни кўрган-билгани сингари ўзида ҳам кўп нарсаларни муҷассамлаштирган бир киши эди. Вақтида Бухоро аҳолиси, асосан, ҳунармандлар, деҳқонлар ҳамда зиёлилардан иборат бўлган, дейишади. У ўз ҳаётида мана шу уч табақани оралаб ўтган ва қандайдир буларнинг барчасига мансуб эди. Гап шундаки, Қосим бобонинг ота авлоди деҳқон, она авлоди ҳунарманд сулола бўлиб, қуювчилик—рехтагарлик қилишганию бу хонадонлардаги аёллар билимли, «отинбуви» деб ном олишганидан ташқари, унинг ўзи шахсан шундай тақдирни бошдан кечирган: болаликдан бобоси, тоғалари олдида рехтагарлик билан шуғулланган, иши бароридан келмаганида қишлоққа кетиб, деҳқончилик ҳам қилган, буларнинг устига-устак, отинбувилар қўлида савод чиқариб, мактабда, сўнг мадрасада таҳсил кўрган эди. Давр ўзгаргандан кейин ҳам у деҳқончилик ва ҳунармандчиликдан узоқлашмаган, шунинг баробарида, ўзича нималарнидир ўқиб-ўрганишни ҳеч қачон тарк этмаган эди... Умар Қосимович эслайди: отаси ҳовли бурчагидаги кичик бир уйда худди қадимги уламоларга ўхшаб, олдида уч-тўрт китоб, уларни варақлаб ўтиргани-ўтирган эди. Қосим бобо барча туркий тилларни яхши ўзлаштирган, озар билан ҳам, туркман билан ҳам эркин гаплашиб кетаверар, рус тилини билар, араб ва форс тилларини сув қилиб ичган эди. Буниси майли. Қария умрининг сўнгги кунларигача бояги уйчада мунтазам радио қулоғини бураб ўтирар, дунёда бўлаётган бутун воқеалар уни қизиқтирарди. У мана шундай билимдон

эканлиги туфайли кутилмаган саволлар бериб. Умар Қосимовични эсанкиратиб қўйган пайтлар кўп бўлган эди. Қария Тошкентда юрган ўғлини ўзига нисбатан зукко одам деб билгиси келар, Умар Қосимович баъзан оддий саволларга жавоб қайтаролмаганида, алланечук ишонмай, ажабланиб қарарди... Унинг ўлими ҳам ўзига хос бир тарзда рўй берган эди. Қўрпа-тушак қилмаган, ўзи бемалол кириб-чиқиб юрган Қосим бобо, одатдаги кун наҳорда, чой дамлаб келган кампирга бундай муурожаат қилганди: «Менга қара, онаси... Болалар ҳунар ўрганиб, авлодимизда рехтагар қоладими, десам, бўлмади. Ўқиб ҳам, кўп нарсалар олганга ўхшамайди болаларинг... Локин булар ёмон фарзанд эмас, мен булардан рози... Кейин, сенга яна айтмоқчи эдим... Бировнинг олдида айбим йўқ, қарзимам йўқ... Шу...» Кампир додираб қолиб, сўраганди: «Нега унақа дейсиз?»—«Ўзим. Эсимдан чиқмасин, деб айтдим. Энди боравер ишингга...» Кампир ўша куни юрагига ваҳм тушиб, бир айланиб, қайтиб уйга кирган, шу қисқа фурсат ичида қария тушакка беозор чўзилганча, омонатини топширган эди...

Умар Қосимовичнинг онаси Муслима биби етим ўсган, у Қосим бободан анча ёш, бунинг устига, етмиш йил атрофида умр кўрган эди. Унинг шу умри ҳам бир хил, бир «ранг»да — бола-чақа, уй-рўзгор, деб деярли кўча кўрмай ўтган эди. У Қосим бобонинг гўёки гоҳ кўзга ташланиб, гоҳ ташланмаган бир сояси бўлиб яшган, шу унинг ҳаёти мазмунига айланганди. Аниқ касби кори бўлмаганидек, Муслима бибининг саводи ҳам чала, хат таниш даражасида эди. У қаттиқ хасталаниб, ўлим билан олишган, яшайман, деб умидлана туриб, беҳосдан узилган эди. Умуман, кампирнинг ўлими ҳам унинг бутун ҳаёти сингари қандайдир мискин ва маҳзун эди. Эҳтимол, шу боисдан, Умар Қосимович энди отасини ифтихор, онасини ачиниш билан хотирларди...

Умар Қосимовичнинг юрагида ота-онасига тегишли армон бор эди. У отаси билан видолашолмаган, отанинг фақат жасадини кўрганди. Аммо Қосим бобони, ҳар қалай, қабрга ўзи қўйганди. Муслима бибини эса, қабрга қўйиб, тупроқ тортишганида у етиб келган, нам тупроққа чўкиб, ўкраб йиғлаганди, холос...

Умар Қосимович Чашмаи Аюб пойидаги қабристонга қадам қўяётиб, шуларнинг барини эслади.

У икки ёндан дарахтлар соя ташлаган йўлка бўйлаб олдинга одимлади ва узун йўлканинг охирига етмай,

тўхтади. Сўнг, худди мана шу йўлкада, кетаётган йў-
лининг қоқ ўртасида, тиз чўкди. Унинг бундай қилгани
бежиз эмас эди. Бир томонда отасининг, бир томонда
онасининг қабри—ўнг қўлда ота, чап қўл тарафда она!

«Отажон, мени маъзур тутинг! Мени маъзур тутинг,
онажон! — Тиз чўкиб турганча ўйлади Умар Қосимо-
вич. — Мен қандай одам бўлдим, ахир!... Тиригингизда,
ўйдан узоқ юриб, сизга яхши хизмат қилолмадим, энди
яна узоқда юриб, сизни бундай йўқлашни ҳам эплол-
маяпман. Бу ишларнинг ҳеч бири фарзандликка муно-
сиб эмас. Мени кечириб қийин, лекин маъзур тутинг
мени, болалик кунларимдагидек, шафқат қилинг мен-
га!»

Шу аснода у беихтиёр кеча аммабуви хайрлашаётиб
айтган сўзларни эслади: «Тириклардан икки оғиз фо-
тиҳа...»

Умар Қосимович бошини кўксига солиштириб, қаб-
ристон сукунатида юраги қаъридаги яширин садоларни
аниқ эшитгиси келгандек, кўзларини чирт юмди. «Мен
ўзимча янги одамман, эскилар тутган йўлни тутолмай-
ман, — ҳаёлидан кечирди яна у. — Лекин янги бўлиб нима
қилишим кераклигини ҳам билмайман... Умрим икки
ўртада ўтяпти... Сизнинг қабрингизга гул қўйиш мени
қаноатлантирмайди... Айтинг, нималар қилишим керак,
отажон, онажон?!»

Умар Қосимович гўёки ернинг пинжига суқилаёт-
гандек бир кўйда ўтирганча, болаликда ўзи кузатган
бир воқеа ҳам унинг ёдига тушди.

Бухорода мулло Сабур деган одам бўларди. У, атро-
фидаги муллалар билан гапи қочганми, ҳар ҳолда, қўқ-
қисдан қайсидир журналда «Мен худодан қайтдим»
деган мақола эълон қилди. Буниси гўрга, фикри қатъий
эканини билдириш учунми, мулло Сабур, ўша кунлар
дабдурустдан соқолини қириб, кўчага салла ўрнига
шапка, ятак ўрнига костюм кийиб чиқди. Ҳар ким нима
дейнишни, қандай юриши ўз ихтиёри, эътиқод мажбурий
эмас... Мулло Сабурга ҳам ҳеч ким ҳеч нарса дегани йўқ,
янги одамларга ўхшагиси келибдими, баракалла! Аммо
кейин... қизиқ бўлди. Эскилар билан ҳисоб-китобни
тўғрилаган мулло Сабур исён кўтариб, мақола ёзганию
усти бошини янгиллагани билан, янги замонавий одам-
лар даврасига ҳам қўшилолмади. У кўчадан кетаётиб
икки томонда дарвозаларни кўриб тургану аммо на у
томондаги, на бу томондаги ҳовлига кира олган одам
ҳолига тушди. Шундай яккаланган алфозда юриб, хору

зорликда дунедан ўтиб кетди шўрлик мулло Сабур.. Бунинг ҳаммасига сабаб: у янги одам бўлишга урингани билан унинг бу йўлда ТАРЖИМАИ ҲОЛИ йўқ эди. У эски таржиман ҳолдан кечган, янгисини қўлга кири-тиш унга насиб этмаганди.

«Мен мулло Сабур эмасман; албатта, мен ўзимча янги одамман, — ўйлади яна, бу воқеани эслаб, икки қабр ўртасида тиз чўкиб турган Умар Қосимович. — Локин мен қандай яшадиму, умримни қандай ўтказяп-ман? Ҳаётимни кимга, нимага бахш этдим?! Беш-ўн йил ярим-ёрти билим эгаллаш... яшаш учун кураш... ниҳоят, хизмат... шу хона меники, деб кун бўйи қогоз қоралаб ўтириш, қўнғироқвозлик, қаватдан-қаватга ка-палакдай учиб юриш ва умуман, одамларнинг дунёда бахтли бўлишига, бугунгидан пок ва гўзалроқ яшаши-га бирон-бир нафи тегмайдиган, ҳеч кимга аслида ке-раги йўқ югур-югурлар... Наҳотки, шу, мен учун муҳим, катта бир иш — инсон эришишга интиладиган шараф бўлса?! Умрнинг кўпи кетиб, ози қолди! Бир марта бе-рилган ҳаётни буюк бир мақсаддан йироқ телба югу-ришларга бериб, бунчалик бемаъни яшаш жабр эмасми кишининг ўзига?! Мен бундай яшаб, акам—Рустамнинг уйидаги қоридек, — тасқара ҳолда юрган бўлса, бизнинг мулло Сабурдан фарқимиз нима, отажон, онажон?! Бизни маъзур тутинг бунинг учун...»

* * *

Галаоснёга Бухородан енгил машинада узоғи билан ярим соатда бориш мумкин.

У ҳам ана-мана дегунча, туман марказига етди.

Вақт пешинга яқинлашган, қуёш аямай олов селини ёғдирарди.

Умар Қосимович шаҳардаёқ иссиқдан лоҳасланган-ди. Бу ерда у худди тандирга бошини суққандек бўлди.

Акасининг аввалдан саёқлигини билса ҳамки, Умар Қосимович кечадан буён унинг уйда бўлишини умид қиларди. Ҳозир ҳам: «Кечқурун ёки эрталаб маросимга борган тақдирда бари бир, кундузи, айниқса, бу иссиқ-да уйда бўлиши керак акам!.. Бунақа ҳавода фақат одам эмас, бутун тирик жон ўзини сояга уради-ку, ахир!» деб ўйлаганча, катта йўлдан тупроқ кўчага ўт-ди. Шу аснода, акамни топсам, бир оз ҳордиқ чиқарар-мидим, деган гап ҳам унинг хаёлидан кечди.

Аммо, йўқ, у бекорга умидланиб ҳовлиққан, Усмон

Қосимнинг эшигида, одатдагидек, гурзидай қулф осиг-
лиқ эди.

Қулоғи остида Абдусамаднинг овози янгради: «Ака
Усмон юкори Кобдун ёки қуйи Кобдунда бўладилар.
Бу икки қишлоқдан топмасангиз, Гурбунда бўлишлари
аниқ...»

«Саратон офтобида, тўрвасини йўқотган дарвишга
ўхшаб, қишлоқма-қишлоқ сандироқлаш бемаънилик,
албатта, — деб ўйлади Умар Қосимович. — Учта қиш-
лоқни айланиб чиқиш осон ҳам эмас. Тошкентдагидек
остимда машинам бўлса, бошқа гап эди. Иккинчи то-
мондан, шунча оворагарчиликдан кейин, уни кўрмай
кетавериш ҳам кишига алам қилади... Хўш, уни қаер-
дан, қандай топиб, у билан қайси йўсинда гаплашиш
керак?!»

Умар Қосимович боши қотиб, бир тавақали дарвоза
қаршисидаги, букри тол остидаги тошга келиб ўтирди.
Ўзи ҳам, кайфияти ҳам ланж бўлиб, қанча ўтирганини
билмайди, беҳосдан қўшини дарвоза ёнжирлаб очилиб,
остонада атлас кийган миқти бир жувон кўринди.

Умар Қосимович ўздан-ўзи ноқулайлик сезиб, ўрни-
дан турди ва жувон билан бош ирғаб саломлашгандек
бўлди.

— Сиз ака Усмонни кутяпсизми? — деб сўради жу-
вон. У анча гапдон экан, саволига жавоб олиб-олмай,
ўзи яна гапира кетди:—Эрталаб уйда радио эшитиб
ўтиргандилар. Қачон, қаёққа кетдилар, билмай қолдим.
Иссиқда ўтирманг, юринг уйга. Хабар олиб турамиз,
келсалар, чиқаверасиз...

— А, йўқ, мен...—ғудранди Умар Қосимович, жувон-
нинг бунчалик очиқлигини қандай тушунишини би-
лолмай.

— Юринг. Унақа уялманг. Узоқдан келганга ўхшай-
сиз. Қўча ёняпти. Бизнинг уйимиз салқин...—Негадир
қизариб, кўзлари порлаб, бунинг устига шоён илжай-
гандек бўлди жувон.

Умар Қосимовичга жувон ўзини рўйирост уйга қис-
таётгандек туюлди. Назарида, жувоннинг ўзини тутиши,
муомаласида аллақандай истиғноли маъно бордек
эди.

«Афтидан, ёлғиз турса керак, нима қилганда ҳам, у
ҳозир уйда бир ўзи шекилли, — ўйлади Умар Қосимо-
вич.—Ёш, чиройли жувон...»

У кириб-кирмасликка иккиланиш сеза бошлади.

Шу пайт, ердан чиқишдими, осмондан тушишдими,

униңг этакларига уралашиб иккита жужук — бир бола ва бир қизалоқ пайдо бўлишди-қолишди.

— Вой, унақа ёпишманглар, уят, уят-ку, жоним!.. — Болаларни Умар Қосимовичдан юлқиб, бағрига босди жувои.—Шаҳардан, ана, амакибобо келибдилар, чоп, жоним, даданга айт, меҳмон, де...

«Падарига лаънат!—Ишнинг бунақа тус олганини-ми, умуман ўзининг бадният феъллини, ичида беихтиёр сўқди Умар Қосимович.—Аёлларнинг ортиқча эркинлиги баъзан хаёлни қочиради. Падарига лаънат!..»

Аммо буларнинг ҳаммасидан ҳам «амакибобо» деган еўз унда ғалати таассурот уйғотди. «Қарибсиз, Умарбой, оғайни, ёшингизга муносиб иш қилишингизга тўғри келади.—Хаёлидан кечирди у.—Дунёда ҳар кимнинг ўзига яраша ожизлиги, бемаънилиги бўлар экан баъзан. Акангиз ичиб, муллагилик қилади. Сиз эса аёлларга ишқибоз. Хўш, ўзингиз бачканаликдан бундай қутулмай туриб, сизга акангизни тергашига бало борми?! Аввал ўзингга боқ, сўнг ногора қоқ, шундай эмасми, амакибобо?!»

— Мен, яхшиси, бир айланиб кела қоламан, қизим, — деди мўминланиб Умар Қосимович жувоига.— Уэр, раҳмат...

* * *

У қаерга бориши, нима қилишини ўзи ҳам билмас эди.

Терга ботганча кетаётиб, дабдурустан мактаб биносига кўзи тушди. Мактабда биров бўлса, акам-тўғрисида, ҳар қалай, гаплашиш мумкин-ку, деган хаёлда шу томонга йўл олди.

— Келинг, отам, хизмат? — Умар Қосимович мактаб ҳовлисига кириши билан бинодан чиқиб уни қаршилади қоровул чол.

— Мен Усмон Қосимнинг укалари бўламан.—Очиғини айтди Умар Қосимович.—Меҳмонга келгандим.

— Яхши қилибсиз, отам,—деди қоровул кўришга ни қўлини чўзиб.—Марҳамат...

Улар нимқоронғи йўлакка киришиб, дераза олдидаги стол ёнидан жой олишди.

— Акам уйда йўқ эканлар... — Яна очиқ гапирди Умар Қосимович, чолдан бирон нарса эшитишга умидланиб.

— Бир ерда бекор ўтиролмайди. Юришга ўрганган. Юргандир-да! — деди қоровул.

— Каердан топсам буларкин?

— Мен унисини билмадим,—деди чол.—Бекорчи одам, қаерда хоҳласа, ўша ерда юраберади... Бизга индамайди, зероки биз уни хафа қилганмиз...

— Биз, деганингиз ким?—Қизиксинди Умар Қосимович.

— Мактаб-да, отам... Шу ерни қуриб, очиб, ўттиз йилдан кўп югуриб юрган одамни орқасига тепгандай иш қилдик.

— Ким? Нега, ахир?!—Асабийлашди Умар Қосимович. У, акам ўзи аҳмоқчилик қилиб, ишдан кетган, деб ўйлаган, акасига қандайдир жабр таъсир қилганини билмас эди. То шу дамгача кўнглида акасидаан фақат норозилик ҳис этаётганди, энди унга нисбатан бирдан кўнгли ачишди.

— Бу катта дoston, отам... Мен айтишга ҳаққим йўқ. Акангиз ўзи сизга айтар, лозим топса... Қани, чойга қаранг. Қанд билан олинг, отам...

* * *

Умар Қосимович олдингидан баттар лоҳаслашиб боши қотган эди.

Энди нима қилишини билмаганидек, бирон нарса тўғрисида ўйлагиси ҳам келмас, шуурсиз бир ҳолатуни домига тортган эди.

Шу ҳолатда у мактаб ёнламасидаги кўчадан тўғрига қараб кетди ва кенг дала-даштга, сўнг қандайдир чуқур зовур бўйига бориб қолди.

Зовур ёқалаб яна илдам юра бошлади. Атроф деярли бўм-бўш, бу чексиз осмон остидаги чексиз ер эди.

Сукунат. Фақат офтоб ўз қўшиғини баралла куйламоқда.

Шу боисдан Умар Қосимович бошига тўр шляпа кўндирган новча бир одам негaдир гоҳ қаддини ростлаб, гоҳ эгилиб, кўпроқ диконглаб юрганини узоқдан кўриб, ажабланди. «Бу ё жинни ва ёки шу паллада балиқ овига чиққан бирон овсар! Бошқа одамнинг менга ўхшаб бу ерда саргардон юриши ақлга сиғмайди!»—деб ўйлади у ўзича ва энди ҳалиги кишига терс томонга қараб одимлади. Аммо кўп ўтмай, ўгирилиб ҳалиги киши узоқлашиш ўрнига қандайдир яқинида пайдо бўлганини пайқаб, юраги ўз-ўзидан орқага тортди.

— Нима қилиб юрибсиз бу ерда, биродар? — ҳайиққаниданми, беихтиёр овоз берди Умар Қосимович. — Балиқ тутяпсизми?

— Бу ерларга балиқ йўқ,—деб тунғиллади ҳалиги киши. Кейин, Умар Қосимовичга қадалганча, унга яқинлаша бошлади.

— Қўйинг, биродар... ишингизни... яхши эмас...—Гудранди Умар Қосимович орқага тисарилганича.—Ака, э...

Ҳа, бу Усмон Қосим эди.

— Умар, ўзингми, жигар?!

Умар Қосимович ўзига келиб, нафасини ростлашга улгурмай, унинг қучоғига ташланди акаси.

У акасини ҳар қандай шаронгта учратишни кутган, буни кутмаган эди.

— Бу ерлар нам.—Дарҳол укасига тушунтириш бера бошлади Усмон Қосим.—Дашт тарафдан иссиқда тошбақа, ҳар хил ҳашаротлар судралиб келишади. Мен уларни тутишим керак... Юр, юр! Уйга борамиз... Фақат мана бу ёқда қоп билан челақ бор, ташишга ёрдам берсанг, ёмон бўлмайди...

— Нима бор ўзи бунинг ичида?—Улар қопқоғи беркитилган челақ билан оғзи боғланган қопга яқинлашгач, нохушланиб сўради Умар Қосимович қопни кўтаришга чоғланганча.

— Қўрқма, булар одамдан заҳарли эмас,—кулди Усмон Қосим.—Кўтарган пайтинг битта-яримтаси елкангини уқалаши мумкин, холос, бошқа зиёни йўқ!

* * *

Бир тавақали дарвозадан кириладиган ҳовли ҳам тор, йўлакни эслатар эди. Бир-бирига туташ икки хона мана шу йўлак деворига худди елимлаб қўйилгандек таассурот қолдирарди.

Усмон Қосимнинг сўнгги кунлардаги иши: хоналардан бирига китоб, бошқасига ҳар хил ҳайвон, ҳашаротлар йиғаетган экан.

— Келганинг яхши бўлди, жигар, зерикиб юргандим ўзим,—деди укасига у, икки бўлак қотган гушт топиб, дарҳол ош қилишга уринаркан.—Бир кеча меҳмон бўлмай, кетаман, демайсан лекин. Шу китобли хона сеники, мен нариги ўйда ётавераман...

— Сиз ҳам шу ерда ётганингиз маъқул. Нима қиласиз ҳашаротлар ичида?—деди Умар Қосимович.—Майли, бир кеча қолсам, қолдим, ака. Аммо менинг сиздан ўпкам бор, очиги... Мен яна келдим, сиз Тошкентга ҳеч бормайсиз...

— Бир бордим. Идорама-идора айландим,— деди Усмон Қосим ўйчан. Бир идора бор экан. Катта хона. Бу четдаги одам у томондаги билан телефонда гаплашадди... Сенинг ҳам идоранг шу, деб қайтиб келавердим...

— Мен... алоҳида хона... бизда иш тинч... Хўп, яна қачон борасиз? — Қайсарланди Умар Қосимович.

— Билмадим, жигар... Мен ёшликда ўқишни битириб, қишлоққа келган одамман, биласан. Мендан бир ёдгорлик қолиши керак бу ерда. Шу кўриб турган ҳовлининг музей бўлади... Бир томон адабиёт, бир томон табиат... Ҳозир-боришим қийин-ов!.. Иш кўп...

* * *

Умар Қосимович Тошкентга қайтиши билан эртанги иш кунини кутишга сабри чидamay, бунинг ноқулайлигини билса ҳамки, Азизовнинг уйига қўнғироқ қилади.

Азизов уйда экан. Трубкани ўзи олди.

Улар ўртасида бундай суҳбат ўтди:

— Сизни қаттиқ безовта қилмадимми, Акмал Турсунович?

— Йўқ. Умар Қосимович, ўзингизми?

— Мен... Сизга бир одам тўғрисида гапирмоқчи эдим...

— Ким?.. Нима иш экан?!

— Райондаги бир мактаб директори... муаллимдан чиққан, охириги уч-тўрт йил директорлик қилган... Шу одам...

— Хўп, кейин?

— Маориф соҳасидаги раҳбарлардан бирининг унга муносабати яхши экан. Лекин ўша раҳбар ишдан бўшатилибди... Директорнинг муовини пайт пойлаб юрган экан, бу фалончининг думи эди, деб директорга ҳужум бошлабди. Уни ишдан бўшатиб, ўрнини эгаллабди...

— Умар Қосимович! Мен унга ёрдам қилишимни сўраяпсизми?

— Йўқ. Гап бошқа... Баъзи бир қабиҳ кишилар бировни ўлдириш билан кифояланмай, уни иложи борича чуқурроққа кўмиб, устидан тупроқ тортавериш пайдан бўлишадди. Биз олижаноблик тўғрисида кўп гапирамиз, лекин аксар олижаноб одамларни қўллаш ўрнига, ҳалигидек кимсаларга эринмай қулоқ соламиз, ноғорасига беихтиёр ўйнагандай иш тутамиз...

— Мен ҳеч нарсага тушунмаяпман...

— Айтаверайми?

— Албатта!...

— Ўзингиздан мисол келтирсам, хафа бўлмайсизми, Акмал Турсунович? Майлими?

— Гапираверинг. Биласиз, мен очик гапни яхши кўраман...

— Сизни ишониб катта лавозимга қўйишган. Лекин биров сизнинг устингиздан ёзади... Эсингиздами, шу тўғрида гаплашгандик?

— Эсимда...

— Кўпчилик сизнинг кимлигингизни, нима ишлар билан машғуллигингизни унутиб, имзолими, имзосизми хатни текширишга тушади. Бу билан сизни ҳам, ўзини ҳам таҳқирлайди... Ифвони ёзган киши ўзи ким—буни ўйлаш негадир хаёлга ҳам келмайди...

— Мен барибир тушунмаяпман, Умар Қосимович... Бунинг директорга нима алоқаси бор?

— Директор қайтиб бош кўтармасин, деб душманлари, хат ёзишмаса ҳамки, шунга ўхшаш «эҳтиёт» чораларни кўришади. Ҳар хил миш-мишлар тарқатишади, бошқа бировларнинг мағзавасини унинг устига ағдаришдан ҳам тойишмайди... Унинг ўзини шахсан билмаган ҳолда—анча-мунча оддий одамлардан тортиб, дуппа-дуруст обрўли кишиларгача, мана шу уйдирмага паққос ишонишади...

— Хўп, қисқаси, директорингиз ким? Қаерда? Мақсад?

— Директор Бухорода, Акмал Турсунович...

— Ҳалиги... Сиз Бухорога бориб келдингизми, дейман?

— Худди шундай!..

Азизов ўйланганми, нафасини ичга ютганми кўйда, бир оз жим бўлиб қолди. Кейин, ўзи-ўзидан қотиб кула бошлади.

— Мени бир мот қилдингиз, Умар Қосимович... Ичиб, муллачилик қилган одам! Эсладим,—деди у ниҳоят.—Менга қаранг, сиз-чи? Сиз ишонмаганмидингиз шу гапга? Тўғриси айтинг!..

Умар Қосимович ҳам беҳосдан кулди.

— Мен ҳам ишонгандим, Акмал Турсунович... Акамга эмас, эшитганимга...—у ўйланиб туриб, қўшиб қўйди:—Лекин бари бир сизга раҳмат!..

— Қўйсангиз-чи... Нега?

— Буни тушунтириб бўлмайди, Акмал Турсунович...

ҲИКОЯЛАР

КЕЧАГИ БОЛАЛАР

Буларни ким айтади,
кечаги болалар, деб —
Бугун қўниб қолибди
чекка сочларига оқ...

(Эски қўшиқ)

1

Отасининг дўсти ҳар гал ундан сўрайди:

- Отинг нимаиди?!
- Насим...
- Неччига кирдинг?!
- Саккиз...
- Уйланганмисан?!

Насим қўлларини қаерга қўйишини билмай, қорнига босади; хижолат чекиб, кифтини қисади, бошини бир ёнга қийшайтиради. Уйланиш нега керак?! Қандай уйланади?!—яхши билмаса ҳамки, отасининг шаҳарлик дўсти берган саволдан ноқулайлик сезади; уялади. Шу билан бирга, бундай пайтларда у негадир аллақачон уйланиш вақти етган-у, уйланмай юргандек ҳолатга тушади. Яна қизиқ жойи, шундай пайтларда унинг шу кунлардаёқ, тез уйлангиси келиб кетади! Ўзи таниган қишлоқдаги қизчалар афти-ангори бирма-бир кўзлари олдидан ўтади. «Робияга уйлансаммикан?! Мискинагами?! Мен билан ҳаммадан ҳам, Қундуз яхшироқ гаплашади! Лекин Қундуз менинг дўстим... Дўстга уйланиш мумкинми?!» Насимга ҳозирча у фақат, кимга уйланишни билмаётган ва шундан қийналаётгандек бўлиб туюлади...

2

Атрофни қоронғи қоплаган. Уйда, сандал устида бешталиқ лампа милтиллайди.

Беш-олти киши сандал атрофида, сандалга оёқ суқиб ўтиришибди. Улар нималардир ҳақида қизгин сўзлашишяпти. Уй сарғиш нурга чўмган. Бу ердагилар

нинг узун-калта соялари — қишлоқ чеккасидаги май-
донда кино кўрсатилган пайтлар бўлганидек! — оппоқ
деворга тушиб, хаёлий бир тусга кирган. Тебранади.
Энгашади. Шифтгача кўтарилади.

Дераза ортида туриб, бир тўп қишлоқ болалари
уйга мўралашади. Ичкаридагилар уларга эътибор бе-
ришмайди. Болалар кеч куз аёзиди дийдираб, олмахон-
лардек секин, товушсиз ирғиб, сакраб-сакраб туриша-
ди. Бир-бирлари билан сурилишиб, бир-бирларининг
пинжиги кириб, исинишади. Улар бари ўз чопончасига
ўранган. Лекин кимнинг бошида бужур телпак, ким-
нинг бошида қорами-қизил бахмал каллапўш — дўппи,
кимдир эса бошланг. Қоронғида уларнинг кўзлари
йилтирайди. Бир-бирига гал бермай, бидирлашади,
чуғурлашишади. Ичкарига тез-тез кўз ташлашади. Кат-
талар эмас, сандалда исиниб, дадаси ёнида тикилиб
ўтирган бола уларни қизиқтиради.

— Отаси билан шаҳардан келган!

— Нима қилар экан?

— Шу ерда юрмоқчи!

— Бир одам, бир бола билан катта йўлда машина-
дан тушиб келаётган эди. Шулар экан-да!

— Отаси муаллим! Мен Саксон тоғадан сўрадим...

Ичкарида дастурхон ёзилиб, ош дамлаб келингунин-
ча, болалар деразадан нари кетишмайди.

...Кейин, дарё ёқалаб, қирга чиқиб кетишади.

Осмон тўла юлдуз. Учади. Сўнади.

Янги ой узоқ денгизда кўринган қайиқдек, енгил,
беозор юзади.

Бедазордан чириллаган товушлар эшитилади...

Майсазорда қушлар питирлайди.

Қўл томонда қурвақалар қуриллайди.

Болалар кул уюлиб ётган ерга келиб тўхтайдилар.

Улар хас-чўп йиғишади. Ўзлари дарё бўйидан олиб
келиб, териб қўйган тошлар устига ўтиришади. Гулхан
ёнади. Олов узун тилини чиқариб, лабларини ялайди.

Энди уларнинг афти-ангори яхшироқ кўринади. Улар
саккиз-ўн ёшларда. Юзлари офтобда пишган, сочлари,
қош-кўзлари қора — қиёфаларидан ҳам, ўзларини сипо
тутишлари билан ҳам, кап-катта одам! Лекин гап-сўз-
лари — бола: уларнинг болалиги ҳали ўтмаган.

— Бугун Насим биз билан бўлмади-да!

— Кўрдинг-ку, ош еб ўтирибди!

— Ўзи, у, бизга кам қўшиладиган бўлиб қолди!

— Бундан буёғи қўшилмайди ҳам! Уйда иши кўп!

— Эй болалар, эшитдингларми, Насим уйланаман, деб юрибди! Менга ўзи айтди!

— Ҳозирданми?! Жинни! Хотинни нима қилади?! Бурнини артсин!

— Биров ҳазиллашса, ишонган бўлса керак-да! У жуда содда!

— Олдинги пайтлар саккиз эмас-ку, ўн тўрт-ўн беш ёшда болалар уйланган! Менга Саксон тоға айтдилар!

— Насим биздан анча олдинга кетиб қолган! Айби шу! Сенлар бекорга ундан куляписизлар...

3

Насим эрталаб ҳовли ёнидан ўтган сувда юз-қўлини ювади. Уйга кириб, нонушта қилади; ҳар кунгидек бир коса ширчай ичади.

Ниҳоят, ҳовли орқасидаги илонизи сўқмоқдан сигирини кўл томон етаклаб бора бошлайди. Сигирнинг бўйнидаги арқоннинг бир учини қўллариға ўраб, қўлларини чоллардек белида тугун қилиб олган! Унга бош эгиб, хомуш эргашган сигирга—уйда иши кўп бўлса ҳамки—қисталанг қилмайди; сигир тўхтаб-тўхтаб, йўл четларидан ўт чимдиб, юрсамми-юрмасамми,—қабелида эринчоқ судралади.

Қамишзор—кўл бўйига етиб келгач, Насим қозик қоқиб, арқоннинг учини боғлайди. Энди жонивор кечгача шу ерда ўтлаб ётиши керак!

У кўлнинг иккинчи бетидан айланиб, уйга қайта бошлайди. Шу пайт қамишзор этагида ўтирган кимнингдир қизил рўмолига кўзи тушади.

Насим шошганича яқинлашади. Тўхтайди.

Шамолда рўмол ҳилпирар, рўмол остидаги ингичка елкалар силкиниб-титрар эди!

Насим лаҳза ичида, бу — Робия эканлигини сезади. Робиянинг ёлғиз йиғлаб ўтирганини ҳам сезади. Ва лаҳза ичида, тунов куни Робиянинг онаси ўлгани-ю, катталар қирнинг бир этагидаги қабристонга қўйиб келишганини эслайди.

У япаски бир тош устида чўнқайиб ўтирган қизчанинг ёнига боргиси, оёқлари остида тиз чўкиб, яқиндан, пастдан юз-кўзларига қарагиси келади. У яна, йиғлама, биз кўпчилик—бутун қишлоқ, мен сенинг дўстингман, деб қизчага ўзича таскин бергиси келади! Лекин шу сонияда унга, Қундуз кўпроқ дўсти эканлигидан, Робия-

га нисбатан ўзи қачондир хиёнат қилгандек бўлиб туюлади. У беихтиёр ўкинади ва худди шу сонияда, олдинги ҳолатга зид, унга ўзи дунёда Робияни ҳаммадан кўп қадрлаган, яхши кўргандек ҳам бўлиб туюлади!

Насим кўксини тўлдириб келаётган силсилага чидаёлмай, югура бошлайди. Қамишзор — кўлдан анча нарига боргач, бирдан хўнграб юборади...

4

Ўрта ёшлардаги бир жувон беш-олти ёшдаги икки оёғи мажруҳ қизчани автобусга, митти қўлтиқтаёқлари билан бирга, кўтариб чиқади. Ўрнига жойлаштириб, ёнига ўтирганича, секин, аммо чуқур хўрсинади.

Қизча афтидан, бепарво, ҳатто қандайдир бахтиёр! Завқланиб, ойнадан кўчага қарайди. Ойисининг қўлларига аста тегиб қўйиб, нималарнидир шипшийд. Ойисини вазмин бош силкитади.

Йўловчилардан биров уларга ачиниб қарайди. Биров юзини четга буради; уларни кўрмаганга олади.

Автобуснинг олд-орқа қопқаларидан бир тўп бола лип этиб киришади. Улар назоратчи йўқмикин, деб у ён-буйи аланглашади.

Қизчаси билан ўтирган жувон уларга ғамгин тикилади. Қизча ҳам тикилади. Болаларнинг шўхлиги, шумлигини, негадир унинг кулгисини қистатади. Ойнага юзини босиб, беозор кулади...

Автобусда кетаётган Насим жувонга, қизчага разм солади.

Болаларга қўшилиб, улардан ўтказиб, пақ масхаравозга айланиб, унинг ҳам турфа ҳунарлар кўрсатганча, қизчани суюнтиргиси келади! Бироқ у, биринчи навбатда, ўзининг усти-боши қишлоқча-қўполроқ эканлиги-ю, бу намоёнишда ундай қилолмаслигини ҳис этади. Кейин, умрида аввалдан сипо юришга одатлангани-ю, унга ўйин ярашмаслигини ҳис этади! «Сенинг ўйининг ҳам, ҳаётинг ҳам—меҳнат!» деган бир гап ҳаёлидан кечади.

Жувон қайтиб автобусдан кўтариб тушган қизчанинг ортидан ҳамон разм солиб, Насимнинг беихтиёр киприкларини намланади. Унга ўзи бу дунёда—ҳеч ким эмас! —мана, шу қизча учун яшаб юргандек бўлиб туюлади...

УИ ПАРРАНДАСИ

(Эски воқеалар)

Қишлоқда кечган болалик кунлари ёддан мангу ўчмайди...

Қўлга тушганимда оёғим устидан сап-сарик илон ўрмалаб беозор ўтиб кетгани эсимда. Башанг аравакаш қамчини бошига кўтариб, ҳай-ҳайлаб, аравасини ғилдиратиб елганда—ўзимни аравага уриб, бир ўлимдан қолганим ҳам эсимда. Опам Қаромат билан ҳовуз бўйидаги букри дарахт атрофида қувлашмачоқ ўйнаганларимиз, ўрикнинг уч-учига маймундай тирмашиб, пастда турган опамнинг дўпписини ялтироқ довуччага тўлдириб берганларим ҳам эсимда! Қаромат—сочлари чиройли, майин, эғнида гуллари катта-катта кўйлак, нима десам, ишониб анграйиб қарайдиган қизалоқ эди ўшанда. У менга ўхшаб шўхлик қилмоқчи бўлар, лекин дарахтдан йиқилар, усти йиртилар ва ўзидан эмас, доимо мендан норози бўлиб, аразларди. Тўғриси, биз ўйна кунлар кўм-кўк ўт-ўланлар орасида, қалин дарахтлар шохида учиб-учиб ўйнаган қушчалар эдик!

Қишлоқ мактабида мен биринчи синфни, опам учинчи синфни битирган пайтда шаҳарга кўчиб келдик. Минорай Қалон яқинидаги мактабга жойлашдик. Мен биринчи кундан ўқишимнинг мазаси йўқлигини пайқаб, китобга шўнғидим, аччиқма-аччиқ ўқишни маҳкам тутдим. Аммо опамнинг иши, шаҳарга келганимиздан бошлаб, тескарисига кетди.

Қароматни ҳам мактабда синовдан ўтказиб, мен сингари, яхши ўқиёлмайдиганга чиқаришди. Лекин, уни тўртинчи синфга эмас, тағин учинчи синфга қўйишди. Қишлоқда муаллимнинг аълочи қизи бўлган опамга бу қаттиқ таъсир қилди. Устига устак, муаллима билан гапи чиқишмади. Урушдан кейинги оғир, машаққатли давр эди. Шунга қарамай, болаларга меҳрибон, куюнчак муаллимлар кўп эди! Лекин бу муаллима бошқача; унга юқори синф ўқувчилари «Азроил» деб ном қўйишган эди. Уни «Ажойиб» дейдиган, мақтайдиганлар ҳам йўқ эмасди. Бировга муносабатда ҳар ким ўзидан келиб чиқар экан-да! Қандай бўлмасин, мана шу Ажойиб-Азроил опамни қийнай бошлади. Уни кунда тергар, уришар эди.

Бизда ўқиш соати гоҳо озроқ бўлар, мен дарсдан кейин опамлар синфига мўралардим. Муаллима исминини чақиргани заҳоти опам бошда ўзини эшитмаганга

олар, кейин сапчиб турар, қўллари, елкалари титрар, бегуноҳ, ҳимоясиз кўзлари жавдирарди. У саволга жавоб бермасди, муаллима эса болаларга қараб:

— Бу қиз ўқиёлмайди! Қалласига гап кирмаса, мен нима қила оламан?!—дерди.

Мактабда ҳали «яңги» бўлганимиз учун, Каромат бошқа болалардан ёрдам ҳам ололмас, ийманар, эркатойроқ аълочиларнинг мазах қилиб устидан кулишлари уни янада улардан узоқлаштирар эди.

Опам кўпинча мактабдан йиғлаб қайтар, алам билан, онам латтадан тикиб берган, сиёҳ доғлари остида рангини йўқотган жилдни бир чеккага улоқтирар эди.

Мен уни айблагим келмасди. Кўзимга рўй бераётган воқеалар бари табиий ва оддий бўлиб кўринса-да, қишлоқдан келган қизалоққа муаллимнинг кескин муомаласи ва аълочиларнинг мақтанчоқ кулгиси менга ёқмас эди! Кўнглимда бу нарсалардан норози эдим. лекин ақлим етиб, бу норозиликни бировга тушунтириб беролмас эдим.

Муаллима бир кун Кароматдан одатдагидай, дарсни сўраган, Каромат бўрни олиб у айтган рақамларни тахтага ёзган, бироқ ҳеч ҳисоблай олмаган. Муаллима дағдаға қилиб, унинг қўлидан бўрни тортиб олган, уни жеркирган. Опам қўрқув ва алаmidан йиғлаб юборган.

— Эҳ, жонимдан тўйдим... безор бўлдим шундан! — деган муаллима эркатой ўқувчиларига юзланиб.

Каромат бунга чидай олмай, жилдни кўтарган-да, синфдан чиқиб кетган.

Уйга кириб келгач, бу гал оёқ тираб:

— Энди мактабга бормаيمان, ҳеч бормаيمان! — деб туриб олди.

Эртаси кун мактабга иккимиз эмас, ёлғиз ўзим йўл олдим. Кўнглим ҳамма нарсадан совигандай, мен учун ҳам ўқишнинг маъноси қолмагандай эди.

Мен болаларга кам аралашадиган, нуқул хаёл сурадиган бўлиб қолдим. Мактаб ҳовлисидаги қий-чув, тўс-тўполон, болаларнинг шўх-шўх ўйинлари менга аллақандай бегона, мендан узоқ бўлиб туюла бошлади!

Йўқ, бу ҳол кўпга бормади. Мени синфдошларим ўз давраларига тортишди. Энди ҳар кун — мактаб олдидан ўтаётганида — қулоқларини муқом билан қимирлатадиган чолдан «таълим олган», артистликка қизиққан Шариф деган боланинг қулоқларини тинмай қимирлатишини кўриб, мен ҳам болаларга қўшилиб куладиган бўлдим. Дарс пайтлари партанинг тахтасини

оёғи остига қўйиб тикирлатиб ўтирадиган, тиниб-тин-чимас Ҳамдам билан ҳовлимиз орқасидаги яланг май-лонда тўп тегишга ҳам иштиёқ туғилди менда.

Биз кун сайин шўхликдан жиддийликка ўтмоқда эдик. Мактаб саҳнасида пьесалар қўя бошладик, мен уйдан отамнинг чопонларини ўғринча келтирардим. Шариф театрдан ясама соқол, ҳар хил бўёқлар келтирарди. Ҳамдам эса, пьесани қандай қўйишни ўйлар, уни ўзинча нари-бери кўриб чиқар, гуё «режиссёримиз» эди.

Мен энди ўзимни қушдек сезардим. Гоҳо кунни бўйи мактабдан оёғим узилмас, уйда ҳам хаёлимда фақат шу — катта ва азиз хонадон айланар эди. Аммо... Каромат чиндан қайтиб мактабга бормади. Бир-икки кун отам билан онам: «Бор энди, қани тўр, чойингни ичиб жўна»,—деб айтиб юришди. Мактабга бормаётганимиз эсларига тушса, рости ёлғон пўписи ҳам қилишди. Лекин фойдаси бўлмади!

Шундан кейинги воқеалар, назаримда, жуда тез рўй бергандек! Каромат мактабдан гап очилмаслигини истар эди. Эсларига тушмасин, индашмасин, деб ўзини уй юмушларига урди, мўмин ва итоаткор бўлиб қолди. Кундан-кунга уй ташвишлари совуқ бағрига тортди уни. Деярли ҳамма юмушлар онамнинг қўлидан унинг қўлига ўтди. Бўйинини қисиб, уй юмушларига уринар экан, уй паррандасининг ўзгинаси эди у!

Бир кунни ҳовлимизга оёғига ёғоч бойлаб ўйнайдиган қизиқчи, доирачи, сурнайчи келди. Доира даранглар экан, бу менга опамнинг гуп-гуп ураётган юраги бўлиб туюлди. Сурнай чийиллар экан, бу менга алла қандай нола бўлиб туюлди. Умримда биринчи марта доира ва сурнай садоси кўнглимга ғашлик солди. Шу кунни опам биздан узоқлашиб кетаётганини ҳис этдим! Унинг болалиги ўтгани, энди у катта бўлиб қолгани, тўйдан сўнг — гапдан ва уй ишларидан бўлак нарсани билмаган аёллар даврасига қўшилиб кетишини ўйлаб, изтиробга чўмдим. Унинг синфдошлари энди ҳар ерда яна ўқиб, ҳар ерда ишлашаётгани, кўзга кўриниб, «фасон қизчалар» бўлиб қолишганини ҳам ўйладим. Булар ичида опамнинг бутун болалиги хароб ва ачинарли эди.

Мен ўз уйимдан узоқлашдим. Тақдир мени бу ердан йироқларга олиб кетди! Келганимда, опамнинг уйига бордим ва у бола-чақалари билан ўралашиб, бўйинини қисганча уй юмушларига уринаётганини кўрар эканман, кўз ўнгимда яна уй паррандаси жонланди.

Икки кундан кейин опам уйимизга келди. Китобларни титкилаётганимни кўрди. Ажи-бужни суратлар солинган бир китобни қўлига олиб, боғча боладек, содда қизиқсиниш билан тикилди. Хаёлим кочди. Буни пайқаб, титраб-қақшаб кетди опам:

— Ҳаммадан орқада қолдим! Нега бундай бўлди-а?!

Нафаси ичига чуқди. Кейин тезда нариги хонага йўналди. Ярим соатлар ўтиб, мен ҳам чиққанимда, Каромат эски ҳолатига қайтган эди! У онамга бозордан нималар олгани-ю, уйига бориб нималар қилишни кераклигини, шунга ўхшаш майда-чуйда юмушлар ҳақида ўз гапларини гапириб ўтирарди.

Мен Кароматдан олдин кўчага йўл олдим. Осмон қоп-қора булут; ёмғир эзиб ёғар эди. Кўча муюлишига етганимда, тасодифан, ерда патиллаётган мусича палапонни оёғим остидан чиққандек бўлди. Инга олиб қўйишни ўйлаб, аланглар эканман, қўнқайган уйнинг бўғотига кўзим тушди. Инда она мусича кўзларини чирт юмиб, бўйинини қисганича, жунжикиб ўтирарди. Полопонни кўтариб инга қўяр эканман, полопонни йиқилганидан беҳабар қолган она мусича сесканиб кўзларини очди ва боласини олиб қўйишимдан кўрққандек, ҳурпайиб, нотинч типирлади...

Кетдим. Йўлда ўзимча, бу дунёда издан чиққан нарсалар кўплигини, уларни енгилгина изга солиб бўлмаслигини ўйлар эдим! Бу хаёл мени қийнар; ёмғир ҳамон эзиб ёғар эди...

ХУМ ИЧИДАГИ ОДАМ

Бу воқеани айтаман-ку, ишонмайсиз.

Ақлимни таниб-танимаган пайтим. Тахминан тўрт ёшлардаман. Укам Ҳабибжон икки ёшларда.

Ошхонамизда ерга бўғзигача кўмилган каттакон хум бор. Ёзда сувга тўлдирилади. Сув зарур бўлмаганида бўм-бўш ҳам тураверади.

Бир кунни уйда катталар йўқ, ҳовлида укам билан ўйнаётиб, негадир ошхонага кирдим. Хумга кўзим тушди-ю, қотиб қолдим. Биров хум ичида, бошини хумдан чиқариб ўтирарди.

Уруш энди тугаган. Шаҳарда ўғри, қочоқ, ҳар хил шубҳали одам учрайди! Лекин мен бунга кейинроқ тушунаман. Ушанда эса ажабландим, холос.. Бояги одам бошини тортди. Мен бироз яқинлашиб, хумнинг ичига

қарагим келди. Шу палла назаримда, укам мени чақирди! Ва шу палла, мени қандайдир қўрқув босди!

Орқамга қайтиб, Ҳабибжонни қўлидан тутдим-да, кўчага етакладим. Биз тор кўчадан катта йўлга қараб кета бошладик. Катта йўлга етганимизда, қаёқдандир ҳаллослаб дадам келиб қолди.

Хум ичидаги одам эсимдан чиққан эди. Уйда отам, онам, ўқувчи, ишчи опаларим — ҳамма тўплангач, анчадан сўнг, у лоп этиб кўз олдимда жонланди. Бу кунги кўрган-кечирганларимни катталарга тушунтирган бўлдим.

Кеч кира бошлаган эди. Лампа-чирок ёқиб, ҳамма ошхонага ёпирилди. Бирма-бир хум ичига қарашди.

Хум ичидаги одам йўқолган эди!

Катталар менга, шунчаки кўзингга кўрингандир, деб қўяқолишди...

Мана, орадан узоқ йиллар ўтди.

Баъзан бу воқеани эслаб, мен укам билан ўша кунни нега тор кўчадан катта йўлга қараб кетганимиз тўғрисида кўпроқ ўйлайман. Бунга менинг қўрққаним сабабмиди?! Балки, шундайдир. Балки, бошқача. Биз ўша кун илк бора торгина ҳовлига сиғмагандирмиз?!

Буюк бир шоир: «Менга ушбу жаҳон сиғади, мен бу жаҳонга сиғмасман!»—деган экан. Кенгликларга интилиш, кенгликларни қўмсаш—инсонга хос. Айниқса, ёзувчи. Жаҳонга сиғмаслик туйғуси бўлмаса, асар ёзиш қийин.

Сизни хум ичидаги одам бўлишдан Худо асрасин!

1250

МҲНДАРИЖА

Афлотун

Роман

3

Қиссалар

Болаликка саяхат

Осмон узок, ер қаттиқ

Вазифа

97

122

148

Ҳикоялар

Кечаги болалар

Уй паррандаси

Хум ичидаги одам

183

187

190

Адабий-бадний нашр

ОМОН МУХТОР

АФЛОТУН

Роман, қиссалар, ҳикоялар

Тошкент «Маънавият» 1998

Муҳаррир М. Исоқова

Техн. муҳаррир Т. Золотилова

Мусаҳҳиҳ С. Абдусаматова

Теришга берилди 16.07.98. Босишга рухсат этилди. 04.09.98. Бичими 84×108^{7/32}.
 Литературная гарнитураси Юқори босма усулида босилди. Шартли 6 т. 10.08.
 Шартли кр.-отт. 10,5. Нашр т. 10,52. 7000 нуска. Буюртма № 99. Нархи
 шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти, Тошкент, Шодлик кўчаси, 6. Шартнома 15—98.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Тошкент китоб-жур-
 нал фабрикасида chop этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кў-
 часи, 1-уй. 1998.